

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 9 (148)

2009 йил, сентябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

www.jad.uz

МУНДАРИЖА

## ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА

Зайниддин ВОСИФИЙ. <b>Тошкент ва унинг боғлари</b> .....	3
НАСР	
Иван ВАЗОВ. <b>Зулм исканжасида</b> . Роман.....	9
Холида ИСРОИЛ. <b>Қор кўп ёққан қиш</b> . Қисса.....	64
ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ	
Римма КАЗАКОВА. <b>Оналик – бу севинч, ҳарорат</b> .....	56
Стивен КРЕЙН. <b>Йўлчи йўл танлади ҳақиқат томон</b> .....	96
МОЗИЙДАН САДОЛАР	
Мусо МАМАДАЗИМОВ. <b>Улуғбек мероси жаҳон олимлари нигоҳида</b> .....	100
ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ	
Дейл КАРНЕГИ. <b>Имконни бой берманг</b> .....	104
АДАБИЙ ЖАРАЁН	
Улуғбек ҲАМДАМ. <b>Бадиийлик мезонларининг умрзоқлиги</b> .....	138
Андрей СТОЛЯРОВ. <b>Машаққатли йўл</b> . (Сухбат).....	142
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Шерали ТУРДИЕВ <b>Тарихга янгича назар</b> .....	145
КИТОБЛАР ОЛАМИДА	
О.АБДУЛЛАЕВ, Х.САМАДОВ. <b>«Заковат» хазинасига илк қадамлар</b> .....	151
САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА	
Чингиз АБДУЛЛАЕВ. <b>Борса келмасдан қайтганлар</b> . Роман.....	156
<b>Янги нашрлар</b> .....	204

ТОШКЕНТ  
СЕНТЯБР

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир Ҳайъати:**

Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Азиз САИД  
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Анвар ЖАББОРОВ  
Абдулла ИСМОИЛОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Абдурахим МАННОНОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Азимжон ПАРПИЕВ  
Файрат ШОУМАРОВ  
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ

Набатчи муҳаррир Г. МУҲАММАДЖОН  
Техник муҳаррир У.КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 9. 2009**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналада эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.  
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди. 05. 09.2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1250 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2009 й.**

---

## Тошкентнинг 2200 йиллигига

Зайниддин ВОСИФИЙ

### Тошкент ва унинг боғлари

**Б**ир неча нукта, эй аржуманд, тингла,  
Мулки Тошканд васфин бул сифат тингла:

Бул диёр хўблиғи ҳар қайда бутун  
Собит ва аёнди доно халқ учун.

Оҳ, қандай мулкдир бу, равзайи ризвон<sup>1</sup>  
Хижолатдан бўлмиш кўзлардан пинҳон.

Кимки муқим бўлса ул диёрда, бас,  
Хулду<sup>2</sup> наъиймни<sup>3</sup> ҳам бошқа эсламас.

Ўзга жойда тирик бўлгандан кўра  
Ул диёрда ўлмоқ яхшидир, қара.

Шамол туфроғини элтар фалакка,  
Тўтиё қилғали чашми малакка.

Суви шундоқ ширин, ул оби ҳаёт  
Уятдан зулмотга<sup>4</sup> беркинмиш, ҳайҳот.

Гар хабар топсайди бу сувдан Хизр,  
Зулмот томон алам кўтармасди бир.

Бурак наҳри суви доимо равон,  
Жинон<sup>5</sup> боғларида Салсабилсимон.<sup>6</sup>

Ости соф тошлоқдир, боқ, дурри самийн,<sup>7</sup>  
Сирға қилса арзир ани ҳури тийн.<sup>8</sup>

---

Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси, Абу Бакр Қоффоли Шоший мақбараси таркибида Зайниддин Восифий исмли муҳтарам шахснинг қабри бор. Нақлга кўра, мақбарага кираваришдаги чап тарафдаги дахма у зотга мансубдир.

Шайх, шоир, адиб ва аллома бўлган бу зотнинг тўлиқ исми Шайх Зайниддин Маҳмуд ибн Абдужалил Восифийдир. У киши Хуросон мамлакатига тугилиб ўсган (1486), шеърый муаммо санъати борасида моҳир бўлгани учун ёшлигидан Амир Алишер Навоий назарига тушган, 1511 йилгача Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Фаридун Ҳусайнга котиблик ва бошқа ўғилларига муаллимлик қилган.

У киши ҳижрий 918 йил бошларида, милодий 1512 йилда Ҳиротдан Мовароуннаҳрга сафар қилади. Аввал Самарқандда бир йил истиқомат қилиб, кейин Бухорога боради, бир

Хушбўй насимлари бағоят марғуб,  
Рухпарвар маҳбубнинг нафасидек хўб.

Сабо хубобидан сақийм<sup>9</sup> – бемор жон  
Дарҳол шифо топиб, соғ бўлур шу он.

Маҳвашлардек анинг олови дилкаш,  
Лекин дилкаш маҳваш лаъли ул оташ!

Бас, кимки хоҳласа, фитнасин кўрсин,  
Анинг шуъласида тобланиб турсин.

Шуълалари бошдан юксак ҳамиша,  
Ҳар бири мисоли зар тўла шиша.

Тутун оловлардан ажраб чиққанда  
Лолазорда сарвлар пайдодир анда.<sup>10</sup>

Шаҳар теграсида ҳар тараф боғдир,  
Адн<sup>11</sup> кўнглида ҳам ул сабаб доғдир.

Анинг чорбоғларин васф этсам сўздан,  
Эрам боғлари ҳам чиққайдир эсдан.

Тераклар бўй чўзиб турганда қатор,  
Нозпарвар ёр анинг қошида ночор.

Гўзаллар кўрса ул қоматни – бўйчан,  
Уятдан қошида тек қолур, ўйчан.

Мисли кўп санаббар қадли сийминбар -  
Ҳар тараф бўй чўзиб турибдир аръар.<sup>12</sup>

Сувда акс этгувчи толнинг барглари -  
Кўлда тўрга тушган балиқлар бари.

Қизил гуллар акси чаман узра нор –  
Айман водийсининг оловича<sup>13</sup> бор.

Яшил гулбун узра тугилган гунча –  
Гулгун майга тўла ям-яшил хумча.

қанча вақт у ерда тургач, сўнг Туркистон шаҳридан 40-50 чақирим масофа бўлган Саброн (баъзи манбаларда Саврон) шаҳрига келади. Кейин у ердан Фарқанд (Паркент)га, ундан Тошкентга, ундан Шаҳрисабзга, ундан яна Самарқандга, ундан Сирдарё бўйидаги Шоҳрухия шаҳрига, ундан Оҳангаронга ва яна Тошкентга келади.

Тошкент султони Севинчхожагон вафот этгач (ҳижрий 931, милодий 1525 йил), ўғли Келдимухаммад Султон унинг ўрнига ҳукмдор бўлди. Унинг устози бўлган Восифий шу сабаб билан Тошкентда доимий яшаб қолди, 1566 йилда шу ерда вафот этди, шу ерда - Ҳазрати Имом мақбараси ҳудудида дафн этилди.

Васифийнинг Тошкент ва унинг боғлари ҳақидаги насрий ва шеърий баёнлари улуг ҳайрат, муҳаббат ва садоқат намунасидир. «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асаридан у зот, ҳақиқатан, Тошкент шайдоси эканлиги маълум бўлади.

ТАРЖИМОН

Ё маҳзун андалиб юрагисимон  
Усти рангиндир-у, ичи тўла қон.

Воҳ, галат қилибман, гул тўла бу боғ  
Андалиб кўнглига солиб турар доғ.

Бу боғнинг булбули шавқ ила нолон,  
Гулнинг бедодидан чеккайдир афғон.

Ариқ бўйларида бунафша ҳоли  
Кўнғироқ юнгли тўп қўзи мисоли.

Ё йўқлик мулкидан қатор ва қатор  
Нилий гул келтирмиш карвони баҳор.

Савсан ҳам гунчалаб, мушт тугиб дилдан,  
Бармоқларин кўм-кўк қилибдир нилдан.

Бўёқчи менман, деб, ҳар боғда хил-хил  
Саббоғ<sup>14</sup> учун лойиқ гулман, дейди, нил.

Наргиз боққа келгач, кўз тегиб ул дам,  
Бемордек чўзилиб қолмиш сарв ҳам.

Шул сабаб тил чўзиб юз минглаб гунча,  
Сарвга дам солур, то тузалгунча.

Растанинг гуллари — ҳамишабаҳор,  
Ул сабаб боғларда ҳамиша баҳор!

Варднинг<sup>15</sup> қадамига нисор этиб шод,  
Ашрафийлар<sup>16</sup> сочмиш чаманда бисот.

Қорун ганжи ерда кўмилганди хор,  
Очди ул хазина оғзини баҳор.

Гулхайри ҳар томон бўлибдир қалқон,  
Куббаси гавҳарга забаржад ҳар он.

Ул ганж қўлга кирсин дея, холосдир,  
Баҳор бошимизда гавҳаршуносдир.

Лолазорни ошён айламиш булбул,  
Оғзидан ўт сочар гул ғамида ул.

Тонг ели лолани ҳованча айлаб,  
Чаманда хушбўйлик туяр авайлаб.

Гуноҳкор ҳиндудек арғувон, яъни  
Калтаклар зарбидан қораймиш тани.

Калтакдан жисмида кўп яраси бор,  
Танида юз минглаб қон қатраси бор.

Занбақ<sup>17</sup> гунчасининг нурида — боғда  
Кофур<sup>18</sup> шамъи қолмиш беривож, доғда.

Ёрнинг бармоғидан бериб бир нишон,  
Кумуш шишаси ҳам бўлмиш намоён.

Боғнинг келинлари ёпганда ниқоб,  
Настарин бошида - ҳаёдан ҳижоб!

Кумри боққа кириб беҳуд ва сармаст,  
Сарв шохларига жойлашди бир пас.

Гулнинг муждасини туйиб ҳар ёндан,  
«Ку-ку»лаб<sup>19</sup> нолалар чиқарди жондан.

Қушлар дарахт узра, маснад олийдир,  
Ҳар бири минбарда битта қорийдир.

Барчаси шавқ аро айлашиб нидо,  
Яратганга айтур тасбиҳу сано.

Мевалар васфин ҳам тингланг бу кезлар,  
Шарбат булоғидир ундан оғизлар.

Узумлар васфини солсам баёнга,  
Улар гаров эрур дурри ғалтонга.<sup>20</sup>

Нозик соҳибийлар, назарда, ҳоли —  
Дилбарнинг бир нозик лаъли мисоли.

Шаксиз, хусайнининг ҳар бир донаси —  
Қимматбаҳо дурнинг энг дурдонаси.

Юлдуз шодасидир бобакий шингил,  
Ишком осмонига чиққилу кўргил!

Кўракийлар<sup>21</sup> қандга гаров бўлгайдир,  
Наботдан шакарханд қилиб қулгайдир.

Шакарузумлари шакардан устун,  
Наботу шакар бер баҳоси учун!

Ким ариқ бўйида қовун сўйибдир,  
Беҳишт мевасини ёддан қўйибдир.

Набот тоти етиб қовунига, бил,  
Таъми лаззатига бўлгач муқобил,

Миср аҳли сиёсат ила қаҳрдан  
Чўп ила чиқармиш уни шаҳардан.<sup>22</sup>

Қандга тенглашганда қовун, сездилар,  
Одамлар ул қовун бошин кесдилар.

Кўкчаси жонга тенг, жондан ўтодир –  
Жон унинг олдида арзон матодир!

Кўк ва нозик мисли – жони ширин бу,  
Кўкдор нозикларнинг шеваси ушбу:

Халқ ҳам амирийдан топгач ҳаловат,  
Олди Алишердан илми назокат.<sup>23</sup>

Яна меваларким, сақламиш бўстон,  
Васфида сўйлайин шарҳ ила дoston:

Ҳар бир аноридир нори пистоний,  
Лаъл кони ва лекин лаъли руммоний!<sup>24</sup>

Лаълу ёқут тўла ҳуққадир анор,  
Жону дил олгайдир ундан қут, мадор.

Нашвоти васфини этолмам баён,  
Оғиз сувга тўлгай фикридан чунон.

Ҳар бирини набот шишаси дерсиз,  
Ёки оби ҳаёт кўзаси дерсиз.

Олмаси васфида не дейин бу он? –  
Кўйинг, гавғоларга тўлмасин жаҳон!

Ҳар бири дилбарлар занахдонидир,  
Ким кўрса, дил анинг армуғонидир.

Аллоҳ тинч асрасин, беҳисига боқ,  
Ундан яхшиликка юз тутибдир боғ!

Беҳишт беҳисининг ранги ундадир,  
Ризвони ҳулд ўзи гўё шундадир.

Бошқа мевалардан бор яна анжир,  
Хўбликда йўқ унга ўхшаш ва назир.

Улардан ҳар бири жонга ҳаловат,  
Маъсумлик тимсоли, пок ва саломат.

Тириклик конидан будир бир аркон,  
Бу бино то абад бўлмасин вайрон!

<sup>1</sup> Р а в з а й и р и з в о н – жаннат боғи; равза – боғ, жаннат боғи.

<sup>2</sup> Х у л д – «жаннатул-хулд» - мангулик боғи, абадий қолинадиган жаннат.

<sup>3</sup> Н а ъ и й м – «жанатун-набийм» - неъматлари мўл жаннатлар.

<sup>4</sup> З у л м о т – Ер юзи қоронғу бўлагининг шимолий қисми; нақлга кўра Хизр алайҳиссалом у ерда тириклик сувини ичиб, абадий ҳаёт топганлар. Яна нақлга кўра, Искандар Зулқарнайн обихаётни излаб, у ерга борган. Байтларда шу маъноларга ишора бор.

<sup>5</sup> Ж и н о н б о г л а р и – жаннатларнинг боғлари.

<sup>6</sup> С а л с а б и л – жаннатдаги бир булоқ номи.

<sup>7</sup> Д у р р и с а м и й н – қимматбаҳо марваридлар.

<sup>8</sup> Ҳ у р и ъ и й н – оппоқ юзли, катта ва шаҳло кўзли ҳур қизлар, жаннат ҳурлари.

<sup>9</sup> С а қ и й м – бемор, дардли.

<sup>10</sup> Восифий юқоридаги байтларда тўрт унсур: шамол, тупроқ, сув ва оловни таносуб санъати ила ифода этмоқда.

<sup>11</sup> А д н – «жанноти ʼадн» – адн жаннатлари. Қози Байзовий уни пайғамабарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар учун хослаб қўйилган муҳташам ва муъаззам бир жаннат эканлигини «Тафсир» китобида билдиради.

<sup>12</sup> А р ʼ а р – тик ўсадиган арча; тоғ сарв дарахти.

<sup>13</sup> А й м а н в о д и й с и н и н г о л о в и – Мусо алайҳиссаломнинг кўзига дарахтдан кўринган олов.

<sup>14</sup> С а б б о ғ – бўёқчи, ранг берувчи.

<sup>15</sup> В а р д – хушбўй атиргул.

<sup>16</sup> А ш р а ф и й – муҳр (зарб) урилган олтин.

<sup>17</sup> З а н б а қ – ёсуман гули.

<sup>18</sup> К о ф у р – гоятда оқ ва хушбўй модда.

<sup>19</sup> «К у - к у» ламоқ – бу ўринда ҳам кумрининг овози маъносида, ҳам форсийда «Ку-ку?» – «Қани- қани?» деган савол маъносидадир.

<sup>20</sup> Д у р р и ғ а л т о н – йирик юмалоқ дур.

<sup>21</sup> К ў р а қ и й – узумнинг бир тури.

<sup>22</sup> М и с р а ҳ л и – ўтган замонларда Мир халқи новвотни ип ўрнига чўпга қуйиб таёрлар эди. Миср новвоти новвотларнинг энг яхшиси бўлганидан савдогарлар уни шаҳар ва мамлакатдан ҳар томонга олиб чиқиб кетишар эди. Байт шу ҳодисага ишоради.

<sup>23</sup> О л д и А л и ш е р д а н и л м и н а з о к а т – Восифий бу ўринда қовуннинг «амирий» тури Амир Алишер Навоий номига нисбат берилган қовун эканлигига билдириш билан Навоийнинг таъби ҳам беҳад нозик эканлигига ишорат қилмоқда.

<sup>24</sup> Л а ʼ л и р у м м о н и й – анорранг (қирмизи) лаъл. (Руммон – анор маъносидадир.)

*Форс тилидан  
Мирзо КЕНЖАБЕК  
таржимаси*





Иван ВАЗОВ

# Зулм исканжасида

*Романдан боблар**БИРИНЧИ ҚИСМ***I. МЕҲМОН**

**М**ана шу сўлим, хушҳаво май оқшомида чорбожи<sup>1</sup> Марко эг-нида халат, бошяланг ўз болалари билан жамулжам ҳовлида кичик дастурхон атрофида ўтирарди.

Стол одатдагидек тош тарновдан қалдирғочдек куйлаб куну тун тинимсиз жилдираб оқиб ётган тиниқ ва муздек жилга билан девор тагида баланд-баланд қорайиб турган қўм-қўк шамшодлар орасидаги ток сўри остига тузалган эди. Настарин шоҳига чироқ ёқиб осиб қўйилган, унинг хуш бўйи таралиб турган нозик новдалари хонадон аъзоларининг бошлари узра эгилиб турарди.

Хонадон аъзолари оз эмасди.

Стол атрофида Марко амаки, унинг онаси ва хотини билан бир гала катта-кичик бола-бақра жой олишган, уларнинг қўлларида пичоқ, санчқи, ўртага нимаики қўйилса, худди «оч баччағардан қоч баччағар» деган нақлни амалга оширишга хезлангандай бир зумда еб битиришарди.

Ота ўтқир тишлари билан тошниям ҳазм қилиб юборадиган, ошқозонларини пишиллаб тўлдираётган болаларига мулойим назар ташлаб қўяркан, кулиб шундай дерди:

– Олинглар қўзиларим, тезроқ ўсинглар! Пена, яна винодан опке!

Хизматкор бориб ариқчада совуб турган винодан катта чинни косага қуйиб келиб, столга қўйди. Марко амаки косани болаларига узатиб завқ билан дерди:

<sup>1</sup> Болгарияда «Чорбожи» деб ўзига тўқ оилалар, ер эгалари, хуллас, бой одамларни айтишган.

*Русчадан  
Тўлқин АЛИМОВ  
таржимаси*

Таниқли болгар ёзувчиси Иван ВАЗОВ (1850–1921) Сопот деган шаҳарчада туғилди. Сопот, Карлово, Пловдивда ўқиди. Сўнгра отасининг хоҳишига кўра Руминияга бориб, савдосотиқ билан шуғулланди. Лекин савдо ишлари ёш йигитни ўзига жалб этмайди. Унда адабиётга қизиқиш устун келади. Ёш йигит жаҳон мумтоз адабиётини ўрганишга киришади. Дастлаб шеър, дostonлар ёзади. Кейин ҳикоя, қисса, романлари эълон қилинди. Унинг «Зулм исканжасида» (1889), «Янги ер» (1896) романлари, «Жарликка» (1908), «Борислав» (1909) драмалари, «Иссиқ жой изловчилар» (1903) комедияси болгар мумтоз адабиётининг дурдона асарлари саналади. Иван Вазовнинг машҳур «Зулм исканжасида» романидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

– Қани, ичинглар, шумтакалар!

Коса стол атрофида ўтирганларни бир айланиб чиқди. Болаларнинг кўзлари ёниб, ёноқлари қизарди. Марко бўлса, бундан роҳат қилиб тамшаниб қўйди. Ўз қилигидан хотинининг қовоғи осилиб кетганини кўрди-ю, ўгирилиб жиддий деди:

– Ичадиган бўлишса, менинг олдимда ичишсин, винога ружу қўйишмасин... Эсайганда хумнинг ичига тушиб ётадиган пиёниста бўлишларини хоҳламайман.

Марко амаки бола тарбиясига қаттиққўл эди. Эскича қарашдаги одам, маълумоти йўқ, лекин табиат ундан тўғри фикр юритиш қобилиятини дариг тутмаган, одамни яхши ажратади, у тақиқланган нарса кишига доим ширин кўринишини яхши билади. Шунинг учун болаларнинг табиатида ўғрилиққа мойиллик шаклланиб қолмасин, деб ҳатто пул соладиган сандиғининг калитини ҳам уларга ишониб топшираверарди.

– Гочо, бор сарв қутидан ҳамёнимни олиб кел, – деб қоларди баъзан.

Ёки бошқа ўғлига:

– Болам, тилла бор қутидан йигирма червон олиб қўй. Қайтганимда берарсан, – деб буйруқ бериб, чиқиб кетарди.

У пайтлар катталар овқатланганда болалар бир чеккада уларнинг ҳурматини бажо келтириб турадиган пайтлар эди. Лекин Марко меҳмондорчиликда ҳам болаларини стол атрофига ўзи билан ёнма-ён ўтказарди.

– Одамлар ичида ўзини қандай тутишни ўргансин, – дерди у. – Анко Раскоповга ўхшаб бировларнинг олдида тортиниб, одамови бўлиб ўтиргандан нима фойда.

Шуни айтиш керакки, Анко Раскопов қора костюм кийган одам йўлиқиб қолгудай бўлса, нақ уялганидан ер ёрилиб, ерга кириб кетгудай бўларди.

Уззукун савдо-сотик ишлари билан банд Марко болаларини фақат дастурхон атрофида кўрар, вақтдан фойдаланиб уларнинг тарбияси билан шуғулланарди.

– Дмитр, эсингни едингми, нега бувингдан олдин дастурхонга қўл чўзасан.

– Илия, пичоқни қассобга ўхшаб ушлама, нонни чопмайди, уни кесади.

– Гочо, намунча ёқавайрон бўп кетмасанг. Дастурхонга ўтирганда бошдан дўппини олиб қўяди одам деган. Сочингни ўсиб кетганини қара. Ганкога бор, бир казакчасига олиб қўйсин.

– Васил, оёғингни йиғиштир, бошқалар ҳам ўтирсин. Далага чиққанингда хоҳлаганингда ялпайиб ўтираверасан.

– Аврам, сен ўзи кимсан? Протестантмисан? Столдан овқат ҳам емай туриб кетасан!

Марко бундай насиҳатларни болаларига кайфияти яхши бўлган пайтлардагина қиларди; агар бирон нимадан хафа бўлса борми, дастурхон заҳарга айланарди.

Ўзи диндор ва художўй бўлган Марко ҳар хил йўллар билан болаларининг қалбига диний ақидаларни сингдиришга ҳаракат қиларди. Ҳар кун ич кечқурун катта ўғиллари санам қаршисида ўқийдиган кечки дуоларини эшитишга мажбур бўларди. Якшанба ва байрам кунлари эса ҳамма черковга бориши шарт эди. Бу одатга қаттиқ риоя қилинарди. Биронтаси бунга амал қилмаган кун оилада қиёмат-қойим бўларди.

Киро бир куни пасха пайти тавба-тазарру маросимида қатнашиши керак эди. Марко унга, бор черковда гуноҳингга тавба қилиб келгин, деди. Киро черковдан барвақт келиб қолди. Ростини айтганда, у руҳоний тугул, арвоҳниям кўргани йўқ эди.

– Тавба қилдингми?

– Ҳа, – жавоб берди ўғли.

– Кимга?

Киро бир оз эсканкираб қолди-ю, лекин дадил жавоб берди:

– Ҳазрат Энюга.

У отасини алдаган эди, чунки Эню ҳали ёш руҳоний бўлиб, ҳеч ким унга тавба қилмасди.

Марко ўғли алдаётганини билиб, ўрнидан ирғиб турди. Азбаройи ғазабланганидан Киронинг қулоғидан чангаллаб олди-да, кўчага судраб чиқди. Кейин шу кўйи черковга етаклаб бориб, тўппа-тўғри ҳазрат Ставрининг қўлига топширди ва унга: «Ҳазратим, мана бу эшшакни тавба қилдириб қўй!» деб тайинлади. Ўзи то ўғли тавба қилгунича кутиб турди.

Марконинг яна бир одати, ўқишни ташлаган одамларни ёмон кўрарди. Ўзи вақтида ўқий олмаганидан ўқиган, оқ-қорани таниган одамни жуда ҳурмат қиларди. Марко ўз интилишлари, ҳаракатлари билан бутун Булгорияни қисқа муддатда мактаб билан тўлдириб юборган маърифатпарварларни ҳимоя қилувчи ватанпарварлар тоифасига кирарди: ўзи аслида билим деҳқон, ҳунарманд, савдогарга керакми, йўқми эканини яхши тасаввур қилмасди. Яна ўқишни тугатганлар иш тополмаётганини, тирикчилигини ўтказолмаётганини кўриб турар, бу ҳол уни эзарди. Лекин илм-фан дунёни ўзгартириб юбориш қудратига эга бўлган бир сирли куч эканлигини ҳис қиларди. Марко худога қандай ишонса, фанга ҳам худди шундай ишонар, унга шак келтирмасди. Шунинг учун қўлидан келганча маърифат тарқатишга хизмат қилишга интиларди. Ўзи яшаётган Бяла-Черква шаҳарчасида бир умрга мактаблар нозири бўлиб қолишдек орзу унинг бутун борлигини қамраб олган эди. Ҳар сафар уни нозирликка сайлашарди. Унга ҳамма ишонарди, чунки у шунга муносиб эди-да. Марко оддийгина бу жамоат ишида жонини жабборга бериб ишлар, на вақтини, на меҳнатини аярди, зотан, ҳукумат билан боғлиқ, моддий жиҳати ҳам дурустроқ бўлган, айниқса, маҳкама дегандек, ҳар хил ишлардан ўзини олиб қочарди.

Стал йиғиштирилгандан сўнг Марко ўрнидан кўзгалди. У эллик ёшлардаги, бироз букчайган бўлса-да, келишган, алпқомат киши эди. Далама-дала, савдо ишлари билан бозорма-бозор юраверганидан шамол ва совуқдан пўрсиллаб кетган қоратўри юзлари ҳатто кулиб турганда ҳам жиддий кўринарди. Кўм-кўк кўзлари тепасидаги ўсиқ, қуюқ қошлари эса бу жиддийликни янада бўрттириб кўрсатарди. Лекин мана бу жиддий қиёфада қандайдир илиқлик, ҳалоллик, хушфеллик зуҳур этиб турардики, бу ҳол ўзига одамларнинг иззат-икром билан муносабатда бўлишларига сабаб бўларди.

Марко баланд шамшод дарахти остидаги қизил гилам ташлаб қўйилган сўрига ўтирди-ю, узун трубкасини торта бошлади. Хонадон аъзолари жилдираб турган чашма бўйига тўшалган кўрпачага ўтиришди. Кейин оқсоч аёл қаҳва сузди.

Бу оқшом Марконинг кайфияти чоғ эди. У бутун ҳовлини бошларига кўтариб қий-чув қилаётган болаларини завқ билан кузатиб турди. Улар у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Уларнинг шўх-шодон қичқириқлари, кулгилари, гаплари Марконинг қулоғига чалиниб турарди.

Қизиқ, нақ у шохдан бу шохга чаҳ-чаҳлаб учиб-қўниб юрган қушлар бозорининг ўзгинаси-я. Лекин бегидир, қувноқ ўйиндан ўт чиқди: аввал ҳақоратлар эшитила бошлади, кейин муштлар ишга тушди, охири бу йиғига айланди: қушлар бозори энди жанг майдонига айланган эди... Енгилганлар шикоят қилгани, енгилганлар ўзларини оқлагани оналарининг олдига югуриб келишди. Бирови ҳимоячи қилиб бувисини етаклаб олган, бошқаси ҳакамлик қилиш учун онасининг қўлидан тутган. Марко ҳам лоқайд томошабиндан қозига айланди. Ким ҳақ, ким ноҳақ, у ҳал қилиши керак эди, оталик бурчи шуни тақозо қиларди. Лекин қозилик удумига хилоф равишда болаларининг бировини оқламадиям, айбламадиям. Ҳукм оддий бўлди: бирининг бошидан силади, бошқасининг қулоғидан чўзди, кичикларининг эса — озор кўрганлари аслида мана шулар эди — юзларидан ўпиб қўйди.

Шу билан яраш-яраш бўлди.

Лекин шу он Иваница бувининг этагида ухлаб ётган кенжаси шовқиндан уйғониб кетиб, хархаша қила бошлади. Кампир уни қўлида тебрата бошлади.

Марконинг хотини уйдан чиқди.

— Асен қалай? — сўради ундан Марко.

— Ухлади, иссиғи тушди, — деди у.

— Бунақа кўрқинчли нарсани нимагаям кўра қолдийкин-а?! — деди ташвишланиб Иваница буви. — Мана, оқибат, касал бўлиб қолди.

Марко бир қошини чимириб қўйди-ю, лекин индамади. Гап шундаки, ўша кунни даладан черков ҳовлисига сувоқчи Генчонинг калласи танасидан жудо қилинган ўғлининг мурдасини олиб келишган эди. Кичкина Асеннинг мактаб деразасидан туриб мурдага кўзи тушиб қолган ва безгак тутгандай қалтирай бошлаган эди.

— Келинлар, ҳаммамиз барабар қўшиқ айтамыз. Васил, ҳозир сизларга нимадан дарс беришяпти?

— Умумий тарихдан.

— Ҳўш, қани, тарихдан сизларга нима ҳақда гапириб беришяпти?

— Испан ворислиги учун бўлган жанг ҳақида.

— Гишпанлар ҳақидами, ўзи? Қўй уларни, бизга керак эмас... Ундан кўра Россия ҳақида бирон нима гапириб бер.

— Нимани гапирай? — сўради бола.

— Масалан, Иван Грозний, ёки Бонапартнинг Москвага қандай ўт қўйгани ҳақида...

Марко гапини тугатмаган ҳам эдики, ҳовлининг қоронғи бурчагида бир нима гурсиллаб кетди-ю, тош деворга қурилган бостирманинг устидаги черепицалар тўкилиб тушди. Товуқлар кўрққанларидан қақолашиб, жўжалар чийиллашиб, қанотларини керганча ҳовлига ёйилиб кетишди. Дордаги кирларни тераётган оқсоч додлаб юборди.

— Қароқчилар! Қароқчи босди!

Тўс-тўполон бўлиб кетди. Аёллар уйга беркиниб олишди. Болалар тумтарақай қочишди. Унча-мунчага кўрқмайдиган Марко ҳам шовқин келган қоронғи бурчакка кўз ташлаб, ўзини уйга урди. Сал ўтмай отхонага яқин бошқа эшикдан чиқди. Унинг иккала қўлида иккита тўппонча бор эди.

Булар бари шу қадар тез содир бўлдики, ҳатто Марконинг хотини ҳушини йиғиб, эрини ушлаб қолишни хаёлига ҳам келтиролмади. Фақат Марко остонага етганда унинг ваҳимали овози эшитилди. Лекин унинг овозининг борича акиллаётган ва кўрққанларидан булоқ томонга югуриб кетишган итларнинг овозига қўшилиб кетди.

Дарҳақиқат, товукҳона билан отхона ўртасидаги қоп-қоронғи бурчақда қандайдир бир одам турарди. Зимистонда бирон нимани ажратиш қийин эди, бунинг устига Марко ҳовлининг чироқ нур сочиб турган қисмидан қоронғи томонга югуриб ўтиб кетганди.

Марко оёқ учида юриб отхонага кирди. От ҳуркмасин деб, отнинг сағрисига шапатилаб қўйди, кейин оғзига ёғоч панжара тутилган туйнукдан мўралади. Ё унинг кўзи қоронғига ўрганди, ё кўзига шундай кўринди. Ҳар ҳолда ҳовлининг бурчагида дарча тагида қимир этмай турган бир одамни аниқ кўрди.

Марко хиёл эгилиб нотаниш одамни нишонга олди-да:

– Кўтар қўлингни! – деб қичқирди.

У бир неча дақиқа қўлини тепкидан олмай туриб кутди.

– Марко амаки, – дея нотаниш одам шивирлади.

– Кимсан? – деди Марко булғор тилида.

– Марко амаки, қўрқманг, ўзингизникиман!

Марко унинг гавдасини аниқ кўрди.

– Кимсан? – сўради Марко эҳтиёткорлик билан тўппончасини тушираркан, шубҳа билан.

– Иванман. Видимлик Манол Краличнинг ўғли.

– Таний олмаяпман... Бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман, Марко амаки, – жавоб берди келгинди хириллаб.

– Тушунолмаяпман... Қаердан келяпсан ўзинг?

– Узоқдан, Марко амаки... Кейин айтаман.

– Узоқдан деганинг қаердан?

– Жуда узоқдан, – шивирлади тунги меҳмон.

– Қаердан?

– Диёрбакирдан.

Бу гап Марконинг хотирасини чақмоқдек ёритиб юборди. Шу заҳоти Манол бобонинг ўғли Диёрбакир қалъасига ташлаганини эслади. Манол бобо унинг савдо ҳамда бошқа муҳим ишларида энг яқин ёрдамчиси эди.

Марко зимистон ҳовлига чиқиб, тунги меҳмоннинг қўлидан тутди ва уни отхонадан олиб ўтиб, пичанхонага олиб кирди.

– Иванчо, ўзингизми? Сени бир қаричлигингдан биламан-а, – деди аста Марко, – Бугун шу ерда туна, эртага бир гап бўлар.

– Раҳмат сизга, Марко амаки... Бу ерда сиздан бўлак ҳеч кимни танимайман, – шивирлади Кралич.

– Бунақа дема! Биз даданг билан кадрдон дўстмиз. Бу ерни ўз уйингдай бил. Биров кўрмадимиз ишқилиб?

– Йўқ, ҳовлингизга кирганимда, назаримда, кўчада ҳеч ким йўқдай эди.

– Кирганимдамиш! Болам, уйга шунақа қилиб ҳам кирарканми? Тўғриси, бостириб кирганимда дегин? Майли, ҳечқиси йўқ. Манол бобонинг зурриёти мен учун ҳар қандай вазиятда ҳам азиз меҳмон, айниқса, мана шундай узоқ юртларни босиб келганда... Қорин қалай, Иванчо?

– Раҳмат, Марко амаки, ҳеч нима егим йўқ.

– Йўқ, бирон нима тамадди қилиб олишинг керак. Бориб уйдагиларни хотиржам қилай, кейин бафуржа гаплашамиз... Қандай қилиб кўздан нарироқда бўлишингни ўйлашиб кўрамиз. Худо ўзи асради, отиб ташлашимга бир баҳя қолди-я! – деди Марко эҳтиёткорлик билан тўппончасининг тепкисини тушираркан.

– Марко амаки, узр. Хато қилганимни тушуниб турибман.

– Сабр қил, ҳозир қайтаман.

Марко шундай дея ташқарига чиқиб, отхона эшигини ёпди.

Келса, хотини билан онаси қўрққанларидан ўтакалари ёрилиб ўтирибди. Уни соғ кўриб иккалови бараварига бақириб юборишди-ю, гўё яна қочиб кетмасин дегандай қўлларига ёпишиб олишди. Марко ўзини хотиржам тутиб, уларни ҳовлида ҳеч ким йўқлигига ишонтирди: бировларнинг мушуги ё кучуги уришиб кетган бўлса керагу девордан черепицалар учиб тушган, тентак Пена бўлса, бунни билмай бақириб юборган, деб ишонтирди.

– Бутун маҳаллага ваҳима солгани қолди, – деди у тўппончаларини деворда осилиб турган гилофларга соларкан.

Хонадон хотиржам бўлди.

Иваница буви оқсочни чақирди.

– Ваҳиманг курсин, илойим! Ҳамманинг ўтакасини ёрвординг. Бор, опчиқиб болаларни қўйтошга тўсиб кел.

Лекин шу он дарвоза қаттиқ тақиллаб қолди. Марко ҳовлига чиқиб:

– Ким у? – деди.

– Хўжайин, дарвозангни оч! – деди кимдир туркчалаб.

– Ўнбоши-ку! – шивирлади Марко хавотирланиб. – Кралични бирон жойга яшириш керак.

Шундай деб, у дарвозанинг қайта тақиллаганига ҳам эътибор бермай отхонага югурди.

– Иванчо! – деб чақирди пичанхонага мўралаб.

Жавоб эшитилмади.

– Иванчо, ухлаб қолдингми, нима бало? – деди у баланд овозда.

Яна жавоб бўлмади.

– Бечора қочиб кетганмикин-а, – деди Марко отхона эшиги очилиб қолганини кўриб қолиб. Кейин ачиниб кўшиб қўйди: – Энди ҳоли нима кечаркин?

Ҳар эҳтимолга қарши Марко Кралични яна бир неча бор чақириб кўрди. Жавоб бўлмагач, эшик томон юрди. Бу вақтда дарвоза худди қанотлари икки томонга отилиб кетгудай устма-уст қарсиллаб урилди.

## II. МОМАҚАЛДИРОҚ

Иван Кралич, аслида, дарвоза дастлаб тақиллагандаёқ жонҳолатда тўсиндан ошиб, ўзини кўчага урган эди. Бир неча дақиқа кўчада эсанкираб туриб қолди. Кейин аста атрофга аланглади, лекин зимистонда ҳеч нимани кўрмади. Осмонни қора булут қоплаб олган; кимсасиз кўчада сарин ел ўрнини кучли тўзон эгаллади. Кралич дуч келган биринчи тор кўчага бурилди-да, жадал юриб кетди. Қўллари билан деворни пайпаслаб юраркан, дам-бадам оёғи кўлмакка тушиб кетарди. Кўчадаги дарвозалар, дарчалар, деразалар борки, ҳаммаси тақатақ берк. Улардан заррача нур тушмасди. Ҳаётдан асар йўқ деса бўлади. Виложтдаги бошқа шаҳарлар каби мана бу шаҳарча ҳам ярим тун бўлмасдан шунақа ўлик шаҳар тусини оларди. Кралис бирон жойдан шаҳар ташқарисига чиқиб қолармикинман, деган умидда тумсоллаб узоқ тентиради. Бир дарвоза соябони остига келганда сесканиб тушди-ю, қотиб қолди. Олдинда кимнингдир қимир этмай турган қоп-қора гавдасига кўзи тушди. Кралич дарвозага енгил суянди. Итнинг аввал ириллаши, кейин жаҳл билан акиллаши уни дарвозадан нари кетишга мажбур қилди. У шундоққина дарвозанинг нар-

ёгида ухлаб ётган қўриқча итни уйғотиб юборган эди. Ўзининг эҳти-ётсиз ҳаракати ва итнинг акиллаши уни билдириб қўйди. Тунги соқчилар гимирлашиб қуроллар шарақлаб қолди-ю кимдир туркчалаб: «Тўхта!» деб қичқирди. Мана шундай ўта хавфли дақиқларда ақл ҳам панд бериб қолади, одам ғайришуурий равишда ҳаракат қила бошлайди. Фақат, ўзини ҳимоя қилиш учун қочишни ихтиёр этади, холос. Кралич орқага қайтиб ўзини қоронғилик қаърига урса бўларди. Уни илғаб ушлаб олишлари учун қоронғилик монелик қиларди. Лекин у ўзини олдинга урди-ю, полициячилар ўртасидан ўқдек учиб ўтиб кетди. Қоровуллар орқасидан қувишга тушдилар, бир зумда кўча шовқин-суронга тўлди. Бу шовқин ичидан булғор полициячисининг: «Тўхта! Отаман!» деган чинқириғи эшитилди. Кралич орқасига қарамай қочиб борарди. Орқадан бир неча бор ўқ овози янгради, лекин қоронғида унга тегмади. Полициячилардан биттаси орқасидан етиб келиб, енгидан ушлаб олди. Кралич бир силтаниб қўлини енгидан чиқарди. Курткасини унинг қўлида қолдириб, олға югуриб кетди. Орқасидан яна икки марта ўқ овози янгради. Кралич қаёққа қочаётганини билмай илгарилаб борарди, у зўрға нафас олар, чарчаганидан оёқлари чалишиб кетмоқда эди. Ҳар қадам ташлаганда йиқилай дер, ерга ётиб олгиси келарди. Бирдан чақмоқ чақиб, ён-атрофни ёритиб юборди, ана шундагина Кралич каттакон бир даланинг ўртасида кетаётганини, таъқибчилар қаердадир узоқларда қолиб кетганини билди. Ҳолдан тойиб бир ёнғоқнинг остида сал ўзига келиб олиш учун ерга чўкди. Тоғ тарафдан кучли шамол эсар, япроқлар шитирлар, момақалдиروқнинг гумбурлаган овози ҳамма ёқни босиб кетди. Қочоқнинг тепасида чақмоқ чақиб, момақалдироқ бир гумбурлади-ю, сўнг тинди. Жиндай бўлсаям олинган дам ва тоза ҳаво қочоққа куч бахш этди. Ҳавонинг авзойидан ҳозир шаррос ёмғир қуйиши сезилиб турарди, шунинг учун Кралич, бирон бошпана топиш учун тезлик билан илгарилаб кетди. Атрофидаги баланд-баланд қайрағочлар кучли шамолдан чайқалар, ўт-ўланлар шувилларди: афтидан, бутун табиат, борлиқ жумбушга келганча қутқу солиб бўкираётганга ўхшарди. Йирик-йирик ёмғир томчилар ерга ўқдек қадала бошлади. Яна чақмоқ чақиб нотекис тоғ ўрқачлари тарҳини чизиб кўрсатди, қудратли момақалдироқ томни бузгандек даҳшатли қарсиллади. Ёмғир қуйди. Шамолдан қиялаб ёғаётган ёмғир худди савалаётганга ўхшарди. Булутлараро ярқираб кетган чақмоқлар ўзининг ғаройиб оқ-кўкиш нури билан зулмат тўнини йиртиб, бир зум дов-дарахтларни, тоғларни ёритарди. Тим-қоронғилик билан дам сайин ўрин алмашиб турган бу сеҳрли манзара даҳшатли эди. Табиатнинг мана шу тийиқсиз кучида — мана шу нур ўйинида, мана шу даҳшатли чароғонликда қандайдир ҳайратомуз жозиба бор эди. Булар бари маҳобатли томошага, бир-бири билан курашувчи ва оқибатда бир-бири билан қўшилиб, қандайдир ёвуз илоҳий қудрат уйғунлигида бирлашиб кетувчи чексиз ва сирли кучларнинг ўзаро ўйинига ўхшарди... Табиат ўзининг фусункор жозибасини момақалдироқ пайтидагина тўла намоён қилади.

Кралич ивиб шалаббо бўлди, чақмоқ кўзларини кўрмас қилиб қўйди, кучли қалдироқдан қулоқлари том битди. Лекин у йўл танламай олға босар, дам чакалакзорларни ёриб ўтар, дам дарахтзор ора-лаб юрса, дам полизлардан ўтиб борарди, барибир ёмғирдан сақланадиган бирон пана жой топилай демасди. Ниҳоят, қулогига сувнинг шовуллаган овози эшитилиб, бошқа шовқинларни босиб кета бошлайди. У тегирмон новига келиб қолган эди. Янгидан чаққан чақмоқ кутилмаганда сершоҳ тол остидаги тегирмоннинг томини ёритди. Кра-

лич югуриб борди-ю, тегирмоннинг эшиги тепасидаги соябон остига ўзини олди. Салдан кейин эшикни итарган эди, эшик очилиб кетди. У ичкарига кирди. Ичкари қоронғи ва сокин эди. Тез орада момақалдироқ ҳам ўтиб кетди: ёмғир тинди-ю, шу заҳоти шамол ҳам тўхтади. Бурда-бурда булутнинг чокларини қизартириб ой мўралади. Осмон ёришди. Фақат май ойидагина ҳаво мана шундай тез-тез ўзгариб туради.

Оёқ товушлари эшитилди, Кралич дарҳол ўзини дўл билан девор орасидаги тор йўлакка олди.

— Буни қара, эшик очилиб кетибди, шамол очган бўлса керак, — деди дағал эркак овози қоронғиликда, кейин кимдир дарров мойчи-роқни ёқди.

Кралич бекиниб ётган жойидан бўйини чўзиб қаради, баланд бўйли, қотмагина тегирмончи ва унинг ёнида калта яшил нимча кийган қизни кўрди. Қиз (у тегирмончининг қизи бўлса керак) зўр бериб эшикни танбалашга уринарди. У ўн уч-ўн тўрт ёшларда бўлсада, хатти-ҳаракатлари ёш гўдакка ўхшар, узун-узун киприклари орасида қоп-қора кўзлари болаларча маъсум боқарди. Олдий кийимда ҳам унинг сарвек тик қомати сезилиб турар, бу бўй етганда ҳам гўзал бир қиз бўлишидан далолат бериб турарди. Афтидан, ота-бола жилла узоққа ҳам кетмаган, эҳтимол, шу яқин атрофдаги ҳамкасбларидан бирининг олдига борган бўлса керак. Чунки устидаги кийимлари ҳали у қадар ҳўл бўлмаганди.

— Гилдиракни маҳкамлаганимиз омади иш бўлди-да, бўлмаса, мана бу сел синдирворган бўларди, — деди тегирмончи. — Оббо Станчо бобо тушмагур-ей! Бир гапга тушса, ўзини тўхтата олмайди... Худога шукур, йўғимизда биров кириб шипшидам қилиб кетмабди, — у шундай деб атрофга аланглади. — Бор ёт, Марийка, онанг сени нега юбора қолдийкин-а? Ана энди, эрталабгача жон ҳовучлаб чиқаман.

Тегирмончи ниманидир хиргойи қилиб, кўчиб кетган тахтани михлай бошлади.

Марийка отасининг айтганини қилиб бурчакка борди-да, ўзига ва отасига жой солди, кейин бир неча марта таъзим қилиб, бориб пўстакка чўзилди: чўзилди-ю, беғам болалар каби бирпасда ухлади-қолди.

Кралич буларнинг барини ажабланиб кузатиб турди. Тегирмончининг дағал, лекин ёқимтой чехраси унга ишонишга даъват этарди. Бунақа чехрали одамлар ҳеч қачон сотқин бўлмайди. Шундай деб ўйлаб бекиниб ўтирган жойидан чиқишга, тегирмончидан ёрдам ва маслаҳат сўрашга қарор қилди. Лекин шу он ташқаридан кимларнингдир таҳдидли овози эшитилди; тегирмончи қаддини ростлаб, кулоқ солди. Эшик қаттиқ-қаттиқ тақиллади.

— Ҳой тегирмончи, оч эшигингни! — деб қичқирди кимдир туркчалаб.

Тегирмончи эшик ёнига келиб, тамбани маҳкамлаб ўрнатди-ю, орқасига ўтирилди. Унинг юзи қув оқариб кетган эди.

Эшик яна тақиллади, кимдир бақирди, ит акиллади.

Булар «овчилар», — ўйлади тегирмончи итнинг акиллашидан уни този тусмол қилиб. — Лаънатилар, қандай шум ниятда келишганикин? Бу ўша Эмаксиз Паҳлавондан бошқаси эмас».

Эмаксиз Паҳлавон деганлари шундай қабиҳ бир инсонки, бунақаси ҳали дунёга келмаган. Хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, атрофдаги аҳолини қон қақшатади. Икки ҳафта бурун у Иванова қишлоғидаги Ганчо Даалилар оиласини битта қўймай сўйиб кетди. Кеча аравада калласи кесилган боланинг мурдасини шаҳарга олиб келишди,



айтишларича, бу унинг иши эмиш. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Кетма-кет зарбалардан эшик бузила бошлади.

Тегирмончи нима қилишини билмай гарангсиб, бошини чангаллаганча довдираб қолган эди. Пешонасидан дона-дона тер чиқди. Кейин шарт эгилди-да, гард босган курси остидан болта олиб ошиқмошиғидан ажраб кетай-кетай деб турган эшикнинг орқасига бориб олди. Бироқ тинчгина ухлаб ётган қизига кўзи тушди-ю, дарров шаштидан қайтди. Тегирмончининг юзида қўрқув, умидсизлик ва қайғу ифодалари зуҳур этиб турарди. Вужудида жунбушга келган газабдан оталик меҳри устун келди. «Эгилган бошни қилич кесмас», деган халқ мақолини эслади-ю, бераҳм кимсалар билан курашишдан кўра, улардан раҳм-шафқат тилашни афзал билди. Кейин шоша-пиша болтани Кралич яшириниб ётган дўлнинг устига ташлади, бориб Марийканинг устини кўрпа билан ўради-да, эшикни очди.

Остонада елкасида ов халта, олдиларида този ит, икки қуролли турк турарди. Улардан бири итнинг боғичидан ушлаб олган эди. Иккинчиси, ростданам ўша қонхўр Эмаксиз Паҳлавон эди. У аввал тегирмон ичига яхшилаб кўз югуртириб чиқди, кейин ичкарига кирди. У баланд бўйли, қадди букчайган ва ориққина кўса бир одам эди. Унинг номи, қилган ишларини эшитган одам зир титраб, лекин башараси унчалик қўрқинчли эмас эди. Фақат кичик қисик чағир кўзлари худди маймун кўзларидай маккорона ўйнаб турарди. Башарасидан ваҳший бир ҳирс ёғилиб турган паканагина, мушакдор чўлоқ шериги эса кетидан итни етаклаб ичкарига кирди-да, эшикни ёпди.

Эмаксиз Паҳлавон ёвуз кўзларини тегирмончига қадади.

— Тегирмончи, қани айт-чи, нега эшикни тезда очмадинг?

Тегирмончи ўзини оқлаш учун ниманидир гўлдираб, Марийка ухлаб ётган бурчакка хавотирланиб кўз ташлаб қўяркан, чуқур таъзим қилди.

— Бир ўзингмисан? — Эмаксиз унга ўгирилди.

— Ўзимман, — дея шоша-пиша жавоб берди у ва алдаш бефойда эканлигини билиб қўшиб қўйди: — болам ҳам бор, анув ерда ухлаб ётибди.

Шу топ Марийка устидан кўрпани суриб, келганлар томон ўгирилиб ётди. Чироқнинг хира нури унинг оппоқ бўйинини ёритиб турарди. Турклар ухлаб ётган қизга ҳирс билан тикилишди. Тегирмончининг пешонасидан тер чиқиб кетди. Эмаксиз унга ўгирилиб, ясама мулойимлик билан деди:

— Менга қара, оғайни, бориб бизга бир шиша ароқ топиб кел.

— Паҳлавон оға, ярим кеча бўлиб қолди. Шаҳардаги ҳамма қовоқхоналар берк, — деди тегирмончи Марийкани мана бу ваҳшийларга ёлғиз ташлаб кетса нима бўлишини тасаввур қилиб.

— Бор, бор, — деди чўлоқ, — биздай фуқароларнинг насибаси учун биронтаси очиқдир ҳали. Бир меҳмон қилсанг, отамлашсак девдим, кейин дўстлашамиз...

Чўлоқ ўз муродига етишга шубҳаланмагани тегирмончининг иззатнафсига тегаётган эди. У ҳатто бечора отадан ниятини яширмади ҳам.

Эмаксиз беғам ухлаб ётган қиздан кўзини узмасди. Атрофига қараб, тегирмончи ҳали ҳам кетмаганини билди: унинг қошлари чимрилди, лекин ўзини тутди, мулойимлик билан деди:

— Биродар, бу дейман, қизинг кетворган эканми? Меҳмонларга қараб туради... Қани, жўна, ароқ олиб кел, тегирмонингни ўзимиз қўриқлаб турамиз. — Кейин дағдаға билан қўшиб қўйди: — Эмаксиз Паҳлавон кимлигини билсанг керак-а?

Тегирмончи бу сохта гапларнинг замирида нима борлигини алла-қачон пайқаб етган эди. Унинг мусаффо қалби газабга тўлган эди. Лекин тузоққа тушган эди: икки ёвузга қарши бир ўзи: у ўлимга ҳам тайёр эди-ю, лекин бу ҳол қизни ҳақоратдан қутқариб қололмасди. Шундан кейин яна икки йиртқичга ялина бошлади.

— Айланайлар, мен чолни қийнаманглар. Бетобман, аъзойи бада-ним зирқиллапти... ишдан кейин ўзимни таппа ташлайман... рухсат беринглар... ётиб ухлай... шарманда қилманглар.

Унинг ялиниб-ёлворишлари босқинчиларга чивин чаққанчалик таъсир қилмаётганди.

— Қани, бор, ароқни олиб кел, — бақирди чўлоқ. — Гапингда туту-руқ йўқ, шунинг учун тегирмонда яшасанг керак-да. Жўна, дедим сенга!

— Бемаҳалда тегирмонни ташлаб кетолмайман, — деди хириллаб тегирмончи, — мени тинч қўйинглар.

Бу гапдан кейин иккала туркнинг юзларидаги мулойимлик бир лаҳзада гойиб бўлди, ёвуз кўзларини тегирмончига ўқдай қадашди.

— Оббо, тўнғиз-ей! Тагин гап қайтаради-я! Манавини кўрдинг-ми? — Бўкирди Эмаксиз шамширини яланғочлаб. Унинг кўзларига қон қуюлди.

— Улдирсангизлар ҳам боламни ёлғиз ташлаб кетмайман! — деди тегирмончи секин, лекин қатъий оҳангда.

Эмаксиз ўрнидан турди.

— Топал Ҳасан манави итни ташқарига опчиқиб ташла, ханжа-римни булғатмай.

Чўлоқ тегирмончига ташланди-да, бир зарб билан уни ташқарига улоқтириб юборди. Лекин тегирмончи ўрнидан туриб ўзини ичкари-га урганча:

— Шафқат қилинглар! Шафқат қилинглар! — дея дод сола бошлади.

Марийка тўполондан уйғониб кетди-ю, кўрқиб ўрнидан турди. Эмаксизнинг қўлида яланғочланган қилични кўриб, додлаганча ўзини отаси томонга отди.

— Раҳм қилинг, айланайлар, шафқат қилинг! — деди шўрлик ота қизини қучоқлаб.

Эмаксизнинг имоси билан хирсдай Топал Ҳасан тегирмончининг кетидан келиб қўлини орқасига қайирди.

— Кел, Топал Ҳасан, кел, мана шу тегирмон каламушини боғлаб қўя қолайлик: жа кетгиси келмаётган бўлса, кетмай қўя қолсин, — томоша қилади. Жаззаси шу, аҳмоқнинг... Боғлаб тегирмонига ўт қўйиб юборамиз: кейин томоша қиламиз.

Тегирмончининг дод-войига қулоқ солмай, қароқчилар уни ар-қон билан тўсинга боғлай бошлашди.

Тегирмончи гарчанд бу зим-зиё тунда жонига оро кирадиган би-рон кимса топилмаслигини билса-да, ҳозир нима ҳодиса рўй бери-шидан даҳшатга тушиб телбаларча бақира бошлади.

Марийка ҳам кўзларида шашқатор ёш, эшикни ланг очиб бақира-верди. Фақат ўз овозигина унга акс садо бериб жавоб қайтарди.

— Ҳов, тегирмончининг қизи, қимирлама ўрнингдан! Ҳозир ке-рак бўласан! — дея қичқирди Эмаксиз ва қиз қочиб кетмасин деб унинг қўлидан тутди-да, тегирмоннинг ичкарисига судраб борди, кейин Топал Ҳасанга кўмаклашишга шошилди.

— Шафқат қилинг! — йиғлади тегирмончи алам билан. — Одамлар, ёрдам беринглар! Наҳотки ҳеч ким ёрдам беролмаса?.. Марийка, бу ёққа кел! — чол шуурсиз равишда нимжонгина қизидан нажот кутарди.

Бу вақт ичида Кралич кўз олдида рўй бераётган бу даҳшатли воқеадан лол қолиб, уларни кузатиб турарди: унинг оёқлари қалтирар, сочи тикка бўлиб кетган, аъзойи бадани қалт-қалт титрарди.

Марконинг ҳовлисига ошиб тушгандан ҳозирги дақиқагача кўрган-кечирганлари шу қадар қутилмаган ҳол, ҳамда шу қадар даҳшатли эдики, назарида худди туш кўраётганга ўхшарди. Ўқнинг чийиллаб ўтгани, момақалдироқ гулдираклари ҳали қулогидан кетмаган эди. Хаёллари чалкашиб кетди. Аввалига у турклар мени қидириб келишган, қисматим шу экан-да, деган қарорга келган эди. Энди бари тугади, тамом бўлди, деган хаёл ундаги сўнгги қувватниям сўндирди. Бу қувват ҳам ўзини туркларга тутиб бериб, бечора тегирмончини қочқинни яширган деган айбдан қутқариш учунгина етарли, холос. Лекин у ҳозир бошига тушган ҳодисалардан ҳам даҳшатлироқ бир нарсани кўриши мумкинлиги ойдин бўлгандан кейин бунинг устига тегирмончининг қизи Марийкани ёрдамга чақириб фарёд чекишлари унинг вужудидаги кучни жунбушга келтирди-ю, газабдан кўкариб кетди. Ҳали у ўлим билан бетма-бет олишмаган эди. Шу дақиқаларда турклар кўзига пашшадек кўриниб кетди. Танасидаги ҳорғинлик, дармонсизлик, иккаланишлар бир зумда ғойиб бўлди. Кралич беихтиёр қўлини чўзиб болтани олди, сўнг ётган жойидан иргиб турди-да, букчайганча қоплар оралаб олдинга интилди: кейин қалдини ростлаб, Эмаксизнинг гарданига зарб билан болта солди. Бу ҳол худди туш каби бир зумда содир бўлди.

Турк бақиришга ҳам улгурмай, гурсиллаб ерга қулади.

Топал Ҳасан қутилмаганда қаршисида пайдо бўлган хавфли душманни кўрди-ю, тегирмончини боғлаётган арқонини ташлаб, тўппончани Краличга тўғрилади. Тегирмоннинг ичини чанг, гард қоплади: ўқ овозидан чироқ лип этиб ўчди. Ҳамма қоронғилик ичида қолди: зимистон кўйнида ҳаёт-мамот кураши бошланди. Кўллар, оёқлар, тишлар, тирноқлар ишга тушди. Олишаётганлар аввал икки киши эди, кейин уч киши бўлди. Улар ерга думалаганча сокин тун тинчини бузиб инграр, пишқирар, хириллар, бунга този акиллаб жўр бўларди. Хирсдай бақувват Топал Ҳасан ўзининг икки рақиб билан жони борича олишди. Тегирмончи билан Кралич эса нима қилиб бўлса ҳам ғанимни енгишлари керак эди, бўлмаса уларни муқаррар ўлим кутарди...

Ниҳоят, чироқ яна ёнди. Топал Ҳасан ҳали ҳам жон талвасасида ерда тўлғаниб ётарди, бир оздан сўнг у ҳам тинчиб қолди. Кралич олишув пайтида бир амаллаб қўлини унинг ханжарига юборди-да, бўғизлаб ташлади. Икки турк ҳалқоб бўлиб қолган қон ичида қимир этмай ётарди.

Тегирмончи ўрнидан туриб ғойибдан пайдо бўлган нотаниш халоскорига тикилди. Унинг қаршисида қоратўри, новчадан келган, лекин ранги мурдадай оқариб кетган қора кўз, одамга тийрак боқувчи бир йигит турарди: унинг тўзиган узун сочларини гард босган: дабдала бўлиб кетган уст кийими лой, камзулида биронта ҳам тугмаси қолмаган, ич кўйлаги ҳам йўқ эди. Шими йиртилиб кетган, этиклари дабдала. Хуллас, у ё турмадан қочган, ё турмага тушиши керак бўлган бир кимса эди. Ҳарҳолда тегирмончи шундай чамалади.

— Жаноб, мен сенинг кимлигингни билмайман, бу ерга қандай келиб қолганинг ҳам менга қоронғи, — деди у ҳаяжон билан нотаниш кимсага ачиниб қараб. — Лекин сен менга шундай яхшилик қилдингки, бунинг ҳаққини юз йил яшасам ҳам узолмасам керак. Сен мени ўлимдан қутқардинг, қизимнинг номусини сақлаб, қари-

ганимда шармандаликдан асраб қолдинг... Парвардигор сени ўз па-ноҳида асрасин... Халқ сенга раҳмат дейди... Биласанми бунинг ким-лигини? – У Эмаксизни кўрсатди. – Бу шундай ёвуз шахски, унинг номини эшитган она қорнидаги болалар ҳам дод солади. Мана, ни-ҳоят, ер бундай разилни кўтариб юришдан халос бўлди. Болам, Худо бошингни тошдан қилсин.

Кралич бу юракдан чиққан дил сўзларни кўзидан ёш оқизиб эшитди.

– Бобожон, у қадар айтарли бир иш қилганим йўқ, – деди у ҳали ҳам оғир ҳарсиллаб, – биз сиз билан икки ёвузни ўлдирдик, холос. Лекин бундай ваҳшийлар минг-минглаб. Булғор халқи кўлига болта олиб, мана бу қонхўрларнинг барини қириб ташлагандан кейингина бемалол нафас ола олади!.. Бобо, бу мурдаларни қаерга кўмиб ташла-сак бўлади? Бунинг изини ёпиб юборишимиз керак.

– Шу яқин атрофда бу ўлаксаларга қазиб қўйилган қабр бор, – жавоб берди чол. – Олиб боришга ёрдамлашворсанг бўлгани.

Қонли тун бир-бирига умрбод боғлаб қўйган бу икки одам тегир-моннинг орқа тарафида қорайиб турган маржонзор томон мурдалар-ни кўтариб кетишди. Бу ерда, буталар орасида бир вақтлар ўра қазиб қўйилган эди. Улар мурдаларни ўрага ташлашди-да, из қолдирмас-лик учун тупроқ тортиб яхшилаб шиббалашди. Кралич билан тегир-мончи ишни битириб, қўлларида чўкич ва белкурак билан орқага қайтишаётганда ёнларидан аллақандай оппоқ нарса югуриб ўтиб кетди.

– Този-ку! – қичқириб юборди Кралич. – Ит шу ерда изғиб юриб бизни фош қилиб қўйиши ҳеч гапмас...

Кралич биқиниб бориб итнинг бошига чўкич билан туширди. Ит ангилланганча судралиб анҳор томон ўрмалай бошлади. Кралич чўкичи билан уни сувга итариб юборди, ит сув остига чўкиб кетди.

– Итлариниям аслида ўзлари билан бирга дафн қилиш керак эди, – деди тегирмончи.

Улар қон бўлиб кетган кийимларини ювишди, ердага қон томчи-лари устидан қум сепишди.

– Менга қара, яраланибсан чоғи? – деди бирдан тегирмончи Кра-личнинг кўлидан оқаётган қонга кўзи тушиб.

– Зарари йўқ! Томоғидан бўғганимда ифлос тишлаб олди.

– Кел, боғлаб қўяй. – Тегирмончи шундай деб эскириб кетган дастрўмоли билан Краличнинг кўлини боғлаб қўйди. Кейин унинг кўзига қараб туриб сўради: – Маъзур тутасан, ўғлим, айт-чи, ўзинг қаердан келяпсан?

У таажжуб билан яна Краличга тикилди.

– Бобо, ҳаммасини кейин билиб оласиз. Ҳозирча бир нарсани ай-таман: мен булғорман, ҳақиқий булғор. Мендан шубҳаланманг.

– Худо асрасин! Нима, жинни бўлибманми шубҳаланиб! Сен халқ-қа хизмат қилмоқчисан, бундайлардан жонимниям аямайман...

– Бобожон, қаерда тунасам экан? Дурустроқ кийиниб олсам, ёмон бўлмасди.

– Сени монастирга, дьякон Викентийнинг олдига олиб бораман, қариндошим бўлади. Сенга ўхшаганларга кўп яхшилик қилган... Уям ҳақиқий булғор... Қани, кетдик, уникида тунаймиз. Биров кўрмагани жуда соз бўлди-да.

Лекин Стоян бобо адашаётган эди: бир чеккадаги ой мўл нуруни сочиб турган ёнгоқнинг остида новча бир кимса қимирламай турар-ди. У икки туркни ерга кўмишаётганда ҳам ўша ерда эди. Лекин қаҳра-монларимиз бундан беҳабар эдилар.

Бир оздан кейин тегирмончи, Кралич ва жанг пайтида бужуннинг остига беркиниб олган ва энди қўрққанидан ҳиқиллаб йиглаб турган Марийка учаласи тераклар ва ёнғоқлар орасида ой нурига чўмиб оқариб турган узоқдаги монастир томон йўл олишди. У учовларининг ортидан номаълум кимса ҳам йўлга тушди.

### III. МОНАСТИР

Улар тошлоқ ялангликдан ўтишди, танаси говак юз йиллик ёнғоқзорларни ортда қолдиришди ва ниҳоят, деворлари баланд монастир-га етиб келишди. Монастир кўр ойдинда гаройиб маназаралар касб этган эртаклардаги қалъаларига ўхшаб кетарди.

Бир вақтлар бу кўҳна обида тарвақайлаб кетган қуюқ шохларига тумонот қушлар уя қурган ва остида бутхонаси бўлган улкан қарағайи билан мақтаса мақтангудек эди. Лекин ногаҳон турган бўрон қарағайни ағдариб ташлади. Игумен эски бутхона ўрнида янгисини барпо этди. Янги услубда қурилган ва гумбази баланд бу бино монастирнинг путурдан кетган ўтмиш ёдгорликлари бўлмиш бошқа бинолари олдида архитектура ансамблини бузиб, терига ёпиштирилган қоғозга ўхшаб қолганди. Кўҳна черков ва қудратли қарағай тақдир тақозоси билан қулади, шундан буён монастирнинг ўзи ҳам инқирозга юз тутди: энди булутларга санчилиб турган улкан дарахт ҳам қувонч бахш этмай қўйди: архангеллар, табаррук зотлар ва шунга ўхшаш ҳар хил авлиё-анбиёлар, жафокашларнинг деворларга тортилган қиёфалари ҳам киржали ва делибашларнинг марҳамати билан кўр бўлиб қолган бечораларнинг художўй руҳларига таскин бермай қўйди.

Бизга таниш бўлган уч одам монастирни айланиб ўтиб, орқа тарафдаги девор олдида тўхташди. Бу ердан ошиб ўтиш осон эди, кейин бу ер дьякон Викентийнинг ҳужрасига яқин эди. Бу ерда монастир итларининг уйғониб қолишидан ёки соқчиларнинг эътиборини тортишдан қўрқмаса ҳам бўларди. Чунки яқин орадаги тоғ шаршараси ҳамма ёққа шовқин солиб турарди.

Улардан бири биринчи бўлиб девордан ошиб ўтиши ва нарвон топиб бу ёққа тушириши керак эди. Бу ишга тунда Марконинг деворидан ошиб ўтиб тажриба орттирган Кралич бел боғлаши табиий эди, албатта. Тез орада учови ҳам жангари игуменнинг кўзига ташланиб қолишдан қўрқиб ўтирмай, таваккал қилиб девордан ошиб ўтишди. Аслида игумен деразадан кўриб қолгудай бўлса борми, ўйлаб ўтирмай шартта ўқ узиб юбориши ҳеч гапмасди. Улар монастирнинг орқасидаги кичик ҳовлига ошиб тушишган эди. Бу ҳовлидан катта ҳовлига ўтиш мумкин эди-ю, лекин у ердаги дарвоза ичкарасидан қулфлаб қўйилган эди. Дьякон биринчи қаватда яшар, ҳужрасининг эса орқа деразаси ҳовлига қараган эди: лекин ҳужрага даҳлиз орқали кириларди. Тегирмончи чироқ ёниб турган деразага яқин келди.

— Викентий ҳали ҳам мутолаа қиляпти, — деди у оёғининг учида ҳужрага мўралаб.

У ойнани чертди, дераза очилиб:

— Сизмисиз, Стоян амаки? Нима қилиб юрибсиз бемаҳалда? — деган оаози эшитилди.

— Дьякон, дарвозанинг калитини узатвор. Кейин ҳаммасини тунунтириб бераман. Ёлғизмисан?

— Ёлғизман. Ҳамма уйқуда. Мана калит!

Тегирмончи ўзини қоронгилик қаърига урди-ю, бир неча дақиқадан кейин қайтиб келиб, Кралич билан қизини олд ҳовлига киритди ва дарвозани беркитди.

Катта ҳовлида сукунат ҳукмрон. Жимликни фақатгина ариқдаги жилганинг бир маромдаги жилдириши бузиб турар, гўё марҳумнинг тепасида кимдир дуо ўқийётганга ўхшарди. Ҳовлида ҳаётдан асар йўқ, уни маъюс айвонларнинг қора тарҳи ўраб олган эди. Сирли бир манзара кашф этган адл сарвлар қорайиб кўкка бўй чўзиб турарди.

Дьяконинг ҳужраси очилиб, тунги меҳмонлар ўзларини ичкари олишди.

Ўзи ёш, маъноли боқувчи кўзлари қоп-қора, юзлари тийрак, ҳали устара кўрмаган соқоли кўкрагига тушган дьякон Кралич билан дўстона саломлашди. Тегирмончи Краличнинг жасорати ҳақида бир зумда ахборот бериб бўлди. Чол билан қизни қутқариб икки ёвузни саранжомлаган мана бу баҳодирга дьякон ҳайрат ва ҳурмат билан тикилиб қара. Дьяконнинг тоза қалби меҳмондаги олижаноблик, мардликни ич-ичидан туйди. Стоян бобо халоскорини тинмай алқаркан, тегирмонда содир бўлган ҳодисани шоша-пиша ҳаяжонланиб гапириб берди. Викентий меҳмоннинг жуда ҳолдан тойгани, ранги синиққанини кўриб, бўш ҳужралардан бирига жойлашишини таклиф қилди. Улар чиқиб кетишди. Дьякон қўлтигида емак солинган идиш ва кийим-кечаклар билан жим-жит ҳовлини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Улар уч қаватли бинонинг олдига келишиб зинапоялардан кўтарилиб, йўлакдан юриб боришаркан, иложи бориचा полни қисирлатмасликка ҳаракат қилишарди, лекин оёқ остларидаги пол кимсасиз ёғоч уйлардаги каби барала қасир-қусур қиларди. Ниҳоят, улар сўнгги қаватга чиқишди-ю, бўш ҳужралардан бирига киришди. Викентий шам ёқди. Мана бу маъюс ҳужрада похол тўшак билан сув солинадиган кўзадан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Бундай бошпана қамоқхонанинг ҳужраларини эслатар, лекин Кралич шу топда бундан афзалини хаёл ҳам қилолмасди.

Викентий тегирмондаги ҳодисалар хусусида бирпас гаплашган бўлди-ю, меҳмонни холи қолдириш лозимлигини тушунди.

— Мадордан кетиб қулаб тушай деяпсиз. Тезроқ ётинг, дам олишингиз керак. Савол бериб толиқтирмақчи эмасман. Саволга эҳтиёж ҳам йўқ. Бугун тундаги сизнинг мардлингизни таърифлашга ҳар қандай сўз ожизлик қилади. Эргалаб кўришармиз. Фақат бир нарсани айтиб қўймоқчиман: хотиржам бўлинг, дьякон Викентий хизматингизга ҳозир... яхши ётиб туринг.

Викентий шундай деб Краличга қўлини чўзди.

Кралич унинг қўлларини сиқиб туриб қўйиб юбормади.

— Йўқ. — деди у. — Сиз бегона кимсани паноҳингизга олиб, ўзингизни хавф-хатар остида қолдирдингиз. Жиллақурса, менинг кимлигимни билишингиз керак. Мен Иван Кралич бўламан.

— Иван Кралич? Ҳалиги, қамалиб кетган-а? Қачон бўшатишди? — Ҳайрон бўлиб сўради дьякон.

— Бўшатишди? Мен Диёрбакир қалъасидан қочдим! Қочоқман.

Викентий унинг қўлларини яна маҳкам қисди.

— Хўш келибсиз, Кралич. Энди сиз мен учун яна ҳам азиз меҳмон, биродарим бўлиб қолдингиз. Булғорияга асл ўғлонлар керак. Қиладиган ишларимиз бисёр. Зулмдан тоқатимиз тоқ бўлди. Яқин кунларда халқнинг сабр косаси тўлади. Тайёргарлик кўриш керак... Шу ерда қолаверинг, Кралич, бу ерда сизни ҳеч ким билмайди. Биз

билан ҳамкорлик қиласизми? – ёш дьякон жўшиб, шахдам-шахдам гапирарди.

– Бу айни муддао, ҳазрат Викентий.

– Эргалаб батафсил гаплашиб оламиз... Бу ерда хавфдан мутлақо ҳолисиз. Мана шу хўжрага Левскийниям яширганман. Бу ерга ҳеч ким кирмайди. Бу ерда одамлардан кўра кўпроқ ажиналардан кўрқиб мумкин. – Ҳазил оҳангида тугатди гапини дьякон ва эшик томон йўналди. – Яхши тушлар кўринг!

– Сиз ҳам ҳазрат, – деди Кралич ва бориб, эшикни занжирлаб қўйди.

У тезда кийимини алмаштириб, овқатланди. Кейин ётиб шамни пуфлаб ўчирди, лекин узоқ вақт тўлғониб ётди: уйқу ҳадеганда келавермади. Эсига ёмон нарсалар тушиб кетаверди. Шу тунда бўлиб ўтган ҳодиса даҳшатли тарзда кўз олдидан бир-бир ўтарди. Вужудини кемириб бораётган манзарани ҳаёлидан тезда нари суриб ташлай олмади. Ниҳоят уйқу ғолиб келди: Кралич тамом ҳолдан тойган эди. Дам олишга бўлган кучли иштиёқ вужудини енгди-ю, кўзи уйқуга кетди. Лекин ярим кечада чўчиб, уйғониб кетди. Узун йўлакда хўжралар бўйлаб кимдир оғир қадамлар билан аста-аста юрарди. Кейин мунгли хиргойи, тўғрироғи, ингроққа ўхшаш овоз эшитилди. Қадам товушлари яқинлашиб келарди. Ғалати хиргойи энди тиниқроқ эшитилди. У марҳумга ўқиладиган жанозагаям, ингроққаям ўхшамасди. Кралич кимдир қаердадир узоқ-узоқларда куйлаяпти, монастирдаги сукунат туфайли гўё яқин атрофдан чиқаётгандай узук-юлуқ бўлиб эшитиляпти, деб ўзига таскин бермоқчи бўлди... Йўқ, қадам товушлари йўлакдан аниқ эшитилди. Бирдан деразани қандайдир гавда қоплади-ю, хўжранинг ичига мўралади. Кралич кўрқувдан унга тикилиб қолди. Қараса, биров худди ўзи томон чорлаётгандай қўллари билан ғалати имо-ишоралар қила бошлади. Кўр ойдинда буларнинг бари аниқ-равшан кўришиб турди. Кралич деразага тикилиб миҳланиб қолди. Ниҳоят, бу кўланка беихтиёр ўзи ўлдирган Эмаксиз Паҳлавонни эслатиб юборди. Кралич кўраётганларимнинг бари тушим бўлса керак деб ўйлаб, кўзларини ишқалаб қўйди. Лекин кўзини очиб қараса, кўлага деразага энгашганча ичкарига мўралаб турибди.

Кралич хурофотга ишонмасди, лекин одам туролмайдиган бино, ундаги ўлик сукунат вужудини қалтиратиб юборди. Дьяконнинг ажиналар ҳақидаги ҳазилини эслаб ғайришуурий равишда юрагига ваҳима тушди. Лекин шу он ўзини қўлга олиб, уялиб кетди. Пайпаслаб револьверини топди, ўрнидан туриб овоз чиқармасдан эшикни очди-да, кейин яланг оёқ йўлакка чиқди. Йўлакда хиргойи қилганча қандайдир сирли, узун кўлага у ёқдан-бу ёққа юриб танда кўярди. Кўлага эртактлардаги каби бир зумда кўздан йўқолиш ўрнига кўрққанидан қичқириб юборди. Чунки дьякон берган оқ ички кийимда Краличнинг ўзи кўпроқ арвоҳга ўхшарди

– Кимсан? – деди иккинчи «арвоҳ» биринчи арвоҳнинг кўкрагидан чангаллаб.

Бечора кўрққанидан қотиб қолди. У кўзларини катта очиб чўчишиб қўйди, кейин жинниларча калласини айлантирди. Кралич унинг ростакам телбалигини билди-ю хўжрасига кириб кетди.

Викентий кўп йиллардан буён монастирда яшайдиган, ўзи бешиён лекин телба Мунчонинг жинни-жинни қилиқларидан меҳмонни огоҳлантириб қўйишни унутган эди. Туркларни ерга кўмишаётганда қараб турган номаълум кимса ҳам мана шу Мунчонинг ўзгинаси эди.

#### IV. ЯНА МАРОКИНИДА

Кралич қочиб улгурганига кўзи етган Марко бориб дарвозани очди. Қаршисида ўнбоши билан унинг қўл остидагилар ҳозир бўлишди. Улар кўрқа-писа ичкари киришди.

– Нима гап, чорбожи Марко? – деб сўради ўнбоши.

Марко айтарли ҳеч нима содир бўлмаганини, фақат юраксиз оқсочининг кўрқиб ваҳима қилганини хотиржам тушунтириб берди. Юраги қинидан чиқиб турган ўнбоши Марконинг изоҳидан қониқиш ҳосил қилган бўлди. Кейин, фалокатдан омон қолибсизлар дегандай бўлди-ю, жуфтакни ростлаб қолди.

Марко дарвозани ёпиб улгурмаган эди ҳамки, кўшниси пайдо бўлди.

– Хўш, Марко амаки, эсон-омон қутулиб олдингизми?

– Ҳа. Иванчомисан? Кел, қаҳва ичамиз.

Баланд бўйли бир йигит тез-тез одим ташлаб уларга яқинлашди.

– Салом, Марко амаки! Асен соғайиб қолдимми? – деди у деразага етиб келмасдан.

– Кир, ичкари кир, доктор...

Марко меҳмонларни хонага олиб иккита чиройли бронза шамдонга ўрнатилган шамни ёқди.

Бу шинамгина ҳужра келди-кетдиларни қабул қиладиган меҳмонхона эди. Бўлма соддагина, лекин ўша даврга хос дид билан ясатилган эдики, бундай ҳужралар бизнинг кунларимизда ҳали ҳам айрим чет шаҳарларда учраб туради. Полга хол-хол иккита шолча солинган, иккита суянчиқли узун-узун ўриндиққа қизил қўлбола гилам тўшалиб, бир жуфт ёстиқ ташлаб қўйилган. Бир тарафдаги деворда темир печка бўлиб, фақат қишда ёқиларди. Лекин ҳужрага кўрк бўлсин учун уни ёзда ҳам олиб қўйишмасди. Олдига чироқ ёқилган меҳробнинг рўбарўсидаги деворда тахтага тортилган сурат бор, шунга осиб қўйилган. Бу суратни художўй зиёратчилар тақдим этишганди. Бутлардаги битиклар энг қадимги ёзувда бўлиб, қурол жиннилари эски қуролларни қандай асраб-авайласалар, Иваница буви ҳам уни шундай эъзозларди. Улардан биттасини айниқса хурмат-эҳтиром билан ўқирди. Иваница буви бутдаги бу ажойиб сўзларни унинг бобоси Арсений Хон ёзганлигини, ёзганда ҳам қўли билан эмас, оёғи билан ёзганлигини фахр билан гапириб берарди. Кампир буни шундай ишонч билан сўзлардики, унинг гапига эътироз билдириш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Меҳробнинг тепасида пасха байрами арафасида олиб келинган бир даста райҳон осиелиқ турарди. Халқнинг эътиқодича, бу нарса хонадонга соғлиқ ва роҳат-фароғат келтирармиш. Девор бўйлаб турган жавонларда хонадоннинг ҳар бир аъзосига тегишли бўлган чинни идишлар териб қўйилган, бурчакларда эса учбурчак шаклдаги мосламаларда гулдонлар турарди. Деворларга бирлари узун найли, бирлари қаҳрабо муштукли, бирлари зарҳал бошли ҳар хил трубкалар осиб қўйилган эди. Истеъмолдан чиқиб кетган бу трубкалар эндиликда фақатгина уйни безаб турарди, холос. Марко анъаналарга содиқ қолиб, чекиб туриш учун ўзига битта «найни» олиб қолган эди. Деразаларга қарама-қарши турган девор эса бу ерда «суратлар галереяси» вазифасини ўтарди. Бу Марколар хонадонининг «эрмитажи» саналарди. Унда тошбосмада босилган ва Руминиядан келтирилган, ҳар бири зарҳал чорчўпларга солиб қўйилган олтига сурат сақланарди. Расмларни танлашдаги бундай одмилик ўша давр дидининг даражасини кўрсатиб турарди. Биринчи суратда немисларнинг маиший тур-



муш тарзи ифодаланган эди. Иккинчи суратда Султон Абдул Маждиднинг отда ўз мулозимлари билан кетётгани туширилган эди. Қолган уч суратда эса, Қрим жангидан манзаралар, яъни Альмадаги, Евпаториядаги жанг, 1852 йил Силистрадаги қамал акс эттирилган. Мана шу учинчи сурат тагига румин тилида ҳақиқатга тўғри келмайдиган қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Resboiul Silistriei!» Лекин қайсидир бир донишманд унинг тагига булғор тилига таржима қилиб «Силистрадаги йўлтўсарлик» деб ёзиб қўйибди. Олтинчи суратда Қрим уруши давридаги рус лашкарбошилариининг расмлари бор эди. Буларнинг бари тиззасигача чизилган эди. Поп, Страври инглизларнинг миналари буларнинг оёқларини узиб кетган дея уқтирар, Иваница буви эса, уларни жабрдийдалар дерди.

– Яна ким тегди жабдийдаларга? – дея сўрарди кампир дарғазаб бўлиб болалар уйни бошига кўтаргудек бўлиб қолса.

«Жабдийдалар»нинг тепасида тошлари нақ ергача осилган капгирли девор соати турарди. Бу эски соат аллақачонлар ўз хизматларини ўтаб бўлган. Унинг механизмлари ишдан чиққан, пружиналари бўшаб кетган, циферблатининг оқ бўёқлари кўчган, қайрилиб кетган миллари жойида зўрға турарди. Бу соатдан кўра бир уюм қақир-қуқурдан бошқа нарса эмасди. Соат тўхтаб ётарди. Марко уларга моҳирлик билан жон ато қиларди. Бу соатни ҳамма вақт унинг ўзи тузатарди: қисмларга бўлиб ташлар, юрғизар, дарахт мойига пат тикиб мойлар, гилдиракчаларининг ўқларига узоқ сақлаш учун қоғоз ўрар, хуллас, соатга бирмунча вақт жон ато этарди. Кейин у яна тўхтаб қоларди. Марконинг ўзи уларни ҳазиллашиб, «мени сил қилди бу» деб қўярди. Лекин унинг ўзиям, яқинлариям бу «бемор»га шу қадар ўрганишиб қолишган эдики, соатнинг «томири урмай» қолганда, бошқача қилиб айтсак, уларнинг капгири тўхтаб қолганда ҳовли ҳам бўм-бўш ва сокин бўлиб қоларди. Марко соатни юргизиш учун занжирга қўл урганда ҳалиги «сил»нинг кўкрагидан шундай қаттиқ бўғиқ овозлар чиқиб кетардики, буни эшитиб ҳатто хонадаги мушук ҳам қочиб қоларди. Кўҳна соат музей тусини берган бу хонадаги «Суратлар хазинаси»ни шу деворда осиглиқ иккита оилавий сурат бойитиб турарди.

Меҳмонлардан бири Марконинг уй врачиси доктор Соколов бўлиб, у бемор ётган Асенни кўриб қўйгани келган эди.

У йигирма саккиз ёшлардаги хушбичим, мовий кўзли, қўнғир сочили, очиқ чеҳрали бир йигит эди. Ўзи жанжалкаш ва енгилтабиат. Черногория чегарасидаги бир турк лагериди фельдшер бўлиб ишлаб юрган кезлари туркларнинг тили ва одатларини мукамал ўрганиб олганди; оқшомлари арақ отиб олиб, ўнбоши билан улфатчилик қиларди, кечалари эса унга тинчлик бермаслик мақсадида тақиллатиб печка қувурини ясар, ундан ташқари, айиқ ўргатарди. Чорбожилар унга кўз олайтиб юришар, касал бўлиб қолишса ўзларини унга эмас, Янелия деган табибга кўрсатишни эп кўришарди, лекин ёшлар унинг дилкашлиги, қувноқлиги ва ўта ватанпарварлиги учун ёқтиришарди. Доктор маҳаллий кўмитанинг яширинча ишларида ҳам, дўстона давраларда ҳам доим биринчилардан эди. У бутун вақтини мана шу икки ишга бағишларди. У аслида ҳеч қанақа тиббиёт билим юртини тугатмаган, лекин ёшлар грек табибдан баланд кўйиш учун ўзларича унга доктор деб ном беришган эди. Унинг даволаш усулига келсак, Соколов икки манбага суянар, булар унинг садоқатли кўмакчиси эди. Бу-

<sup>1</sup> Силистра остоналаридаги жанг.

лардан бири табиат бўлса, иккинчиси, мана бу тоғли ўлканинг мусаффо ҳавоси эди.

Иккинчи меҳмон Иванчо Йота<sup>1</sup> эди.

У қўшнисининг кўнглини сўраб, бир оз валақлашиб ўтириш учун чиққан эди. Сўхбат бир неча дақиқа бурун бўлиб ўтган ҳодиса устида борди. Иванчо хавотирга тушганини чиройли лутф билан гапириб берди.

— Шунақа, — деди у, — Лала дастурхонни йиғиштириб улгурмовди ҳамки, ҳовлингизда қандайдир кўрқинчли ҳайқириқлар қулоғимга чалиниб қолди. Кўрқиб кетдим, тўғрироғи, Лалага: «Лала, Марколарникида нима гап? Қараб кўр-чи, — дедим. Кейин дарров: «Бу хотин кишининг иши эмас», деб ўйлаб қолдим. Ўзим шахдам юриб айвонга чиқдим: қарасам, ҳовлингизда чироқ йўқ, қоронғи... «Нега бунақа тўполон бўлиб қолдийкин? — деб сўрадим ўз-ўзимдан, тўғрироғи, даҳа полициячи нега ҳамманинг тинчини бузди. Лала бўлса этагимни чангаллаб олган. «Қаёққа? — дейди яқкаш. — Нима, Марконикига девордан ошиб тушмоқчимисан?» «Йўғ-э, тинчлик, — дедим, — уларникига очилган эшикни беркитиб қўй».

— Бекорга хавотир олибсан, Иванчо, ҳеч нима бўлгани йўқ, — деди Марко ним табассум билан.

— Ўшанда, — давом этди Йота, — ўзимча шундай дедим: маҳкамага маълум қилиш керак; ахир жаноб Марко девор-дармиён кўшним бўлса, уни эҳтиёт қилиш лозим; кейин шундай деб зинадан югуриб тушдим, Лала бўлса орқамдан бир нималар деб йиғламсираганча қолди... «Ўчир овозингни», — дедим йигитчасига... Кўчага чиқсам, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит.

— Марко амаки, Асенчо ухлаб қолдими? — дея гап бошлади доктор Иванчонинг вайсашларига чек қўйиш учун. Бироқ у докторнинг гапига парво қилмай эзмаланаверди:

— Кўчада ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганимдан кейин ўзимга-ўзим: «Мана бу нарсадан кўрқулик, Иванчо», дедим. Кейин қайтиб орқа эшикдан чорраҳага, тўғрироғи, боши берк кўчага чиқдим. Ундан Недконинг боғ эшиги орқали Маҳмудларнинг ҳовлисига ўтдим, ундан Генко амакининг ўғли тўплаган ахлатхона орқали тўппа-тўғри маҳкамага бордим. Кирдим-у, у ёқ-бу ёққа синчиклаб қараб, ўнбошига ҳовлиларингга қароқчилар бостириб кирганини, товуқларнинг бутун ҳовли бўйлаб қақоғлаб юришганини айтиб бердим.

— Айтяпман-ку ахир сенга, бизникида ҳеч нима бўлгани йўқ, деб; бекорга ўзингни уринтирибсан-да, Иванчо, — деди уни ишонтириб Марко.

Кўчада кучли шамол гувиллади, момақалди роқ гумбурлади.

— Ҳа, Марко амаки, сиздан сўрайман деб унутибман, — деди доктор, бирданга нимадир эсига тушиб. — Бугун бир ёш йигит уйингизга келганмиди?

— Қанақа ёш йигит?

— Ҳалати бир йигит, кийимлари тўзғиб кетган... Лекин, назаримда, ўзи зиёлинамо. Мендан уйингизга қандай боради, деб сўраган эди.

— Билмадим, ҳеч ким келгани йўқ, — деди Марко хижолатпазлик билан. Лекин меҳмонлар бунга эътибор беришмади. — Уни қаерда кўрдинг?

<sup>1</sup> Бу шахсни ҳам муаллиф романда иштирок этадиган Ҳожи Смион, Мичо Бейзода, жаноб Фратю, поп Ставри ва Мунчолар каби 1884 йили ёзилган «Бизнинг уруғларимиз» номли қиссасида тасвирлаган. Ҳар икки асарда ҳам воқеа жанубий Булгариянинг бир жойида — Бяла-черквада бўлиб ўтади.

— Оқшом, Павел ҳожининг боғи яқинида бир йигит орқамдан келиб қолди, — хотиржамлик билан давом этди сўзини доктор, — келди-ю, жуда одоб билан шундай деб сўради: «Жаноб, айтолмайсизми, Марко Иванов бу ердан узоқда турадимиз? Бир кўрмоқчи эдим. Бу ерларга биринчи келишим...» Ҳам шу тарафга келаётганим, мен билан юринг, кўрсатиб юбораман, дедим. Келаётган, унга бошдан-оёқ қараб чиқдим, — ориқ, мадордан кетган, оёқда зўрға турарди, кийимлари-ям дабдала. Қоронғида шу кунни кўрдимки, эгнида титилиб кетган юпқа костюм, холос. Ҳаво эса совуқ эди. Шу аҳволда қаердан келяпсан, нега турқи-тароватинг бунақа, деб сўрашга ботинолмадим, лекин кўриб, бечорага раҳмим келиб кетди, юрагим ачиди. Кейин ўзимнинг уст-бошимга қарадим, кийимлари қирқ ямоқ, ранглари ўнгиб кетган. «Жаноб, сизга кийимларимни ечиб берсам хафа бўлмайсизми? — деб сўрадим, — шамоллаб қолишингиз мумкин». У миннатдорчилик билдириб курткамни олди. Шу алфозда уйингиз олдига келдигу, ажралишдик. Шунингиздан сўрамоқчийдим, ким у?

— Айтдим-ку сенга ахир, уйимга ҳеч ким келгани йўқ, деб.

— Кизиқ, — деди доктор.

— Деворингиздан ошиб тушмоқчи бўлган қароқчи ўша бўлмасин тагин, Марко амаки! — деди Иванчо. — Бекорга сўрамагандир, ахир.

— Йўқ, бу йигит қароқчи бўлиши мумкин эмас... Унақалар дарров билинади — башарасидан, — деди доктор.

Бундай суҳбат хонадон соҳибига хуш келмади, бинобарин, гапни буриш учун Соколовга мурожаат қилди:

— Доктор, газетани ўқидингми? Герцеговинадаги кўзғолон қалай?

— Ўқиб кўнглинг бузилади, Марко амаки. Қаҳрамон халқ мўъжизалар яратяпти. Лекин шундай қудратли куч қаршисида у нияям қила оларди.

— Герцеговиналиклар ким бўпти, бир сиқимгина, лекин шунга қарамасдан шунча вақт ушлаб туришди. Уларга етишга бизга йўл бўлсин! — деди Марко.

— Бундай ишга уринганимиз йўқ-ку, ҳали! — эътироз билдирди доктор. — Герцеговиналикларга нисбатан биз беш ҳисса кўпмиз, ҳали ўз кучимизни билмаймиз.

— Эҳ, доктор, бундай дема, — деди Марко. — Герцеговиналиклар бошқа — биз бошқамиз. Биз ўз қобилигимизда ўзимиз чириб ётибмиз. Финг деб кўр-чи, қўйдек бўғизлаб ташлашади. Бировдан ёрдам ҳам кутолмаймиз.

— Нима, биз бунга уринмадикми? — қизишиб саволини такрорлади доктор. — Индамай ўтирсак ҳам барибир бизларни молдай уриб сўйишяпти-ку. Қанчалик ювош бўлсак, шунчалик кўп савалашади. Бегуноҳ Генчевнинг ўғли уларга нима ёмонлик қилди? Кеча унинг қалласини узиб ташлашди. Зулмга қарши жиндай бош кўтарсак, дор билан кўрқитишади. Эмаксиз Паҳлавон ва унга ўхшаганлар кўнглига хуш келган нарсани қилиб юришибди. Адолат қаерда? Қалби тош одам ҳам бу хўрликларга чидай олмайди. «Қурбақани ҳам боссанг, вақ дейди», дейишади.

Иваница буви кириб келди.

— Биласизларми, — деди у. — Момақалдиқдан олдин роса отишма бўлганмиш. — Нега бундай бўлганикин-а? Худо билади, яна бир нарсоний у дунёга равона бўлибди-да...

Марко чўчиб тушди, ранги докадек оқарди. Краличга бир нима бўлмаганмикин деган шубҳага борди. Юраги оғриқдан санчиб кетди, беихтиёр инграб юборди.

– Марко амаки, сизга нима бўлди? – деб сўради доктор унинг ташвишли юзига тикилиб.

Ёмғир тинди. Меҳмонлар кетишга чоғланишди. Бу гап уларнинг ҳам юрагига гўлгула солиб қўйган эди.

– Балки эшиклар шамолда тарақлаб очилиб-ёпилгандиру, оқсочга шундай туюлгандир... Қўрқманглар, яхши ният қилинглр. – Ўзини дадил тутди Иванчо Йота. – Иваница буви, боғ эшиги очиқмиди? Бизникага чиқадиган эшик?

Марко докторни дарвозагача кузатди. Иванчо боғ эшик томон йўналди, хотини эшикда уни кутиб турарди.

## V. ТУН ДАВОМ ЭТАДИ

Доктор Соколов келиб эшикни қоқди. Қари уй бекаси эшикни очиши билан доктор шоша-пиша ичкари кирди.

– Клеопатра нима қиляпти?

– Сени сўради, – деди бека табассум билан.

Доктор узун ҳовлини кесиб ўтиб, ўз хонасига кирди. Деярли мебелсиз кенг, катта камини бор ва деворларига жавон ясалган бу хона бир вақтнинг ўзида унинг ҳам ётоқхонаси, ҳам кабинети, ҳам дорихонаси бўлиб хизмат қиларди. Жавонга бор дорилар териб қўйилган, мўъжазгина столнинг устида ҳавонча ва бир нечта тиббиётга оид китоблар сочилиб ётарди, уларнинг орқасида тўппонча ҳам бор эди. Каравотда қўшоғиз милтиқ ва ов халта осилиб турарди. Фақатгина Черногория князи Никола билан қандайдир актрисанинг суратлари деворни безаб турарди. Хона йиғиштирилмаган, бўм-бўш эди: буларнинг бари бу ерда боқибегам бир бўйдоқ йигит яшаганидан далолат бериб турарди. Сал очиқ кичкина эшик қазноққа олиб чиқарди. Мана шу қазноқда уч йил муқаддам мархум Левский тунаган.

Доктор парвосизгина бошидаги ҳожидўпписи билан камзулини ечди-да, қазноққа кирди ва:

– Клеопатра! Ҳов Клеопатра! – дея чапак чалди. Ҳеч ким жавоб бермади.

– Клеопатра! Чиқа қол, азизим!

Эшикнинг ортидан ўкириқ эшитилди. Доктор хонанинг ўртасидаги курсига чўкди-да, уни ёнига чақирди:

– Бу ёққа кел, Клеопатра!

Қазноқдан ёшгина мода айиқ чиқиб келди.

У бесўнақай маймоқ оёқлари билан лапанлаганча докторнинг ёнига борди. Сўнг орқа оёқларида тикка турди-да, олдинги икки оёғини докторнинг тиззаларига қўйди ва баҳайбат жағларини очиб, оппоқ ўтқир тишларини кўрсатди. Айиқ кучук болага ўхшаб эркаланиб докторга суйкалди. Доктор айиқнинг момиқ бошини силади, Клеопатра унинг қўлларини аста тишлаб қўйганда тортиб олмади.

Бир деҳқон уни Средна-Горе этакларидан тутиб олган пайтда айиқ боласи жудаям кичкина эди. Деҳқон ўз ўғлини ёмон касалдан асраб қолгани учун уни Соколовга совға тариқасида берган эди. Доктор айиқ боласига ўрганиб қолди-ю, уни вояга етказиш учун ҳеч нимасини аямади. Соколовнинг яхшилаб қилган парвариши оқибатида Клеопатра эсон-омон ўсиб-улғайди. Гимнастика машқларини ўзлаштирди, шу тариқа ўз эгасига нисбатан айиқнинг ҳам меҳри кундан-кунга товланиб борди.

Клеопатра ўйинга тушадиган, хизмат қиладиган, шапкасини олиб берадиган бўлди. Гарчанд бу «айиқча дастёр» деб аталса-да, ҳарҳолда

Клеопатра эгасининг уйини худди итдек қўриқларди. Чунки айиқ бор уйдан беморлар қочарди. Лекин бу ҳол докторни унчалик ташвишга солмасди.

Ўйин авжига чиққанда Клеопатра жунбушга келиб шундай бўкирардики, бутун маҳалла унинг рақс тушаётганидан огоҳ бўларди. Бундай пайтларда чидаёлмай Соколовнинг ўзи ҳам рақсга тушиб кетарди.

Бу оқшом доктор Клеопатрага одатдан ташқари меҳрибон бўлиб кетди. Катта бир бўлак гўштни қўли билан унинг оғзига солди.

— Е, азизим, «Оч қоринга сассиқ саримоқ» бўлмасин тагин. Чунки бугун сен менга бир малика мисол ўйинга тушиб беришинг керак.

Айиқ бу сўзларни тушунди, шекилли, ўкириб қўйди. Бу унинг «хизматингга тайёрман» дегани эди. Доктор қўлига лаган олиб чалганча қуйлай бошлади:

Кўз нурим Димитра, малла сочи қиз,  
Онаизорингга дегил, Димитра:  
«Тугиб берма, менга ука, сингиллар!»<sup>1</sup>

Бундан руҳланган Клеопатра орқа оёқларида туриб олди-ю, ўкириб ўйинга туша кетди. Лекин бирдан ўзини деразага уриб бўкириб юборди. Доктор ҳовлига одамлар кирганини кўриб ҳайрон бўлди.

У дарров тўппончасини қўлига олди.

— Ким у? — деди баланд овозда, кейин жим бўл дегандай, Клеопатрани туртиб қўйди.

— Доктор, марҳамат қилиб маҳқамага борар экансиз! — дейишди унга жавобан ҳовлидагилар.

— Сизмисиз, Шариф оға? Нима жин уриб мени йўқлаб қолишди? Биронтаси оғриб қолдими?

— Аввал айиғингни қама.

Доктор Клеопатрага ишора қилган эди, у гўлдираб-гўлдираб истамайгина қазноққа кириб кетди. Доктор унинг ортидан эшикни ёпди.

— Бизга сени маҳқамага келтириш учун буйруқ берилган. Қамоққа олиндинг, — деди ўнбоши дўқ уриб.

— Нега қамоққа олинарканман? Ким буйруқ берди?

Полициячилар фалокатни олдиндан сезиб саросимага тушган ва бир қадар хижолатга ботган докторни ҳайдаб кетишди.

У дарвозадан чиқаётиб Клеопатранинг юракни тилка-пора қилиб юборувчи ҳайқиригини эшитди. Айиқ худди болага ўхшаб йиғларди.

Маҳқамада тўс-тўполон. Докторни бейнинг ҳузурига олиб киришди.

Бей одатдаги ўрнида — бурчакда ўтирарди. Унинг ёнидан Кирияк Стефчов жой олган, у қандайдир қоғозни ўқир, маҳқама Кенгашнинг аъзоси Нечо Биронков ҳам ёнбоши оша унга қараб турарди.

Олтмиш ёшлардаги бей докторни кўриши билан қовоғини уйиб олди-ю, ўтиринг, деди. Раҳбар бундай усулни айбдорга гуноҳини бўйнига қўйиш учун қўллашарди. Бунинг устига Соколов бейнинг уй шифокори, чол уни жуда ҳурмат қиларди. Доктор ён-атрофга назар ташларкан, диванда Краличга берган ўзининг курткасини кўриб ҳайрон қолди. Шу он ҳамма нарсага тушуниб етди.

— Доктор, бу сенинг курткангми? — сўради бей.

Соколов «йўқ» демоқчи эди-ю, лекин бундан тониб бўлмасди, шунинг учун «ҳа» деди.

<sup>1</sup> Шеърларни шоир Муҳаммад Али таржима қилган.

– Унда нега эгнингда эмас?  
 – Кеча бир бечорага берворгандим.  
 – Қаерда?  
 – Ҳожи Шадовой кўчасида.  
 – Соат нечада?  
 – Туркларнинг вақти билан соат иккиларда.  
 – Сен ўша одам билан танишмидинг?  
 – Йўқ, лекин аҳволини кўриб раҳмим келиб кетди. Кийимлари дабдала экан.

– Алдашини қара аблахнинг! – деди Нечо нафрат билан.  
 – Ундан нима истайсан, Нечо? – деди шериги. – Чўкаётган одам хасга ёпишади.

Бей, қари тулкига фириб бериб бўпсан, деган маънода айёрона кулиб қўйди. У курткани докторнинг устидан ечиб олишганига ишончи комил эди. Соқчилар шундай деб кўрсатма беришган эди.

– Кириақ афанди, курткадан топган нарсаларингизни менга беринг... Буларни биласанми?

Докторга «Мустақиллик» деган газетанинг бир сони билан исёнга чорловчи варақани узатишди. Доктор, ўлимдан хабарим бор, булардан хабарим йўқ, деди.

– Унда сенинг чўнтагинга ким солиб қўйди буларни?

– Сизга айтдим-ку, ахир, курткамни бир нотаниш кимсага бергандим деб, буларни балки ўша солгандир.

Бей яна кулиб қўйди. Доктор иш пачава бўлишини сезди. Уни ҳар ҳолда исёнчилар билан ҳамтовоқликда айблашаётган эди.

Кечаги нотаниш одам шунақа эканми ҳали! Доктор буни ўшанда билганда-ку, унияма ҳалокатдан қутқарган бўларди-я, аттанг!

– Ярадор Усмонни олиб киришлар! – буюрди бей.

Хонага тирсагидан юқориси дока билан боғланган полициячи кирди. Краличнинг елкасидан курткани юлиб олган пайтда ўз шериги томондан отилган ўқ тасодифан кўлига теккан полициячи мана шу эди. Лекин Усмон билибми ё атайлабми, мени ярадор қилган одам қочқин, кўзғолончи эди, дея туриб олди. Усмон докторга яқин келди.

– Афанди, ўша одам мана шу, – деди.

– Курткасини тортиб олганинг шу одамми? Танияпсанми?

– Петканчова кўчасида менга ўқ узган мана шу.

Доктор полициячига ҳайратланиб қаради. Бундай палидлик бутун вужудини аланга олдириб юборган эди.

– Полициячи виждонини ютиб алдаяпти! – қичқириб юборди у.

– Чиқ, Усмон оға!.. Хўш, қалай энди? – бей яна Соколовга мурожаат қилди. Бу сафар унинг қиёфаси жиддий эди. – Буларнинг бари-ни инкор қиласанми?

– Ёлгон, бўхтон! Мен ҳеч қачон тўппонча олиб юрмайман, ундан кейин, кеча умуман Петканчова кўчасига борганим йўқ.

Ўнбоши докторни ҳибсга олиш чоғида столидан олган тўппончани шамга яқин келтирди ва маънодор қилиб:

– Тўртта ўқи бор... бешинчиси отилган, – деди.

Бей ҳам маъноли қилиб бошини силкиб қўйди.

– Янглишасиз! Кеча кечқурун тўппончамни олиб кетмаган эдим.

– Кеча, яъни воқеалар содир бўлган оқшомда қаерда эдинг бўлма-са? – Туркларнинг вақти билан соат учда?

Бу кутилмаган савол Соколовга худди очиқ кунда гумбурлаган момақалдироқдай таъсир қилди. Доктор хижолатдан қип-қизариб кетди. Кейин дона-дона қилиб жавоб берди:

— Соат учда Марко Иванованинг уйида эдим — боласи касал бўлиб қолган экан.

— Чорбожи Марконикига роппа-роса соат тўртда келгандинг. Сен кирганда биз уникидан чиқиб келаётган эдик, — эътироз билдирди доктор билан чорбожиникида тўқнаш келган ўнбоши.

Доктор индамай қолди, унинг руҳи тушиб кетган, вазият унинг фойдасига ҳал бўлмаётган эди. У ишни чигаллаштираётганини сезиб қолди.

— Яхшиси, тўғриси айтиб қўя қол. Ҳожи Шадовой кўчасида курткангни ечиб берганингдан ва чорбожи Марконикига киришингдан олдин қаерда эдинг?

Бундай лўнда савол лўнда жавобни тақозо қиларди. Лекин доктор Соколов оғзига сўк солиб олгандай индамасди. У ўз туйғуларини яширолмас, унинг қалбидаги ички ғалаён зоҳиридан сезилиб турарди.

Бундай сукут гуноҳни эътироф этиш билан баробар. Бу ҳол унга қарши қўйилаётган айбларни исботлашга ёрдам беради, холос. Бей докторнинг айбдор эканлигига шубҳа қилмасди, лекин шундай бўлса ҳам яна бир марта сўради:

— Бу вақтда қаердайдинг, айт?

— Айтолмайман, — деди доктор секин, лекин қатъий қилиб.

Бу жавоб ўтирганларни ҳайратга солди. Маслаҳатчи Нечо «Тузоққа тушди, шўрлик» дегандай Стефчовга қараб истехзо билан им қоқиб қўйди.

— Жавоб бер! Ўша вақтда қаерда эдинг?

— Буни сира айтолмайман... Бу сир, менинг виждоним, нафақат виждоним, табиблигим, умуман, инсоний бурчим бу сирни очишга йўл бермайди. Лекин Петканчова кўчасида бўлмаганим рост!

Бей оёқ тираб туриб олди, агар айтмасанг, оқибати ёмон бўлади, деб зугум қилди. Лекин доктор айтишим лозим бўлган нарсани айтиб бўлдим, деган қиёфада унга хотиржам қараб тураверди.

— Демак, айтишни хоҳламайсан-а?

— Бор гапни айтдим.

— У ҳолда сен бугун бизнинг азиз меҳмонимиз бўласан... Олиб боринг турмага! — амр қилди бей жиддий оҳангда.

Доктор ўзига қўйилган айбномадан эсканкираган, таажубланган қўйи ташқари чиқди, бу тухматларни рад қилиш унинг ихтиёрида эмасди, чунки ўзи айтганидек ўша оқшом қаерда бўлганини калласини олгандаям айтолмасди.

## VI. МАКТУЪ

Бугун Марконинг уйқуси нотинч бўлди. Тунда содир бўлган ҳодиса тинчини йўқотди. У одатлагидан ҳам эртароқ турди-да. қаҳва ичиш учун Ганконинг қаҳвахонасига ошиқди. Ганко ҳам қаҳвахонани эндигина очиб, печкани ёқиб турган экан.

Марко унинг илк хўрандаси бўлди.

Қаҳвахона соҳиблари гап терадиган, гапни яхши кўрадиган одамлар бўлади. Ганко ҳам ўз қаҳвахўрларига одатда қаҳва бера туриб айтадиган илиқ гапларини бир-икки оғиз сўз билан тугатиб, шоша-пиша докторнинг Петканчова кўчасида қилган ишини ва бу қандай оқибатларга олиб келганини завқ-шавқ билан гапириб берди.

Майда одамларнинг қалбида ўз яқинларининг бошига тушган мусибат учта туйғуни қўзғатади: биринчидан, у ҳайрон бўлади, ажаб-

ланади; иккинчидан, ботинан, қониқиш ҳосил қилади, чунки му-сибат унинг бошига тушмаган-да; учинчидан, ички бадҳоҳлик уйго-тади. Бундай пинҳона туйғулар инсон қалбининг туб-тубида макон топган бўлади. Ганконинг эса, бунинг устига докторни кўргани кўзи йўқ эди. Чунки бир кун муолажа қилгани ҳақиқага ўн икки финжон қаҳва беришни талаб қилган эди. Ганко унинг мана бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қилигига асло тоқат қилолмасди.

Марко ҳайратдан ёқа ушлади. Ахир у кеча кечқурун доктор билан гаплашган, лекин унинг юзларида, гапларида ҳаяжондан асар ҳам кўрмаган эди. Ундан ташқари, Соколов Маркодан бундай нарсаларни умуман яширмасди.

Қаҳвахонага ўнбоши кириб келди-ю, Марко фурсатдан фойдаланиб, буни сўраб-суриштирди. Марко ўнбошининг гапларидан шуни англадики, полиция бировга қазган чоҳга Соколов тушибди. Лекин Кралич уларнинг чангалидан қочиб қутулибди. Унинг қувончдан юзлари ёришиб кетди.

– Докторнинг гуноҳи бўлса агар, йигит ўлай! – деди у.

– Қанийди-я, – деди ўнбоши, – ўзини қандай оқларкин, ақлим-гаям сифмайди.

– Оқлашга оқлайди-ку, улгуролмайди. Қийнаб юборишади... Бей маҳкамага қачон келади?

– Бир соатдан кейин. У вақтли келади.

– Докторни қўйворинглар, уни ўзим кафилликка оламан: уйим, бола-чақаларимни гаровга қўйсам ҳам кафилликка оламан. Унинг заррачаюм гуноҳи йўқ.

Ўнбоши унга ажабланиб қаради.

– Кафолатга эҳтиёж қолмаган, уни олиб кетишди, – деди у.

– Қачон? Қаерга? – қичқириб юборди Марко.

– Тунда соқчилар К.га ҳайдаб кетишди.

Марко газабини яширолмай тутоқиб кетди. Маркони қаттиқ ҳур-мат қиладиган ўнбоши унга дўстона, лекин насиҳатомуз оҳангда шундай деди:

– Сиз чорбожи Марко... тагидан лойқаси чиқиб турган бундай ишларга аралашмасангиз яхши бўларди. Нима қиласиз бошингизни балага қолдириб. Ҳозир бировга биров кафолат бўладиган давр эмас.

Ўнбоши қаҳвасини ичиб, гапида давом этди:

– Ярим соатдан кейин бейнинг хатига исёнга чорловчи варақни кўшиб мен ҳам К.га жўнайман. Бу варақа докторнинг ёнидан чиқди. Агар билгингиз келса, ҳамма бало шундан бошланган. Унинг бошига етган шу. Қолгани бари... бўлмағур гаплар! Усмонни доктор эмас, ўзимизникилардан биттаси билмасдан... отиб қўйган... Яранинг ўзиёқ буни айтиб турибди... Умуман, бошлиқлар бу ишларнинг тагига етади... Ганко, менга кераксиз қоғозинг бўлса бер, хатни ўраб олай, гижимланиб қолмасин.

У қўлтигидан қизил муҳр урилган каттакон конвертни чиқарди-да, қаҳвахона соҳиби берган қоғозга ўради. Кейин яна битта папирос чекди-да, Марко билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Чуқур ўйга толган Марко чурқ этмай жойида узоқ вақт ўтириб қолди. Қаҳвахона бир вақтнинг ўзида сартарошхона вазифасиниям ўтарди. Шунинг учун Ганко Маркога орқасини ўгириб олиб, янги кириб келган мижози Петко Бозинякнинг бошини ишқалай бошлади.

Бир оздан кейин Марко ҳам туриб чиқиб кетди.

– Хуш келибсан, Марко амаки! Ҳа, намунча, келишингдан кетишинг тез бўлиб қолди? – қичқириб қолди унинг орқасидан Ганко,



мижозининг бошида совун кўпиртириб. – Доктордан хавотир оляп-санми дейман? Ўзи айбдор. Экканингни ўрасан дейишади. Нега Петко Бозинякни олиб кетишмади бўлмаса? А, лаббай, Бозиняк?

Боши кўпик миждоз нималарнидир гўлдиради, лекин ҳеч нарса тушуниб бўлмади.

Ганко миждознинг бошини яна бир оз ишқалагандан кейин совунни ювиб ташлади-да, юзларини кир сочиқ билан артди. Қўлига дарз кетган кўзгу тутқазиб деди:

– Соғ бўлинг!

Мағзавани ташқарига олиб чиқиб кетаётиб эшикда Маркога тўқнаш келиб қолди.

– Муштугимни унутиб қолдирибман, – тушунтирди Марко муштуги ётган ерга йўналаркан.

Шу аснода Бозиняк ҳам кўзгунинг устига танга ташлаб, қаҳвахонадан чиқиб келди. Ганко қайтиб кирди.

– Менга қара, Ганко, сендан қанча қарзим бор, айт, тўлаб қўяй? – деди унга Марко. – Қарздан узилиб қўйиш керак. Ҳар ойнинг охирида доим сен билан ҳисоб-китоб қиламан-ку.

Ганко бўр билан чизиб ташлаган шифтгни кўрсатди.

– Менинг кирим-чиқим дафтарим мана шу, ўзинг ҳисоблаб ташлаб кетавер, – деди у.

– Ахир бу ерда менинг фамилиям йўқ-ку.

– Мен ҳисобни французча усулда юритаман.

– Бунақа ҳисоб юритишда тез орада уйингни тополмай қоласан-ку, – ҳазиллашди Марко ҳамёнини чиқариб. – Ие, буни қара, ўнбоши хатини унутиб қолдирибди-ку, – деди у жавонни кўрсатиб.

– Ҳа, рост-а, унинг хати-ку! – ажабланганидан қичқариб юборди Ганко ва кейин нима деркин дея савол назари билан Маркога қаради.

– Хатни иложи борича тез унга жўнат, – деди Марко қовоғини солиб. – Мана сенга бир червон билан йигирма саккиз тийин, мени кафангадо қилдинг, тамом!

Ганко Маркога ҳайратланиб қаради.

– Бу дейман Марко жа ғалати одам-да, – дея гўлдиради ўзича, – уйининг тўрини айиқчадан аямайди-ю, яна ўша машғум хатни ёқиб юбориш кераклигига ақли етмайди. Шундоқ ёқворса-ку, олам гулистон-а!..

Лекин шу онда қаҳвахонани янги миждозлар босди. Улар оғизларидан тутун буруқситганча докторнинг бошига тушган мусибатни бири олиб-бири қўйиб гапира кетишди.

## VII. ҚАҲРАМОНЛИК

Қуёш анча кўтарилиб қолди. Унинг ўткир нурлари монастир ҳовлисига қуюқ кўланка ташлаб турган кўм-кўк ток барглари орасидан туша бошлади. Оқшомлари бу ернинг ҳар бир бурчагида турли-туман шарпалар кўзга кўрингандай бўлар, ҳовли одамнинг юрагига ваҳима соларди. Ҳозир эса, ҳовли чароғон, сокин, шодликка тўла. Сайроқи қушлар ўзларининг шодон кўшиқлари билан ҳовлига жон киргизиб юборган: шўх жилғанинг шаффоф сувлари бир маромда жилдираб оқади. Тоғдан тонгги сарин ел эсиб, шамшодларнинг шоҳларини силкитар, барглари эса аста пичирлашарди. Бу ердаги нарсаларнинг бари файзли, тантанавор кўринарди. Ҳатто ғамнок ҳужралар ҳам кишини олқишлаётганга ўхшар, ҳужраларни бирлаштириб турган узун

айвоннинг шифтига ин қурган қалдирғочлар тинимсиз вал-фажр ай-тишарди.

Ҳовлининг ўртасида ток сўриси остида оппоқ соқоли киндигигача тушган, эгнида бинафшаранг жубба, бошланг чол сайр қилиб юрарди. Бу саксон беш ёшли шартти кетиб, парти қолган, лекин мункиллаб қолганига қарамай салобатли, улуғвор кўринадиган ҳазрат Иеротей эди. Уни кўрган одам ўтган асрдан қолган ёдгорлик дейиши тайин. Мўйсафид ўз умрининг сўнгги кунларини хотиржам ўтказмоқда эди. Ҳар куни эрталаб ҳовли кезиб мусаффо тоғ ҳавосидан симирар ва йўлга ошиққан кўёш, осмонни кўриб худди ёш боладай қувонарди.

Сал нарироқда сўри устида бу – ўтмиш ёдгорлигига қарама-қарши қўлида китоб ушлаганча дьякон Викентий ўтирарди. (У рус гимназиясига кириш учун имтиҳонларга тайёрланаётган эди). Дьяконнинг навжувон чехрасидан ёшлик, ҳаётдан умидворлик учкунлари барқ уриб турар, ўйчан боқишларида мислсиз қудрат ва ҳаётга ташналикни уқиб олиш мумкин эди. Келажак мана шу йигитники эди. Ҳалиги қария ўз нигоҳини боқийликка қандай қадаса, у ҳам келажакка шундай умид билан тикиларди.

Хаёлотга берилганда монастир деворининг ортидаги сукунатга не етсин.

Черковга кириладиган тош зинапояда ҳовлида думини елпиғич қилиб юрган куркаларга маҳлиё бўлганча юм-юмалоқ ҳазрат Геденон ўтирарди. У куркаларни хаёлан Инжилдаги мағрур фарисейларга қиёслар, уларнинг қурқурлашлари эса, хотирасида қушлар тилини тушунган Сулаймон шоҳнинг қиёфасини тикларди. Ҳазрат Гидеон тақводорона хаёллар қучоғида тушлик хўракка чақириладиган зангни кутар, ошхонадан овқатнинг ёқимли иси келиб, димоғини қитиқларди.

Ошхонанинг шундоққина остонасидага офтобрўяда телба, шу монастирда яшайдиган гилай жўраси Мунчо ўтириб олган эди. Мунчо ҳам чуқур ўйга чўмганча файласуфона фикр билан куркаларни кузатмоқда эди. Аслида «Куркаларни кузатмоқда» деган таъбир унча жоиз эмас. Телба Мунчо курка ва унинг болаларидан бошқа кўп нарсаларниям кўра оларди. Чунки у бир кўзи билан савдо қилиб, иккинчи кўзи харидорни кузатадиган баққоллар хилидан эди.

Мунчо қўлини ўйнаб, бошини силкиб ўтирарди. У айвоннинг юқори қаватига кўрқа-писа қараб-қараб кўярди. Нимадан кўрқиши фақат ўзига аён.

Агар бир нечта тингловчи батракларни, ҳозир сафарда бўлган игуменни ҳисобга олмаганда, монастирда ҳеч ким йўқ эди.

Лекин роҳиблар кутмаганда игумен қайтиб келиб қолди. У отдан тушиб, юганни гилайга тутқазди-ю, қовоғини солиб Викентийга мурожаат қилди:

– Шаҳарда аҳвол чатоқ.

У Соколовнинг бошига тушган мусибатни ипидан игнасигача гапириб берди.

– Шўрлик Соколов, – деди охири хўрсиниб.

Игумен Натанаил чорпахилдан келган, бақувват, вужудидан куч ёғилиб турган, қалин жингалак сочли киши эди. Агар устидан жуббасини ечиб ташласа, роҳибга мутлақо ўхшамай қоларди. У яшайдиган хужранинг деворида милтиқлар осилиб турарди. Отишга уста бўлга-

<sup>1</sup> Қадимги Иудеяда бой табақалар манфаатини ҳимоя қилган, мутаассиблиги ва мунофиқлиги билан танилган диний-сиёсий партиянинг аъзоси.

нидек, ўқ теккан ярани даволашнинг биларди, сўкишга келганда эса болохонадор қиларди. У игумен эмас, лашкарбошиликка лойиқ одам эди. Айтишларича, бир вақтлар ростдан ҳам лашкарбоши бўлган, кейин тавба қилиб гуноҳларидан фориг бўлиш учун монастирга кетган экан...

– Ҳазрат Гедеон қаерда? – деб сўради игумен атрофга қараб.

– Шу ердан! – деб жавоб берди Ҳазрат Гедеон ошхона эшигида туриб, у тушлик эртароқ бўладими-йўқми, шунин билмоқчи бўлган эди.

– Тагин ошхонага кирдингми, Ҳазрат Гедеон? Баднафслик ёмон гуноҳ эканлигини билмайсанми?

Натанаил роҳибга эшакни шай қилишини ва Войнагово қишлоғига бориб монастир еридаги ўт ўраётган чалғичиларни кўриб келишни буюрди.

Ҳазрат Гедеон пакана, қорни беўхшов, юзлари сип-силлиқ, худди ёғ суриб ялтилатилган мешга ўхшарди. У игумен томон бир неча қадам кўйди-ю, юзларидан шовуллаб тер оқиб кетди. Яқин келиб кўлларини қорнига кўйганча тураверди, кўринишидан бу осий дунёни айланиб келиш мутлақо унга ёқмаётгани яққол сезилиб турарди.

– Ҳазрат игумен, – ёлворувчан оҳангда деди Гедеон нафаси қисилиб. – Ҳазрат игумен, каминани камтарин дўстингизни мана шу азобдан қутқаринг.

Ҳазрат Гедеон эгилиб таъзим қилди.

– Азоб деганинг нимаси? Нима, сени пиёда жўнатяпманми? Эшак миниб борасан, қиладиган ишинг бир кўлингга югану, иккинчи кўлинг билан қишлоқлардан ўтганингга доим дуойи фотиҳа қилиш.

Натанаил шундай дея роҳибга истехзо билан кулиб кўйди.

– Ҳазрат Натанаил, гап меҳнат қилишда эмас, меҳнат шарофати билангина биз шу муқаддас даргоҳда чивиндек жонимизни асраб юрибмиз, лекин ҳозир дала кезадиган пайт эмас.

– Нега пайти эмас экан. Ҳаво ёмонми? Май ойида сайр қилиш соғлиққа фойдали.

– Замонни қаранг, Ҳазрат, замоң қанақа ахир! – куйиб-пишиб ҳайқириб юборди Ҳазрат Гедеон. – Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, Соколовни чилвир билан боғлаб олиб кетишди, ким билади энди христиан у дунёга равона бўладими. Агарянлар бераҳм халқ... Худо кўрсатмасин, менга халқни исёнга чорлапти деб тухмат қилишса, унда монастирга қийин бўлади... Жуда хатарли иш бу.

Игумен бор овоз билан хахолаб юборди.

– Ха-ха-ха!... – У хўппасемиз Гедеонга қараб куларди. – Сен турклар мендан шубҳаланади, деб ўйлаяпсанми? Бундан чиқди, Ҳазрат Гедеон сиёсий арбоб экан-да! – Ха-ха-ха!.. Дангасага иш буюрсанг, ақл ўргатади деганлари шу-да. Ўзи юрагим ёниб турган бир пайтда бемаза гаплар билан мени кулдиришинг уят. Дьякон Викентий! Ҳов, дьякон Викентий! Бир келиб Гедеоннинг гапларига қулоқ сол-а... Мунчо, бориб Викентийни чақириб кел, бўлмаса кулавериб чангак бўлиб қоламан.

Ҳақиқатан ҳам Игумен шундай қаттиқ кулардики, унинг кулгиси ҳамма айвонларда акс садо берарди.

Мунчо игуменнинг буйруғини эшитиб, илгаригидан ҳам баттарроқ бошини силкитди, ола-кула бўлиб кетган кўзларида кўрқув акс этди.

– Русс-и-ян! – дея қичқирди у қалтираб ва бармоқларини дьякон чиқиб келган айвонга нуқди.

Кейин буйруқни бажаришга мажбур қилишларидан хавфсираб тескари томонга кетди.

— Россиян дейдими бу? — игумен ажабланди. — «Россиян»и ким бўлди?

— Арвоҳ, зоти олийлари, — тушунтирди Гедеон.

— Мунчо қачондан буён бундай қўрқоқ бўлиб қолди? У ўзини куюқ ўрмондаги уккидай хотиржам сезарди-ку.

— Гапнинг индаллоси, ҳазрат Натанаил, қандайдир арвоҳ кечалари айвонларни кезиб юрадиган бўлиб қолди. Бугун тунда Мунчо қўрққанидан юраги ёрилиб хузуримга югуриб келди. Гапига қараганда, хужрадан чиққанида оқ кафанга ўралган арвоҳ кўрганмиш. Дарчасига ойна қўйилган хужра бор-ку, ўшанда. Яна алламбалоларни валдирайдими-ей, худонинг ўзи кечирсин. Юқори айвонга муқаддас сувдан сепиб қўйиш керакмиди.

Мунчо нарироқда тўхтади-ю, юқорига кўрқув аралаш қараб қўйди.

— Нимани кўрган экан? — сўради игумен. — Қисқаси, ҳазрат, ўзимиз бориб кўрайлик-чи, — деди у тагин хужрага ўғри-пўғри кириб қолмаганмикин деган хаёлга бориб.

— Худо сақласин! — деди Гедеон ва чўқиниб қўйди.

Айвонга игуменнинг бир ўзи чиқиб кетди.

Шуни айтиш керакки, игумен Викентийни чақирган дақиқада у Краличнинг олдига кириб кетган эди.

— Нима янгиликлар бор, ҳазрат? — деб сўради Кралич Викентийнинг нимадандир ҳажонланиб турганини сезиб.

— Ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, — деди дьякон уни хотиржам қилишга шошилиб. — Лекин игумен жуда нохуш бир хабар келтирди: полиция бугун кечаси Соколовни ҳисбга олиб, К.га жўнатибди.

— Ким у Соколов дегани?

— Шаҳримизда яшайдиган бир доктор, ўзи жуда яхши одам. Чўнтагидан исёнга чорловчи варақалар топилганмишми-ей... Балки тўғридир. Мен шуни аниқ биламанки, у ҳақиқий ватанпарвар, — деди дьякон. Афтидан, қаттиқ ташвишда шекилли, жимиб қолди. Кейин яна гапга тушди. — Тагин одамларнинг айтишича, кеча уни қувишганда тўппончадан ўқ узиб, бир полициячини яралабди, у эса эгнидан куртқасини ечиб олибди... Бечора доктор, тамом бўлди энди... Худога минг қатла шукурки, уларнинг таъқибидан эсон-омон қутулиб олибсиз... Шаҳарда сиз ҳақингизда ҳеч қандай гап йўқ.

Дьякон сўнгги сўзларини айтиб улгурмасданоқ унинг суҳбатдоши қўллари билан бошини чангаллаб олди-ю, хонада у ёқдан-буёққа телбаларча оҳ уриб юра бошлади. Афтидан, қандайдир умидсизлик бутун вужудини қамраб олганга ўхшарди. Дьякон ҳеч нимани тушунмай Краличга қаради.

— Сенга нима бўлди, азизим! Худога шукур, ҳеч қандай хавф йўқ.

Кралич унинг қаршисига келиб тўхтади. Юзлари аламдан бўртиб кетиб, бирдан қичқириб юборди:

— Хавф йўқ дейсанми? Айтишга осон. — У шундай деб пешонасига шапатилаб бир урди. — Викентий, нимага қараб турибсан? Тушунмаяпсанми? Эҳ худойим, ўша куртқани мен кийиб олганимни айтиш ёдимдан чиқибди. Кеча шаҳарда қандайдир илтифотли бир йигит менга Марконинг уйига борадиган йўлни кўрсатиб юборган эди. Эгнимдаги жулдур кийимларимни кўриб раҳми келдими, куртқасиниям ечиб берди. Энди билсам, ўша одам Соколов экан. Кейин куртқа соқчиларнинг қўлига тушиб қолди. Унинг чўнтагига жулдур кийимимдаги «Мустақиллик» газетасини ва варақаларни ўзим солиб қўйгандим.

Варақани менга бир кунга бошпана берган троянликлардан олган эдим. Тагин уни ўқ отди деб айблашганини қара. Мен тўппончага қўлимниям теккизганим йўқ. Эҳ, лаънатилар! Энди тушунгандирсан? Ўша одам мени деб балого қолибди. Ўзиям бадбахт одам эканман. Ким менга яхшилик қилса, бошига фалокат тушяпти.

– Ҳа, ишлар чатоқ, — деди афсусланиб Викентий. — Алам қиладиган жойи шундаки, унга ёрдам беролмаймиз... шунақа.

Кралич ўгирилди: унинг юзлари ўт бўлиб ёнарди.

– Нега ёрдам бериб бўлмас экан? Мен шундай олижаноб, ўзинг айтганингдек, зўр ватанпарвар одамнинг ҳалок бўлиб кетаверишига томошабин бўлиб тураверар эканман-да? Бу ўтакетган қабиҳлик-ку.

Дьякон индамай унга қараб турарди.

– Йўқ, каллам кетсаям, унга ёрдам бераман. Нима қилиш керак, ахир? Айт! Мен ҳаммасига тайёрман! — ҳайқириб юборди Викентий.

– Уни ўзим қутқараман.

– Сен-а?

– Ҳа, мен. Ўзим қутқараман. Ўзим қутқаришим керак, ёлғиз ўзим қутқара олишим мумкин, — қичқириб юборди. Кралич жазаваси кўзиб ва яна хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унинг чеҳрасида қатъий ирода ва жасорат зуҳур этиб турарди.

– Нима, энди ҳаммамиз турмага ҳужум қилайликми, шундай де-моқчимисан?

Викентий унга ажабланиб, ҳатто бир қадар чўчинқираб қаради. «Ақлдан озганми ўзи?» — дея ўйлаб қолди.

– Докторни қандай қилиб бир ўзинг қутқармоқчисан? — сўради у.

– Тушуниб етмадингми ҳали?

– Йўқ.

– Бориб ҳукуматга ўзимни танитаман.

– Қандай? Ўзингни ўзинг тутиб бермоқчимисан?

– Бўлмаса, бировлар тутиб берсинми? Менга қара, Викентий, мен ҳалол одамман. Бировларни азобга қўйиб хотиржам яшаш менинг руҳимга ёт. Аблаҳлик қиламан деб шундан-шунга бир ой йўл юриб келганим йўқ. Агар шараф билан ҳаётимни беролмасам, мардона қурбон бўлишга тайёрман... Тушундингми? Агар бугун мен бориб турк ҳокимларига ўзимни тутиб бермайдиган ва «Соколов айбдор эмас, у билан таниш эмасман, курткани менинг устимдан ечиб олишган, варақалар ҳам меники; хавфли одам — бу менман, ҳаммасига мен айбдорман, соқчини отган ҳам мен, нима қилсанглар қилинглар», демасам, доктор Соколов тамом бўлди деявер. Бунинг устига, ўзини оқлолмаса ёки... Ўзинг айт-чи, бундан бўлак йўл борми?

Дьякон жим бўлиб қолди. Юрагининг ич-ичидан Кралич ҳақлигини тушуниб турарди. Адолат ва инсонийлик туйғуси ўзгалар эслатишдан олдинроқ ўз-ўзини қурбон қилиши лозимлигини тақозо қиларди. Ана шундан кейин бу одам Викентийга илгаригига нисбатан ҳам ҳурматга сазовор олижаноб кимсага айланди. Краличнинг чеҳрасидан нур ёғиларди. Бундай нур ҳақиқий фидокор, жасоратли одамларнинг юзларида зоҳир бўлиши мумкин. Унинг ҳаққоний, жозибали сўзлари Викентийнинг қалбига ҳузурбахш туйғу олиб кирди. Дьякон Краличнинг ўрнига ўзини қўйиб кўрди: бунда унинг ўзи ҳам худди шундай деган ва ўз бурчини адо этган бўларди. У шу қадар таъсирланиб кетдики, кўзларига ёш қуйилиб келди.

– К.га борадиган йўлни кўрсат, — деди Кралич.

Шу он дераза ортида игуменнинг каттакон пахмайган боши кўринди. Ёшлар қизгин суҳбатга берилиб кетиб оёқ товушларини эшитмай қолишди. Кралич чўчиб, савол назари билан дьяконга қаради.

Дьякон ирғиб туриб эшикка чиқди. У игумен билан айвоннинг қанотига борди-да, Кралич безовталаниб ўтирган хужранинг деразасига қарай-қарай қўлларини силкитганча куйиб-пишиб бир нарсаларни узоқ тушунтирди.

Эшик очилиб, хужрага Викентий билан Натанаил кириб келишганда Кралич игумен томон юриб борди ва унинг қўлларини олиш учун эгилди.

— Кўй, ўпма, мен бунга муносиб эмасман! — хитоб қилди игумен кўзларида ёш қалқиб, сўнг узоқ ҳижрондан кейин фарзандининг дийдорига етишган ота мисол Кралични кучоқлаб ўпди.

## VIII. ЧОРБОЖИ ЮРДАН ХОНАДОНИДА

Худди шу куни кекса чорбожи Юрдан оилавий тантана муносабати билан зиёфат уюштирган эди. Зиёфатга қариндош-уруғлар, дўстлар ва хонадон соҳибининг ҳамфикр шериклари таклиф қилинди.

Юрдан Диамандиев ўзи ёши ўтиб қолган, касалманд, доим қовогидан қор ёғилиб турадиган тажанг одам бўлиб, чорбожи номига доғ туширган бадавлат кимсалар сирасига кирарди. Унинг бойлиги ортгандан ортиб борар, кўп сонли оила аъзолари тўкин-сочин яшашар, ҳеч ким чизган чизигидан чиқмас, лекин ҳамма уни ёмон кўрарди. Ёшлигида турклар билан оғиз-бурун ўпишиб, камбағал бечораларни эзган, талаган, энди қайтиб бировларга ёмонлик қилмагани, тўғрироғи, қилолмагани билан барибир ҳамма ундан жирканарди. У бутун туриш-турмуши билан ўтган замон одами эди.

Юрдан ўзи хўмрайиб ўтирса-да, барибир зиёфат жуда хандон-хушон ўтди. Ўз ишини билиб қиладиган, маҳмадона, эрка-тантиқ, керак бўлса ўзининг мўмин-қобил эриниям савалаб турадиган Юрданнинг қизи Гинка хола ҳазил-хузул, аския билан меҳмонларни кулдириб турди. У тинимсиз сайрарди. Уч роҳиба ҳаммадан кўпроқ кулди. Улардан бири Юрданнинг чўлоқ ва ўтакетган ғийбатчи синглиси Ҳожи Ровоама. У гап орасида зиёфатда иштирок этмаганларни ҳазил ара-лаш чақиб-чақиб олиб, Гинка холага жўр бўлиб турди. Хонадон соҳибининг куёви Ҳожи Симион оғзи тўла овқат, куламан деб тикилиб ўлаёзди. Алафрангининг олдидаги санчқи билан чимдиб ўтарди. Михалаки бўлса, бундай беандишаликдан дарғазаб бўлиб, қовогини солганича ҳадеб атрофга алангларди.

Михалаки ўзиям «Алафранги» деган лақаб орттиришга муносиб иш қилганди-да. Гап шундаки, у бир вақтлар, яъни бундан чамаси ўттиз йиллар муқаддам шаҳарда биринчи бўлиб шим ўрнига шалвор кийган ва олифтагарчилик билан французча гапириб юрган. Тўғри, буларнинг бари ўша пайтда қолиб кетган. У шу пайтга қадар Қрим уруши давридан қолган пальто кияр, унинг французча сўз бойлиги эса биронта сўз билан бойиған эмасди.

Лекин бу лақабдан оладиган ҳузури, олим одам деган обрўдан талтайиши ҳалигача қолмаган. Шу сабабли Михалаки ҳар дақиқада бурнини кўтарар, ҳеч кимга «Михал амаки» дейишга йўл қўймас, агар биров шундай деб қўйса, унга худди соқчи Михал билан адаштираётгандек ёки у билан тенглаштираётгандек туюлаверарди. Бу бо-рада у ниҳоятда инжиқ эди. Ён кўшниси Иванчо Йота одамлар олдида Михалаки Алафрангини маъноси бир бўлса керак, деб икки марта Михалаки Малафранза деб юборгани учун кўп йиллар у билан гап-лашмай кетганди.

Алафранганинг қаршисида чўзиқ юзли, қотма, қоратўридан келган, ёшиям элликлардаги қувкўз Дамянчо Григоров ўтирарди: унинг юпқа лабларидан истехзоли табассум аримас, юзларидан эса кибр-ҳаво, жиддийлик зуҳур этиб турарди. У шу қадар суҳандон эдики, бир гапга тушса, тўхтатиб бўлмас, ҳаммани оғзига қаратиб қўяр, гўё ичидан гап булоқдек қайнаб чиқаверар эди. Бойлиги эса газначи Ҳали-маникидан кам эмасди. Устаси фаранг лофчи бир томчи сувни денгизга айлантириб юборар, пашшадан фил ясар, пашша бўлмаса бошқа нарсаниям дўндириб юбораверар эди. Энг асосийси, нима гапирмасин, ҳаммасига ўзи ишонади. Унинг ўз тингловчиларини ишонтиришдаги бирдан-бир усули ҳам мана шу эди. Дамянчо нима бўлмасин, шаҳарнинг энг кўзга кўринган савдогарларидан бири ва ўзи ажойиб ватанпарвар эди.

Гинка холанинг эри бошини талинкага эгганча миқ этмай овқатни урар, гап қизиқ келиб қолиб орага бир гап қўшса ёки қаттироқ кулса борми, хотини «жим» деган маънода бир ўкрайиб қўярди-ю, оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қоларди. Иродасиз, кўнгилчан, қачон қарасанг бу одам хотинига елпатак бўлиб юрарди. Одамлар хотинини эрига қараб Генканинг Гинкаси дейиш ўрнига тескарисига, Гинканинг Генкаси дейишарди.

Унинг ёнида маслаҳатчи Нечо Пиронков ўтиради; у вақти-вақти билан башанг кийиниб олган Кириак Стефчовнинг қулоғига ниманидир шивирлар, бу бўлса унинг гапини эшитмай маъқулларди-ю, лекин ўзи табассум билан Юрданнинг қизи Лалкага тикиларди. Бироқ суҳбатдошининг гапларига эътибор бермагани учун сал ўтмай таъзирини еди: Нечо қўлидаги қадаҳни уриштирганда вино Стефчовнинг оппоқ шимига тўкилиб кетди.

Бу йигит (биз уни бей ҳузурида кўргандик, бундан кейин ҳам ҳикоямизда асосий қаҳрамонлардан бири бўлади) ҳам руҳий, ҳам тарбиявий жиҳатдан ҳақиқий чорбожи эди. Отасининг тупроғи эса Юрдан Диамандиевнинг тупроғи билан бир ердан олинган эди. Ёш Кириак эски қарашларга ёпишиб олган, янги, эркпарвар гоёларнинг таъсирига берилмасди. Туркларнинг Стефчовни ёқтиришлари тушунарли, ёшлар эса, турк айғоқчиси деб ундан ўзларини олиб қочишарди. Бунга унинг такаббурлиги, ёвуз ва ичиқоралиги ҳамда фосиқлиги ҳам сабаб бўлса керак. Лекин шунга қарамасдан, — эҳтимол, худди шунинг учундир, — Юрдан Стефчовни ёқтирар ва буни ундан яширмасди. Шу сабабли ростми-ёлғонми, Юрдан Стефчовни куёв қилармиш деган гап тарқаб кетган эди.

Стол йиғиштирилиб, меҳмонларга қаҳва берилди. Қаҳвани ҳеч кимнинг эътиборини тортмаган бўйдор, юзлари мағиздай, эгнига қора қўйлак кийиб олган бир қиз тарқатди: овқат устида бошланган суҳбат ҳали тугамаган, чунки Гинка хола гапга чечан, ҳаммани истаганча ўзига қаратиб тура олиш қобилиятига эга аёл эди. Тезда суҳбат мавзуи шу куннинг долзарб масаласига — доктор Соколовнинг бошига тушган мусибатга ўтди. Бу мавзу дарров эътиборни тортди ва тушлиқдан кейинги дам олиш дақиқаларида суҳбатга жон киритиб юборди.

— Энди доктор хонимнинг ҳоли нима кечаркин? — деди кулги аралаш Серафима она.

— Қанақа доктор хоним? — сўради қуда.

— Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз, қуда хола? Клеопатрани айт-япти-ку.

— Юринглар, Клеопатрани бориб кўрамиз, кейин докторга бир хат йўллаймиз, бечора маъшуқасини соғиниб ўтирган бўлса ажабмас, — деди Гинка хола.

— Михалаки, — деди қуда хола Алафрангига, — Клеопатра дегани нимаси? Қуна буви айтаман деб ҳеч тили келишмаяпти.

Михалаки қовоғини солди, чуқур ўйга ботгандай жимиб қолди, кейин дона-дона қилиб деди:

— Клепатра — Эллин давридан қолган, бошқача қилиб айтганда грекча сўз. Клепатра дегани бу «ййги... унга ййги...»

— Аниқроғи, доктор учун ййглаш экан, — деди ишшайиб Ҳожи Смион ва зарурат сезмасаям камзулининг чўнтагига кўлини тикди.

— Исмининг аҳамияти йўқ, — деди Ҳожи Ровоама хоним. — Доктор учун Клеопатрага қараганда бошқа бировлар кўпроқ ёш тўкадиган бўлди.

Роҳиба Ҳожи Смион билан яна бир ёш жувонга бошини эгиб, бир нарсаларни шивирлаган эди, учала аёл бирдан кулиб юборишди. Бу кулги бошқа меҳмонларга ҳам юқди.

— Гинка, хаёлга келмайдиган гап-а! Ёпирай, нақ бейнинг хотини-я? — ажабланди Мичовица.

— Бейнинг хотини бўлса нима бўпти? Бўри кўйни кўтондан опқочади-да, — деди Гинка хола.

Яна қаҳқаҳа кўтарилди.

— Кириак, Соколовдан қанақа қоғоз топишибди? — деди меҳмонларнинг нимага кулишаётганини фаҳмлаб етмаган Юрдан.

— Турган-битгани исёнга чорловчи варақа. Бей мени кечаси чақириб таржима қилиб беришимни илтимос қилди. Ўша варақада шунақанги бемаза, шунақанги мағзава гаплар ёзилган эдики, Юрдан амаки, бунақаси телбаларнинг ҳам калласига келмайди. Бухарест кўмитасининг бу варақаси гарчанд кулимиз кўкка соврилиб кетсаям, бизни озодлик учун курашга чорларди.

— Ўлсанг ҳам озод бўл экан-да, — деди таҳқиромуз Нечо Пиронков.

— Ҳа-ҳа! Бу ярамаслар ҳамма нарсага ўт кўйиб кулини кўкка совуришмоқчи; кимнинг бойлигини куйдирасанлар? Бировларнинг-да, албатта. Ўзларининг эса уйларида қоққани қозиғи йўқ. Кулини кўкка совуриш — бу айтишга осон! Аблаҳлар! — деди чорбожи Юрдан даргазаб бўлиб.

— Қип-қизил қароқчи булар, — кўшиб кўйди Ҳожи Смион.

Узун бир латифа айтиш учун маврид пойлаб турган Дамянчо Григорев Ҳожи Смионнинг сўнгги сўзларини ушлаб олди-ю, гапни бошлади:

— Ҳожи, уларни сен қароқчи деяпсан, лекин бир-бирига ит-мушук. Бир пайтлар Штипга боришимга тўғри келиб қолган эди. Бу ҳодиса бир минг саккиз юз олтмиш учинчи йилда содир бўлган эди. Ўшандаям май ойи эди. Йигирма иккинчи число шанба куни соат учлар, ҳаво булут...

Шундан кейин Дамянчо қароқчилардан ташқари яна иккита пошо — Штипдаги карвонсаройнинг эгаси ва грек кемасининг дарғаси ҳамда валаш князининг сингласи Куза иштирокида содир бўлган узундан-узун бир воқеани гапириб берди.

Ҳамма бу гапларнинг бари бўлиб ўтганига унчалик ишонмаса ҳам қаҳва хўплаганча мириқиб тинглади.

— Улар ҳамма нарсани аямай ёндиришадиган бўлишса, унда монастирга ҳам ўт кетаркан-да? — сўради Серафима она.



– Худо уларнинг ўзларини ўтда куйдирсин! – деди Ҳожи Ровома хоним.

– Ақлга сигмайди, – гапни илиб кетди Стефчов. – Бу бориб турган бузуқлик-ку. Шундай ҳам разиллик қилишадими, ахир. Бу нарса ёшлардаги бор инсоний туйғуларни ўлдирди. Улар ишққмас бўлиб, охир-оқибатда дорга тортиларди. Мана, Соколовни олайлик. Йигитга раҳминг келади, раҳминг.

– Ҳа, жуда ачинасан, – кўшилди Ҳожи Смион.

Сухбатга Михалаки Алафранга кўшилди.

– Мен кеча доктор билан гаплашганимдаёқ унинг калласида қандай фикрлар гужғон ўйнаётганини тушуниб етган эдим. У бизда Любобратичга ўхшаган одамлар йўқ, деб ҳасрат қилди.

– Сен нима жавоб қилдинг?

– Любобратичга ўхшаганлар бўлмаса, дордан қочган аблаҳлар бор, дедим.

– Боплабсан, – деди Юрдан.

– Бу Любобратичлар кимлар? – деб сўради ҳар нарсага қизиқувчан қуда. «Право» газетасини мунтазам ўқиб юрадиган ва сиёсатдан хабардор Генка Гинкин жавоб бермоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди, лекин Гинка хола унга бир ўқрайиб қўйди-ю, ўзи жавоб берди:

– Любобратич деганлари, Дена буви, у герцеговиналикларнинг доҳийси бўлади. Эҳ, қани энди шу ерда Любобратичга ўхшаган жилла қурса битта одам топилса... мен унинг байроқдори бўлардим.

Юрдан уларга ўқрайиб қаради:

– Сенларга ҳазиллашиб ҳам бўлмайди. Гина, сен ҳам Ҳожи, бемаза гапларни валдираб юбординг. – Юрдан шундай дея Алафрангага ўгирилиб сўради? – Энди докторнинг ҳоли нима кечаркан?

– Султоннинг хизматкорига тажовуз қилганлар, – деди Алафранганинг ўрнига Стефчов. – Қонун бўйича қатл этилади ёки умрбод Диёрбакирдаги турмага ташланади.

У шундай деб жамоатга голибона назар ташлаб қўйди.

– Ажаб бўпти, – вайсади Ҳожи Ровома, – монастыр нима ёмонлик қилибди унга. Нега ёқмоқчи бўлди уни?

– Айб ўзида, – деди маслаҳатчи Нечо, – кеча момақалди роқ бўлганим бежиз эмас.

– Нечонинг «момақалди роқ» деганидан бир ҳодиса эсимга тушиб кетди, – гапни илиб кетди Дамянчо Григоров. – Кечагидай эсимда, Қрим уруши вақтида Иван Божнаков иккимиз қишки Анкола байрамидан икки кун аввал Боснияга жўнадик. Пирот яқинида тунадик. Шунда бирдан шунақанги момақалди роқ бошланиб қолдики, асти қўяверасиз!..

Шундан кейин Дамянчо Григоров ўзлари тагида ўтиришган ёнғоққа яшин тушиб уни ёндириб юборгани, элликта қўй нобуд бўлгани-ю, яшин тўриқ отининг думини юлиб кетганидан тортиб уни кепакка тенг баҳога сотиб юборганигача сўзлаб берди.

У бу воқеани ипидан игнасигача шундай мароқли қилиб гапирдики, даврадагилар гапни бўлмай охиригача тинглашди. Тўғри, Стефчов билан маслаҳатчи Нечо бир-бирига қараб маъноли кулиб қўйишди. Михалаки бўлса, сал олдинга эгилганча ўша-ўша виқор билан ўтирар, Ҳожи Смион эса, қоқ қишда шунчалик куч билан урилган Дамянчо айтган яшиндан ҳайратланганча оғзини очиб қолган эди.

Дамянчо ўз саргузаштини гапириб бераётганда Гинка хола, атрофга кўз югуртириб Лалкани қидирди.

– Рада, Лалка қаёққа гумдон бўлди? Бориб чақриб кел, – деб буюрди Ҳожи Ровоама қора кийимли қизга.

Стефчов доктор тўғрисида беандишалик билан ёмон гапларни айтгандан кейин Лалка секин-аста бошқа хонага чиқди-ю, бошини ёстиққа буркаб ҳўнграб юборди. Шўрликнинг кўзларидан тинимсиз ёш оқар, ҳиқиллаганидан томоғига ёшлари тикилиб ўқчиб юборарди. Унинг дарди дунёси қоронғи бўлиб кетди. Бу тошбағир кимсалар докторнинг бошига тушган мусибатни шу қадар ҳаёсизлик билан тилга олишардики, Лалка бу одамларнинг башарасини кўриш у ёқда турсин, улар ҳақда ўйлагандаёқ жини куришиб кетарди. «Ё худойим, ё худойим, шунақаям ёвуз бўладими одам боласи!» – деб ўйлади у.

Лекин кўз ёши ҳар қандай аламниям енгиллатади. Докторнинг қисмати ҳал бўлмаган, ҳали умид қилса бўларди.

Қиз ўрнидан туриб оппоқ гўзал чехрасини артди, кўз ёшларим тезроқ қурисин деб очиқ деразанинг олдига ўтириб олди. У дераза тагидан ўтиб кетаётган беташвиш одамларга эътибор бермай узоқ-узоқларга паришон тикилиб қолди. Бу шафқатсиз ҳаёт энди унинг учун поёнига етган: у бировни кўргисиям, бирон нимани эшитгисиям келмасди, бутун вужуди, фикри ёди фақат бир одам билан банд эди.

Бирдан отларнинг дупур-дупури эътиборини тортди. У деразага ўгирилиб қаради-ю, қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, бир оқ отнинг устида хандон-хушон Соколов уйи томон келарди. У назокат билан Лалкага берган саломига алик ҳам ололмай қолди. Бутун вужудини қандайдир тийиқсиз куч эгаллаб олди-ю, меҳмонларнинг олдига югуриб чиқиб, ҳаяжондан қичқариб юборди:

– Доктор Соколов қайтиб келди!

Кўпчиликнинг башарасида ғалати ҳайрат пайдо бўлди. Стефчовнинг ранги оқариб кетди, кейин ўзини эътиборсиз бир қиёфага солиб деди:

– Бошқатдан сўроққа олиб борсалар керак. Диёрбакирдан ёки дордан қутулиш унчалик осон гап эмас.

Ўгирилиб кўзи Раданинг нафратли нигоҳига тушди-ю, ҳамияти таҳқирлагани учун ғазабдан кўкариб кетди.

– Бунақа дема, Кириак! Бечора қутулса жон кошкийди... Ёшгина нарса! – деди докторга ачиниб Гинка хола.

Яна докторнинг устидан кулиш бошланди, лекин бу сафарги яниш юракдан эмас, тил учиди эди. Бировларнинг мусибати ўзгалар қалбида акс садо топса, бу юпанч бўлади.

Ҳожи Смион хусусида шуни айтиб қўйиш жоизки, докторнинг қайтиб келганидан у ҳам чин юракдан суюнди. Лекин Юрданнинг бетгачопар қизи Гинкага ўхшаб, мезбоннинг олдида ичидагини сиртига чиқаролмади.

## IX. ҲАММАСИ ОЙДИН БЎЛДИ

Доктор уйига кирар-кирмас Марко амакиникига йўл олди-ю, Ганконинг қаҳвахонаси олдидан ўтди. Қаҳвахонанинг кунда-шундалари уни эсон-омон қутулиб чиққани билан табриклашди. Энг қизгин қутлаган Ганконинг ўзи бўлди. Доктор Марконинг уйи бўсағасида Диамандиевларнинг хонадонига зиёфатдан қайтиб келаётган Стефчов билан тўқнашиб қолди.

– Салом бердик, жаноби тилмоч! – деди доктор унга заҳархандалик билан.

Марко овқатланиб бўлиб шамшоднинг остидаги столда қаҳва хўплаб ўтирарди. Докторни кўриб терисига сигмай кетди.

Доктор хонадон аъзолари билан сўрашиб, уларнинг қутловига шўхшодон жавоб бераркан, мезбонга шундай деди:

— Марко амаки, ҳозир сенга гаройиб бир воқеани айтиб бераман.

— Азизим, нима бўлди ўзи?

— Ўзим ҳам ҳеч нимани тушунолмаётибман... Ишонгим келмаяпти, бу бўлиб ўтган воқеа эмас, эртақ. Сизларникидан қайтиб боришим билан маҳкамага олиб кетишди. У ерда қандай сўроқ қилишгани, нималарда айблашгани хусусида эшитгансан. Бир эски куртка деб бошга шундай савдолар тушишини ким ўйлабди дейсан, олиб бориб қамаб қўйишди. Орадан бир соатлар ҳам ўтмаган эдики, иккита полициячи кириб келди. «Доктор, тадоригингни кўр», деди. «Нега?» дедим. «К.га борасан, бейнинг фармони», дейишди. Хўп, дедим. Чиқдик, бири олдимда, бири орқамда, иккаласининг ҳам қўлида милтиқ. Тонг отишига К.га етиб бордик. У ердаям мени қамаб қўйишди, чунки ҳали эрта, суднинг биноси очилмаган. Тўрт соатча қамоқда ўтирдим. Мана бу тўрт соат менга йилдай туюлиб кетди. Ниҳоят, судьянинг хузурига олиб киришди. У бир нечта маслаҳатчи ва номдор шаҳарликлар билан кенгашиб ўтирарди; менга қандайдир қорорни ўқиб берди, ҳеч вақо тушунмадим. Бу ердаям сўроқ қилишди, бадбахт куртка ҳақида маза-бемаза гапларни қилишди. Курткам эса кўк столнинг устида менга мунглиғ қараб ётарди. Бошлиқларимиз юборишган бўлса керак, судья бир конвертни очиб, ичидан қандайдир газета ва варақларни чиқарди-да, мендан: «Мана бу газета билан варақа сени кими? — деб сўради. «Йўқ, меникимас», дедим. «Унда қандай қилиб чўнтагинга тушиб қолди булар?» деди. «Чўнтагимга мен солганим йўқ», дедим. Судья: «Демак, бу Руминияда чиқадиган исёнкор газета эмасми?» — деб сўради. «Йўқ, афандим, — дея жавоб берди Болта ўғли. — Бунда сиёсат ҳақида ҳеч вақо йўқ. Газета фақат дин ҳақидаги гапларни босади: бу протестантлар газетаси». Марко амаки, унга қараб туриб ўз кўзларига ишонмай қолдим: ахир бу «Зорница» газетаси-ку. Тинко Болта ўғли варақни қўлига олиб, кўз югуртириб чиқди-да, яна менга қараб қулиб қўйди: «Афандим, бу оддий эълон-ку», деди ва овозини чиқариб ўқий бошлади: «Доктор Иван Бочаровнинг шифохонаси». Судья саросимага тушиб атрофга аланглай бошлади. Ҳамма хохолаб куларди: кейин унинг ўзиям, ҳатто менам қулиб юбордим. Нима қилишим керак эди? Бундай ҳолда ўзини тутиб туrolадиими одам. Қизиги буёқда ҳали: бунақа гаройиб саргузашт нимадан келиб чиқди ўзи? Нима бўлмасин, судья ўз маслаҳатчилари билан жиндай кенгашигандан кейин менга қараб шундай деса бўладими? «Доктор, англашилмовчилик юз берибди: безовта қилганимиз учун узр». Турмадан олиб турмага тиқишди, кечаси маҳкамадан маҳкамага судрашди. Қара — бу нарса уларда «безовталиқ» саналаркан. «Биттасини кўрсат, сени кафилликка олсин-да, яхшиликча туёгингни шиқиллатиб қол», дейишди. Ҳангу манг бўлиб қолибман.

— Яраланган полициячи ҳақида гап айлантирмадими?

— У ҳақда ҳатто сўраганиям йўқ. Тушунишимча, бей ишни яхшилаб текширганга ўхшайди. Унга биров айтганми ёки ўзи тагига етганми, билмадим, хатда полициячининг ярадор бўлганида мени айбдор эмас, деб ёзибди. Балки полициячининг ўзи ёлғон гапирганини бўйнига олгандир.

Марконинг юзи қувончдан ёришиб кетди. Полициячини Манол бобонинг ўғли отганига ишончи комил эди. Энди у хотиржам бўлди.

– Ана, худога шукр, қутулдик, – деди у.

– Ҳа-да, шошма. Энг қизиғи буёқда ҳали, – деди доктор атрофига аланглаб олиб. Яқин-атрофда хонадон аъзоларидан ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, гапини давом этди: – Николчо мени кафилликка олди, кейин уйга етиб олишим учун ўз отини берди. Кдан чиқиб яхудийлар қабристонига етгач, қарасам, тоғ томондан икки киши келяпти, улардан бири дьякон Викентий мени чақириб: «Жаноб Соколов, йўл бўлсин?» – деб сўради. Эркинликда юрганимдан ҳайратланаётгани шундоқ билиниб турарди. «Уйга қайтпман. Ҳаммаси жойида», – дедим. Кўзлари қинидан чиқиб кетай деди. Мен воқеани айтиб бердим, у бўлса, менга ташланиб, юз-кўзларимдан ўпа кетди. «Бу ким бўлди, дўстим Викентий?» деб сўрадим ҳамроҳига ишора қилиб. «Бу жаноб... Бойчо Огнянов бўлади», деди. Кейин дўсти билан таништирди. Унга тикилиб туриб, биласанми, танидим. Бу ўша кеча мен курткамни ечиб берган кимса эди.

– Қанақасига? Манол бобонинг ўғлими? – беихтиёр қичқириб юборди Марко.

– Уни танирмидинг?

Марко тилини тишлаб қолди.

– Гапиравер, – деди у ҳаяжонланиб.

– Сўрашиб танишдик. Берган курткам учун ташаккур билдирди. Афсусланиб, узр сўради. «Зарари йўқ, жаноб Огнянов, – дедим мен, – бировга жиндай яхшилик қилсам, ҳеч қачон афсусланмайман. Ўзларингиз қаёққа кетяпсизлар?» «Жаноб Огнянов сизни қидириб кетаётган эди», деб жавоб берди Викентий. «Мени-я?» «Ҳа, сени қутқармоқчи бўлиб кетаётган эди». – «Мени қутқармоқчи, қандай?» – «Ўзини полиция қўлига топшириб, ҳаммасига айбдор ўзим, деб айбини бўйнига олмоқчи эди». «Наҳотки шунинг учун бу ёққа келаётган бўлсангизлар?» – «Эҳ, жаноб Огнянов, қандай ишга қадам қўйганингизни тушунапсизми ўзи?» дея ҳайқириб юборибман қойил қолганимдан. «Бу бурчим эди» – деди у оддийгина қилиб. Кўзларимда ёш ҳалқаланди, қоқ йўлнинг ўртасида худди ўз акамдек уни қучоқлаб олибман-да. Одам шунақаям мард бўладими, Марко амаки! Ўғил болалик деб буни айтади! Булғорияга мана шунақанги одамлар керак».

Марко унинг гапларини индамай эшитди. Икки томчи ёш кўзларидан ёноқларига аста думалаб тушди. У, Манол бобо мана шундай ўғил билан фахрланса арзийди, деб ўйларди.

Доктор бир оз сукут сақлаб давом этди:

– Биз хайрлашдик. Улар далани кесиб ўтиб кетишди, мен эсам бу ёққа келдим, ўша учрашувдан кейин ҳали ҳам ўзимга келолганим йўқ. Мени ҳаммадан кўпроқ ҳайратда қолдираётган нарсаси бейнинг хати, маҳкамада «Мустақиллик» газетасининг сони билан варақани ўз қўзим билан кўрган эдим. Гапимга ишонавер. Булар у ёқда «Зорница» газетаси билан Бочаровнинг китоби ҳақидаги эълонга алмашиб қолибди. Буни қандай қилиб алмаштирган экан? Ким қилди? Бейнинг ўзи адашиб конвертга бошқасини солиб юборганмикин? Ўйлаб ўйимга етолмаётиман. Марко амаки, сиз нима дейсиз?

Доктор шундай дея жавоб кутиб қўлини чалмаштириб олди.

Марко жавоб беришга шошилмади, кейин лабларида ним табасум билан деди:

– Бу нарсани дўстларимдан биронтаси қилмаганмикин, деган гап қалланга келмадимми? Бей хато қиларканми! Протестантлар газетаси билан Бочаровнинг китоби ҳақидаги эълонни қаердан топади у?

– Унда ким қилиши мумкин? Мени хатардан. Огняновни эса нақд ўлимдан асраб қолган мурувватпеша ким экан ўзи? Ёрдам бер, билиб олай... Унга миннатдорчилик билдиришим керак; унинг оёғини ўпишга ҳозирман.

Марко энгашиб, докторнинг қулоғига шивирлади.

– Гапимга қулоқ сол, доктор. Мен сенга ҳозир айтадиган гапни ўлгунингчаям бировга оғзингдан гулламаслигинг керак.

– Сўз бераман.

– Газета билан варақани мен алмаштириб қўювдим.

– Сен-а, Марко амаки? – доктор ҳайқариб ўрнидан туриб кетди.

– Ўтир, жим... Воқеани эшит. Бугун эрталаб наҳорга Генканинг қаҳвахонасига киргандим, сенинг ҳибсга олинганигни ўшандан эшитдим. Бақа бўлиб қолибман. Кейин ўнбоши кириб келиб қолдию, кечаси сенинг К.га жўнатилганигни, ўзи эса, исёнчилик руҳидаги газета билан варақа солинган конвертни олиб кетаётганини айтиб берди. «Энди нима қилиш керак?» деб бош қотира бошладим. Ўнбоши бирпас ўтирди-ю чиқиб кетди. Қарасам, у хатни эсидан чиқариб, ташлаб кетибди. Ганко бўлса мижозларидан биттасининг бошини ювар ва мен томонга қарамасди. Аввалига хатни олиб йиртиб ташласаммикин деб ўйладим. Кейин бундан нима фойда дедим. Чунки барибир сени сўроққа тутишар ва шубҳа остида қолардинг. Нима қилиш керак? Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ. Ана шунда етти ухлаб тушимга кирмаган нарса хаёлимга келиб қолди... Доктор, билиб қўй. Сочим оқарибдики, ҳали бировнинг хатини очиб ўқиган банда эмасман. Менимча, умримда биринчи ва сўнгги бор виждонсизлик қилган бўлсам, Худонинг ўзи кечирар. Уйга югуриб келдим уйдорага кириб эшикни ичдан қулфлаб олдим. Кейин конвертнинг кичик сўргичини аста қирқиб ичидаги нарсани олиб, қўлимга нима тушган бўлса ўшани ичига тикдим. Кейин конвертни обориб, олган жойимга қўйиб қўйдим. Ганко ҳеч нимани сезмади. Худога шукр, ҳаммаси яхшилиқ билан тугабди. Энди виждоним ҳам унчалик қийналмайди.

Доктор Марконинг гапларидан лол бўлиб қолди.

– Марио амаки, – деди у ниҳоят таъсирланиб. – Сендан бир умр миннатдорман. Қилган ишингни виждонсизлик дема, бу улкан ҳиммат, буюк жасорат. Чунки сен ҳаётингни хавф остига қўйиб, икки одамни ўлимдан қутқариб қолдинг. Отаям вақти келса боласини бундай фалокатдан қутқариб қололмайди.

Доктор тўхтаб қолди, у ҳаяжондан гапиролмасди.

Марко гапини давом эттирди:

– Кеча кечкурун Манол бобонинг ўғли дарҳақиқат мени қидирган эди. Лекин у тўсиқдан ошиб тушганда тўс-тўполон бўлиб кетди-ю, бутун полицияни оёққа тургазиб юборди.

– Бойчо Огнянов-а?

– Уни шундай деб атаркансизлар-да. Ҳа, ҳа, худди ўшанинг ўзи. Отаси билан эски қадрдонмиз: бечора бу ерда ҳеч кимни танимайди. Келиб меникида паноҳ топмоқчи бўлган экан. Энди билсам, унга йўлни сен кўрсатиб юборибсан. Лекин тезда қочиб кетиши керак бўлиб қолди. Иванчонинг олдида бу гапларни сенга айтгим келмаган эди.

– У қаердан келибди? – деб сўради доктор. Бойчо Огняновнинг фавқулодда шахсияти унда катта таассурот қолдирганди.

– Сенга гапириб бермадимки ўзи? Диёрбакирдан қочибди.

– Диёрбакирдан-а?

– Секин... Қаёққа? – деб сўради Марко ўрнидан тура бошлаган доктордан.

– Монастирга бораман, дьякон унга ўша ердан бошпана берган. Ўзи билан гаплашишим керак. Ҳалиги гапларингни унга, фақат унинг ўзига айтишимни хоҳлайсанми? У омон қолгани учун кимдан бир умр миннатдор бўлишини билиб қўйиши керак. Чунки мабодо, мен кутулиб чиқмаганимда, у ҳукуматга бориб таслим бўлмоқчи эди.

– Йўқ! Ёлвораман сендан, дамингни чиқарма буни, унутишга ҳаракат қил. Тўғриси, фақат сенгагина айтдим. Айтиб юрагимни бўшатдим. Манол бобонинг ўғлига мендан салом де; келиб турсин, айтиб қўй, энди дарвозадан кираверсин.

Доктор чиқиб кетди.

## Х. АЁЛЛАР МОНАСТИРИ

Тоғ қаъридаги сукунат қоплаган кимсасиз эрлар монастиридан фарқли ўлароқ, Бяла-Черквадаги аёллар монастири гавжум эди.

Осий дунёдан баланд тўсиқ билан ажратиб қўйилган ва атрофи айвонлар қийқиришар, қий-чув кўтарилиб, у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Бу ерда эртадан кечгача ҳаёт қайнарди.

Ҳар қандай янгилик шаҳарга худди мана шу монастирдан тарқаларди. Бу ер, таъбир жоиз бўлса, осий бандаларни бетинч қилиб уйма-уй тарқаладиган ҳар хил миш-мишлар, ифвогарликларнинг макони эди. У ерда бўлажак никоҳлар ҳақида башорат қилинар, унга тайёргарлик кўрилар ёки бўлаётган тўйлар барбод этиларди. Бу ердан чиққан арзимас бир гап шаҳардаги одамларга тез тарқалиб кетарди-ю, яна қайтиб келарди. Лекин энди бирига ўн қўшилган бўларди. Ёки, аксинча, бирор нинадек гап монастирга ташқаридан кириб келса, шу ернинг ўзида бичилиб-тўқилиб, туядай бўлиб кетарди. Бу ғала-ғовур маскан тақводор роҳибалар зиёратчиларни ҳар хил лағифалар айтиб, олча мураббоси билан сийлайдиган байрам кунларида, айниқса, эътиборни тортар, гавжум бўлиб кетарди.

Биз Юрданнинг акаси уйида танишганимиз Ҳожи Ровоама ашаддий ифвогар саналар ва шаҳардаги сир-асрорларни искаб топишда бунинг олдига тушадигани йўқ эди. Бир вақтлар у игумен бўлган, лекин монастир «республикаси»даги амалга оширилган «қўзғолон»дан кейин уни ағдариб ташлашганди. Барибир унинг нуфузи шу пайтга довур баланд эди. Ҳамма Ҳожи Ровоамадан дунё воқеаларини сўраб турарди. У тўғри, ишончли гапларни тасдиқлар, ёлғонларини рад қиларди; атайлаб бирон миш-мишни тарқатарди, бу гап бир неча роҳибаларнинг оғзидан тушмас, кейин аста-секин монастирдан ташқарига чиқиб кетарди.

Шу кунларда Ҳожи Ровоама хонимнинг ичига чироқ ёқса ёримасди: доктор Соколовнинг, яъни монастирнинг ашаддий душмани озод этилиши иззат-нафсига теккан эди. Ким унга ёрдам беради? Ўйлаб ўйига етолмасди. Унинг қисмати ҳақида янги-янги миш-мишларни тўқиш ва эшитиш лаззатидан ким уни маҳрум этди? Бу бориб турган бемаънилиқ-ку! Мана, тўрт ё беш кун бўлдики, тунларни бедор, кўзига уйқу инмайди. Нима учун доктор ҳибсга олинган кун оқшом қаерда бўлганлигини бейга айтмадийкин? Ҳожи Ровоама бунинг тагига етиш учун бошини қотирарди. Кейин: ким газетани алмаштириб қўйганин? Кечки ибодат пайтида бирдан роҳибанинг калласига ярқ этиб бир фикр келди. Ҳожи Ровоама бундан шу қадар қувониб кетдики, худди Архимед ўзининг буюк физикавий кашфиётини яратгандагидек чапак чалиб юборди. Кейин хужрасидан чиқиб Серафима онанинг ёнига жўнади. Борса, у ечиниб ўтирган экан.

– Синглим, ўша оқшом доктор қаерда бўлгани ва нима учун бейга бу ҳақда айтолмагани боисини биласанми? – дея сўради у овози қалтираб.

– Бейнинг хотини оғушида бўлган! – деди Ҳожи Ровоама.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, Ҳожи она!

– Ҳа, худди шундай. Серафима. Шунинг учун жавоб беришдан бўйин товлаган: ҳар ҳолда доктор ақлини еганмас. Э, худойим-эй, шу калламга келмаганини қара-я! – деди Ҳожи Ровоама меҳробнинг олдида турганча чўқинаркан. – Докторни ким чиқариб юборганини биласанми?

– Ким, Ҳожи она? – сўради Серафима она.

– Ўша!.. Бейнинг хотини.

– Нималар деяпсан, Ҳожи она?

– Э, худо! Ўша пайтда калламга келмаганини қара!

Ҳожи Ровоама кўнглига келган гапни тўкиб солди-ю, қайтиб келиб кечки ибодатини охирига етказди, кейин елкасидан оғир тоғни ағдариб ташлагандек, енгил бўлиб ухлашга ётди.

Эртасига бутун монастир бўйлаб битта гап юрарди. Доктор билан бейнинг хотини ҳақидаги миш-мишлар дақиқа сайин кўшилиб, чатилиб кенгайиб борарди. Бу гапни эшитган қулоқ фақат битта савол берарди:

– Буни ким билибди?

– Ҳожи Ровоама-да, – деган жавоб бўларди.

Бу гап ҳар қандай мутаассибниям йўлдан оздирарди. Кейин у бу гапни миридан-сиригача билиб олиш учун Ҳожи Ровоаманинг ҳузурига югурарди.

Бу гап икки соат ичида бутун шаҳарга ёйилди.

Бу ерда ҳар қандай янгилик, ҳатто у жудаям қизиқ бўлса-да, уч кунда эскирарди. Бу қасмоқ босган жамиятнинг кўзини очиб туриш учун янги озуқа – хўрак керак эди. Бирон кимсага маълум бўлмаган Краличнинг шаҳарда пайдо бўлиши монастирға яна жон киритди-ю, роҳибалар гимирлаб қолишди. Ким у? Қаердан келибди? Нега? Биров бу сирнинг тагига етармиди. Монастирдаги айрим томошаталаб роҳибалар шаҳарга ҳам тушиб чиқишди. Лекин улар келгиндининг Бойчо Огнянов эканлигини, келиш сабаблари хусусида эса, бир-бирига зид маълумотларни топиб келишди.

София она, у соғлигини яхшилаш учун келибди, деди. Рипсимия хоним гул мойи билан савдо-сотик қилармиш, деган гап топиб келди.

Нимфадора опа эса, муаллимлик қилмоқчи эмиш, деди.

Соломон она билан Парашова хоним бу маълумотларнинг биронтасиям ҳақиқатга тўғри келмайди, у ўзига қаллиқ танлаш учун келибди, дегандек қилишди. Ҳатто унинг кимга уйланмоқчи эканлигиниям айтишди...

Апраксия опа уни кийимини ўзгартириб олган рус князи, кўҳна қалъани кўргани ва монастир черковидаги ридони ўмаргани келган дея роса қасам ичди. Лекин Апраксия опанинг гапларига кўпчилик ишонқирамади, чунки у бадавлат хонадонларда бўлмаган, унча-мунча билган гапларини Петко Бузунякнинг аёли билан совчи хотин Фачко Добичалардан эшитиб оларди, бунинг устига қулоғиям оғир эди.

Ҳожи Ровоама хоним унинг бемаза гапларини эшитиб туриб мўйловини бураб кулиб қўйди. Ҳа, унинг ростдан ҳам мўйлови бор эди.

У бу одамнинг кимлигини яхши биларди, лекин аёлларни бирпас қийнагиси келди. Фақат кечга бориб ҳамма фол очишга киришиб кетди.

Эрталаб ўша номаълум киши – Огнянов туркларнинг айгоқчиси деган гапни бутун монастирда ҳамма бир овоздан гапира бошлади.

Ҳожи Ровоаманинг бундай разилона мишмиш тарқатгани боиси, Огняновнинг келиб уни зиёрат қилмагани эди. Бу билан Огнянов унинг иззат-нафсига теккан ва ўзига энг даҳшатли душман орттирган эди.

Якшанба куни эди. Ибодат қилувчи хотинлар билан лик тўла монастир черковидаги ибодат ҳам охирлаб қолган. Одамлар ҳовлидаям, черков деразалари тагидаям, шохлари тарвақайлаб ўсган улкан нок остида ҳам тўдалашиб туришарди.

Бир тўдани дунёвий кишилар ташкил этган эди, булар ёш-қари аёллар бўлиб, ўзлари қўғирчоқдек ясанишиб, безанишиб олишган. Улар хандон-хушон гаплашиб туришар, вақти-вақти билан ўгирилиб дарвозадан тинимсиз кириб келаётган аёлларнинг ясан-тусанига қараб қўйишарди. Бошқа бир тўда роҳибалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳам кўпчилиги ёшлар эди. Булар ҳам шўхликда дунёвий кишилардан қолишмас, бир-бирига пичирлашиб, бор овозлари билан кулишар, кўзлари эса олма-кесак терарди. Улар ҳар замон ҳар замонда тепадан узилиб тушган тилларанг нок томон ўзларини гуриллаб отиб қолишар, нок кимнинг қўлига тушса, унинг чангалидан тортиб олишга уринишарди, кейин хижолатпазлик билан ибодат қилувчиларнинг олдига қайтиб келишар ва чўқиниб қўйишарди.

Ибодат тугади.

Дунёвий кишилар ташқарига отилишди, уларнинг айримлари ҳовлида айланиб юришди, айримлари хужраларга кириб кетди.

Мўъжазгина, яхши ясатилган Ҳожи Ровоаманинг хужраси меҳмонларни зўрға сиғдирди. Роҳиба юзларида табассум билан меҳмонларни кутиб олар, яна кузатиб қўярди, Рада бўлса, эғнида топ-тоза қора қўйлак, бошида дурра, қизил патнисда мураббо ва қаҳва ташиб турди. Бир соатлар ўтиб зиёратчиларнинг кети озайиб қолди. Лекин Ҳожи Ровоама кимнидир интиқиб кутгандай тез-тез деразага қараб қўярди. Ниҳоят, хужрага бир нечта одам кириб келди. Булар Алафранга, Стефчов, поп Ставри, Нечо Пиронков ва ёшгина бир муаллим эди. Роҳибанинг юзлари ёришиб кетди. У шуларнинг келишини кутган бўлиши шубҳасиз. Ҳожи Ровоама янги меҳмонларни очиқ чеҳра билан қарши олиб сўрашди, улар бўлса Рада билан қўл бериб кўришишди. Ҳатто Стефчов ҳам Радага кўзларини қисиб қўйди-ю, қўлини қаттиқ сиқиб сўрашди. Қиз хижолатга тушди, ёноқлари қип-қизариб кетди.

– Менга қара, Кириак, сендан яна сўрамоқчиман, докторга нима бўлган экан.

Ҳожи Ровоама одатдаги салом-алиқдан кейин Стефчовга мурожаат қилди: – Биласанми, бизда ҳар хил гапларни бичиб-тўқиб ётишибди.

– Нималарни? – сўради Стефчов.

– Узунқулоқ гапларга қараганда, Соколовни ёмонотлиққа чиқариш учун бу исёнга чорловчи газета деб гўё сен бейни алдаганмишсан.

Стефчов ловуллаб кетди.

– Ким айтган бўлсаям эшшак экан. Докторнинг курткасидан «мустақиллик» газетасини топишди, ўттизинчи сонини, варақаям бор экан. Нечодан сўранг ишонмасангиз.

Нечо Пиронков Стефчовнинг гапларини дарров маъқуллади.

– Нега Нечодан сўраркан? У ниманиям биларди? – гапга аралашди поп Ставри. – Докторга келсак, бизга ҳаммаси маълум. Айтишадикун ажали етганнинг сиртмоғи ёнида бўлади деб. Буни ўтган куни



Саломсизнинг ўзига ҳам айтдим. Уйига янги арогининг таъмини қўргани кирувдим. Қўлбола ароқ тайёрлашга росаям устаси фарангда, баччагар, ўзинг-чи Ҳожи она, кайфиятларинг яхшими? Соғми-сан?

— Мана кўриб турганингдек: ёшларнинг ичида юриб ўзим ҳам ёшариб кетяпман, — жавоб берди роҳиба, кейин яна Стефчовга му-рожаат қилди.

— Газетани ким алмаштириб қўйганини биласанми?

Ҳожи Ровоама ўз кашфиётини айтишга тили қичиб турган эди.

— Полиция ҳаммасининг тагига етади.

— Полицияларингнинг қўлидан сариқ чақалик ҳам иш келмайди...

Яхсиси, буни ўзим айтиб қўя қолай. Айтайми?

У шўх кулиб қўйди-ю, энгашиб Стефчовнинг қулоғига қандайдир исмни шивирлади. У шундай қаттиқ шивирладики, бунинг ҳеч қандай махфий ери қолмади. Маслаҳатчи куламан, деб тасбеҳини қўлидан тушириб юборди. Ёш муаллиф бошқаларга маънодор қилиб қараб қўйди, поп Ставри бўлса:

— Ёмонларнинг йўригидан ўзинг асра, парвардигор! — деб юборди.

Рада уялганидан ўзини қазноққа урди.

— Қаранглар, анув ёққа бир қаранглар! — дея қичқириб юборди Стефчов бармоғи билан ҳовлини кўрсатиб.

Икки ўртоғи билан доктор Соколов ҳовлига кириб келмоқда эди. Уларнинг бири дьякон Викентий, иккинчиси қўлда кулранг мовутдан французча йўсинда тикилган янги костюм кийиб олган Огнянов эди. Ҳамма ўзини деразага урди.

Бу ҳол роҳибага ўзининг иккинчи кашфиётини айтишга баҳона бўлди.

— Сизлар бу одамнинг кимлигини биласизми?

— Келгиндиними? Бу киши Бойчо Огнянов эмиш, — деб жавоб берди Стефчов. — Назаримда, буям ўшаларнинг биттаси.

Ҳожи Ровоама йўқ дегандай бошини сарак-сарак қилди.

— Шунақамасми? — сўради Стефчов.

— Йўқ, мутлақо ундай эмас, кел, гаров ўйнаймиз.

— Исёнчимиз?

— Йўқ, жосус! — лўнда қилиб деди роҳиба. Стефчов бақа бўлиб қолди.

— Гарангларнинг қулоғигача етиб борган бу гапни сен эшитмаганига ҳайронман.

— Марг-э, — деди поп Ставри.

Ҳожи Ровоама доктор ва унинг ҳамроҳларини газаб билан кузатиб турди. Қани, қаерга кираркин?

— Христина опаникига киришди! — қичқириб юборди у.

Христина опа ҳақида ҳар хил бемаъни гаплар юрарди. У ватанпарвар революцион қўмита билан алоқа қилармиш, деган миш-мишлар тарқалганди. Ҳатто ҳужрасида бир куни Левский ҳам тунаб кетганмиш.

— Бу манжалақини дьяконлар ҳам яхши кўришади! — деди Ҳожи Ровоама заҳарханда қилиб. — Эшитдингларми, Викентий камилов-касини ечмоқчимиз! Ажабқилади-да. Ёш боши билан роҳибаликни ким қўйибди унга.

— Йўқ, у тўғри қилади: аслида ўзи ё ёшлигида уйланиб олиш, ё сочни қирдириб ташлаш керак, — эътироз билдирди поп Ставри.

— Менимча, биродар, у биринчисини танлайди.

<sup>1</sup> Православ руҳонийларининг цилиндрсимон бош кийими.

– Э худо, ўзинг сақла.

– Викентий Орлянковнинг қизига совчи юборадиган. Ундан никоҳ узугини олгани ҳамоно эгнидаги жуббасини, бошидаги камилровкасини ечиб ташлайди. Никоҳни эса Руминияга бориб ўқитади... Лекин фикри ожизимча, қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Роҳиба худди ўша Орлянковнинг қизига уйланмоқчи бўлиб юрган ёш муаллимга манъодор қилиб назар ташлаб қўйди. Муаллим хижолат чекиб қизариб кетди.

Ҳужрага янги меҳмонлар кириб келишди.

– Э, акажоним келди! – деди қувониб Ҳожи Ровоама Юрдан Диамендиевнинг қаршисига пешвоз чиқиб.

Унинг кетидан меҳмонлар ҳам қўзғалиб бирин-кетин чиқа бошлашди. Стефчов ҳаммадан ортда қолди, хайрлашиш учун Раданинг қўлини сиқди-ю, тезда ёноғидан ўпиб олди. Рада унинг башарасига бир тарсаки солиб, ўзини орқага олди.

– Уят эмасми! – деди у титраб, кейин ўзини йиғидан аранг тугтиб, қазноққа яширинди.

Эркалар орасида доим ўзини калондимоғ, аёллар орасида эса сурбет, беандиша тутадиган Стефчов қизнинг жасоратидан донг қотиб қолди. У ёнига қийшайиб қолган ҳожидўпписини тўғрилаб, Радага газаб билан унсиз муштини дўлайтирди-ю, хонадан чиқди.

## XI. РАДАНИНГ ҲАЯЖОНЛАРИ

Рада Хонима (у Ҳожи Ровоама хонимнинг оқсочи бўлгани учун шундай деб аташарди) узун бўйли, сарвқомат, очиққўнгил ва мунис, унинг мунислиги меҳрибон кўзларида, ёқимтой чехрасида зухур этиб турган гўзал қиз эди. Бошидаги қора дурраси ўзи шундоқ ҳам сутга чайиб олингандек оппоқ юзларини янада оқартириб кўрсатарди.

Рада ёшлигиданоқ ота-онадан етим қолган, мана кўп йилларки, Ҳожи Ровоаманинг тарбиясида, қизча бўйга етгандан кейин ҳомийси уни ўзига шогирдликка мажбур қилди, яъни сочни кесиб роҳибаликка тайёрлашни буюрди ва эгнига роҳибаларнинг қора кийимини кийдирди. Эндиликда Рада йилига минг грош<sup>1</sup> маош билан қизлар мактабининг биринчи синфида дарс бера бошлади.

Етимча қизнинг қисмати оғир бўлди. Кўпинча ота меҳридан, онанинг қайноқ қалб кўридан эрта жудо бўлган норасидалар тақдирнинг шафқатсиз ихтиёрига ташлаб қўйилади, уларнинг келажак ҳаёти инсонларнинг нондек арзанда илиқ сўзлари ёки бағри тошлигига боғлиқ бўлиб қоларди. Улар қалбида меҳрдан заррача асар йўқ, табасум бегона лоқайд одамлар ичида ўсади. Буни худди тол тагида ўсган нимжон, ифорсиз гулга қиёс қилиш мумкин. Сиз мана шу гулларга куёшнинг ҳаётбахш нурларини бериб кўринг. улар шундай очилиб, яшнаб кетадики, улар таратган бўй бутун оламни тутати.

Рада монастир ҳужрасининг биқик, ўлик муҳотида шайтонга фириб берадиган гийбатчининг қаттиқ назорати остида бир оғиз ширин сўзга зор бўлиб ўсди. Етимчага икки оғиз ширин сўз айтиб, кўнглини кўтарса бўларди, лекин бу нарса Ҳожи Ровоаманинг хаёлигаям келгани йўқ, у бундай хўрлик, зулмга бардош бериш Радага қийин, оғир эканлигини тушуниб етолмасди ҳам; бу хўрлик орта борган сари қизнинг юрагида иззат-нафс, қадр-қиммат туйғуси шунча ўса

<sup>1</sup> Г р о ш – айрим мамлакатларда пул бирлиги.

борди. Ҳожи Ровоаманинг акасиникидаги зиёфатда муаллима Рада-нинг меҳмонларга хизмат қилиш бежиз эмас эди.

Кейинги кунларда Раданинг мактабда иши кўпайиб кетди. Чунки йиллик имтиҳон яқинлашиб қолган эди. Мана, имтиҳон куни ҳам етиб келди. Эрталабданоқ оналари кийинтириб, тарантириб худди капалакдек қилиб қўйган қизчалар мактабни тўлдириб юборишди. Улар китобларини очиб ўз дарсларини сўнгги бор такрорлашарди; синф худди асалари уясига ўшарди.

Ибодат тугади, одамлар қоидага мувофиқ қизларнинг билим даражасини билиш учун мактаб томон йўналишди. Эшик, деразаларга, минбарга анвойи гуллар маржондек териб ташланган. Авлиё Кирилл билан Мефода бути атиргул, дала гуллари, арча ва шамшод гуллардан ясалган гулчамбарлар ичига ўраб қўйилган. Олдинги қатордаги парталарни тезда қизлар эгаллаб олишди, қолган бўш жойларни халойиқ банд қилди. Сал нуфузлироқлари олдинда туришди, ҳатто баъзилари курси қўйиб ўтириб олишди. Булар ичида биз танийдиган одамлар ҳам бор эди. Келиши керак бўлган, лекин ҳали келмаган эътиборли одамларни бир нечта бўш курси кутиб турарди.

Рада ўқувчиларининг орқасидаги партага ўтириб олган ва хижолат торта-торта уларга ниманидир уқтирарди. Унинг хижолат тортаётгани аниқ сезилиб турарди. Мана шу тантанали дақиқалардан порлаб кетган фусункор чеҳраси ва шаҳдо кўзлари яна ҳам гўзал тортиб, ажиб бир латофат касб этган эди. Ёноқларига югурган нимқизиллик иболи қалбининг садосини ошкор қилиб турарди. Рада, қани, нима бўларкин деган юзлаб синчков нигоҳлар ўзига қадалиб турганини сезар ва бу ҳол ўзини йўқотар даражада хижолатга соларди. Лекин бош муаллим ваъз қилиб жамоатчиликнинг диққатини ўзига тортганидан кейин Рада сал енгил тортди. Қиз шунда журъат қилиб атрофига назар ташлади. Кириак Стефчовнинг даврада йўқлигини сезди-ю, ўзини босиб олди. Бош муаллим суқунат ичра ўз ваъзини тугатди. (У вақтларда қарсак чалиш ҳали расм бўлмаганди.) Дастурга мувофиқ, қизчаларни имтиҳон қилиш бошланди.

Бош муаллим Климентнинг хушфёъл ва хотиржам чеҳраси, унинг илиқ сўзлари қизларда ўз кучига қандайдир ишонч бахш этди. Рада ўқувчиларнинг жавобларини бутун вужудини қулоқ қилиб тинглар, агар биронтаси жавобда сал адашиб ё тугилиб қолса, юзлари буришиб кетарди. Мана шу гунча лаблар, (у буларни ўпиш учун тайёр эди), мана шу жарангдор тиниқ овозлар шу топда унинг тақдирини ҳал қиларди. Рада ўзининг ёқимли нигоҳи билан уларни йўлга солар, мулоим табассум билан далда берар, у мана шу титраб турган бокира лабларга жонини фидо қилишга тайёр эди.

Шу он оломон иккига бўлинди-ю, кечикиб келган икки меҳмонга йўл берди, улар шовқин чиқармасликка ҳаракат қилишиб олдиндаги иккита курсига чўкишди. Рада меҳмонларга кўз ташлади. Уларнинг бири, каттароғи, мактабнинг нозири чорбожи Мичо, иккинчиси, Кириак Стефчов эди. Қизнинг ранги бир оз оқарди, лекин уни доим хижолатга қўйиб қўрқитиб юрадиган мана шу, шунинг учун, бу кимсага эътибор бермасликка қарор қилди.

Кириак Стефчов саломга калласини қимирлатиб алик олди-ю, лекин ён қўшниси — доктор Соколов билан бир оғиз ҳам сўрашолмай қолди, чунки доктор унга қайрилиб ҳам қарамаган эди. Кириак оёқларини чалиштирганча қовогини уйиб жамоатга калондимоғлик билан бир-бир назар ташлаб чиқди. У жавобларни эътиборсизлик билан тинглар, кўзлари эса, Юрданинг қизи Лалка турган ерга тез-тез югуриб

турарди. Радани эса илтифотсизлик билан бир ёки икки бир бошдан-оёғигача қараб чиқди. Унинг ўта тошбағир кимса эканлиги чехрасидан шундоққина сезилиб турарди. Кириак аҳён-аҳёнда чиннигулни бурни тагига олиб бориб искаб қўяр, кейин яна виқор билан олдинга бепарво тикилиб оларди. Бош муаллим Михалаки Алафрангага дарсликни узатиб, ўқувчи қизларга савол беришини таклиф қилди. Михалаки мен француз тилидан савол бераман, деб унинг таклифини рад қилди. Муаллим ўннга, Стефчовга ўгирилди ва унга ҳам ҳалиги таклифини айтди. Кириак рози бўлди ва курсисини олдинроқ суриб ўтирди.

Жамоат шивирлашиб қолди. Ҳамма ўз нигоҳини Кириакка қадади. Имтиҳон Булгория тарихидан кетаётган эди. Стефчов дарсликни столга қўйди, гўё фикрини бир ерга йиғаётгандай чаккасини қашиди, кейин имтиҳон қилинаётган қизга баланд овозда савол берди. Стефчовнинг совуқ назари қизчанинг бокира қалбига тикандек ботган эди. Қиз шу қадар довдираб қолгандики, ҳатто биладиган жавобини ҳам унутиб қўйди. У нажот тилаб, Радага нигоҳ ташлади. Стефчов саволини яна такрорлади. Яна савол жавобсиз қолди.

— Ўтира қолсин! — деди қуруққина қилиб имтиҳон олувчи муаллимага мурожаат қилиб. — Навбатдагисини чақиринг.

Бошқа қиз чиқиб келди. Стефчов савол берди. Қиз саволни, эшитди, лекин тушунмай индамасдан тураверди. Иштирокчилар ҳам қандайдир юраклари эзилганча миқ этишмади. Қиз эса қоққан қозиқдай турарди. Унинг кўзларида ёш ҳалқаланди-ю, лекин йиғлашга журъат этолмади. Куч билан ўзини босиб нимадир деб жавоб беришга интилди, бироқ тутилиб, жимиб қолди. Стефчов Радага совуқ назар ташлаб, жеркиди:

— Дарс яхши ўтилмабди. Чақиринг кейинги ўқувчини.

Рада овози чиқмай зўрга бошқа қизнинг фамилиясини айтиб чақирди.

Учинчи қиз ҳам пойинтар-сойинтар жавоб қилди, саволни тушунмади. Қиз Стефчовнинг башарасида нохуш ифодани кўриб довдираб қолди-ю, атрофга олазарак назар ташлади. Жавоб бермади. Уялгандан кўз олди қоронғилашиб кетди. Лаблари қалтираб, бирдан хўнграб юборди-да, онасининг олдига югуриб кетди. Бу ҳол ҳамманинг кўнглини хира қилди. Қизлари ҳали чақирилмаган оналарнинг кўнгиллари га гул-гула туша бошлади. Уларнинг ҳар бири ҳозир менинг қизимни чақириб қолмасайди, дея юракларини ҳовучлаб туришарди.

Рада гўё миҳланиб қолган эди. Юзларида заррача қони қолмаган. Унинг қонсиз ёноқлари тортишарди, ялтираб турган пешонасидан йирик-йирик икки томчи тер думалаб тушди. Ёш муаллима бошини кўтаролмай қолган эди. Қани энди ер ёрилса-ю, кириб кетса. Кўкрагини бир нима қиса бошлади, хўнграб йиғлагиси келар, лекин ўзини куч билан босиб турарди.

Жамоат безовта бўлиб қолди. Ҳамма нима бўляпти ўзи, дегандай саросималаниб бир-бирига қарашарди. Ҳар ким ўзича вазиятни юмшатиш йўлини ахтарарди. Фақат биттаси — Стефчовнинг башараси тантанадан ёришиб кетган эди. Шивир-шивир борган сари кучая борди. Лекин шу он ғала-ғовур тиниб, орага пашша учса эшитиладиган сукунат чўкди. Ҳамма бир томонга ўгирилиб қаради. Шу вақтга орқароқда эътиборни тортмай жимгина турган Бойчо Огнянов одамларни ёриб олдинга чиқиб келарди. У Стефчовга яқин келди-ю, жиддий қилиб деди:

— Жаноб, ҳали сиз билан танишиш шарафига муяссар бўлганим йўқ, шу сабабли узр. Сиз берган саволлар у қадар аниқ-равшан бўлмади.

Улар қандайдир мавҳум, буларга ҳатто бешинчи синф болалари ҳам жавоб беришга қийналади. Она сути оғзидан кетмаган мана бу гўдакларга шафқат қилинг... Хоним, рухсат этасизми? – Радага мурожаат қилди у.

Шундан кейин ҳалиги жавоб беролмаган қизлардан бирини чақиришни илтимос қилди.

Ҳамманинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Огнянов ўзининг хатти-ҳаракатлари билан бир зумда жамоатнинг эътиборини тортди, ҳурматини қозонди. Бир зум Ҳожи Ровоаманинг гийбати, туҳматлари унут бўлди. Сўнгсиз аламлардан синиққан, лекин жасур кўзлардан нур олиб руҳланган ёш йигитнинг чехраси ҳаммани ром этиб олган эди. Одамларнинг юзлари ёришди, енгил нафас олишди. Ҳамма Огнянов вазиятни юмшатиш йўлини топганини тушунди.

Огнянов ҳам қизга Стефсов берган саволни такрорлади, лекин жуда содда, тушунарли қилиб айтди. Қиз жавоб берди. Оналар енгил тортиб, Огняновга миннатдорлик билан қараб қўйдилар. Уни ҳеч ким танимас, лекин қизиғи шундаки, номи оғзидан оғизга ўтиб, қалбларга ўрнашиб қола бошлади.

Бошқа қизни чақиришди. У қиз ҳам саволга ўз ёшига нисбатан дўндириб жавоб берди.

Аввалги имтиҳон олувчидан кўрқиб ўтакалари ёрилай деган қизларнинг ҳаммаси Огняновга хайрихоҳлик билан қарай бошлашди. Ҳамманинг кайфияти кўтарилди. Қизлар хушфёъл амакининг саволларига мен олдин жавоб бераман деб тортиша бошлашди. Чунки уни бирданига ёқтириб қолишган эди.

Радага яна жон кирди. Шундай оғир дақиқаларда у нажот қўлини чўзган инсонга ҳам ажабланган, ҳам таъсирланган ва саросималанган кўйи миннатдорчилик билан тикилиб қолди. У умрида илк бор ўзи танимаган кимса томонидан самимий ҳамдардликни кўриши эди. Жосус деганлари шуми ҳали? У ҳозир ўзи учун нажот фариштаси бўлди-ку, ахир. У Стефчовни қуртдек эзиб ташлади. Энди Рада тантана қила бошлади. Яна унинг руҳим кўтарилиб атрофга фахр ва бахтиёрлик туйғуси билан назар ташлади ва кўзи ўзига ҳамдард одамларнинг нигоҳига тушди. Қалби миннатдорлик туйғулари билан тўлди-ю, мижжаларини ёш қоплаб кўзлари хиралашди...

Учинчи қизга Огнянов шундай савол берди:

– Райна, айт-чи, қизим, қайси подшолик даврида булғорлар чўқиниб, насроний динини қабул қилишган?

Шундай деб у ўзига ишонч билан боқиб турган қизчанинг ёшли кўзларига дўстона назар ташлаб қўйди.

Қизча лаблари билан пичирлаб бирпас ўйлаб турди-ю, кейин тиниқ овозда булбулдай сайраб кетди.

– Булғорларни булғор шоҳи Борис чўқинтирган.

– Жуда тўғри, яша, қизим... Энди айт-чи, булғорларнинг алифбесини ким тузган?

Савол қизни бирмунча ўйлантириб қўйди. У нима жавоб беришни ўйлаб бирпас кўзларини пирпиратиб турди: кейин жавоб бермоқчи бўлиб оғзини очди-ю, лекин гапиришга ботинмай тураверди.

Огнянов уни йўлга солди:

– Ҳарфларимизни, Райна, биринчи бўлиб ёзган ким бўлади?

Қизнинг юзи ёришиб кетди. Райна тирсагигача очиқ қўлларини кўтариб индамай бутлардан илтифот билан қараб турган Кирилл билан Мефодийни кўрсатди.

– Яша, оқила қизим Райна! Сенинг келажакда малика бўлишингда Кирилл ва Мефодий авлиёлар қўлласин, – деди таъсирланиб кетган поп Ставри.

– Жуда яхши, Райна, боравер энди, – деди Огнянов қизни эркалаб.

Хурсанд бўлиб кетган Райна голибона югуриб бориб ўзини онасининг бағрига ташлади. Онаси қизини бағрига босаркан, кўзларида ёш, юзларидан чўлп-чўлп ўпиб олди.

Огнянов бош муаллимга ўгирилиб унга дарсликни қайтиб берди.

– Бизнинг Сибканиям чақиринг, афандим, – дея илтимос қилди чорбожи Мичо Огняновдан.

Огнянов чақириб улгурмасданоқ олдига ўктамгина малласоч қиз келиб мулойим боқиб турди. У бир оз ўйлаб олиб шундай савол берди:

– Сибка, айт-чи, қизим, булғорларни греклар зулмидан ким озод қилган?

– Булғорларни турклар зулмидан... – қиз шундай деб гап бошлаган эди, чорбожи Мичо тўхтатди.

– Тўхта, Сибка! Она қизим, сен булғорларни греклар зулмидан қайси подшо озод қилганини айт, турклардан озод қиладиганлар ҳам топилиб қолар...

– Буёғи парвардигорнинг ҳукмига ҳавола, – деди поп Ставри.

Чорбожи Мичонинг соддагина луқмаси кўпчиликнинг чеҳрасида хайрихоҳлик ифодаларини уйғотди. Озгина шивир-шивир бўлиб, кейин бўғиқ кулги эшитилди.

Сибка жарангдор овозда шундай деди:

– Булғорларни греклар зулмидан шоҳ Асен қутқарган, турклар зулмидан эса рус подшоси Александр озод қилади.

Қизча адаси ўргатган гапни нотўғри эшитган эди

Сибканинг жавобидан залдагилар қотиб қолишди.

Ҳамманинг юзида таажжуб ва хижолатлик аломатлари зоҳир бўлди. Жамоат беихтиёр Радага юзланди, у бўлса саросимланиб, бошини куйи эгди. Қиз ҳаяжондан ҳарсиллаб нафас оларди. Баъзилар Радага таъна-маломат билан, баъзилар таҳсин, офарин билан қарарди. Лекин барибир ҳамма ўнғайсиз ҳолга тушиб қолган эди. Бундан бир неча дақиқа бурун руҳи чўкиб ўтирган Стефчов яна бошини кўтарди ва атрофга виқор билан назар ташлади. Ҳамма унинг бей билан дўстлигини, турклар билан ҳамтовоқлигини жуда яхши биларди, шунинг учун қиёфасидан бирон маънони уқиб олиш учун унга тикилишди. Рада билан Огняновга бўлган умум ҳурматига, майлга бир зумда завол етди, бу майл, шу ери чакки бўлди-да, деган ички туйғу билан қоришиб кетди. Стефчов тарафдорлари овозларини чиқариб бадхоҳлик билан норозилик билдира бошлашди, муаллиманинг тарафдорлари эса нима деярини билмай бўйниларини эгиб қолишди. Поп Ставри ваҳимадан ўзини йўқотиб қўяй деди. У ўз гапларидан юраги ёрилиб худога нола қила бошлади: «Ё парвардигор, ўзинг асра!» Аёллар ичида адоват сақлаб юрганларнинг тили бир қарич бўлди. Стефчовнинг шармандаси чиққанидан дарғазаб бўлиб ўтирган Ҳожи Ровоамага худо берди, у муаллимага ваҳишёна назар ташлади-ю, бир нима деб қичқирди. Йигитни яқинда турк жосуси деганини унутиб, «исёнчи» деб юборди... Рада билан Огняновни ёқлаб овоз чиқарганлар ҳам бўлди. Гинка хола шундай бақириб гапирдики, бутун зал эшитди.

– Намунча ўтакаларинг ёрилмаса? Шу норасида худони чормихга тортибдими? Тўғриси айтди-да! Бизни шоҳ Александр озод қилади деб, бошқа одам эмас, мен ҳам айтаман.

– Жинни. Ўчир овозингни! – дея шивирлади унга онаси.

Сибка эсанкираб қолди. Бу сўзни у отасидан, меҳмонлардан ҳар куни эшитарди. Шунинг учун ҳозир ҳамманинг нима сабадан бунчалик саросимланиб қолишлари сабабини билолмади.

Стефчов ўрнидан туриб, олдинги қаторда ўтирганларга мурожаат қилди:

– Жаноблар, бу ерда султон жаноби олийларига қарши қаратилган инқилобий ғоялар тарғиб қилиняпти. Шунинг учун бу ерда қололмайман, чиқиб кетаман...

Нечо Пиронков ва яна бир нечта киши унга эргашди. Қолганлар жим ўтираверди.

Бирмунча жимликдан сўнг ҳамма арзигули бирон нима содир бўлмагинини тушуниб қолди. Қизча ўзи билмаган ҳолда бир неча калом ўринсиз гапларни валдираб юборган эди, холос... Шунга ҳам ота гўри-қозихонами? Вазият яна аслига қайтди, одамларнинг ҳам Огняновга бўлган муносабати ўзгариб, унга дўстона бир чеҳра билан қарай бошлади, шу куннинг ҳақиқий қаҳрамони Огнянов бўлиб қолган эди, ҳамма соф виждонли одамлар, қизларнинг оналари унинг томонига ўтиб кетган эди.

Имтиҳон хотиржам давом этди ва тез орада ниҳоясига етди.

Ўқувчилар жамулжам қўшиқ айтишди-ю, ҳамма уй-уйига тарқалди. Огнянов хайрлашиш учун Раданинг олдига келди, Рада унга ҳаяжонланиб шундай деди:

– Жаноб Огнянов, ўз номидан ва қизларим номидан чин қалбдан сизга миннатдорчилик изҳор қиламан. Бу яхшилигингизни сира унутмайман.

Унинг нигоҳида чуқур ва қайноқ бир меҳр товланиб турарди.

– Ўзим ҳам муаллим бўлиб ишлаганман, шунинг учун сизга қанчалик оғир бўлганини тушундим. Мана, ҳаммаси ўтиб кетди... Ўқувчиларимизнинг муваффақияти билан сизни табриклаймиз. – Ҳамдардлик билан деди Огнянов ва ёш қизнинг қўлини қаттиқ сиқиб қўйиб, чиқиб кетди.

Шундан кейин Рада хайрлашиш учун олдига келиб кетган меҳмонларни сезмади.



Римма КАЗАКОВА

## Оналик – бу севинч, ҳарорат

*ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИГА*

**Э**рта кетган улуғ шоирлар ҳар вақт  
Эл-юрти қалбида битмас жароҳат.  
...Давр руҳи, замон ҳайрати ила  
Маҳкам тутган эди шоир қўллари  
Орзу-умидларга тўлуғ йўлларни.  
Ташналикнинг ажиб ҳарорати-ла  
Бирга туғиларди Ҳамид Олимжон!  
Ундан сўнг дунёга келдим, шу чоқ  
Мени қарши олди шиддат, ҳаяжон.  
Меҳрли кунлару, бахт куйи қайноқ,  
Лаҳзалар кечарди гўё беармон!  
Буларнинг боиси – нафақат шоир,  
Умри давомчиси – фарзандларидир.  
Вафоли аёлдай дилбар, беназир  
Машаққатли йўлнинг баландларидир.  
Гарчанд ушлаб кўрса бўлар мраммарни,  
Гарчанд майин-майин силашинг мумкин.  
Лекин учраштирди мени у билан  
Ўзбек шоирининг гурури монанд  
Уфқларга туташ далалар, йўллар!  
Олдийгина ҳайкал ёнида бу дам  
Сукунат ҳукмрон, кенглик муаззам.  
Шоир шеърларидан ёд ўқир бола  
Овозида титроқ, кўз ўнгимизда  
Сатрлар қад керди залворли, чақноқ.

*Русчадан  
Ойгул СУҲУНДИҚОВА  
таржимаси*

Таниқли рус шоираси Римма Казакова 1932 йил 27 январда Севастополда ҳарбийлар оиласида таваллуд топди. Унинг болалиги Белоруссияда, ўқувчилик йиллари – Петербургда ўтди. Ленинград Давлат университети тарих факультетини тугаллади.

Кўп йиллар Узоқ Шарқ – Хабаровскда яшади, ижод қилди. Ўтган асрнинг 60–йилларида шеърят майдонига Евтушенко, Оқуджава, Белла Ахмадуллина, Вознесенский, Рождественскийлар билан ҳамқадам кириб келган шоиранинг илк китоби – «Шарқда учрашамиз» 1958 йилда чоп этилди. 1964 йилда Москвада Адабиёт институти қошидаги Олий курсда таҳсил олди. 1976–1981 йиллар собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси бошқарувчи котиби сифатида фаолият юритди. Умрининг охирига қадар Москва шаҳар Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби вазифасида ишлади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

56



Улкан ҳақиқатлар очдилар бағир –  
 Ҳамиша тирикдир Ҳамид Олимжон!  
 Сингиб борар бола ҳар битта сўзга,  
 Бу шунчаки эслаш, хотирлаш эмас.  
 Уни тинглардилар чулғониб ҳисга,  
 Ҳайкал тирилгандай кўз илғай олмас  
 Ҳар бир томирига жон кирган сари  
 Эшитилди ҳатто юрак зарблари!  
 Эрта кетган шоир тилга олинса  
 Таърифи мушкулдай, сўз айтмоқ оғир...  
 Десалар ишонма, бари – уйдирма!  
 Улар яшаётир сатрма-сатр,  
 Улар қолдирмиши – дилларни кечиб,  
 Дилларга қуйилмиш дарё-дарё сўз.  
 Энди сеникидир – бу юрак, бу Сўз!  
 Шоирлар ўлмайди, содиқ дўст каби  
 Кўкламда гуллаган ўрикни кутар.  
 Дунёларга сифмас бебаҳо қалби  
 Энг узун муҳаббат йўлини тутар.  
 Муҳаббатки, қувонч, қайғуларида  
 Дунёнинг энг гўзал, пок аёлини  
 Бошида кўтариб, мукаррам этар.  
 Ҳар онда, ҳар бир кун, ҳар бир байрамда  
 Шоир шеърларида уйғотиб тонгни  
 Ёниқ кўнгулларни ларзага солиб,  
 Меҳри-ла ардоқлаб, қучмиш Ватанни!..  
 Изтиробдан қуйиб кетса-да юрак  
 Шоирдан сўз очгум ҳеч ўлим билмас –  
 Яшаб ўтди шундай Ҳамид Олимжон!

\* \* \*

Отам бор эди менинг  
 Меҳри-ю, қаҳрли андак.  
 Аяб ўтирмасди кези келганда!  
 Тиллашарди даври билан жим.

Шоиранинг «Тайгада кўз ёш тўкмайдилар» (1965), «Эслайман» (1974), «Оққа кўчирилган шеърлар» (1977), «Ўзан» (1979), шунингдек, «Сайланма» (1979), «Севги ўлкаси» (1980), «Синов тоши» (1982), «Қирлардан кел» (1984) сингари китоблари шеърят муҳлислари орасида катта эътибор қозонди. Унинг шеъриятида ижтимоий туйғулар ва айна пайтда муҳаббат лирикаси устувордир. Шеърларида қатъиятли шахс туйғулари, ишқ изтироблари, ҳаёт тўлқинлари ва орзу-умид кенгликлари ярқираб, ястаниб, нафасида курашчанлик уфуриб туради. Унинг ижодидаги муҳим жиҳатлардан бири – таржима. Шоира чет эл адабиёти намуналари, шеъриятидан ажойиб таржималар қилди. Айниқса, ўзбек шеърляти, шоирлари билан ижодий ҳамкорлиги қизгин кечди. У Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия каби забардаст шоирларнинг шеърларини маҳорат билан рус тилига ўгирди.

«Римма Казакованинг онам Зулфия ва Зарифа Саидносирова, Ойбек устоз билан суҳбатларини кўп гувоҳи бўлганман, – дейди адабиётшунос олима Хулкар Олимжонова. – Уларнинг ҳар бир суҳбати адабиёт, шеърятнинг янги қирралари, нуқталари ва сирларини очиб борарди. У кўп бора кадрдон меҳмонимиз бўлган. Табиатан вазмин, қайноқ фикрли, мулоҳазалари теран, ўқимишли эди. Ўзбек шеърлятига, тилига ихлоси ва эҳтироми баланд эди».

Римма Казакова 2008 йил 19 майда Москвада вафот этди. Унинг тили тиниқ, гўзал адабий мероси ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Лек  
 Қани ўша отам?  
 Кексалик. Касаллик.  
 Сўнг – ўлим.  
 Онам бор эди менинг  
 Гўзаллардан гўзал, навқирон.  
 Яйраб кулганини кўрмадим бошқа –  
 Тоши оғир қайғу,  
 Сўлдирди армон.  
 Ҳали ҳам оёқда юргани –  
 Тақдир тутган энг аччиқ эҳсон.

Дугонам бўларди туғишганимдай.  
 Турмушга чиқди-ю, мени унутди.  
 Мен ҳам унга ортиқ қилмадим парво,  
 Балки унутдим...  
 Шунчаки дугонам бор эди, аммо...

Севганим бор эди беқиёс, ўктам,  
 Кув бўлди бой хонадонга.  
 Мансаб зинасидан кўтарилган дам  
 Йўллари айрилди икки томонга.  
 Унга дуч келаман гоҳи – гоҳида,  
 Қолгани – бўлмағур арзимас гаплар!

Вақт ўтди.  
 Изтироб сўнгандай сокин.  
 Юрак кўтаради энди барини .  
 ...Аслида, йўқ эди қатъий қиёфам,  
 Туғилди у ҳам.

\* \* \*

Уйғондим. Ўрнимдан турдим. Кийиндим.  
 Уйим – азиз ватан, азиз ҳаётим.  
 Чуқур нафас олдим, бир қур кўз солдим,  
 Бекаман, ҳар қалай. Оилам – отим.

Кундалик юмушлар билан оҳишта  
 Кезиндим уй ичра хаёл тингунча.  
 Кимнидир мактабга, кимнидир ишга  
 Кузатдим тонг нури қўлга қўнгунча.

Уйни тозаладим. Уюм кир ювдим.  
 (Вақт эса учарди. Маънисиздай кун.)  
 Бир-бир силаб кўрдим – юмшоқмикан нон,  
 Ортидан навбатга турдим сут учун.

Тушлик ҳозирладим. Сўнг – мутолаа.  
 Онам билан пича гурунглашдик ҳам.  
 Ахир, яхши қизман, одобли, доно,  
 Муҳими, бу – менинг бурч ва вазифам.

Узун-узун шеърлар таржима қилдим,  
 Ёзиб тугалланди икки мақола.  
 Муюлишда – кийим тозалаш цехи,  
 Қайтдим уйга ундан кийимлар ола.  
 Саргузашт китобни варақладим жим,  
 Ақлимни шошириб қўйгандай бироз  
 Ундан чиқиб келди юзи ёришиб,  
 О, биринчи дўстим, о қувноқ шоввоз!..

Тегирмон тошида майдаланди ун,  
 Учган – учаётган сўзми, сукунат...  
 ...Сездирмайин ўтди ёшлик чоғлари,  
 Яшамоқлик надир? – У зўр машаққат!

Елкангга ортқилаб ҳар бир юмушни  
 Югурдингми қадр топмай беҳуда?  
 Ҳолбуки, курашар вужуд ва юрак,  
 Ҳайрат ва ҳаяжон кўп эди жуда!..

Наҳот ўтган бахтли кунлар нафаси  
 Кўкка учди ёки ер ютди? Ахир,  
 Заҳматлари ҳамон юракда сизар  
 Ҳаёт мушкул кечди, юклари оғир...

\* \* \*

Сўзинг керак экан болангга ҳар вақт,  
 Шудир – тилаганинг, бергани ҳаёт.  
 Оналикдан ўтар ҳавас йўқ, бахт йўқ,  
 Оналик, бу – севинч тутган ҳарорат.

Онанг сенга сабоқ беради бот-бот,  
 Улғайган эсанг-да, асал таъмин тот.  
 Билки, бола бўлмоқ – фасли саодат,  
 Билки, бола бўлмоқ – фасли фароғат.

\* \* \*

Шеърларимда алдамадим ҳеч! –  
 Нақадар соз! – Шифокордай тинч  
 Ташхис қўйдим – сочар атирлар –  
 Йўқ, шунчаки эмас сатрлар.

Дафтарларим бир-бир очар тонг,  
 У – дилимдан тўкилган дoston.  
 Тўлиб борар саҳифаларим –  
 Кафтга қушдай қўнган зарларим.

Бу – осилиб ўйнаш машқидай,  
 Ё юракнинг зарби, шаштидай.  
 Кўпни кўрган кўз қарочиғим  
 Ҳайратлардан сўз очади жим.

Қават-қават осмон, чакалак,  
Тўлқин-тўлқин қумликлар ҳалак.

Покистоннинг қакроқ йўллари  
Бўйлаб хаёл сочилган сари  
Қоришади катта-ю кичик,  
Қиёфалар ва тиллар буюк.

Яшаяпман дунёни суйиб,  
Кетса ҳамки юрагим қуйиб.  
Ўтганимни сезмас майсалар,  
Бола қувнар, еллар эркалар.

Шукроналик тўлар бағримга,  
Мени босар иссиқ бағрига —  
Уй — Москвам! Тун, иш столим,  
Чироқ ёғду сочади жим-жим.

\* \* \*

Йўлим узоқ бўлди, бошим эса тош,  
Мени не кўйларга солди ёш шиддат!  
Видо ва умиднинг йўлагида бош  
Кўтарди — Русь ва Мен — эгизак суврат.  
Ўтаётган куну кетаётган тун  
Ичра қайдан келган бўлса, ул томон  
Сингиб бораётир дилдаги туғён.

\* \* \*

Ортга қайтмаслиги бебош, гўр ёшлик  
Ҳақиқат бўлдими, аён бўлдими...  
Прадо музейи, Париж ёки Рим,  
Қиши қаттиқ келар тоғлар йўлида  
Уйга шошилганда кўнглинг тўлдими...

Менга ёш боладай қилишар ҳавас,  
Сеҳргар сафарлар шайдо қилади.  
Қашшоқлик ва жилва ичида дунё  
Очиқ ва дангали савдо қилади.  
Лекин кўринмайди меҳроб дўкони...

Буюмларни суриб қўйдим бир четга,  
Тунлари менга жим боқди юлдузлар.  
Бу олам, бу борлиқ сири нимада?  
Сочиб юборишди бир ҳовуч сўзлар.

Қуёшли соатда кетмадим оқиб,  
Туйғуларим недир ёхуд кимлардир  
Тўхтатиб қолса-да кутилмаган чоқ  
Ҳеч эриб битмадим. Йўл ҳали йироқ...

\* \* \*

Сени сендан узоқларда туриб севаман,  
 Минтақалар, юртлар аро сарсари.  
 Сен – менинг биринчи муҳаббат сатрим,  
 Афсона сўйлайди йўллар дафтари.

Сени сендан узоқларда туриб севаман,  
 Гарчанд бегонасан, гарчанд кетасан...  
 Ишқингда телбавор қалбим зарби-ла  
 Улкан ер шарини ёриб ўтаман!

\* \* \*

Кўз илғамас денгиз ортида қирғоқ,  
 Шовуллаб урилар юракка уйғоқ.  
 Менга ишондингми, ишнолмадинг,  
 Мени эсладингми, ё эслолмадинг?

Денгиз, улканимсан қирғоқдан, шиддат  
 Билан кесиб ўтар кўксимни гайрат.  
 Менга ишондингми, ишнолмадинг,  
 Мени севолдингми, ё севолмадинг?

Қирғоқ, улканимсан денгизлардан ғам,  
 Денгиз, бўйинг кўрсат баланд ва ўктам!  
 Лекин юволмайсан қийноқларимни –  
 Юрагимнинг яшил қирғоқларини.

Денгиз улоқтирар тўлқинларини –  
 Балки изтиробли ёлқинларини...  
 Яқинлашиб борар, борар тобора  
 Юрак қирғоқларга урилар, қара!

Денгиз, кичигимсан қирғоқдан, нурли  
 Ёғдулар яширин сирлидан-сирли...  
 Менга ишондингми, ишнолмадинг,  
 Мени кутолдингми, ё кутолмадинг?!..

\* \* \*

Муסיқа қуйилар, илк варақларим –  
 Кўкдан тушган гайратки, ярақлади.  
 Бу – ўша эдими, ўзга эдими,  
 Мен – ўша эдимми, ўзга эдимми?

Сенга ё ачиндим, ёки раҳм этдим,  
 Баҳслашиш на ҳожат, англадим – етдим.  
 Бу – не айрилиққи, бу – не музламоқ,  
 Топсам, топганимга етолсам шу чоқ!

Жиловсиз тубсизлик муסיқа – киминг?  
 Ларзага туш, ҳайқир, сақлаб қол Риминг!  
 Билмадим, ким суюк, ким эса ошиқ,  
 Қалтис уриндингми, о, гўргинам ишқ!..

Қалблар энтикади, энтикар олис  
Зулматни ёритган узоқ кечки куз.  
Танламоқ, аслида — журъатнинг ўзи,  
Аслида, бу чорлов — ҳаётнинг сўзи.

\* \* \*

Дўстларим, жим бўлинг, жиминг бир нафас,  
Уни маҳв этмасин мақтов ва гийбат!  
Шарафламанг зарра, бу — ҳасад эмас,  
Унинг сўзларига, қадамларига  
Бир бепарво ўтинг, бепарво фақат.

Ўрмалаб кирмангиз оловли тил-ла,  
Йироқ бўлинг таъма, хушомадлардан.  
Айтмасангиз ҳамки яхши биламан,  
Асрай олсам эди хиёнатлардан!..

\* \* \*

Сени кечираман бегумон, албат,  
Билки, бош урмадим, қилмадим ҳасрат  
Ўзга қирғоқларга гарчанд сарбаланд,  
Ёлғизликда ўтган тунларим ҳаққи...

Ҳаётда изига тушгандай изинг,  
Уйга шошилганда ортгандай ҳиссинг,  
Кечира олдингми ўзингни ўзинг —  
Сенсиз ўтган ғариб кунларим ҳаққи...

\* \* \*

Оғирлик қилмасми елкаларинга —  
Бу бир девоналик, бўлмагур сўзмас,  
Ҳали гўр новдалар сингари эмас,  
Туйғулар залворли, эмас ўчар сас...

Толиқиб кетмаса эди қўлларинг —  
Муқаррар кўринса айрилиқ йўли,  
Озорлар, озорлар чекмасми дилинг,  
Қай рангда товланар видонинг гули...

Кўтара оларми экансан мендек  
Ортқилаб олганим — бу азиз ҳаёт,  
Синдирмай, дилимга солганим баёт.  
Бир нафасда айтдим — кўнглимни тўқдим  
Муъзижа яратган каби табиат!..

\* \* \*

На бир маломат — бу, на бир таъна — бу,  
Бу ишқ — менинг бахтим, ё дарду ҳасрат.  
Энди балким ёруғ ғамларнинг нури  
Кўйиб юбормайди қалбимни абад...

Чуқурлашиб кетма тубсиз ўйларга,  
Кимсан? Сўрамадим, кўнглинг бўлсин тўқ.  
Изоҳ қидирмадим, тушунгин фақат  
Юрак оғриётир. Бошқа ҳеч гап йўқ.

\* \* \*

Айланади йил фасллари,  
Ҳаётимда – дил фасллари.  
Кириш – чиқиш, Вақт фасллари,  
Қайғу фасли, бахт фасллари.  
Далаларни буркайди оқ қор,  
Июн – қайноқ, о июл – рангин!  
Қоришади пок ва бетакрор  
Туйғуларда фасл оҳанги.

Паст-баландга югуриш фасли,  
Сўроқ фасли, қайнайди ҳаёт.  
Ёшлик фасли, балоғат фасли,  
Оҳ, кексалик – фароғат фасли!

Бу – саодат, сабрлар фасли,  
Дўстлик фасли, жабрлар фасли.  
Ўтаётир умр ҳавасли,  
Тугамайди болалик фасли.



Холида ИСРОИЛ

## Қор кўп ёққан қиш

Қисса

**Ю**лдуз чироқ хира ёритиб турган хонада деярли яланғоч ҳолда чўзилиб ётарди. Унинг ранги бўзарган. Узун киприклари билинар-билинемас титрар, лабларининг ҳам титраётганини ҳисобга олмаганда, яқин-яқингача гўзаллиги билан ҳаммани мафтун этадиган бу қизда ҳаётийликдан асар ҳам қолмагандек туюларди.

Каравотдан осилиб қолган бир қўлида ҳали ҳам чекиб тугалланмаган тамаки атрофга қўланса ҳид таратиб ўзи-ўзидан ёниб тугаётганди. Кулга айланган қисми дам-бадам ердаги гиламга тўкиларди. Тамакининг сўнгги чўғи бармоқларини куйдиргандагина Юлдуз сергак тортиди. У кўзларини зўрға очиб, қўлидаги тамаки қолдигини бўсага томонга отди-да, яна кўзини юмиб олди. Бояги гўзал боғлар, отилиб турган фавворалар, зилол сувлар унинг кўз олдида яна пайдо бўлди. Булар унинг орзу қилган тушларидаги жаннат макони эди. У, паризоддек узун оқ кўйлагини ҳилпиратиб дов-дарахтлар, зилол сувлар, ям-яшил чаманзорлар устидан учиб борар, булутлар узра, дарахт япроқларида, тўлқинланиб оқаётган сув юзасида акс ётар, қаердандир сувратга олиш аппаратининг вижиллаган овози, режиссёрнинг мақтовлари, қарсақлар эшитиларди. Кимлардир унга даста-даста гул отарди. У, гулларни тутиб олишга улгуролмай, тобора гулларга гарқ бўлиб борарди. Уни бир тўп бир-биридан келишган, барно, чапдаст йигитлар бошлари узра баланд кўтардилар. Катта бир йиғинга — ажойиб гўзал мусиқа янграб турган, тўрт томони, шифтлари, ҳамма ёғи ял-ял қилиб кўзни қамаштирадиган бир ажойиб қасрга олиб киришди. Қиз уларнинг ичидаги энг суюкли йигитни танлаб рақсга тушарди. Йигит унинг қулоғига нималарнидир пичирларди. Унинг боши ғувиллар, кўз олдида дунё бамисоли чирпирак бўлиб айланарди. Юлдуз бошини кўтариб шифтга, чор атрофга қаради. Ҳаммаёқда у ўзини кўрди. Ўзини тутолмай қаҳ-қаҳлаб

Уйғур тилидан  
Ҳабибулла  
ЗАЙНИДДИН  
таржимаси

Холида ИСРОИЛ 1965 йили Шинжоннинг Фулжа вилоятида таваллуд топган. Шинжонг университетининг тил-адабиёт куллиётида таҳсил олган. 1985 йилга қадар асосан назмда ижод бошлаган уйғур адабиси кейинчалик насрий асарларга кўл урган ва бу борада ўзининг истеъдодини намоён этишга муяссар бўлган. Унинг ҳозиргача бир қанча бадий асарлари кенг китобхонларга яхши таниш. Жумладан, “Эҳ, ҳаёт”, “Хонгит кўли”, “Шайтон кўзгуси”, “Сокин шаҳар”, “Қор кўп ёққан қиш”, “Арбита”, “Армон” каби қатор ҳикоя ва қиссалари чоп этилган. Мазкур асарлар Хитой ҳамда Европада ва бошқа кўпгина хорижий мамлакат тилларда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига яхши маълум ва манзур бўлгани фикримизнинг яққол далилидир. Унинг “Сокин шаҳар” (уйғур тилида “Тимтос шаҳар”) деб номланган сайланма асари “Шинжон Ёшлар-ўсмирлар” нашриётида чоп этилган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

64



кулар, қўшиқ айтарди. Кўзлари учқунланар, тиззалари титрарди... Бу шодликнинг, томошаларнинг адоғи йўқдек туюларди...

Тун ярмидан оққан. Ташқаридан мотоциклнинг тариллаган овози келди-ю, тезда ўчди. Дунёдаги ҳар қандай шаҳарга ўхшаш бу ораста гўзал шаҳарда ҳам кўп қаватли бинолар, текис йўллар, гулзорлар, боғларнинг гўзаллиги таърифга сиғмасди. Бу кўчаларда ерли аҳолининг оддий кулбалари ҳам бор эди. Баланд-пастликлар қишда қор-музликка, баҳорда эса ботқоққа айланарди. Ҳаммаёқда уюм-уюм ахлатлар йил ўн икки ой киши чидаб бўлмайдиган қўланса ҳид тарқатиб турарди. Бу кўчаларда зиёлилар деярли яшамайди. Бу кўчаларда туғилиб вояга етадиган ёшлар ҳам юқоридаги обод-озода кўчаларнинг болаларига ўхшамасди. Улар ҳам ота-оналари каби гўдак вақтлариданоқ мактабдан қочишга бошларди, жамиятнинг ҳамма қозонларида қайнаб, инсоннинг ҳамма ифлосликларини кўриб, пишиб етилишади ва ўзларига жуда кўп разил иллатларни юқтириб олишади.

Шу тобда хира ёритиб турган кўча чироқлари остида ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги, уст-бошлари исқирт уч ўғил бола шумшайиб, бир ўрам тамакини навбатма-навбат чекишиб ўтирарди. Бир вақт бир йигит улар олдидан мотоциклни тариллаб ўтиб қолди, улар сергакланиб, бошларини кўтариб қарашди, мотоциклчи ёлғиз эмас, ортидан бир ёш қиз ҳам бўлиб, йигитни белидан маҳкам қучоқлаб олганди.

— Анали қизни кўрдиларингми? — деди шерикларидан ёши каттароғи ёнидагиларга — маст бўлиб қолибди, роса отибди, ўзиям... кимнинг қизи бўлдийкин?..

— Э, уни қўявер, сенга бизнинг фикримиз маъкулми, йўқми, шундан гапир, — деб гудранди иккинчи бола. Бироз жимликдан кейин: — Сизларни билмайман-у, аммо менинг нотаниш ўлкага боришга сира оёғим тортмаяпти, — деди.

Буни эшитиб, бошқалари жим бўлиб қолишди.

Мотоциклчи ўнқир-чўнқир, тор кўчалардан сакраб-сакраб ўқдек учиб бораркан, бир муюлишда тўхтади. Руддаги йигит бир оёғини ерга тираб туриб, мотоциклдан тушиб, узоқлашиб кетаётган қизнинг орқасидан баланд овозда деди:

— Демак, ваъда шу — эртага соат роса иккида олиб кетгани келаман!

Сўнг мотоциклни ортига буриб, яна тариллатганча учуриб кетди.

Юлдуз ҳар галгидек ўйида юрагини ваҳима босган қўйи узоқ ўйга толиб ўтирди. У эшикнинг тақиллашидан кўрқарди. Ёнидаги деразадан йўлга тушиб турган чироқ нури онасининг ҳанузгача ухлолмай ўйга чўмиб, паришон бўлиб ўтирганидан дарак берарди...

У тикув машинасининг бирдай гириллаган овозига қулоқ солди. Онасининг озғин гавдасини, ич-ичидан хўрсинишини, тикув машинаси олдида ўтириб, қўлининг орқаси билан дам-бадам белига уриб-уриб қўйишларини кўз олдида келтириб, кўнгли бузилди. У онасининг ич-ичдан хўрсиниб жим ўтиришидан кўра, қизини ургани, уришгани минг қарра аъло эди...

Тикув машинаси эса бир меъёрда гирилларди, ёқимсиз, ҳиссиётсиз, зерикарли бу овоз худди онасининг ҳаётига ўхшарди... Аммо у онасига, унинг тикув машинасининг гириллаб ишлашига ўхшаб кетадиган зерикарли ҳаётига ҳавас қилмасди. У гўзал кино юлдузи, атоқли қўшиқчи бўлиши, Шинжонг билан Урумчи оралиғида тайёрада қатнайидиган, юлдузли меҳмонхоналарда турадиган, кунига ўн минг, юз минг юанни бемалол сарф этадиган катта савдогар бўлишни орзу

қиларди. У қаҳвахонага кириб-чиқиб юрадиган савдогарларнинг ана шундай кишилар тўғрисидаги гап-сўзларини эс-хушини йўқотгудай бўлиб эшитарди. Доимо кўзгудан ўзининг гўзал хусни жамолини кўрганда у орзуларининг сўзсиз амалга ошишига ишонар, дунёдаги энг гўзал қизларга ҳам парво қилмайдиган эркак зотининг ҳеч бирини бир чақага олмасди.

Бир куни синглиси Қундуз мактабдан келиб, “Синфдошларим мени ўз давраларига қўшмай қўйишди, опанг бузуқ, гиёҳванд дейишяпти. Мактабда бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолдим, энди ўқимайман” деб туриб олганди. Онаси, “Жоним болам, мактабга бормасанг, нима иш қиласан? Сен ҳам опангга ўхшамоқчимисан ё деб, синглисига қўшилиб йиғлаб юборди. Онаси билан синглисининг гаплари унинг юрагига ўқдек санчилганди. Ахир, у ҳам одам. Ниманинг яхши, ниманинг ёмон, ниманинг шараф, ниманинг номус эканлигини фарқлай олади. У шундай мулоийм, тиришқоқ синглисининг ўқишдан борган сари совиб кетаётганини, хулқи ўзгариб бораётганини сезиб турарди. Бироқ, у одатланиб қолган турмуш бамисоли тубсиз жарликка ўхшарди. Ундан қутулишга ирингани сари баттар тубанлашиб борарди. У илгари гиёҳвандликни неча бор ташламоқчи бўлди, аммо ташлаёлмади, бунга журъати, иродаси етмади. Ўйлай-ўйлай, охири ўз жонига қасд қилмоқчи ва шу йўл билан ҳаммасига барҳам бермоқчи ҳам бўлди. Аммо зулмат ишғол этган қалбининг бир ерида заифгина бўлса-да, бир ёруғлик унга яна умид бағишлагандай бўларди. Бироқ тарки одат амри маҳол деганларидай, у яна ўша зулмат сари юриб кета бошлади ва уни Аҳмаднинг “қопқон”ига туширди. Аҳмаднинг қўлига тушган қиз қутулиб бўпти! Унинг энгил машиналари, ўнлаб мотоцикллари, ёвузликда уччига чиққан каллакесарлари бор. Қочиб қутулмоқчи бўлган қизларни осмондан бўладими, ерининг тагидан бўладими, тутиб кела олади. Ота-оналари уйига, ертўлаларга қамаб қўйган қизлар ҳам уларнинг чангалидан қутулолмаган. Илгари баъзи қизлар қаршилиқ ҳам кўрсатган, соқчиларга маълум қилиб ҳам кўрган, аммо аниқ жиноий далиллар етарли бўлмагани, ҳаммадан ҳам Аҳмаднинг суянчиқлари кўп бўлгани боис, улар ҳам ҳеч нарса қилишолмаган. Битта Юлдуз уларга қандай қилиб бас кела оларди? Кеча Юлдузнинг “ийгити” Ёлқин Хитой томонга бормоқчи эканини, у ёқда бир неча йил туриб қолишини айтиб, Юлдуз билан хайрлашаркан, унга бир асил матодан қимматбаҳо кўйлак совға қилди. Бу ҳар қандай қизнинг орзусидаги кўйлак эди. Қурияда тикилган бу кўйлак шаҳардаги энг катта кийим-кечак дўконида бир неча ой осиелик турган. Уни кўрган қиз-жувонларнинг кўзларидан ўт чақнаган эди ўшанда. Таърифини эшитганлар уни харид қилолмасалар-да, бир кўриш учун ҳам атайлаб дўконга келишарди. Уша кўйлак охири Юлдузнинг қўлига тушди. У кечга томон шу кўйлакни кийиб, Нигора, Зулфия, Анораларнинг юрагига ўт солгиси, ўзини уларга кўз-кўз қилгиси келди.

У, кўйлакнинг ерга тегай-тегай деб турган этагини бир қўли билан хиёл кўтариб қаҳвахонага кириб келганда, хира ёниб турган чироқ остидаги сонсиз ўриндиқларда жуфт-жуфт бўлиб кайф-сафо қилиб ўтирганларнинг деярли ҳаммаси унга маъноли қараб, бошларини чайқаб қўйишди. Унинг сарвдек қоматига еб қўйгудек, суқланиб тикилишди. Қизларнинг катта-катта очилган кўзларидан, ичларини уриб қарашларидан уларнинг вужудини ҳавас билан бирга ҳасад ўти ёндираётганини пайқаш қийин эмасди. Юлдуз ўша кўзларда, ўша ифодаларда ўз галабасини кўргандай бўлди. Юлдузга худди шуниси

керак эди. У атайин манекенларга тақлид қилиб, бели ва кўксини эркин тутган ҳолда тўрдаги бўш ўриндиққа қараб юрди. Унинг кўзи узун, ингичка оёқларини чалиштириб, оғзидан ҳалқа-ҳалқа тамаки тутунини чиқариб ўтирган Нигорага тушди. Унинг Юлдузга қия боққан кўзларида, юпқа лабларининг бир четида ҳеч қачон йўқолмайдиган мағрурлик ва билинар-билимас масхара аломатлари ифодаланиб турарди. Унинг кулимсирашлари гўё унга ҳар қачондагидек: “Сен ниманиям билардинг, шошма, ҳали сен кўрадиган не-не ишлар бор”, деяётгандек туюларди. Юлдуз кўзларини тезда ундан олиб қочди. Тўрда Олия ўзи ёлғиз ўтирарди. У олдига келиб қолган Юлдузни танимагандек, бироз анқайиб қолди, сўнг ҳайрон қолгандай кўзларини катта очиб, қошларини чимирди, қипқизил бўялган гўштдор лабларини буриб, аста хуштак чалди. У аслида сарғиш сочини ўғил болача турмаклаб, ўғил болача кўйлак кийиб юрарди. Бу хил кийиниш унинг атворига, бўй-бастига жуда ярашарди.

Улар шод-хуррам саломлашаётганда айиқ панжасидек зилдай бир қўл Юлдузнинг елкасидан қисимлади, яна бир қўл уни иягидан тутиб, ортга бурди:

— Ҳа, булбулигўё, аҳволлар қалай?

Ҳад-ҳисобсиз кайф-сафодан хунуклашиб кетган афт, қизарган кўзлар Юлдузнинг кўз олдини тўсди.

Елкаси оғриб ва кўрқиб кетганидан Юлдузнинг тили каловланди:

— Аҳмад ака, ... кўлингизни тортинг, бу нима қилиқ? Мени... мени кўйворинг...

— “Қилиқ” дейсанми? Қилиқ мендан эмас, сендан чиқаётганини ҳали билмайсанми? Кўйиб юборайми? Зўрға тутган ўлжасини қайси аҳмоқ овчи кўйиб юбораркан? Ҳо, ҳо, ҳо...

Аҳмад ҳузур қилиб кулар экан, Юлдузни елкасидан босиб, ўриндиқ ичкарасига баттар чўктирди. Боядан буён бир четда тиржайиб турган сариқ кўз, пакана, юмалоқдан келган йигитни Юлдузнинг ёнига ўтқазиб, ўзи уларнинг олдидаги ўриндиққа чўкди.

Аҳмад бу қаҳвахонанинг хўжайини ҳам эди. Айтишларига қараганда, унинг яқин бир қариндоши қандайдир бир катта мансабда хизмат қиладиган давлат арбоби эмиш. Фарҳод деган гумашта ўша арбобнинг ўғли эканлигини қаҳвахонадагиларнинг барчаси билишарди. У қаҳвахонага тез-тез келиб турарди. Бу ерда ўз уйддек эркин юрарди, токчадаги ёки ичкаридаги жавондан истаган ароқни олиб ичарди, ҳуши келган чоғларда, қизларни чет элнинг бир румкаси саксон юванлик соф узумдан тайёрланган шароб билан меҳмон қиларди. Бир гал у, ҳатто бир қадаҳ лиммо-лим франция брендисини бир қизнинг бошидан тўкиб юборганди.

— Юлдуз, сиз буёқни танимайсиз, у бизнинг инимиз бўлади, бундан кейин унинг хизматида бўламиз. Сизга очигини айтиб қўя қолай, иним сизга кўнгли борлигини айтганди, бўлмаса... не-не қизлар бор, уқдингизми! Агар айтганини қилмай, дилини ранжитиб қўядиган бўлсангиз, мени биласиз-а? — деди Аҳмад таҳдид оҳангида.

Юлдуз сакраб ўрнидан туриб кетди:

— Аҳмад ака, менинг сиздан ҳеч қандай қарзим, тил қисқлик жойим йўқ. Қолаверса, сиз менга ҳеч ким эмассиз! Шундай бўлгач, мен ҳам сизга айтиб қўяй, бундан кейин менга бундай оҳангда муомала қилманг! Мен ўз тақдиримни ўзим ҳал қиламан, билдингизми?!..

— Ўҳ-хў, тиллари чиқиб қолибдими, тил югуруги нималарга олиб келишини билмайдиганга ўхшайсиз чоғи? Биз билан бўлмаса, Ёлқин

билан бўлса керак? — заҳархандалик билан унинг сўзини бўлди, Аҳмад — саводингиз бўлса керак?

У чўнтагидан бир парча қоғозни чиқариб, Юлдузнинг олдига ташлади. Юлдуз қоғозда Ёлқиннинг дастхатини таниб, хатни тезда қўлига олди. Ундаги тўрт қатор келадиган хатнинг мазмуни шундай эди. “Бир йилдан бери Юлдуз билан қаҳвахонада ичган ичимлик, чеккан тамаки (оқ оғу)нинг икки минг юванлик ҳаққини тўлашга қурбим етмаганлиги учун, тўй қилишга ваъдалашган қиз Юлдузни Аҳмадга ўз ихтиёрим билан топширдим...” Юлдузга қоғоздаги қинғир-қийшиқ ёзилган хатлар бамисоли сакрашиб югургандек, ўзига қараб тиржайиб, тилларини осилтираётгандек туюлди, кўзлари тиниб боши айланди. У, хатдаги сўзларнинг маъносини базўр тушунди. Тушунди-ю, баттар гангиди. У Ёлқинга унчалик ишонмаса-да, унинг бундай қилишини асло хаёлига келтирмаганди.

— Ёлқин чучварани хом синабди, мен бир буюммидимки, истаса сотиб, истаса ҳадя қилсин. Ўзимга тегишлигини ўзим тўлайман, тамом! Менинг йўлимни тўсманлар...

Аҳмаднинг турқи бирданига ўзгариб, даҳшатли тус олди, қўлини узатиб, Юлдузнинг бўйнига чанг солди:

— Ўтир, иззатини билмайдиган расво! Бу ердан чиқиб кетишдан олдин эгнингдаги манови кўйлакни еч! Ё бу қимматбаҳо кўйлакни Ёлқин совға қилди, деб юрибсанми? Еч кўйлакни, қип-яланғоч бўлиб чиқиб кет!

Атрофдагилар бошларини чўзиб, Юлдузга қаради, ўзларича нималардир деб пичирлашди. Фақат Нигорагина ҳеч нарса бўлмагандек, узун, чиройли оёқларини кўз-кўз қилиб, тамаки тутунини буруқситганча кўзларини хумор-хумор сузиб ўтирарди.

Юлдуз уларнинг ҳеч қайсисини кўрмади. Мурдадек бўзариб, узоқ ўтирди. “Тугади, мен адо бўлдим, тугади... Ҳаммаси тугади”. Унинг бўронли саҳрога ўхшаб қолган кўнгил кўзгусида ўша сўзларгина қолди.

У бир неча соат ана шу ҳолда унсиз ўтирди. Сўнг ароқ ичишга бошлади. У катта қадаҳни лим тўлдириб кетма-кет ичиб, маст бўлиб қолди. Орқадан бошини чарм ястиққа қўйиб, бўғиқ овозда хиргойи қила бошлади. Қўшиғи неча бор узилиб, неча бор уланиб, аянчли йиғига айланди. Йиғи яна қўшиққа ўзгарди. Сариқ кўз уни суяб, иккинчи қаватга олиб чиқиб кетаётганда ҳам ҳамон ўша қўшиқни куйларди.

\* \* \*

Юлдуз эшик ёнидаги тўнкага келиб ўтирди. Унинг бу ерда ўтирмаганига ҳам анча вақтлар бўлди. Кўни-қўшнилари унга рўйхуш бермасдилар, онаси билан синглиси ундан номус қилар эдилар. Илгариги дўстлари ундан худди вабодан кўрққандай қочадиган бўлдилар. “Бу дунёда яшаш нақадар қийин-а! Ҳаёт бамисоли заҳар солинган бир қадаҳ майга ўхшайди, уни энди аста-аста нўш этишга мажбурман. Бундай ҳаётдан ўлим афзал, тупроққа айланган минг бора афзал! Қачонгача ўша кўргилик, тутиб бўлмайдиган, ҳеч қачон амалга ошмайдиган беҳуда умид-орзу билан ўзини алдаб юради?”

Юлдуз ўрнидан турди. Уйи тарафга бир-икки қараб қўйди-да, журъатсиз катта кўча сари одимлади. Қадамлари борган сари тезлашарди. У олисдан дарёнинг шовуллаган садосини эшитди. Ҳозир дарё сувининг жўшган пайти. Бунинг устига бу кечада уни ҳеч ким кўрмайди. Қуюқ толзор, қалин дов-дарахтлар яшириб туради. Қирғоқнинг кичкина бир ери ўпирилиб, шалоп этади-да, ҳаммаси

тамом бўлади. Юрагини босиб олмоқчи бўлиб аста қирғоқ бўйлаб йўл олди. Катта кўприкка яқинлашгани сайин дарё оқшом қоронғулигида янада ҳайбатлироқ кўринар эди...

Юлдуз кўприкнинг бетон устунига суяниб, бироз турди. Ўн беш кунлик ой сузиб борар, атрофида юлдузлар чарақларди. Пастда дарё шарқирар, сув ғазаб билан қирғоққа урилиб, аждаҳодек тўлғанарди. Ҳатто мустаҳкам кўприкни ҳам зир титратарди.

У худди дўстлари билан қўл тутишиб сайр қилиб юрган вақтларидегидек аста одимлай бошлади. Шамол унинг сочларини учириб ўйнар, кўйлагининг этагини соябондек шиширар, вужудини салқин, роҳатбахш қанотлари билан силаб ўтгандай бўларди. Ҳаётнинг бундай дамлари нақадар гўзал. Афсуски, у энди бундай гўзал дақиқалардан баҳраманд бўлолмайди.

У олд тарафда бировнинг корасини кўриб, юришдан тўхтади. Бу дунёдаги дардманд одам ёлғиз угина эмаскан. У бир эр кишига ўхшарди. Кўринган одам кўприк панжарасига осилди, шарқираб оқаётган дарё сувига тикилиб қолди. Унинг авзоида чуқур дард-алам акс этиб тургандай эди. Сўнг у қаддини ростлаб орқасидан дарёга энгашди. Боши, елкаси кўринмай қолди, оёғи ердан кўтарилди...

— Ҳой, ундай қилманг! Тўхтанг, сизга айтадиган гапим бор, тўхтанг!

Юлдуз унинг ёнига қандай югуриб борганини, қандай қилиб унинг қўлига маҳкам осилиб олганини билмайди. Бамисоли бир кунлик йўлдан югуриб келгандек ҳансиради:

— Ҳар қанча... ҳар қанча иш бўлса ҳам...

У одам ортига бурилди. Унинг юзи хотиржам эди. Юлдузга тикилган кўзларидан гангиш, таажжуб аломати бор эди. Оз ўтиб, бу гангираш кулимсирашга айланди, кўзларида шўх, ўткир учқунлар чақнаб кетди.

— Ҳа... Мен ҳали сизни... Сизни дарёга ўзини отмоқчига ўхшайди, деб ўйлабман... Уф, худога шукур. — Юлдуз кўлини ҳанузгача дукдук қилиб турган юраги устига кўйиб, чуқур тин олди. Мурдадек ифодасиз юзида билинар-билинемас табассум жилва қилди.

— Хотиржам бўлинг, мен нобуд бўлишни истаганимда ҳам ҳаргиз ўзимни сувга ташламайман, чунки мен яхши сузаман. — Ҳалиги одам Юлдузга қараб кулимсиради.

У йигирма уч-йигирма тўрт ёшлар чамасидаги қуюқ қошли, бугдойранг, истараси иссиққина йигит эди. У Юлдузга танишдек туюларди. Аммо уни қаерда кўрганини сира эслаёлмади. Йигит ҳам Юлдузга шундай синчиклаб қараб турарди. Ергача тегиб турадиган модали кўйлак кийган, юзига қуюқ пардоз қилган сочлари тўзғин, озғин бу қизни қаерда кўрган эканман, деб ҳайрон эди.

— Вой, сиз ҳалиги... эсингиздами? Сиз учинчи сонли ўрта мактабда ўқирдингиз... деярли ҳар куни учрашиб турардик?..

Йигитнинг кўзларида ҳам ҳайронлик, ҳам хурсандлик акс этди. У ҳаяжондан дудуқланиб қолди. Унинг ўша-ўша чақнаб турган кўзлари Юлдузнинг ёдига жуда олисда қолган пок ва гўзал хотираларни келтирди.

— Ҳа, рост... Сиз экансиз-да? Сиз... биринчи сонли ўрта мактабда ўқирдингиз, чоғи?.. Доимо ўзингизга каттароқ келадиган жигарранг костюм кийиб юрардингиз... Сизнинг бир ботинкангиз ҳам бор эди, кўчанинг нариги ёғидан қорангиз кўринмай туриб фарч-гурч овози эшитиларди...

— Ўша овозни йўқотаман деб қаерда ботқоқ, қаерда сув бўлса кечиб юрардим, аммо пойабзалим қуриган заҳоти яна бақиринишга тушарди.

Йигит қаҳ-қаҳ уриб кулди. Юлдуз ҳам жилмайиб кўйди.

Шунақа, улар ҳар куни неча марта учрашар эдилар-у, бироқ бирон марта ҳамсуҳбат бўлишмаганди. Юлдуз унинг исми Анвар эканини, биринчи сонли ўрта мактабнинг юқори синфида ўқишини биларди. Анвар ҳам, аҳтимол, уни суриштириб кўргандир... Улар илгари бири-бири билан гаплашмай, шунчаки кўз уриштириб қўйишарди, холос.

Юлдузнинг уйи биринчи сонли ўрта мактабга яқин эди-ю, лекин ўзи учинчи сонли ўрта мактабда ўқирди. Анварнинг уйи ҳам учинчи сонли ўрта мактабга яқин эди-ю, биринчи сонли ўрта мактабда ўқирди. Охири бир куни Юлдуз ота-онасининг розилиги билан биринчи сонли мактабга ўтиб олди. Ич-ичидан у қаттиқ хурсанд эди. Лекин ўқишнинг биринчи куни мактабнинг илмий мудирини унга:

— Кеча бизнинг мактабдан бир ўқувчи ўқишини учинчи сонли ўрта мактабга кўчириб кетди, бугун унинг ўрнига сиз келдингиз, унинг исми Анвар, аълочи ўқувчи эди, — деганда, унинг кўнглидаги хурсандчилик бир зумда ғойиб бўлди, мактаб ҳам энди кўзига бефайз кўриниб кетди.

Шундан кейин улар бошқа учрашишмади. Бироқ, у доимо келгусида бахтли оила қуриш тўғрисида ўзича ширин хаёлларга чўмганда, ўзига кенг-мўл келадиган жигаранг костюм кийиб олган ўша сохт-сумбатли йигитча бот-бот кўз олдида гавдаланар эди.

— Бундай кечада бунақа овлоқ ерларда кўрқмай, ёлғиз қандай юрибсиз?

Анварнинг кўз олдини туман босгандек бўлди, овозида шубҳа пайдо бўлди.

— Қандай бўларди, жуда оддий. Бугун бу ерни сиз эгаллаб олмаган бўлсангиз... Мен, аҳтимол...

Негадир Юлдуз кўнглидаги ҳамма гапларни унга тўккиси, дардлашгиси келди. У Анварга қарамай, сўзини давом эттирди:

— Бироқ, мумкин бўлмади. Тақдир бугун бу ерда икковимизни учраштирди. Мен сизни ўзини сувга ташлаб юборармикин деб кўрққан ўша дақиқаларда ҳаётдан осонликча воз кечиб бўлмасликка ҳам кўзим етди. Мен сизга: “Тўхтаг, ҳаёт инсонга икки марта насиб қилмайди, ўлим осон иш, унга қачон бўлса-да улгурасиз, демоқчийдим...” Қизик иш, сизни қутқармоқчийдим, аслида эса сиз мени қутқардингиз.

— Шу сўзларингиз ростми? Наҳотки шундай бўлса, мен ўзимдан ғоятда хурсандман. Аммо... аммо, айтинг-чи, аслида нима учун бундай машъум ишга қўл урмоқчи бўлдингиз?

— Бўлди, сиз сўраманг, мен айтмай қўя қолай...

— Йўқ, гапни бошладингизми, энди уни охириги етказинг-да? Сиздек бир қизни ҳаётдан бездиргудек қандай ишлар ўтди экан?

— Сиз мени тушунмайсиз.. тушунишингиз ҳам мумкин эмас, чунки сиз бизга ўхшамайсиз. Бироқ... Кўз олдингизга келтириб кўринг, йўлдан чиққан, ароқни сувдек ичадиган, гиёҳвандликка ружу қилган бундай қизнинг нимасини эшитасиз?... Мен келажagini ўз қўли билан барбод қилган бир бахти қаро қизман... Бундай қизнинг бу дунёда яшашга ҳаққи бўлиши мумкинми?

— Биласизми, Юлдузхон, ҳамма нарса инсоннинг ўз қўлида... Хатони тузатаман деб қатъий бел боғлаган инсон, албатта, бунга эришади. Қолаверса, ёлғиз эмассиз, анча ёшларга бориб қолган ва бор умидини икки қизга тикиб, сизларга суяниб қолган, сизлар билан овунадиган онангиз бор. Уларга ачинмайсизми? Уларга жабр қилган бўлмайсизми? Яшашингиз, керак. Ҳали жуда ёшсиз, ёш ҳаётингизни барбод қилишга ҳаққингиз йўқ, уни яхши томонга ўзгартиришингиз керак!.. — Инимнинг уйдан чиқиб кетганига икки ой бўлди. Ўзидан

катта болаларга қўшилиб қолиб, отинг қурғурни чекишни ўрганиб олибди. Кейинчалик уйдан уни-буни олиб чиқиб кетадиган бўлиб қолди, кейинроқ билсак, ҳаммасини сотиб, пулига ўша “оқ ажал”ни олиб чекаркан. Қилмаган йўлимиз, кўрмаган чорамиз қолмади... Охири бир қочиб кетганча бадар кетди. Эшитсак, кўчада ўғирлик қиларкан, топган пулига ўшани олиб чекаркан... Яқинда билишимча, бир неча гумаштаси билан ичкари ўлкаларга сафар қилмоқчи бўлаётганмиш, учратиб қолсам ажаб эмас, деб бу ерлардан қидириб юргандим. Биноийдек ўқиб юрган эди-я. Энди ўн учга кирганди...

Кечада эсанг муздек изғирин Юлдузнинг суяк-суягидан ўтиб борарди. У жунжикди, томоғига алланарса тикилгандай бўлиб, хўрлиги келди.

Анвар сўзида давом этди:

— Сизларда нима гуноҳ? Билдирмай-сездирмай чектириб қўйишади. Бошида ўйиндек, қизиқчиликдек кўринади. Кейин ўзларингдан кетиб, ҳаддан ошасизлар... Бундай оғуни сотадиганларни, бошқаларга чекишни ўргатадиганларни қаттиқ жазолаш, уларга қилча раҳм-шафқат қилмаслик керак эди. Чунки бундай касофатга учраётганлар оз эмас, у қабоҳат сари қанот ёзган бутун бир авлодни заҳарлаб бўлди...

Юлдузнинг кўз олдида қаҳвахонага қандайдир шубҳали йўллар билан топган пулларига Аҳмаддан “оқ ажал”ни сотиб олиб чекадиган ёш-ёш ўғил болалар тез-тез келиб туришади. Ким билади, дейсиз, балки ана шуларнинг ичида Анварнинг иниси ҳам бўлгандир.

Улар қисқа ёз оқшомининг қандай тез ўтиб кетаётганини сезмай ҳам қолишди, бу пайтда осмоннинг шарқий қисми Қош тошидек<sup>1</sup> сузилишга бошлаганди. Лекин уфқнинг орқасида юз бераётган улуг бир ҳаракатнинг шарпаси сифатида осмонни, дарё юзини шафақ алвон рангига буркаганди. Хиёл ўтмай қуёш улугворлик билан аста бош кўтариб чиқа бошлади. Ҳадемай уларнинг кўз олдида суратдек гўзал манзара намоён бўлди. Эгри-бугри бўлиб олисларга чўзилган дарё суви гўё олтиндан ҳал берилгандек жилваланарди. Унинг ҳар икки қирғогидаги қуёш нури ўйнаб турган толзорда қушлар сайрар, кўз етмас бутазорларда ёввойи гуллар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ очилиб ётарди.

\* \* \*

Улуғларнинг оғзидан кўп эшитган “дўзах” деган нарса мана шунинг ўзимикин? У қилган гуноҳлари учун тириклайин дўзах азобини тартаётганмикин? Ўша куни Анвар уни дарё бўйидан уйига олиб келиб қўйгандан буён орадан ўн беш кун ўтди. Юлдуз ўшандан буён оғзига сувдан бошқа ҳеч нарса олгани йўқ. Вужуди чидаб бўлмас оғриқдан қақшар, гиёҳвандликка хумори аъзои баданини пўлат омбурдек қисар, ўзини у бурчакдан-бу бурчакка отар, ўмбалоқ ошиб думалар эди. У оғриқ азобига дош беролмай қўлига илинган нарса — ёстиқми, каравот ёғочими — аямай ғажирди. Шунда тўсатдан ёдига бир нарса келгандек, қотил қўлидек титроқ қўллари билан токчаларни, дори қутилари ахтара кетди. Бир-икки дона оғриқ қолдирадиган дори топиб олса, кўзлари руҳий хасталарнинг кўзларидек ярқираб кетарди. Бу дорилар унинг хуморини бироз босгандек бўларди-ю, аммо кўп ўтмай оғриқ баттар кучаяр, яна ўмбалоқ оша бошларди. Гоҳ қуёш унинг боши устида ёнаётгандек, уни куйдириб кул қилиб юборадигандек бўлса, гоҳ томирларидан

<sup>1</sup> Хўтонда чиқадиган нефрит меъмор тошти

муздек сув оқаётгандек, вужуди қотиб қолгандек ҳис этар, сўнгаклари ва мушаклари аёвсиз чатнар эди. Юзлари бурушиб, гавдаси букчайганча даҳшат ичида ўзини эшикка отиб: “Садағангиз кетай сизлардан, мени ўлдириб қўя қолинглар, бўғизлаб ташланглар!” — деб қичқирарди.

Онаси билан синглиси қулфлог эшикнинг тирқишидан қараб юм-юм йиғлашарди. Бундай пайтларда онанинг бардоши чидамай, нима бўлсанг бўл, дея эшикни очиб юборгиси ҳам келарди. Аммо яна тишини тишига қўйиб, кўзини юмарди-да, нари кетарди. Қўни-қўшнилар оғзидан, гиёҳвандликка берилган одам охири бир тери, бир сўнгакка айланиб жон таслим қиларкан, унинг ўлиги сўнгагидан янада аълороқ чекимлик ишласа бўларкан, деган миш-мишларни эшитиш мумкин. Шунинг учун фалончининг гўрини очиб, мурдани ўғирлаб кетишибди, деган гаплар юрарди. Гулсумхон ая бундай гап-сўзларни эшитганида бир сесканиб тушарди. Беш вақт номозида: “Мана шундай балони тарқатиб юрган ножинслар Оллоҳнинг қаҳрига дучор бўлсин”, деб қарғарди. Бундай чоғларда унинг кўз олдига Юлдузнинг алвастидек кийиниб юрадиган бир дугонаси келарди. Ўша “алвасти” уларнинг эшигига қадам қўйган кундан тортиб бу хонадоннинг хотиржамлиги бузилган эди. Тунов куни у яна келди. Гулсумхон аянинг гапларига парво қилмай, у тўғри Юлдузнинг ёнига кирмоқчи бўлди. Бироқ Гулсумхон ая югуриб бориб, икки қўлини керганча унинг йўлини тўсди:

— Яна нимага келдинг, фалокат?! Уйимни хонавайрон қилиб, ҳали ҳам кўнглинг тўлмадимми? Тагин нима қилмоқчисан, жувонмарг? Қизимга яқинлашадиган бўлсанг, сени гўрга тикмай қўймайман. Қиёматда ҳам қўлим сенинг ёқангда бўлади, жодугар, — деди.

Бироқ, ҳалиги аёл ҳам Гулсумхон аядан баланд келиб бақира кетди:

— Э-э, менга ўшқирма, қари ялмоғиз! Ҳали қизинг оппоғу биз қоп-қора бўлиб қолдикми? Агар билсанг, бу ишда қизингнинг ўзи менга ёпишиб олганди. Одамгарчилик қилиб аралашдик, эгнига кийим-кечак, харж учун пул бердик. Билмасанг, билиб қўй, қизинг биздан қулоғигача қарздор, бу қарзни тўламай, биздан қутулолмайди!

Шу куни қўшнилар келиб аралашмаганда, уни уришиб ҳайдаб юборишмаганда, ким билади, охири нима билан тугарди.

Дунёда ҳалиям яхши одамлар кўп экан. Адоғи йўқдек билинган қўрқинчли ялдо тунларида Юлдузни дарё бўйидан олиб келиб қўйган Анвар исмли йигит уларни деярли ҳар куни йўқлаб турди. Уларга жуда кўп ёрдам қилди. Гулсумхон ая Юлдузни Анвардек бирор йигитга турмушга узатганда эди, бу дунёда армони қолмаган бўларди, раҳматли умр йўлдоши ҳам гўрида тинч ётарди. Бироқ, бу унинг ушалмас орзуси эди, холос.

Юлдузнинг дадаси умрини ҳайдовчилик билан ўтказган, куй-қўшиқлар деса жонини берадиган шинаванда, кўнгли юмшоқ, болам-чақам дейдиган дилкаш, хушфёъл бир одам эди. У ўзи ўқиёлмаганидан жуда афеусланарди ва бор умиди қизларидан эди. Унинг кийим-кечагидан, катта, жундор қўлларида доимо бензин ҳиди анқиб турарди. Юлдуз ўша ҳидни туйиб, дадасининг келган-келмаганини осонгина билиб оларди. У уйдаги вақтларида қизларининг дафтарларини бирма-бир варақлаб кўрарди. Қизларининг ўқув топшириқларни бажаришларига соатлаб эринмай кўмаклашарди. Баъзи кечаларда кўҳна доторини қўлига олиб, қўшиқ кўйлашга тушиб кетарди. Овози бироз йўғон, аммо ёқимли чиқарди. Или

<sup>1</sup> Фулжа шаҳри назарда тугилади.



қўшиқларинигина эмас, Кучо, Қашқар шеваларидаги қўшиқлардан, радиодан эшиттириладиган наволардан ҳам ниҳоятда кўп биларди, “Мақом” қўшиқларини айниқса маромига етказиб қуйларди. Қўшиқни алоҳида ихлос билан ижро этарди. Қуйлаб-қуйлаб баъзида йиглаб ҳам юборарди. Қизлари унинг дутор билан айтадиган туганмас, мунгли қўшиқлари ичида улғайдилар. Уша қўшиқлар уларнинг қон-қонига, вужуд-вужудига сингиб кетганди. Юлдуз кичкиналик вақтиданоқ дадасига тақлидан дутор чалиб, ҳақиқий санъаткорлардан қолишмай қўшиқ айтоларди. Ажойиб рақсларга ҳам тушарди. Ҳайдовчи устоз дутор чалиб, икки қизини ўйинга тушириб, ўзини подшоҳдек ҳис этиб ўтирарди, қизларига қараб унинг кўнгли тоғдек кўтариларди. Қисқаси, ота-она бир-биридан чиройли, бир-биридан ақлли иккала қизларидан фахрланишар, кўнгилларида не-не ширин орзулар туғиларди.

Бахтга қарши, бундан тўрт йил илгари қизлар меҳрибон оталаридан, Гулсумхон ая эса вафодор умр йўлдошидан жудо бўлди. Ўшанда дўхтирлар оталари мияга қон қуйилишдан оламдан ўтганлиги тўғрисида ташхис қўйган эдилар. Соғлиғи ёмонлашиб қолган Гулсумхон ая ҳам кўп ўтмай кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолган эди ўшанда. Барча рўзгор ишлари Юлдузнинг зиммасига тушганди. Бу унинг эндиғина билим юртига ўқишга кирган кезларига тўғри келарди.

Юлдузнинг ана шундан кейин тақдир, пешона деган сўзнинг тагига етиб бўлмайдиган сирли нарса эканлигини, уни ўзгартириб, ўз иродасига бўйсундириб бўлмаслигини тушунди. У аслида бахтли, беташвиш эди. Давомли шундай яшаш, билим юртида ўқиб, отаси орзу қилгандек одам бўлиши мумкин эди. Тақдири илоҳий улкан шаҳардан, мана шундай кўп кишилар орасидан унинг отасини юлиб кетди, онасини сурункали хасталикка дучор этди. Булар ҳаммаси бир бўлиб, Юлдузнинг тақдирини остин-устин қилиб ташлади. Касалхонада у бир аёл режиссёр билан танишиб қолди. Урумчидан кино олгани келган бу аёл Юлдузни бир кўргандаёқ гўё ноёб нарса топиб олгандек, хурсанд бўлиб кетди, уни суҳбатга чорлади. Қўшиқ айттирди, рақсга туширди. Касалхонадан чиқиб кетадиган чоғда бир парча қоғозга ўзининг манзилини ёзиб бериб, албатта боришини тайинлади. Олийгоҳга ўтолмай умидсизлик ичида қолган, ҳимоясиз-суянчиқсиз бир қиз бола учун бундан ортиқ хурсандчилик бўлармиди. У онасининг тезроқ тузалиб кетишини сабрсизлик билан кутди. Охири қутилган кунга ҳам етишди, режиссёр аёл билан ҳам кўришди. Уша аёл тасмага олган кинода бир хонанда қизнинг ролини муваффақиятли олиб чиқди. Бу кинода қўшиқчи қизнинг роли унча муҳим эмас эди. Шундай бўлса-да, у бу ролни бутун вужуди билан берилиб, ҳақиқий санъаткордек ижро этганди.

Режиссёр аёл ундан жуда мамнун бўлди. Ҳатто кинони олиб бўлгандан кейин Урумчига олиб кетмоқчи ҳам бўлди. Юлдуз унинг гапининг мазмунидан яна бир икки ролни муваффақиятли ўйнасанг, яхши артист бўлоласан, деган маънони англади. Бироқ, яна бир эркак режиссёр ҳам бор эди. Унинг ётоғи доим кино артисти бўлишга ҳавас қиладиган гўзал қизлар билан тўлиб турарди. Улар бир-биридан гўзал, бир-биридан чечан, ҳам эркин эдилар. Уларнинг ҳаммаси Юлдуз учун хатарли рақибдай кўринарди. Бир куни у ўша эркак режиссёрнинг чиройли бир қиз билан ишхонадаёқ жуфтлашиб турганини кўриб қолди. Шундай қилиб, Урумчига Юлдуз эмас, бояги қиз кетди. Лекин ўша ёз фасли унинг ҳаётида унутилмас хотира бўлиб қолди. Ролда

ўйнаётган пайтда, вижиллаб турадиган суратга олиш аппаратининг олдида пайдо бўладиган бир хил юксак ҳиссиёт, бир хил ифтихорлик, жиддийлик, юракнинг дупурлаб уришлари, бир-биридан келишган, шўх, маданиятли қиз-йигитлар, кино артистлар орасида яшаш, улар билан чақчақлашиш, кулишиш, бирга овқатланиш, куйиб-пишиб машқ қилиш, режиссёрнинг сирли овозда буйруқ беришлари, атрофида бақариб-чақариб югуриб юришлари, кишиларнинг ҳавасланиб, қизиқ қарашлари... буларнинг ҳаммаси кинодаги завқли саргузаштга ўхшаб кетарди, бу кўринишлар сира Юлдузнинг кўз олдидан кетмасди, у ўша ажойиб ҳаётни чин дилидан яхши кўриб қолганди. Бошқа ҳар қандай иш, бошқача ҳаёт унга маъносиз ҳамда аҳамиятсиздай туюларди. У уйини журналлардан қирқиб олинган кино юлдузларининг суратлари билан тўлдириб ташлади. Кийим-кечакларини ҳам ўзининг зерикарли ички ҳаётини безамоқчи, ўзгартирмоқчи бўларди, аммо онасининг кўнглида бошқа ўйлар бор эди. Қизига ўзининг тикувчилик ҳунарини ўргатишни истарди. “Ҳар қандай вақтда ҳам юришадиган покиза хунар, ўрганиб қўйсанг хор бўлмайсан, бировнинг қўлига қараб қолмайсан”, деб қулоғига қуйгани-қуйган эди. Юлдуз ҳам уй ишларидан қўли бўшаши билан онасининг ёнида кино қўшиқларига эргашиб хиргойи қилар, ўтириб, қўл ишларини қилишиб берарди, ҳуши келиб қолса фасони оддийроқ куйлақдан битта-яримтани тикиб ҳам қўярди, бироқ эртасига бу ишдан безор бўларди. Хаёли кино артисти бўлиб ўтган бир неча ойлик ҳаётига, Урумчига, машҳур кино юлдузларининг ҳузурига кетарди. Тикув машинасининг олдида букчайиб ўтирган хаста онасига, ғарибона кулбасига қараб ичи сиқилар, эзилар, қалби пора-пора бўларди. Шифтга қараб, ухлолмай ётган кечаларда тез-тез хаёлига: ўша қизнинг ўрнида Урумчига кетишим мумкин эди, деган ўй келарди. Буни айтмаса ҳам ўша эркак режиссёр дастлабки вақтларда Юлдузга ҳар томонлама ёндашиб, илинтиришга уриниб кўрган, неча бор ётоқхонасига таклиф қилганди. Унинг бесўнақай тишлари, зўрма-зўр ўстириб олган сийрак, аммо йирик соқол-мўйлари қизнинг нафратини кўзгарди. Аммо ҳалиги қиз ундан жирканмади. Ўзи шаҳардаги нуфузли оиланинг қизи эди, бўлмасам. Яна ҳали кўпгина қизлар унинг назарига тушолмай армонда қолишарди. Ушаларни кўз олдига келтирганда Юлдузнинг юраги ачишгандек бўларди. Бу нима, ҳасадми ёки ачинишми? Қалбидаги мураккаб ҳиссиётларни у ўзи ҳам тушунолмаб қоларди. Ана шундай диққинафасликда юрган кунларнинг бирида уни Нигора қидириб келди. “Машҳур кино юлдузи мана шундай қолюқ бир маҳаллада, пана-пастқамда эски-тускиларга чирмалиб юрса қандоқ бўларкин? Ундан кўра, юринг, мен сизнинг дийдорингизни бир кўришга ташна бўлиб юрган кино дарғаларига кўрсатиб келай”, деб уни кинога, бозорга олиб борди. Унинг дўстларининг ҳад-ҳисоби йўқ эди. Ҳар қадамда бири учрашиб турарди. Нигора уларнинг ҳаммасига Юлдузни кўрсатиб, кўзларини хуморлаштириб туриб, “кўриб қўйинглар, исми-жисмига монанд, ҳақиқий кино юлдузи шу қиз бўлади, — дерди. — Яқинда Урумчига — Тангритоғ кино студиясига боради!” — дея бармоқларини қарсиллатиб гапирарди. Улар Юлдузга ҳавас ҳамда ийманиш билан қарашарди. Улардан бири Юлдузнинг кийимларига жиркангандек қараб: “Шулар ҳам кийим бўптими, кийим деган нарса менда тиқилиб ётибди, керак бўлса мен бериб тураман”, деди. У Юлдузни обдон ясангириб қаҳвахонага олиб

борди, деворлари бутунлай ойнаванд зал, пориллаб турган ҳайбатли чироқлар, алоҳида жойлаштирилган ҳашаматли ўриндиқлар, узун-узун рюмкаларда нималарнидир ичишаётган башанг йигит-қизлар, ларзон чалинаётган мусиқа... Бу кўриниш унга жуда сирли ва қизиқарли туюлди. Кино артистларининг тақлид қиладиганлари мана шу турмуш эмасми? Бу ердагилар ҳеч кимга тақлид қилмайдилар, балки ўшандай яшайдилар. Харидорлар бу ердаги қизларни ҳурматлаб “хоним” деб аташади, чўнтақларидан пулларни чангаллаб чиқариб, бир рюмкаси юз юванлик ароқларни — Юлдуз умрида кўриш у ёқда турсин, ҳатто эшитмаган ичимликларни ичишади, қизларга қиммат баҳо совғалар тақдим қилишади. Бундай турмуш фақат кинолардагина кўрсатилади. Юлдуз: “Улар пулни қаердан топишади?” деб сўраганда, Нигора шуни ҳам билмайсизми, дегандек қўлларини сузганча тушунтира кетди: “Бу ерга ташриф буюрадиганларнинг талай қисми ишчи болалар, уларнинг юрган қизлари ёки... ошналаридир. Бутун шаҳардаги энг катта бой савдогарлар ҳам шу ерга келишади. Улар учун юз юван сариқчақадай гап. Қисқаси, жаҳонда иш кўп, ўша каталакдек келадиган уйингиздан чиқмай ўтирсангиз, ҳамма нарсадан қуруқ қоласиз”.

Юлдуз ўзи ёлғиз ўтирган, кўринишидан кино артистларига ўхшаш бир йигитнинг улар томонга тез-тез кўз ташлаётганини сезиб қолди. Бу ҳолни Нигора ҳам сезган бўлиши керак, энгашиб туриб: “Анови йигитнинг исми Ёлқин, ўзи савдогар. Акаси Австралиядаги энг катта бой. Пул деганни улар ердан супуриб олишади деяверинг...” деб пичирлади. Ёлқин уларнинг олдига келди. Нигора уларни таништирди. Йигит ғоят башанг кийинган, одобли, мулойим кўринарди. У, Юлдузнинг кинода роль ўйнашидаги истеъдодини мақтади. “Эсиз, бизда талантнинг қадри йўқ-да, чет элларда бўлганингизда бирданига жаҳонга танилардингиз, миллионер бўлиб кетардингиз, минг афсус”, деб ҳамдардлик билдирди. Хориж, Хитой кино юлдузлари тўғрисида сўз очиб, ўзининг бу соҳадан ҳам хабардор эканлигини билдирди. Қисқаси, уларнинг гапи бир ердан чиқиб қолди. Икковлон қизгин суҳбатга тушиб кетиб, Нигоранинг аллақачон ғойиб бўлиб кетганини, вақтнинг ҳам аламаҳал бўлганини сезмай қолишди. Кечқурун у Юлдузни уйигача кузатиб қўйди.

Шундан кейин ҳар куни учрашадиган, қаҳвахонада соатлаб ўтирадиган бўлишди. У ҳар гапида Австралияда кўрганларини, Мелбурн, Сидней, Канберра деган катта шаҳарлардаги қовоқхона, кечки базмхоналарни оғзидан туширмасди. Австралияда ҳамма қизлар ичишади, ҳатто ота-оналари билан ҳам қадаҳ уриштиришади. Бу ернинг ёввойи, маданиятсиз қизларидек қийшангламайдилар. Бундай дилхушликни маданиятнинг, тараққиётнинг бир белгиси дерди ва Юлдузни ҳам ичишга даъват қиларди. Юлдуз унинг ўзини ҳам маданиятсиз деб қолишидан андиша қилиб, оз-оздан хўплаб кўярди. Ёлқин унинг хўплаб қўйишини кўриб, ҳаммасини ичиб юборишга қистарди. Бир куни у чўнтагидан кичкина духоба қопламали қутича чиқарди-да, ундаги олтин узукни Юлдузнинг бармоғига тақиб қўйди. Унинг нозик бармоқларини лабларига босиб туриб, кўзларига маъноли тикилганча: “Муҳаббатимизнинг нишони бўлиб қолсин...” деди. Бу узук Юлдузга гўё муҳаббатининг кафолатидек бўлди. Яна бир куни у қизиқчилик қиладигандек чўнтагидан ялтироқ қоғозга ўроғлиқ зигирдек оппоқ нарсани чиқарди. Қоғозни авайлаб турмаклаб, остига чақмоқ ёқиб тутди-да, қаердандир пайдо қилган ингичка найча билан ундан кўтарилаётган кўкиш исни сўра бошлади. Кўзларини

сузиб, лаззатдан аъзойи бадани бўшашиб кетаётган бир алпозда қўлидаги найчани Юлдузга ҳам тутқазди:

— Бу дунёда мана шундай лаззатнинг борлигини билмай ўлиб кетадиган аҳмоқлар ҳам кўп, қани, бир сўриб кўринг-чи. Бир сўриб кўринг деяпман...

Юлдуз унамади, Ёлқин яна қистади...

— Америка билан Австралияда ёшларнинг олтмиш-етмиш фоизи мана шундай оқидан чекадилар. Бу нарса ёмон бўлса, улар чекмасди. Бу ерда ҳам чекадиган ёлғиз биз деб ўйлайсизми? Анови ўтирганларнинг ҳаммаси бу ерга мана шуни деб келишади, ҳозир қаҳвахона, қовоқхона, ошхона... уларнинг ҳаммасида оқаётгани мана шу. Буни ҳам пули борлар чекади, — деди.

Юлдуз илк марта чеккан вақтда ҳеч нарсанинг мазасини туймади, қайтанга боши айланиб, қўнгли беҳузур бўлди. Бироқ, эртаси, индинига бундай бўлмади. Шундай қилиб, у охири ўрганиб кетди. Ҳатто ундан айрилмайдиган ҳам бўлиб қолди. Қаҳвахонанинг хилват бурчагидаги тор зинадан иккинчи қаватга чиқиларди. Бу ерда кичик-кичик, безатигли хоналар бор эди. У кайф бўлиб қолган вақтларида Ёлқин уни суяб иккинчи қаватга олиб чиқарди. Бир куни Ёлқин унинг кийимларини битта-битталаб ечди. У ҳаммасини ҳис қилиб, билиб ётарди, қаршилиқ қилмоқчи, ўрнидан туриб қочиб кетмоқчи бўлди. Аммо қўлларини кўтаролмади, ҳали ўрнидан туролмайдиган гўдакдек оёқлари жонсиз эди. Ўша кечаси қизлик иффатини, шунингдек, қалбидаги энг муқаддас туйғуларини ҳам бой берганди.

Ёлқин унинг олдида тиз чўкиб, “Сиз менинг у дунёю бу дунёлик бирдан-бир умр йўлдошимсиз” деб қасам ичган куннинг эртасигаёқ, Юлдуз унинг қонуний хотини, икки фарзанди борлигидан хабар топди. У дўзах ўтида ёнди, пушаймон қилди, борган сари тубига тортиб кетаётган ботқоқдан қутулиб чиқишга уринди, аммо энди булар фойдасиз эди...

\* \* \*

Ўз сепини ёйиб, баҳор ҳам кириб келди.

Юлдуз ўша дов-дарахтлар, гул-гиёҳлар билан баробар яшарди. Ўтган кунлар, хасталик азоби худди мудҳиш тушдек олисларда қолган эди. Унинг ёш юраги яна ҳаётга бўлган муҳаббатга ёшликнинг ширин туйғуларига тўлганди. У ўзини дунёда қайтадан кўз очгандек сезарди. У қайтадан яшашга, бошқача одам бўлишга астойдил бел боғлаганди. У онасининг, синглисининг, Анварнинг, яна ўзи учун қайгуриб, диққатларини қаратган кўлаб кишиларнинг самимий умид-истакларини ҳам унутмаслиги керак эди. Айниқса, бу ишда Анвар унинг учун озмунча йўл юрмади, дейсизми. Юлдузнинг дадасининг идорасига борди, хотин-қизлар иттифоқ кўмиталарига борди, ўзининг жуда кўп таниш-билишларига борди. Мақсади Юлдузга тузукроқ бир иш топиб бериш эди. Ҳеч ерда, ҳеч ким “йўқ”, “бўлмайди” демади, барчалари ҳам ниҳоятда самимийлик билан кўнгилдан чиқариб, астойдил: “бўлади, ўйлашиб, фикрлашиб кўрайлик”, дейишарди.

Бирор ҳафтадан кейин эса телевиденияда янгидан ташкил этилган телевизион театр марказига санъаткорлар қабул этиш тўғрисидаги эълонни кўрган Анвар Юлдузни телевидения студиясига ҳам бошлаб борди. Машҳур кино режиссёрларга маъқул бўлган Юлдуз, албатта, бу ердагиларнинг ҳам кўнглига тўғри келган эди. Улар уни синовдан ўтказаетиб, ҳаяжон ила:

“Истеъдодли, туғма санъаткор экан”, дейишди. Бироқ, у эшиқдан чиқиб кетаётиб, озгин, оззи катта бир аёлнинг уни ўзи томон имлаб чақириб, алланималар деб пичирлаётганини кўриб қолди. У сўнгги сўзларини Юлдузга ҳам эшиттириб туриб: “Телестудия ҳар нима бўлганда ҳам жамиятнинг бундай ташландиқ сарқитларини ўз даргоҳига йиғмаса керак”, деди.

Шу кундан бошлаб у онасининг тикувчилик ҳунарига кўнгили кўйиб ўргана бошлади. У ўша дераза олдида ўтириб, тикув машинасининг овозига жўр қилиб гингиллаб кўшиқ айтар, хаёлида эса Анвар эди. Нечундир яқиндан буён у Юлдуздан ўзини олиб қочаётгандай туюлди. У сўнгги бор келганда, унга маҳкама орқали олис ўлкалардаги укасини қидираётганини, аммо натижа чиқмаётганини гапириб берганди. Унинг сўзларидан қайғу-ҳасрат сезилиб турарди. Шу кунларда у қаердайкин ва нима ишлар қилаётганини кўриб?..

Юлдуз дераза ёнида ўтириб, онаси яқиндагина тикиб берган кўйлагининг этагини букарди. Дераза остида Олия пайдо бўлди, у ҳар доимгидек ўғил болача кийинганди. Кўлида қимматбаҳо сумка, кўриниши эса бир ҳолатда. У Юлдузнинг онасига ялингандек бўлиб:

— Юлдузни кўргим келганди, бироз гурунглашай деб келгандим, — деди.

Юлдуз Олияни кўриб хурсанд бўлди, у онаси, дугоналари билан ёйилиб гаплашолмасди, ўзи билан улар ўртасида тубсиз жар борлиги унга аён эди. Уларнинг олдида ўзини паст кўриш туйғуси уни азобларди. Олия эса уларга ўхшамайди, икковининг ўртоқлиқ саргузаштлари, бахтсизлиги ва дарду аламлари бир эди. Уларда баланд-паст деган гаплар йўқ эди. Иккови Юлдузнинг каравотида ўтириб, кўпдан буён йиғилиб қолган дил сўзларини тўкишиб, узоқ вақтгача суҳбатлашди.

— Одамлар сени бир йигит топибди, тўйлари бўлса керак деяпти, эшитиб хурсанд бўлдим. Бироқ, эҳтиёт бўл, яна қасд қилиб кўйишмасин, ахир сен уларни яхши биласан-ку, — деди Олия қуюнган оҳангда.

— Қанийди йигитим бўлиб қолса, бироқ бизга ўхшаганларга осонликча йигит топилармиди? — деб чуқур тин олди Юлдуз. Икковининг нафаси ичига тушиб кетди. Бу — пок, ҳалол турмушга бўлган ишончини ҳали бутунлай йўқотмаган ҳар қандай қиз учун, хаёлидан кеча-кундуз нари кетмайдиган, аммо доимо ўзига тортиб турадиган азоб-уқубатли бир мавзу эди... Анча вақтдан кейин орага чўккан сукунатни Юлдузнинг ўзи бузди:

— Олия, дугонажон, сен ҳам аввалроқ ўз йўлингни топиб олсанг яхши бўларди, биз ҳали ёш эканмиз, умримизни бундай бесамар ўтказишга ҳаққимиз бўлмаслиги керак. Ёши каттароқ бўлса ҳам, чўлоқ-пўлоқ бўлса ҳам бирортасини топиб, турмуш қурсак, болачақали бўлиб кетсак, кишилар ҳам бизнинг ўтмишимизни унутишармиди дейман. “Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини”, дегани мана шу бўлади. Агар ўзимиз истамаганда бу кунларга қолармидик. “Сочи узун, ақли калта” деган гап ҳам ҳақ экан, аслини олганда дунёда унутилмайдиган нима ўзи?

— Гапинг бир ҳисобдан тўғрику-я, мен ҳам шундай ўйлайман. Аммо, менинг шароитим сеникига ўхшамайди, ўгай отам яқинда қамоқхонадан чиқадиганга ўхшайди, агар у чиққудек бўлса, мен у уйда ортиқ турулмайман, қолаверса, борадиган бирон ишончли жойим ҳам йўқ...

— Ундай бўлса, бизникага қайтиб кел, икковимиз ойимдан кийим тикишни ўрганиб, бир дўкон очармиз...

— Айтишга осон, лекин... Ҳай, кўрармиз, ҳозирча бу гапни қилмай турайлик, сенинг шу гапингга ҳам раҳмат, дугонажон. Мендан ташвишланма, жуда бўлмаса Урумчидаги тоғамникага кетиб қутуларман...

Олия олдига тушиб турган ўрим сочининг учидан тутамлаб, манглайдаги мошдек чандигини силаб қўйди.

Юлдуз ўзининг ҳам дарди ортиб турганига қарамай, дугонасига ачинарди. Унинг мўлтираб турган бир жуфт беғубор оху кўзларига қараб унга чиндан ҳам қуюнарди...

Олия кетадиган чоғда унга кўча-кўйга кўп чиқмасликни, ўзига пухта ва огоҳ бўлиб туришни қайта-қайта тайинлади. Юлдуз дугонасини кузатиб қўйиб, яна ўз ишига ўтирди. Унинг қўли ишда эса-да, бўлиб ўтган гап-сўзлардан сўнг хаёли ёпирилиб келаётган турли-туман ўйлар билан буткул банд эди. Юраги ачишган ҳолда дугонасининг бахтсиз кечмишларини эслади.

Бахтиёр онларда, тинч, осойишта турмуш қўйнида улғайган талай одамлар турмушнинг яна бир томонини, унинг эгри-бугри, машаққатли, сўқмоқли йўллари ҳам борлигини кўз олдига келтиролмайди. Олия ҳали гўдаклик вақтларидаёқ отасидан, кейин эса онасидан айрилди. Ўн уч ёшга кирганда ўғай отасининг зулмига учради. Унинг пешонасидаги чандиқ ана шу пайтлардаги тенгсиз олишувлардан бирининг нишонаси эди. Ўн саккизга киргунча қирқ ёшли аёлдан ҳам кўпроқ ишларни бошидан кечирди. Қаҳвахонадагиларнинг ҳаммаси унинг бундай кечмишларидан тўлиқ хабардор эди. Шунинг учун уни кўзларига илишмас, анойи деб қарашарди, Юлдуз эса унга ачинар, раҳми келарди. Ўз навбатида Олия ҳам кўнглидаги сирларини ёлғиз Юлдузгагина очарди. Икки жафокашнинг бахтсиз тақдирлари уларни янада яқин, ажралмас, самимий, сирдош дугоналарга айлантирганди.

\* \* \*

Олиянинг: “Сени бир йигит топибди, тўй қилармиш дейишяпти” деган сўзи Юлдузнинг руҳий дунёсини долғалантириб юборди, уни ширин туйғуларга чўмдирди. Тўғри, у анчадан буён Анварга кўнгили қўйиб юрарди (Анвардек йигитга ҳар қандай қиз ҳам кўнгили қўйиши мумкин), шундай бир одамнинг пок ҳамда муқаддас муҳаббат қасрига оёқ босиб киришга қандай ҳадди сифсин! У фақат жуфт-жуфт бўлиб, қўлтиқлашиб ўша қасрга кириб кетаётганларга ҳавас қилиб, ўзи эса унинг атрофида девонадек айланиб юра олиши мумкин, холос. Бироқ... “у мени ақалли заррача яхши кўрармикин...” деган бир савол унинг хаёлидан кетмасди. Дарё бўйида уни учратган кундан бошлаб қалбидаги ўлим истаги аллақасқларга ғойиб бўлганди ўшанда. У худди йўлдан адашган чорасиз бир бечора эди. Қўлларини ишончли ҳолда Анварга узатди. У, қизнинг қўлларидан тутиб қуёш нурига чўмган далага, шовқин-суронли қайноқ бахтиёр ҳаёт қўйнига олиб кирди, лекин, у бу ерда ҳар бир одамнинг ўзига яраша ўрни, иссиқ бошпанаси, муҳаббати, шодлик ҳам қайғуси бор, унинг-чи, хўш, нимаси бор? Фақат ҳар эслаганда юракни увуштирувчи, ўлим соя ташлаб турган кучли қайғудан ўзга ҳеч вақоси йўқ эди.

У бошига тушиши мумкин бўлган барча азоб-уқубатни лаҳзадаёқ тортишга, ўз муҳаббатини, қайғу-аламини мажруҳ қалбининг чуқур қаърига яширишга мажбур бўларди.

Ҳар гал ёлғиз қолганида хаёлан ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирадиган Юлдуз бу сафар ҳам эшикнинг тақиллаганини, онасининг Анвар билан гаплашаётган овозини эшитмади. Тўсатдан бошини кўтариб, олдида ўзига қараб кулиб турган Анварни кўриб, чўчиб тушди.

Анвар гўё эшикни тўсмоқчи бўлгандек икки қўлини керганча хиёл энгашиб, эшикнинг ён томонига осилиб турарди.

Юлдуз бошини қуйи солган ҳолда қўлидаги ишни давом этдираверди. Унинг ҳамма нарсани ифодалайдиган нурли кўзларини узун киприклари тўсиб олганди, орага сирли, оғир сукунат чўкди.

— Ички ўлка томонга сафарга отланаяпман, Юлдузхон. Ўзим бориб укамни ўша ерлардан излаб кўрмоқчиман, — деди Анвар бироздан кейин.

— Йўлингиз оқ бўлсин, илоҳим ишингиз ўнгидан келсин, — деди Юлдуз бошини кўтармай.

— Агар бироз вақтингиз бўлса, дарё бўйи томонларни айланиб келсак, деди Анвар.

— Майли.

— Сиз чиқаверинг, мен юриб тура тураман... Етиб оларсиз?

Юлдузнинг юраги бирдан дупурлаб урди. У бошини кўтармаса-да, Анварнинг унга тикилган нигоҳини сезиб турарди. Номаълум бир туйғу унга бугун алоҳида бир иш юз беришидан башорат қилаётгандек эди.

Улар дарё бўйига олиб борадиган ёлғизоёқ йўлдан четлаб, кимсасиз, сокин дала томонга чиқишди. Бу офтоб тафтидан қовжираб кетган, тинимсиз юриб турган арава, велосипед, машина, тракторларнинг гилдирақларидан текисланиб кетган тупроқли йўл эди.

Юлдузнинг бир томонида қуюқ ўсган паст бўйли бутазор, иккинчи томонида яшил майсазор, бедазор ва кўримсиз ёввойи гуллар билан қопланган табиий ўтлоқ киши баҳри дилини очган ҳолда қафтдай ястаниб ётарди. Бу кенгликлар оралаб текис бўй тортган кумушранг седаназорлар ҳам кўзга ташланарди. Ярқираб турган найзадек тик тоғ қоялари ям-яшил япроқлар орасидан тўкилиб турган қуёш нурида оппоқ туман билан тўлгандек кўринадиган, остини шох-шаббалар ва қуриган япроқлар босган кичкина ўрмонзор кишига худди моҳир уста рассомнинг мўйқалами остидаги бир парча манзара суратдек кўзга ташланарди. Анвар уни ўша расмдаги манзара ичига бошлаб кирди. Иккови бамисоли ўзларига ўхшаш ёш, нозик икки туп дарахтга суяниб, бир-бирига юзланиб туришди. Уларнинг пешонасида, яноқларида ҳам қуёш нурлари жилваланиб ўйнардди (Бу манзарали расм янада мукаммаллашди, жонланди). Юлдуз ниҳоятда очилиб, гўзаллашиб кетганди, кўзлари бир жуфт чаросдек чақнарди, икки юзи билинар-билинимас қизарганди. Нақ боши устидан, дарахт шохлари орасидан тушиб турган офтоб нури гўё табиат унгагина атаб йўллаган нафис келинчаклик рўмолига ўхшаб кетарди. Азбаройи муҳаббат туғенидан Анварнинг юраги ҳаприқиб кетди.

У Юлдуздан кўзларини узолмай қолди. Унинг кўзларидан ям-яшил ўрмонни, қуёш ёғдусини, ўз ҳарорати, қудрати билан ҳамма нарсани эритиб юборишга қодир бўлган кучли муҳаббатни ҳам пайқаганди. Бу, қиз қалбида ниш урган пок, ҳақиқий илк муҳаббат эди. Неча ойлардан бери йигит қалбини изтиробга солиб келган оғир ўй ва иккиланишлар қайларгадир ғойиб бўлган эди. Бироқ кутилмаганда шу дамларда яқин ердан гуруллаган мотор овози худди бир нохушликнинг юз беришидан дарак бергандек, бамисоли иккови кўриб турган тушни бузиб, уйғотиб юборгандек бўлди. Улар бир

вақтнинг ўзида бирдай сесканиб йўлга қарашди. Йўлда қаторлашиб келаётган бир неча мотоцикллар қаторлашиб юриб келарди, ҳайдовчилар бари қора кўзойнақда, соч-соқоллари ўсиқ, кўринишдан ёвузликлари шундоқ билиниб турарди.

Аҳмаднинг одамлари! — деди Юлдуз ваҳима ичида. Унинг ранги қув оқарди.

Бундай бўлишини Юлдуз анчадан бери сезиб юрарди. Аммо бу ишнинг худди шу бугун, шу пайтда юз беришини у асло қутмаган, ўйламаган ҳам эди.

— Қўрқманг, юринг, аввал катта йўлга чиқиб олайлик, қани, улар бизни нима қилишаркин...

У Анварнинг сўзини гўё хали ҳам тушида кўраётгандек эшитди. Улар қўл ушлашиб, катта йўлга чиқишди. Анвар Юлдузни орқасига паналатиб, чаққонлик билан ердан бир тошни олди.

Бир томонда тўрт қонхўр жаллод, яна бир тарафда йигит билан қиз.

Тўрт мотоциклчи худди роботдай уларни қуршовга олиб, тобора қисиб келарди.

Улар жуда яқин келиб қолишди. Йигит қўлидаги тошни уларнинг бирига қаратиб отди-да, қизни қўлидан тортиб қочмоқчи бўлди, аммо қочолмади. Уни тутиб олишди, кумли халтадай ғазаб билан уни у ёқдан-бу ёққа улоқтириб, чарчагунча муштлашди, оёқлари толгунча тепишди. Қиз ҳирсадай барзанги бир эркакнинг қўлида қопқонга тушган қушдай типирчиларди, бақирарди, жон-жаҳди билан унинг қўлидан юлқиниб чиқиб, йигитнинг ёнига бормоқчи бўларди. Унинг тим-қора қуюқ сочлари чувалиб, юз-кўзини тўсиб олганди. Нотаниш киши унинг сочларини беаёв чангаллаб, биқини борми, юз-кўзи борми, дуч келган ерига аёвсиз муштарлар туширди. Қизнинг нафаси ўчди.

Кўз очиб-юмгунча теварак-атроф яна аввалгидай жимжит бўлиб қолди. Қуёш бу ваҳшийликка дош беролмагандай, ўзини аллақадан пайдо бўлган булут орасига олди. Йўл устида бир йигит, сал нарида бир қиз чала жон бўлиб ётарди. Олисдан бу манзара гоят сирли ва мудҳиш кўринарди.

\* \* \*

Сарҳад билмас даҳшатли гирдоб. Юлдуз ўша гирдобда гўё бир чўпдек қалқиб турарди. Бу воқеалар гувоҳи бўлган фалак ҳам дош беролмагандай, қаттиқ ғалаёнга келиб, фарёд ила тўлқинланар, сочларини юлиб фарёд солган мушфиқ онадай ҳайқирар, бўзлар, бўғилар эди... Умиднинг сўнгги учқуни бирдан ўша тўлқинлар орасидан бош кўтарди. “Кутқаринглар!” деб садо берди. Тутиб олиш мумкин бўлган нарсани излаб, қўлларини ҳарёнга узатарди. Бироқ, атрофда ўркач-ўркач тўлқинли сувдан, хўмрайган булутлардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди...

Тўсатдан у Анварни кўриб қолди! У қирғоқ бўйлаб оғир одимлаганча ғарб томон кетиб борарди. Юлдузнинг қичқиришларини у эшитмасди.

Кечга яқин у ростдан ҳам чуқур умидсизлик ичида беихтиёр бақириб уйғониб кетди. Ёстиғи, сочлари қизнинг кўз ёшидан жикқа ҳўл бўлиб кетганди...

Эртасига эрта билан Анварни йўқлаб, касалхонага борган Гулсумхон ая бирданига янада қариб мункайиб, ичига сифмай қолган дард-аламдан саргайиб, кўзлари ўчаётган шамдай пилдираб



қолган ҳолда зўрға уйига қайтиб келди. Юлдузнинг каравотида ўтириб:

— Болам, ҳозир айтадиган гапим сенга оғир ботишини биламан. Лекин начора, барибир айтмасам бўлмайди. Кўпчилик бизга совуқ қараш қилипти. Анварнинг яқинлари-ку, айниқса, инчинун. Улар бўлган гапларда сени айбдор қилишмоқда. Сен энди Анварни бутқул унут, уларнинг талаби ҳам шундай, — деди чуқур хўрсинган ҳолда оғир тин олиб. Она қизига кўз қири билан қараб қўйиб, яна давом этди. — Ҳа, айтганча, Анварнинг аҳволи анча дуруст бўлиб қолибди. Борсам, кўзини очиб ётган экан. Юзи таниб бўлмайдиган бўлиб кетибди... Уларга ҳам увол, ўз жигарпораси бировнинг қизини ҳимоя қиламан деб шунчалик калтак еб, ўлар ҳолга келиб қолса, ота-она бунга қандай чидасин...

Юлдуз қалқиб чиққан ёшни яшириш учун кўзини юмди, бироқ киприклари орасидан икки томчи ёш сизиб чиқиб, яноқлари устида тўхтаб қолди. Нечундир унинг ёдига бояги буғдойзордаги ярқироқ нарса келди. У кишини азоб-уқубатдан халос қиларди, дунёдаги ҳамма ғам-андуҳларни унуттирар, само бўшлиғи сари парвоз эттирарди...

\* \* \*

Юлдуз нафис крепдешин кўйлагининг ёқасини учинчи марта сўкиб тика бошлаганда онаси чидолмади:

— Ҳой наҳс босган қиз, хаёлинг қаерда ўзи? Бошимга битган бало бўлдинг-ку! Шундай кунимизга яраб турган ишга бўйнинг ёр бериб ишлай демайсан-а?!..

Юлдуз бошини қўйи солди. Онасининг ҳар бир сўзи унинг юрагига наштардек ботар, ярасига туз сепгандек азобларди: шунинг билан бир вақтда, онасининг газабдан тундлашган афти, дард-аламдан чақчайган кўзлари унда кўрқинч ҳам ачиниш аралаш ғалати ҳиссиёт уйғотарди. Юлдузнинг жавоб қайтаргиси келмай, бошини елкаси ичига тикиб оларди, юракдан отилиб чиқаётган кўз ёшларини куч билан ичига ютиб, ўз ёғида ўзи қовриларди...

Унинг онаси илгари бундай эмасди. Вазмин, камгап, хушфёъл аёл эди. Онанинг бундай бўлишига Юлдузнинг ўзи айбдор эди. Анвар уларникига келмайдиган бўлгандан бери, Юлдузнинг хизматга жойлашиш орзуси кўпикдек йўққа чиққандан буён у ана шунақа бўлиб қолганди.

Бу ишларнинг ҳаммасида бошқалардан гина қилишга ҳаққи йўқлиги ҳам Юлдузга яхши аён. Шунинг учун, гарчи дарди ўзига етиб ортса-да, у онасининг урушиб-қарғашларини ичига ютишга мажбур эди.

Анвардан узил-кесил айрилиб қолганига ишонган кундан бошлаб Юлдуз яна хаёлларга бериладиган бўлиб қоли. Анвар билан ўтказган ҳар бир дақиқа, унинг кулимсираши, қовогини уюши, сўзлари, юриши, ўтириш-туришлари лаҳза сайин Юлдузнинг кўз олдидан ўтаверар, такрорланаверарди. Унинг сўзларини, ҳар хил руҳий ҳолатини янада чуқур тушунишга тиришарди. Биргина нарсага, Анварнинг сўзини яхши кўришлигига унинг ишончи комил эди. Улар бирга бўлган чоғларда у Юлдузга ўзини унча яқин тутмасди. Унинг фёэли ўзи ғалати эди. Бир қарасанг хушчақчақ, сўзамол, бир қарасанг қовоқлари солинган, одамови. Айниқса, Юлдузнинг ёки онасининг миннатдорчилик билдириб айтган сўзларини эшитишни хоҳламасди. Юлдуз уни энди

келмайди деб умидини узиб қўя қоларди, бироқ азда-базда кўндан тушгандай бирдан пайдо бўларди. Бир сафар у роса ярим кунгача бир оғиз ҳам сўзламай, фақат усти-устига тамаки чекиб ўтирди. Бир чиқиб кетганча бир ойча йўқ бўлиб кетди. Охири келиб, Юлдузни айланиб келишга таклиф қилди, бироқ Юлдуз унинг кўнглида не гап борлигини билолмади, балки энди у умрбод билолмаса ҳам керак. Лекин у ўша ўрмонзорда кечган қисқагина фурсатни, Анварнинг ошиқона тикилган кўзларини мангу унутолмайди, ўлим олдида ҳам йиғлаб туриб ўша дақиқаларни, ўша кунларни эсга олади.

Юлдуз ташқарига чиқишни, одамларга кўринишни хоҳламасди, яқин кишиларни қидириб бориб: “Менинг ишга киришим нима бўлади, ўйлашиб кўрдиларингми?” деб сўрашни ҳам истамасди. Шунингдек, ҳозирги ишида ҳам ўзини ҳар қанча мажбурласа-да, ундан тикувчи чиқмаслиги ўзига аён эди. Деразадан кўриниб турган кичкина дунё, онасига кийим тиктиришга келадиган катта ёшдаги аёллар уни қизиқтирмасди. Унинг хаёли эгри-бугри кўча муйилишидан, хароба уйлардан, гийбат қилишдан бошқани билмайдиган, ҳар нарсага аралашаверадиган турқи-тароватлари совуқ хотинлардан безиб, хаёлан олисларга кетарди. У ўзини катта шаҳарларда, мағрур, келишган, билимли қиз-йигитлар орасида, визиллаб айланиб турадиган фотографлар олдида кўрарди. Ҳатто гоҳо қилаётган ишини, еяётган овқатини ҳам унутарди. Унинг бу одати онасини багтар жигибийрон қиларди. Бир марта у ҳатто: “Ҳой нодон қиз, эсингни йиғиб ол дейман!” деб бақариб, қўлидаги йўғон қайчини Юлдузга қаратиб отди. Қайчи Юлдузнинг чаккасини сийпаб ўтиб, орқасидаги деворга бориб синчилиб қолганди.

Олия келди. У Юлдузга янги хабар келтирганди. Унинг айтишича, шаҳардаги ишсиз ёшлар мусиқа гуруҳи тузишганмиш. Уларнинг электрон чолғу ва миллий мусиқа асбоблари бор экан. Мана шу кунлардаги тўй-ҳашаму, кўнгилхушликларни кўтара савдо қилиб, ўзлари овоз тасмаси ишлаб, роса донг чиқарганмишлар. Улар Юлдуздек “кино санъаткори”нинг ўз сафларига қўшилишини орзу қилишларкан, бунинг учун улар Юлдузнинг ҳамма талабини тўлиқ адо қилишга ҳам рози эканлар.

Юлдуз бу фурсатни ганимат билиб, қўлдан бермасликка қарор қилди. Бироқ у онасини бу ишга қандай қилиб кўндиришини билмасди.

Онаси унинг қандайдир қўшиқчи бўлишига жон-жаҳди билан қарши эди. Унинг тушунтиришларига, кўз ёшларига парво ҳам қилмади. Бир тўп ўғил-қизлар раҳбарсиз, кеча-кундуз бирга юрса, айтадигани фақат куйдим-ёндим, белларини тўлғаб, ўйинга тушиш бўлса, унда оқибати нима бўларди, деб битта гапида туриб олди. Она-бола бир-бирини кўндиролмади. Охири Гулсумхон ая қаттиқ уришиб берди:

— Гапимга кирмайдиган бўлсанг, йўқол уйдан, онам бор, синглим бор деб тилиннга олма, мен ҳам сендек шарманда, бузуқ қизни ҳаётда кўрмаган бўла қолай, ҳарна бошимдан бир балойи офатнинг аригани!

Бу гаплар Юлдузнинг суяк-суягидан ўтиб кетди, у чурқ этмай керакли у-бу нарсаларини олди-да, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Юлдузни ростдан ҳам чиқиб кетар, онаизорнинг дилини янада вайрон этар деб сира ўйламаган Гулсумхон ая унинг орқасидан югурмоқчи, тўхтамоқчи ҳам бўлди, аммо боши айланиб, кўзлари тинди, турган ерида чўккалаб михлангандай ўтириб қолди, кейин куч билан тошиб келган кўз ёшларини селдек тўкди.

Юлдуз кўчаларда нима қиларини билмай узоқ дайдиб юрди. Уйни ташлаб чиқмоқ осон иш эмас. Бу кечада у энди қаерда қўним топади? Эртага-чи? Кейин-чи? Олияникида бир неча кун турар, аммо доимий қололмайди-ку. Аввал Олиянинг ёрдамида бояги мусиқа гуруҳини излаб топиши керак. У ер кўнгилдагидек чиқса, ишлари изига тушгани шу бўлади. Бироқ, иш у ўйлагандек бўлмаса-чи? Ҳозирча, бу томонини ўйламай тургани маъқул.

У Олиянинг уйида бўлмаслигини билиб турса-да, толеини синаб кўриш учун тўғри уникига борди. Бахтга қарши, у ҳақиқатан ҳам уйида йўқ эди. Балки, қахвахонададир?

Кун ҳам оғиб, кеч кирмоқда эди. Йўлларга ишдан қайтаётган велосипедчилар ва пиёдалар, машина-автобуслар сизмасди. Ўша шошилинич, қандайдир муҳим ишни кўнгилларига туккандек кўринган одамлар, онда-сонда ўтиб қоладиган ҳашаматли енгил машиналар, қизгин ва тантанали ҳаёт қайнаётган кўча Юлдузга бегона йўлак бўлиб кўринди. У ўша қайноқ ҳаёт қўйнига интилгани, аммо ҳаёт уни қўйнига олмади. У худди зўр оқим устида соҳил сари суриб ташланган қамиш-қиёқлардек бир четга чиқиб қолди. У ўз олдига бир йўл очиб, одамдек яшаш учун яна қанчалар бадал тўларкин? Уни яна қандай ишқаликлар, дард-аламлар кутаётганикин? Унинг зайф жусаси, дард-аламдан эзилган уларга яна қанчагача бардош бероларкин?..

Осмоннинг ярмини қоплаган кечки куз шафағи автобуслар, биноларнинг деразалари, дўконларнинг ойналарида чақнаб, гишт ётқизилган кўчага эртакнамо манзара бахш этгани. Машиналар, йўловчилар озайиб, йўлларга бирданига сукунат чўккандек бўлди, дарахтларнинг сарғайган япроқлари номозшом пайтининг ғир-ғир эсангана шамолида ларзон учиб тушмоқда эди.

Юлдуз энгашиб, ердан бир дона сарғайган япроқни оларкан, бу ҳолат унга шўх болалик вақтларини, ҳеч нарсадан гами йўқ, ўйиндан бошқасини билмайдиган чоғларини эслатди. У хаёл билан бўлиб, қандай қилиб дарё бўйига келиб қолганини сезмай қолди. Оёғи уни қандай қилиб бу ерга бошлаб келганикин, бир йил олдин, худди шундай кунларда, ҳамма нарсадан умидини узган, ҳаётдан тўйган пайтлардаги ерга келган Анварни учратгани. Ким билади, уни бугун ҳам учратиб қолармикин... Унинг юраги бирданига одатдан ташқари дукурлаб урди. У бунинг хом хаёл эканлигини билиб турса-да, кўприк томонга тез юриб кетди. Ана, ҳайбатли улкан кўприк, зинапоялар. У кўприкка қадам қўйиши билан оёқлари беихтиёр титраб кетди, бу титроқ унинг бутун вужудига тарқалди. У ўзини қандайдир қудратли куч чангалига тушгандай ҳис қилди. Муздек панжарани тутиб туриб, пастда шиддат билан оқаётган сувга қаради. Дарё ўша-ўша ваҳимали ҳайқариб, даҳшатли тўлқинларини сапчитиб оқишда давом этарди.

Юлдуз дарёга даҳшат ичида тикилиб қолди. Бадани жимирлаб, тезда бошини орқага олди. Бироз нарида тор шим, эски катак кўйлак кийган, сочлари тўзгин, пуф деса учиб кетгудек ожиз бир банда унга ҳайрон қараб турарди. У Юлдузнинг бошини кўтарганини кўриб, яккам-дуккам сарғиш сўйлоқ тишларини тиршайтириб кулди.

— Мен сизни... Мен ҳали сизни ўзини дарёга ташламоқчи деб ўйловдим, — деди у.

Юлдуз серрайиб қолди. У худди шу ерда бу сўзни Анварга айтгани. Анвар бурилиб қараб, қангу манг бўлиб қолган эди ўшанда, сўнгра

кулимсираб: “Хотиржам бўлинг, мен ўзимни ҳалок этмоқчи бўлсам, ҳаргиз сувга ташламайман, мен сувда сузишга устаман” деган сўзлари унинг қулоғи остида яна бир бор жаранглагандай бўлди. Тақдири азалда борини кўрмай илож йўқ. Юлдуз ўшанда айтган гапини эслади. У анови одамга нимадир демоқчи булди-ю, аммо оғиз жуфтлашга ҳам мажоли қолмаган эди. Бунинг устига, шу пайтда унингдек бир ҳамроҳнинг бўлгани ҳам баҳарнав. У кўприк зинапоясига чўкди, сумкасини этагига қўйиб қўйди. Кўзининг қири билан қараб, бояги одамнинг ҳам сал нарида ўтирганини кузатиб турди.

У мунгли бир куйни хиргойи қила бошлади. Юрагида унинг сўзларини такрорларди, қўшиқ билан баробар отилиб чиқаётган кўз ёшларини тўхтатишга тиришарди.

— Уйингиздан қочиб чиққанга ўхшайсиз-а, қизим? — деди бояги одам заиф, титроқ ва ҳасратли бир овозда.

— Ҳа. Сиз-чи?

— Мен ҳам шундай. Дунё кенг-у, ғарибларга тор экан...

У худди бир баланд тепаликка кучаниб чиқаётган мотоциклдек зерикарли оҳангда бир хил фингиллаб гапирарди. Юлдуз унинг қолган сўзларини тушунолмади. Сўнгра иккови ҳам узоқ вақт жим қолди. Юлдуз ўрнидан туриб, катта кўча тарафга қараб юрди, ҳалиги одам бошини тиззадан кўтариб, қизнинг орқасидан таажжуб ва афсус билан қараб қолди.

Олия ҳали ҳам уйига қайтиб келмаганди. Ким билади, қачон қайтиб келади. Юлдуз унинг қаҳвахонада эканлигини билади, аммо у ерга боришни хоҳламасди. Қоронғулик эса тобора қуюқлашиб борарди. Бешафқат қоронғулик, ҳадемай ўзининг қора чодирларини ёйиб, ер-жаҳонни ўраб олади. Заминдаги ҳамма разилликлар, кун нуридан, ёруғликдан, ошкораланишдан қўрқадиган барча жиноят, шумликларга жон киради, ҳаракатга келади. Разил одамлар кўнгилларида кири йўқ, ҳалол кишиларга ўхшаб, кечаларни ширин уйқуда ўтказолмайди. Юлдуз гуноҳкорлик туйғуси ичида онасини, синглисини кўз олдига келтиради. Йўқ, улар ҳам хотиржам ухлаёлмайдилар, унинг — Юлдузнинг сабабидан онаси каравотнинг бошида иягини тутиб ўтирганча тинмай уф тортарди.

Эшикнинг ҳар бир овозидан умидланиб, кўчага неча бор чиқиб келади. Пок, оқкўнгил синглисининг уйқусига ваҳима, бахтсизлик соя ташлаб туради.

Ниҳоят, кўча чироқлари ҳам ёнди. Йўловчилар сийрак эди.

Тўсатдан яқиндаги кўчадан мотоциклларнинг тариллаган овози эшитилди. Кеча жимжитлигини бузган бу овозлар даҳшатли қуюндек, бўм-бўш асфальт кўчаларни, куз кечасининг тинч осмонини ларзага келтиради. Юлдузнинг юраги дукиллаб уриб кетди. Велосипедлик эркаклар унинг олдига келганда тезликни секинлатиб, еб қўйгудек тикилиб қарашарди. Кўчанинг нариги томонидан хуштак овозлари қулоққа чалинарди. Ғалати ясанган, пардоз-андозли икки аёл унга бошдан-оёқ синчиклаб қараб ўтиб кетишди.

Юлдуз шошилинич иши бор одамдек кўринишга тиришиб, қадамини жадаллатди, кўзини олдиндаги катта йўлдан узмай, қаёққа ошиқаётганини ўзи ҳам билмасди.

\* \* \*

Яна қаҳвахона, хира ёниб турган рангли чироқлар, ҳар ер-ҳар ерларда ўзларини кўз-кўз қилиб ўтирган қизлар.

Ана Олия, кўринишдан бошқа юртликлиги билиниб турган бир

эркак унинг қўлларини қайириб, оғзига ароқ қуймоқчи бўларди. Келишган йигитларнинг ўртасида нозланиб ўтирибди. Фотима, Анор, Зулфиялар кўринмайди, уларнинг ўрнида ўрта мактаб ўқувчиларига ўхшаган бирнеча ёш қизлар ўтиришарди. Ёш бўла туриб қаерда юрган қизлар экан булар, бир қўлида қадаҳ, яна бир қўлида тамаки, эркакларнинг кўзига тикка қарашларини айтинг. Улар орасидаги кийимлари одмигина, бўтакўз қиз ҳаммасидан содаси бўлса керак. Қордан қутулиб ёмғирга тutilган бир шўрликдир. Ўзи ўша ерда ўтирибди-ю, хаёли бошқа ерларда кезарди. Хуркак кийикдек чўчиб, кимларгадир ёлборгандек жавдираб қарар, гоҳида кўзлари лиммолим ёшга тўлиб, йиғлаб юборадигандек кўринарди.

Нигора бир таниш одамнинг ёнида ўтирибди. У ўша одамни ишвали жилмайишлари билан аллақачон ўзига мафтун айлаб бўлганди. Бу ерга тез-тез ташриф буюрадиган тунган йигити билан нималарнидир пичирлашиб сўзлашарди. Юлдуз у йигитни кўп кўрган, илгари у қордек оппоқ соқоли кўксига тушиб турадиган юзи чўзинчоқ, танқа бурунли бир тунган мўйсафид билан бирга келарди. Кейин қария кўринмай кетди. Айтишларига қараганда, у ичкари ўлкаларда чет элликлар кўнадиган меҳмонхонада турармиш...

Юлдуз қарийб шишиб кетган қовоқлари остидан Нигора ва унинг олдида маъноли тиржайиб турган тунган йигитга нафрат билан тикилади. Улар беҳад хурсанд, мамнун. Балки, навбатдаги разил, жинойи ишларини баргараф этганлари учун шундай шод, масрур бўлаётгандирлар?

Юлдузнинг кўз олдидаги ҳамма нарса гўё қабиҳ тушга ўхшаб кўринарди. Яна бир турмуш — онаси, синглиси, Анвар, унинг кино юлдузи бўлиш тўғрисидаги орзуси, қўшиқлари ундан тамом йироқлашганди. Балки буларнинг ҳаммаси унинг тушидир. Эҳтимол, унинг пешонасига шу ҳаёт, мана шундай бўлади деб яшаш азалдан битилгандир...

Ўй-хаёлларнинг кучли гирдоби эса унга тинчлик бермасди. Гўё унга ўзи хоҳлаган нарсасини муҳайё қилгандай кўринарди. Баъзида эса шаҳар ташқарисидagi бир қаватли хилват ҳовлига бошлаб борарди. Сиртдан қараганда атрофдаги уйлардан фарқ қилмайдиган бу уйнинг ичи бошқа бир дунё эди. Ерга солинган узун, юмшоқ яшил гиламнинг устидан юрган одам ўзини худди қуюқ майсазорда юргандек ҳис қилади. Дераза олдида қўйилган, шифтга тегай деб турган катта аквариумда сузиб юрган қизил, яшил, сариқ тилла балиқлар кишига сирли денгиз ости дунёсини эслатарди. Деворларга Голливуд кино юлдузларининг катталаштирилган суратлари осилган. Ойнали юлдузлардек ўчиб-ёниб турган рангдор чироқлар орасида шишаси ва муҳрлари алоҳида кўзга ташланиб турадиган чет эл ароқлари.

Баъзан бу ерга Аҳмаднинг талай дўстлари — эгнида чет эл пальтоли, келишган, басавлат йигитлар билан ажойиб-ғаройиб, сочларини бўяган пардоз-андозли қизлар келишарди. Улар кенг ҳамда юмшоқ диванда, липиллаб турадиган каравотларга ўзларини ташлаб ётишиб, ароқ ичишар, рақс тушишар, дискотека ўйнашарди, чарчаган вақтларида эпчиллик билан бир-бирининг билагига оқ оғуни укол қилишарди-да, ётгани ётган, ўтиргани ўтирган жойида туш кўра бошлардилар. Юлдуз шулар барчаси учун Аҳмаддан қарздор эканини биларди. Улар унинг қўлидан оладиган вақтинчалик ҳузур учун зўр бадал тўлаши керак эди. Улар Аҳмадга топширадиган пулларда оналарининг қон-ёши, оёқ ости қилинган, топталган иффат-номус,

инсоний гурур ва инсон қиёфасидан чиққан жиноий қилмишларнинг ўчмас тамғаси бор эди. Юлдуз уларнинг баъзиларининг артист, бошқаларининг олийгоҳ талабаси эканлигини ҳам биларди, уларнинг ичида ҳатто бир посбон ҳам бор эди.

Мунтазам келиб турадиган, ҳолсизлигидан зўрга қадам ташлаб юрадиган бир девонасифат йигит ҳам бор эди. Аҳмаднинг атрофида итдек айланиб юрар, ҳайдаса ҳам кетмасди. Унинг оёқларига осилиб олиб, кийимининг пешларини, ҳатто оёқларини ўпарди. Нима деса, хўп бўлади, ифода қилиб турадиган чуқур кўзларига қараган кишининг юрак-бағри эзилиб кетарди. Айтишларига қараганда, бир неча йил олдин у мана шу шаҳардаги энг катта савдогарлардан бири бўлган экан. Ором курсида савлат тўкиб ўтирган пайтларда дўконга кирган қиз-жувонлар унинг атрофидан кетолмай қоларкан. Гувонгжудаги сатанг қиз-жувонлар орасида ҳам донг таратганлари бор эди, улар йигитни бир-биридан қизганиб, гиёҳвандлик ботқоғига ботиришган. Топган бор даромадини айш-ишратга сарф қилиб, икки йилга қолмай бутунлай мирқуруқ бўлиб қолибди, боз устига қулоғига қарзга ботибди. Тўрт боласи бор экан, хотин-болаларини ўйлаш у ёқда турсин, уйда қўлга илинадиган нарса борки, ҳаммасини олиб чиқиб сотибди, баъзан ўғирликка ҳам қўл урадиган бўлибди...

Бир куни кечаси Юлдуз Аҳмаддан сўраб қолди:

— Айтинг-чи, Аҳмад ака, шунча кўп одам қандай қилиб бундай ҳолга тушиб, ишдан чиқиб қолаяпти, одойи тамом бўлаяпти?... Ўша ҳаром пуллар наҳотки виждонингизни қийнаб-ўртамайди? Худодан кўрқмайсизми?

— Эҳ аҳмоқ хотин, эҳ товукмия-ей... агар билсанг, бу дунёда пулдан қудратли нарсанинг ўзи йўқ. Одамни одам қиладиган ҳам пул, адо қиладиган ҳам пул. Пулинг бўлмаса сен ҳеч ким эмассан. Қолаверса нафас олиш учун ҳам пул керак. Мен нимадан кўрқим керак экан? Ўғирлик, талончилик қилибманми? Одамларни мен қидирмайман, уларнинг ўзлари мени қидириб келишади, ҳатто оёғимга бош уриб, менга сот-сот деб ёлборишади. Шундай бўлгач, сотмай нима қилардим? Кимдир ўз ихтиёри билан ўлишни хоҳласа, мен уни бу балодан қандай сақлаб қоламан?! Эчкида жон қайғу бўлса, қассобда мой қайғу, бу дунёда пул ягона ҳукмдор. Давлатинг бўлса, виждон шудир, нодон хотин.

— Бундан чиқди, сиз учига чиққан қотил, жаллод экансиз-да? Бу жиноят, барибир бир кун келиб очилмай қўймас, шунда гирибонингиздан олиб, бошингизга итнинг кунини албатта солади, худди қобонни бўғизлагандай, сизни ҳам жаҳаннамга жўнатишларига оз қолган бўлса, ажаб эмас. Барча кирдикорларингиз учун албатта ўч олишади... Тузоғингизга илиниб, ноҳақ ўлиб кетганларнинг арвоҳлари ҳам сизни асло тинч қўймайди!...

— Бўлмаса эшит, аҳмоқ, товукмия! Мен сенга шу гапларинг учун айтиб қўяй, улар менга заррача дахл этиш у ёқда турсин, балки қайтанга жонлари борича мени кўриқлайдилар. Негаки, мен бўлмасам улар бир дақиқа ҳам яшаёлмайдилар, ҳо-ҳо-ҳо... Мен уларнинг ҳақиқий худосиман, билдингми?

— Айтинг-чи, бу оғу сизда шунчалик кўпми?

— Қанча десанг топилади!

У ўзи сезмаган ҳолда боши билан тўрдаги катта расмли рамкани кўрсатди. Юлдуз ўша рамканинг орқасида жойлашган махфий токча борлигини биларди-ю, ўзини билмасликка соларди, аёлларагина хос

бўлган бир хил сезгирлик унга бу тоқчанинг ниҳоятда муҳимлигидан дарак берарди.

\* \* \*

Юлдуз ўзининг ҳомиладор бўлиб қолганини сезди.

У ёш вақтида онаси билан маҳалладаги аёлларнинг оғзидан қайсидир бебош қизнинг тўй қилмай туриб, қорни кўтарилиб қолганлиги тўғрисидаги гап-сўзларини кўп эшитганди. Ўшандан кейин анча вақтгача Юлдуз у қиздан нафратланиб юрганди, Ҳатто бир гал ўша қиз уни дўстларининг олдида эркалатиб қўйгани учун номусдан йиғлаб юборганди. Мана ўзи ундан ҳам баттар ҳолга тушиб ўтирибди. Ўша қизга балким чин муҳаббат, ҳамма нарсани унуттирадиган, кечиртирадиган ҳақиқий ҳиссиёт сабаб бўлгандир? Шунинг учун у кишиларнинг лаънат-нафратига қарамай, тўққиз ой қорнида кўтариб, яхши кўрган кишисидан ёдгор – тирик фарзандини ёруғ дунёга келтирган ва узоқ йилларгача бошқа турмуш қилмай ўша фарзандини боқиб вояга етказгандир? Юлдузники эса ундай эмас, қандай қилиб унга тенг бўлсин!

Фарҳод унинг ҳомиладор бўлиб қолганини эшитиб, булутли осмондай тунд бўлиб қолган. Ҳаммасига ёлғиз Юлдуз айбдордек, маломатлар унинг бошига ёғилганди. Унга аёл дўхтирларнинг кўпол муомалалари, дашномлари, номус-ҳаё деганини (унда ҳам ўзига яраша бор-да) бир четга йиғиштириб қўйиб, бир тўп амалиётчи дўхтирларнинг олдида бўғизланадиган қўйдек беҳол бўлиб ётишлар унга унчалик таъсир қилмаганди. Фақат Фарҳоднинг ўзига нафратланиб қарашлари, қовоғини уйиб, тамаки тортиб ўтиришлари зардасини қайнатганди ўшанда.

Юлдуз Олиянинг уйида ўн беш кун турди. Бу муддатда Фарҳод бир марта ҳам хабар олмади. Ахир, Фарҳод бир неча ой у билан бирга яшаган эди-ку. Айниқса, бир келиб кетишини, бир оғиз гап билан бўлса-да, ҳол-аҳвол сўраб қўйишини умид қилганди. У, одамзотнинг бунчалик ҳиссиётсиз, тошбағир бўлиши мумкинлигини сира тасаввур этолмасди. Одам деганда бир фурсат турган шаҳар, ётиб-турган уй, ҳатто ишлатилган буюмларга нисбатан ҳам ҳиссиёт бўлади-ку, ахир...

— Мен бир гап эшитдим, бироқ сен кўнглингга олма, — деди Олия унга бир кун, — Фарҳод аллақачон бировни топиб олибди. Бошқаларнинг айтишича, ўн беш-ўн олти ёшлардаги қиз эмиш, аммо жуда чиройли дейишади. Албатта, бизга ўхшаган пешонаси шўрларнинг тақдири бир хил дугонажон, шошмай тур, ҳали ўша қиз болани ҳам кўрамиз...

— Энди уйингга ҳам қайтолмайсан, — деди бироздан кейин яна, — муҳтожлик ёмон нарса, сен билан бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди. Бошқа ишга ҳам чидамаймиз. Ахир биз ичамиз, чекамиз, ундан айрилсак ҳаёт кечиролмаймиз. Ўйлаб қарасам, бинойидек ҳуснимизнинг борида озми-кўпми пул топсак, унча-мунча дастмоя тўпласак, кейинроқ бирор иш қилишимизга ярармиди, қариганда момо бўлиб беш вақт номозимизни ўқиб ўтираверардик.

Юлдуз яқиндан буён таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетаётган Олияга худди энди кўриб тургандек синчков қаради. Дугонаси кўзгу рўпарасида ўтириб пардоз-андоз қиларди. Унинг қовоқларига, лабларига суртаётгани ҳозир Оврупада расм бўлаётган кумушранг бўёқ эди. Гуонгжуда унинг бир қутиси фалон юандан сотилармиш. Анави Франция атири ҳам икки юз юандан кам эмас. Унинг эгнига кийиб олгани ҳам мода кийим дўконларида-да топилмайдиган чет эл молларидан эди. Бўйнидаги олтин занжирли

тумор, қўлларидаги қўш-қўш узуклар-чи, асил уй жиҳозлари, рангли телевизор. Ўғай отасидан эса унга қолгани фақат қуруқ тўрт деворнинг ўзи эди. Қизлар Нигорани ҳаммадан бой дейишарди. Уларнинг айтишича, унинг Урумчида катта бир дўкони бўлиб, уни акаси бошқарармиш. Нигоранинг бой бўлиши, албатта, турган гап. Қаҳвахонада харидорларга бирор қизни таништириб қўйгани учунгина улардан юз юан ундирарди. Бундан ташқари, унинг Аҳмадлар билан шериклашиб қиладиган талай махфий савдолари ҳам бор. Тунганлардан, покистонликлардан сотиб оладиган “оқ оғу”ни ҳам Нигора майдалаб, қизларга, ўзлари бирга бўлган харидорларга сотади, уларнинг асосий кирими шундан келади. Олия, Гўзал, Зулфияларнинг яқиндан буён бошқача қадам ташлашининг сабаби ҳам шунда эди. Илгари улар Нигора, Аҳмадларга қаршилик ҳам қиларди, баъзида миллат, ватан ҳақидаги гапларни ҳам гапиришарди. Ҳозир пул, “оқ оғу”дан бошқа гап бўлмай қолди. Олия Юлдузнинг бир вақтлардаги яқин дўсти уни алдаб олиб чиқиб, Аҳмадларга тутиб бермадими? (У гарчи бунинг Аҳмадларнинг ҳийласи эканлигини илло-билло билмагандим, деб туриб олган бўлса-да), бугун Юлдузни ўзлари юрган йўлдан юришга ундашмоқда. Бу гапни Нигора ҳам бир неча марта юзига солган эди. Уларнинг гапларининг тагида: “Ўзингни ҳар қанча айбсиз чоғлаганинг билан, бошқаларнинг назарида сен ҳам биз каби бир бузуқ аёлсан, холос. Сенинг бизга эргашишдан ўзга чоранг йўқ”, деган маъно бор эди.

\* \* \*

Юлдузни қўшиқ овози уйғотиб юборди. Унинг боши тошдек оғир эди, икки чаккаси лўқиллаб оғирди. У кўзини очиб, ҳайрон бўлиб атрофга назар солди. Ойнаси кирлаб кетган кичкина дераза, девор остига қўйилган кўпол кўк баркаш... Унинг устида егандан ортиб қолган товук гўшти, кабоб, юпқалар, бўшатишган ароқ шишалари сочилиб ётарди... Унинг ёнида бир эркак уйқуни урарди.

Юлдуз ўзининг бу одам билан кеча кечқурун қаҳвахонада кўришганини, унга эргашиб бу чекка меҳмонхонага келганини зўрға эслади.

Тонг маҳали қўшни хонада биров магнитофон қўймоқда эди. Ё эркакча эмас, ё аёлча эмас бир овоз:

Кетарман-а, кетарман-а,  
Бу оламдан ўтарман-а  
Ҳарқанча ёмон бўлсам-да,  
Кўзингдан йитармана.

Кетарман-а, кетарман-а,  
У оламга кетарман-а.

Қўшиқнинг сўзлари Юлдузга маъсум дилкаш туюлди. — Аслида, чиндан ҳам у дунёга кетадиган одам сира ўзини ўлади деб ўйламайди.

У пишиллаб ухлаб ётган кишини уйғотиб юбормаслик учун каравотдан аста туриб, ўриндиқ суянчиғига ташлаб қўйилган кийимларини апил-тапил кия бошлади. У одам уйғониб, оқшомдаги ишларни эслаб: “Қизалоқ, ҳалиги ишни мен бекор қилибман, пулимни қайтариб бер” деб қолишидан, ўзининг унинг кўзларига қараб азобланишидан, пушаймон қилишидан олдинроқ бу ердан жуфтакни ростлаб қолишни ўйларди. Шу топда унинг ёнида роса беш минг юан



бор эди. У энди хатога йўл қўймаслиги, жуда кўп бадал эвазига келган бундай қулай фурсатни қўлдан чиқармаслиги керак. Бироқ... У, кафтларига юзини қўйиб бир хил пишиллаб ухлаётган, турқидан хурсандлик акс этиб турган одамга қараб ўзича сал иккиланиб қолди.

Кечқурун икковлон ётоқхонада талай вақтгача еб-ичиб ўтиришганди. У Юлдузга ўзининг чет бир тумандан келган мол сотиб олувчи эканлигини, хизматининг оғирлиги, хотинига кўнгли йўқлиги тўғрисида гапирганди. Унинг сўзларини эсларкан, Юлдуз мийиғида кулиб қўйди. У ҳар қандай эр кишининг бошқа бир аёл билан учрашганда тезда аёлига кўнгли йўқлигини айтишлигини биларди. У, Ёлқиннинг аёли борлигидан хабар топган куни, Ёлқин ҳам унга: “Мен хотинимни қилча яхши кўрмасам нима қилай? Муҳаббатсиз турмуш, турмушми?” деганди. Ўшанда бир ғойибий овоз унга шундай дерди: “Сен хоҳлайсанми-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Бу дунёда энг қудратли нарса — пул, кўрмайсанми? Пул — ҳақиқат демакдир. Ҳамма нарсанинг ҳукмдори — пул! Сен унга минг жон куйдириб ҳақиқатдан гап очганинг билан унинг қулоғига кирмайди, пулни кўрсатсанг, буни чинакам “ҳақиқат” дейди. Пулинг бўлса соянгга салом берадилар, олдинда тиз букиб, оёқларингни ўпадилар. Пулинг бўлмаса, сен ҳеч ким эмассан, одамлар сенга қилча раҳм-шафқат қилмайдилар, балки оёқости қилиб, батгар эзадилар. Ахир, бу ҳаётдан, одамлардан озмунча хўрлик кўрдингми? Кўз ёшларинг дарё бўлди, сенга ёрдамга қўл чўзган, ҳолингга етган одам бўлдимми? Пулнинг қучи шунчалик қудратлики, унинг олдидан ҳеч ким кўндаланг ўтолган эмас!...”

Эркак бир ағдарилиб, гудранди ва ўзича алланималар дегандек бўлди-да, яна зум ўтмай хуррак ота бошлади. Юлдузнинг чўнтагида оқшом ўша одам мастликда берган беш минг юан бор эди. У оёқ учида юриб бориб эшикни очди. Айвон кимсасиз, жимжит эди. Фақат магнитофон овози эшитилиб турарди, аммо бу сафаргиси Юлдуз илгари эшитмаган янги қўшиқ эди.

\* \* \*

Юлдуз олдинги кечаси бирга бўлган туркиялик муҳожир йигитни кутиб ўтирарди. Туркча билан уйғурчани аралаштириб сўзлайдиган, одобли, жуда саховатли бу йигит Аҳмадларнинг эътиборли меҳмони эди. Олдинги куни пешин маҳалида у чети темир қопламали чиройли кичик жомадонни кўтариб қаҳвахонага кириб келганида Аҳмад билан Нигора гирдикапалак бўлишиди, бир зумда Фарҳодни ҳам чақириб келишиди. Бироқ, туркиялик йигит уларнинг ҳеч қайсисига назарини ташлаб ҳам қўймади, бир бурчакда ўтирган Юлдузга кўриб ҳангманг бўлгандек унга тикилиб қолди. Иккинчи қаватга чиқиб, Аҳмадлар билан ишни битириб қайтиб тушибоқ тўғри Юлдузнинг олдига келиб:

— Хоним, мен билан бирга қаҳва ичишни хоҳлайсизми? — деб сўради.

Нигора унинг орқасидан пайпаслаб келиб:

— Бу киши туркиялик азиз меҳмонимиз Турсун афанди бўладилар. Турсун афанди, кўзингиз ҳам бор экан-да, Юлдуз хоним шаҳримиздаги гўзалларнинг гултожиси, у билан бирга бўлсангиз, кўнларингиз ҳам жуда кўнгилли ўтишига шубҳа йўқ, — деди.

Ўша тунда Турсун афанди Юлдузнинг юзини кафтлари орасига олиб, кўзларига узоқдан-узоқ тикилди, гўё ўзига-ўзи гапираётгандек:

— Оллоҳнинг мўъжизаларига ҳайронман, Юлдуз хоним. Сиз менинг илгариги аёлим Сожидага қўйиб қўйгандек ўхшар экансиз,

у оламдан ўтгандан буён дунё кўзимга қороғи бўлиб қолганди, бугун сизни кўриб худди қалбимдаги ўчган умид юлдузимни қайта топгандек бўлаяпман, — деганди.

Турсун афанди Юлдуз учун ҳам худди шундай умид юлдузи бўлиб кўринарди. Унинг ёрдамида чет элларга сафар қилишни жуда орзу қиларди.

Қаҳвахонанинг тўрига осилган соат ўн иккига занг урди. Юлдуз безовталаниб, ҳадеб эшик томонга қарарди. Келишган, бой-бадавлат, бадий асарларда тасвирланадиган рисоладигек йигит экан. Ҳадемай ёнига: “Кечиринг хоним, сизни узоқ куттириб қўйдим-а”, — деб келишига мунтазир эди.

Қаҳвахона эшиги очилди. Ўзлари билан совуққина ҳавони олиб, бир қиз билан йигит кириб келди. Юлдуз бағоят ясаниб олган Фарҳодни дарров таниди. Нигоҳини тезда ундан олиб, ёнидаги қизга тикилди. У ким бўлса? Ростдан ҳам ёш қиз, бироқ пардозни сал меъёридан ошириб юборганди. Ўзи танишдек кўринарди. Улар бироз нарига бориб ўтирмақчи бўлишди. Қиз оқ ранг тулки ёқали қизил пальтосини ечган эди, қуюқ қоп-қора сочлари осилиб тушди. Қизнинг узун ипак кўйлагига қараб Юлдузнинг юраги шиф этгандай бўлди. Бу унинг бояги кўйлаги-ку! Уйдан чиқаётиб олишга улгуролмаганди...

Бир вақт қиз шу ёққа қаради. Уларнинг кўзлари тўқнашди. Юлдузнинг рўпарасида ўзининг жондай синглиси Қундуз турарди! Ҳа-ҳа, бошқа ҳеч ким эмас, айнан ўзининг синглиси Қундуз эди...

Юлдузнинг кўз олди қоронғулашиб, ағдарилиб тушаётгандек туюлди. Бир неча сониягача унинг кўнгил ойнасида қоронғу зулмат, тубсиз бўшлиқ ҳукм сурди. Сўнгра телевизор экранига ўхшаш ҳар хил ранглар липиллай, чақнай бошлади. Хаёлига фақат бир нарса: Қундузни ўша тим-қора сочларидан тутиб, судраб уйга олиб кетиш эди. Лекин ундай қилолмайди. Унинг юзи бўздек оқариб, терга ботди, оёқ-қўлини қимирлатишга, ҳатто огиз очишга ҳам мадори қолмаганди.

\* \* \*

Юлдузнинг дили вайрон, зиғирча ҳаловат йўқ. Сўнгги умиди ҳам чиппакка чиқди. Қулоғи остидан эса синглисининг аянчли овози кетмасди. Бу овоз кечалари уйқусини бузиб, ётган еридан турғазиб юборар, эсидан озган кишидек у ёқдан-бу ёққа юргизар эди, ичини қон-зардобга тўлдирарди.

— Эй жоним опажон, мени бу ердан ҳайдаманг! Мен бу ердан кетсам, анави... тамакидан айрилсам, ўламан, жон опажон. Мен бу ерга иложим йўқлигидан келдим. Қандай ўргандинг, бу ерни қандай қилиб топдинг, деб сўрайдиган бўлсангиз, оппоқ юзли қизлардек ясаниб юрадиган бир аёл бир куни бизни уйга бошлаб борди. Унинг акалари, оналари, хуллас, бутун оила ўшанга кашанда экан, бизни ҳам ўргатишди. Кейин, чекмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Улардан сўрасам, ўзинг топиб чек, деб бермайдиган бўлишди. Чидамай ёлборсам, акаси... Мен билан бир неча кунга кўнсанг сўнгра... деди, ўзга иложим қолмаганди... жон опажон, кўнишга мажбур бўлдим. Кейин у ичкари ўлкага кетди. Кетар чоғида мени Фарҳод билан таништириб қўйди. Жоним опажон, энди мен билан ишингиз бўлмаслиги керак, акс ҳолда ўзимни ўзим нобуд қиламан, бир йўла бу дунёдан кутуламан. Бизнинг қисматимиз шу экан...

Кейинги кунларда Фарҳод билан Қундуз қаҳвахонада қорасини кўрсатмайдиган бўлиб қолишди. Аммо, у уларнинг ҳалиги уйда эканлигини биларди. Ҳушёр вақтларида синглисини уларнинг қўлидан қутқариш, Фарҳоддан ўч олиш режасини тузарди.

Бир куни қаҳвахонага асил пальто, шляпа кийган, қимматбаҳо ихчам жомадан кўтариб олган икки ёш йигит кириб келди. Юлдуз, уларнинг Аҳмадга: “Оқ тамаки борми? Қанча бўлса сотиб олардик”, деганини эшитиб қолди. Бирининг сўл чаккасида жўхори донасидек қора холи бор эди. Аҳмад уларга ишонқирамади: “Нима у, оқ тамаки дегани? Қанақа нарса ўзи? Агар сизларда бўлса, бизларга кўрсатинглар?” дея йўл қилди.

Бир неча кундан кейин, жанубий шинжонглик савдогарларга ўхшаб кетадиган, соқоллари ўсиқ бир эркак кириб келди. У Аҳмад билан гаплашаётганда, Нигора ўтирганларнинг олдига келиб: “Кўлингиздаги тамакиларни яширинглар!” деб шипшиди.

Юлдуз дарров бошини кўтариб, келган кишига қаради, қаради-ю, сесканиб кетди. У одамнинг сўл чаккасидаги жўхори донидек келадиган қора холни у ўтган куни кирган олифта кишида ҳам кўрганди-ку! Шунчалик ҳам ўхшаб кетиши мумкинми одам? Йўқ, йўқ, бунчалик эмас. Бунинг устига, қош-кўзлари ҳам ўша... Демак....

Юлдузнинг юраги дукиллаб ура бошлади. У қўллари титраётганини сездириб қўймаслик учун пальтосини кучоқлаб кўтариб, ташқарига йўл олди.

— Хали эрта-ку, қаерга? — ажабланиб сўради Нигора.

— Чиқиб, ҳаво олиб келай.

У нарироққа бориб, катта кўчанинг қоронғи муюлишида кута бошлади. Совуқдан, кўркувдан, ҳаяжондан дир-дир титраб, тишлари такирлаб кетаётганди. Ҳув нарида, қалин муз қоплаган ювунди ўраси атрофида катта бир ит айланиб юрарди, у гўё Юлдузнинг ғалати бир иш қилмоқчи бўлганини сезгандек, бошини кўтариб унга шубҳа билан қараб-қараб кўярди.

Олисдан соқолли кишининг қораси кўринди. Яқинга келгач, Юлдузга зимдан тикилиб қаради. Юлдуз гапирмоқчи бўлиб лабларини жуфтлади-ю, тишлари такирлаб, оғзидан гап чиқмай қолди. Сўнг бақирмоқчи бўлгандек, кучаниб оғзини катта очди. Бироқ, овозининг шунчалар заиф, титраб чиқаётганига ҳайрон қолди.

— Тўхтанг, тўхтаб туринг... сиз қидирган нарсанинг... қаердалигини мен биламан...

Эркак таққа тўхтади. Юлдуз титроқ овозда, унга сўзлар эди. Сўзлари сира қовушмасди. Шундай титраган ва тишлари такирлаган кўйи у ҳалиги кишини қоронғу кўчалардан бирига бошлади. Сиртдан қараганда оддий, кулбанамо кўринадиган ҳалиги уйга бошлаб борди.

Соқолли одам унга: “Мен билан қайтинг, ҳаётингиз хавф остида, биз сизни ҳимоя қиламиз”, деди, бироқ Юлдуз кўнмади. Киши ўша уйнинг атрофида анча вақтгача айланиб юрди. Икки соатлардан кейин бу уйни бир тўп полициячилар қуршаб олди. Улар Фарҳод, унинг шериклари ва Қундузнинг қўлига кишан солиб, олиб кетдилар.

Юлдуз эшик олдида узоқ ўтирди. Шу топда ёвузлик илдиз отган қаҳвахонанинг ҳам куни битгандай кўринарди. Энди унинг борадиган бошқа ери қолмади. Бироқ уйи, онаси бор эди-ку? У уйига қайтиб боргиси келмади. Йўқ, нима деб қайтади? Ўзимнинг хатоларим етмагандай, ортимдан эргаштириб гулдай синглимни ҳам ботқоққа ботирдим дейдими? Онаси уни тушунармикин? Кечирармикин? Энди

Олиям ҳам йўқ, соқчилар уни ҳам тутиб кетишди. Аммо Юлдузнинг кўнгли довул олдидан ҳукм сурувчи вақтинчалик сукунатдай беихтиёр тинчланиб қолди. Унинг узоқ вақтлардан буён рўёбга чиқмаган орзуси ушалиб, ниҳоят ўзини илк марта эмин-эркин ҳис эта бошлагандай кўринарди.

Юлдуз турли-туман ўй-хаёллар билан бўлиб, ўз уйи олдига қандай келиб қолганини ҳам билмади. Ана, рўпарада у ва сингисини туғилиб вояга етган қадрдон гўшаси. Отасининг руҳи кезиб юрган бу уй унга ҳар қачонгидан ҳам хароба, мискин кўриниб кетди. Бечора онаизор икки фарзандни катта қиламан деб не-не машаққатлар чекмади? Онанинг бу риёзатлари эвазига қизларидан не рўшнолик кўрди? Ҳурмат, яхши гап анқонинг уруғига айланди. Азоб, хўрлик, ҳақорат насибаси бўлди. Ким билсин, ҳозир дард-аламлар ва кўз ёшига фарқ бўлганча ухлаётгандир...

Юлдуз аччиқ ёшини ичига ютди-ю, уйига киришга юраги бетламай, тўғри юриб ўтиб кетди. Қасерга кетаяпти? Яна дарё бўйигами? У ерда нима қилади? У жонига қасд қилишни истамайди. Ҳаётини бошқатдан бошлайди, сингисини оқлаб, эркинликка олиб чиқади, уйига қайтади. У яна дарё бўйига қараб йўл олмоқда. У ер унинг энг гўзал хотиралари билан боғланган. Дарё қирғоқларини бир қават муз қоплаганди. Аммо унинг оёқларидан аъзойи баданига тарқалаётган гайритабиий бир туйғу муз остидаги тўхтавсиз улут ҳаракатдан дарак бериб турарди.

Олидан мотоциклларнинг овози эшитилди. Шундагина у бошини кўтариб қор ёғаётганини пайқайди. Сал илгари учқунлаб ёға бошлаган қор атрофни яхшигина оқартиришга улгурганди. У пальтосига маҳкам ўраниб, паға-паға ёғаётган қор учқунларини томоша қилиб турди. Қор учқунлари унинг сочларига, қош-киприкларига, елкасига кўнарди. У қимир этмасди, киприк ҳам қоқмасди. Шу алпозда тош ҳайкалга ўхшарди.

Мотоциклларнинг овози борган сари яқинлашиб келаётганига қарамай, Юлдуз ўша-ўша турган жойидан қимир этмади. Мотоциклчилар келиб, Юлдузга яқин жойда тўхташди ва бошларидаги қалпоқларини олиб, уч эркак унга томон бостириб кела бошлади. Юлдуз улардан қилча кўрқмади. Юлдуз уларнинг афтларини аниқ кўрди...

... Қор тинимсиз лопиллаб ёғишда давом этарди...

\* \* \*

Бу йил қиш қаттиқ келиб, ҳақиқатан ҳам кўп қор ёғди.

Икки кеча-кундуз тўхтамай ёққан қор худди қалин оқ момиқ тўшакдек ер-жаҳонни қоплади. Қор талай нарсаларни ўз бағрига яширганди. Айниқса, кўримсиз, паст-баланд тор кўчалар бирданга тозаланиб, кенгайиб, гўзаллашиб қолгандек туюларди. Аслида, бунча кўп қор бу кўчалардаги оилалар учун ортиқча машаққат, оворгарчиликдан ўзга нарса эмасди. Қолаверса, тор кўчалар, ҳовлилар қор-муз уюмларидан баттар торайиб кетганди.

Саҳарлаб уйғонган Гулсумхон ая бир тишлам нон билан ўзини зўрлаб нонушта қилди, ҳовлини, эшик олдини баҳоли қудрат супуриб-сидирди. Хокандоз билан супургини кўмирхонага олиб кириб кўйиб, девор ўчоғининг ёнида чўзилган кўйи ўйга чўмди. Унинг аҳволи кундан-кунга баттарлашиб борарди. Озгина иш қилса, юраги санчиб, оёқ-қўлида жон қолмасди. Шунга яраша, уйларнинг деворларидан тупроқ тўкилиб, томнинг у ер-бу еридан чакки ўтадиган бўлиб

қолганди. Буларни амаллашга, томга чиқиб, чакка ўтаётган ерларни беркитишга унинг мажоли етмасди. Раҳматли умр йўлдоши бўлганда эди, уйларни неча марталаб тузатиб қўйган, томдаги қорлар ҳам вақтида қуралиб турган бўларди. Қизлари ҳам бугунгидай ҳолга тушиб қолмасди...

Гулсумхон ая кечаси билан ёмон туш кўриб, юраги ғаш бўлиб чиқди. Юлдуз узун, оппоқ қўйлак кийиб ўзи ёлғиз ўйинга тушиб юрганмиш, раҳматли эри машинам бузилиб қолиб, ярим йўлдан қайтиб келдим, деб уйга кириб кетаётганмиш, хотинидан ранжиб, қизларимни сенга топширгандим, қани қизларим? Сен уларни нима қилдинг? — деб сўраётганмиш...

Шу топда қизлари қаерда бўлса? Қандай кун кўришаётганикин... Нима учун унинг қизлари бундай шўрпешона бўлиб қолишди? Гулсумхон ая уларни оч-наҳор қолмасин, отасизлиги билинмасин деб қечани тонгларга улаб, беллари узилгудек меҳнат қилганди-ку, ахир?! Ўша икковини одам қилиб қаторга қўшишдан бошқасини ўйламаганди-ку? Ажаб, у бирор ишда хатога йўл қўйдими, ёки оналик бурчини тўлиқ бажара олмадими?..

Бир вақт ҳовли эшиги тақиллади, у эринчоқлик билан ўрnidан турди. Эшикнинг олдига келиб, босиқ оҳангда: “Ким?” деб товуш қилди. Эшик очилиб, “Гулсумхон ая, бу мен — Анвар!” деган жавобни эшитди-ю, типирчилаб, нима қилишини билмай қолди.

— Ассалому алайкум, ая. Яхшимисиз, бир йўқлаб келувдим.

— Ва-алайкум ассалом, болам, — деди Гулсумхон ая Анварни зўрға таниб. У илгариги Анварга ўхшамасди, озиб, бир ҳол бўлиб қолибди, буни кўриб, аянинг ичи ачиди. Лекин сир бой бермай, мулойимлик билан:

— Кўпдан буён кўринмай қолдингиз, бирор ерга бориб келдингизми, болам? — деб кўнгил сўради, холос.

— Бир неча ойдан буён... ичкари ўлкаларда бўлдим. Иним шу ёқларга кетиб, дарак солмай қўйганди. Топиб, олиб келай деб боргандим... қайтариб келолмай... Ўша ёт юртларда, денгиз бўйига кўмиб...

У тўлиқиб, ортиқ гапиролмади, бошини қуйи солиб, кўз ёшларини яширмоқчи бўлди.

— Вой тавба, нималар деяпсиз, болам? Шундай ишлар ҳам бўлдимиз? Қандай қилиб?..

— Иним икки дўсти билан бир “хўжайин”га ёлланиб ичкарига борибди. “Хўжайин”нинг қўл остида йигирма-ўттизга яқин “шоғирд” болалар бор экан. Улар ҳаммасининг касби-кори ўғрилиқ қилиб, топган пулининг кўп қисмини “хўжайин”га топширишдан иборат экан. “Хўжайин” уларни қиморга солиб, гиёҳвандликка ўргатиб, қарзга ботириб, сўнг хоҳлаганча ишга соларкан. Менинг иним ўша оқ оғуға мубтало экан. Шундан кўп қарзга ботибди. Кунларнинг бирида хўжайиннинг пули йўқолибди. Хўжайин буни инимдан гумон қилиб, одам бошлаб келиб, уни тутиб берибди. Осиб қўйиб... Баданига пичоқ тикиб, қаттиқ қийнабди... Мен борсам бир эски уйда: “Пулни мен олмадим, ишонинглар менга, мени урманглар” деб бақириб, алаҳлаб ётган экан, мени танимади ҳам. Дўхтирхонага олиб кетаётиб... йўлда...

Гулсумхон ая чидаб турулмади, хўнграб йиғлаб юборди.

— Вой бояқиш-а, менинг қизларим қаерда, кимларнинг қўлида хор-зор бўлиб юрганикин? Қандай яшаётганикан-а...

Анвар тезда бошини кўтариб, Гулсумхон аяга тикилиб қолди.

— Нима дедингиз, ая? Юлдуз... Опа-сингиллар бир ёққа кетишганмиди?

— Сизнинг ҳам дардингиз меникидан кам эмас экан, болам, сиздан нимани ҳам яширардим. Юлдуз ҳам, Қундуз ҳам уйдан чиқиб кетган. Анча ой бўлиб қолди. Бир хиллар уларни қаҳвахоналарда, ёмон одамлар билан кўрибди. Ночор жоним билан мен уларни қаердан ҳам излайман. Топганимда ҳам қайтариб олиб келоламанми? Менинг ҳолимни кўриб турибсиз, ўша икковининг дардида адои тамом бўлдим. Уларни энди кўролмай, бир кечада Тангрига омонатини топширсам нима бўлади деб кўрқаман, жоним болам?!..

\* \* \*

Орадан икки ҳафта ўтиб, Анвар бу маҳаллага яна бир келганида Гулсумхон аянинг қўшилари унга бир неча кун илгари кампирнинг тўсатдан жони узилганини, унга жамоат эга бўлиб, тупроққа қўйиб келганини гапириб беришди. Анвар Гулсумхон аяга қизларининг дарагини — Юлдузнинг беиз йўқолиб кетганини, Қундузнинг эса ахлоқ тузатиш колониясига юборилганини айтмоқчи эди... Анвар деворлари чўкиб, мунғайиб қолган ғарибгина ҳовлига сўнг бор бир неча дақиқа қараб турди. Ҳали ёздагина анави дераза доимо очиқ турарди. У ердан кийим тикиш машинасининг шиқирлаган овози узилмасди. Гулсумхон ая билан Юлдуз ўша кичик уйда ўтириб тикувчилик қилишарди. Яна бир уйдан Қундуз, унинг дўстларининг шод-хуррам кулгилари, ашулалари эшитилиб турарди. Бир неча ой ичидаёқ ҳамма нарса барбод топди. Бир уйдаги уч жоннинг бири ўлди, бири йўқолди, ҳаёт қолган бири эса қамалиб кетди.

Дунёда нима учун бундай бахтсизликлар юз беради? Юлдуз билан Қундузларнинг ҳамма қатори бахтли ҳаёт кечиришлари мумкин эмасмиди? Иниси ҳам олийгоҳларда ўқиши, узоқ йиллар яшаши мумкин эди-ку! Яна у ичкари бегона ўлкалардаги, қаҳвахоналарда, кинотеатрларда, меҳмонхоналарнинг атрофларида, хилват кўчаларда тентираб юрган ёшларни ҳам кўрди. Ахир уларнинг айнаи ўқиб, касб-хунар эгалари, жамиятнинг муносиб кишилари бўлиб етишишлари мумкин эди-ку!!!..

Анварнинг муштлари қаттиқ тугилди. У шу тобда овозининг борича бақиргиси, дод солиб йиғлагиси, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш идораларининг маҳкам ёпиқ эшикларини тепиб очиб, у ердагиларга дилидаги дарду аламларини битта қўймай тўкиб солгиси келди.

Ҳар куни орзу-умидларга тўлган янги тонг отади. Кечга бориб бу орзу-умидлар хаёлий соядек ғойиб бўла бошлайди. Яна нохуш тушларнинг адоғи йўқдек туюлади. Аммо уфқдан таралган шафақ ёғдусида тумандай тарқаб кетади.

Умид билан тўлган кунлар, адоғи йўқ ваҳимали кечалардан талайлари ўтиб кетди. Анварнинг қалбидаги умид учқунлари сўнмади. У йўлдан адашганлар, оқибатини ўйламай, боши берк кўчаларга кириб қолганларни тутиб олиб кетадиган идораларга, дўхтирхоналарга, аёлларга борадиган гумонли ерларга борди. Ҳеч қаердан Юлдузнинг дараги чиқмади. Ўз вақтида у Юлдуз билан кўришмай кетиб қолмаганда, жуда бўлмаганда, ичкари ўлкага бориб, бирор энлик хат ёзиб юборганда ҳам бўларди, аммо... у вақтларда унинг ўзи ҳам қайғу-ҳасратдан бошини кўтаролмай қолганди. Шундай бўлса-да, Юлдузни қидириб топгиси, унга кўп гапларни айтгиси келарди.

Бироқ, Юлдуз... қаерларда юрганикин? Гулсумхон ая айтгандек, кимларгадир сарғайиб, кимларгадир хўрланиб юрганмикин?.. Анвар пальтосининг ёқасини қайириб, бироз шумшайган ҳолда жадал юриб кетди...

... Яна қор ёга бошлади. Анварнинг қалбида бир парча умидли чўғ ёнишда давом этарди. У инисини, сочларини бир ўрам қилиб орқасига ташлаб юрадиган, болалиги ҳали димоғидан кўтарилмаган икки яноғи ёш билан ҳўлланган Қундузни ҳам кўп ўйлади. У Қундузни ташлаб қўймаслик, қандай қилиб бўлса-да, уни ўз опасига ўхшаш оқибатдан сақлаб қолиш керак, деган қатъий қарорга келди. Бироқ бунга кучи етармикин? Фарҳод қўлга олиниб, ўн кун кейинроқ “гуноҳсиз” деб қўйиб юборилди. Нигора зўрға бир йиллик мажбурий ахлоқ тузатиш колониясига ҳукм қилинди. Аммо у ерда “хулқи яхши” деб, меҳнатдан озод этилиб, иссиққина хонада ўтириб, деразадан қараб турувчи назоратчи бўлибди. Бундайлар тегирмондан ҳам бутун чиқадилар. Жамиятда хали кўплаб “Нигора”, “Аҳмад”, “Фарҳод”лар бор. Уларнинг тирговичлари бор...

Бироқ, уларга қарши турадиганлар, улардан нафратланадиганлар, уларга астойдил қарши туриб курашадиганлар янада кўп, уларнинг жамиятга келтираётган ҳисобсиз зарарларини англаб етгунча бутун жамият, барча инсоният қўзғалиб, сафга отланадиган кунлар келади ҳали...

У ниманидир қидиргандек, ниманидир кутаётгандек, қор учкунлари билан тўлган поёнсиз бўшлиққа нигоҳ ташлади.

Қор ҳеч тинадиган эмасди...



Стивен КРЕЙН

## Йўлчи йўл танлади ҳақиқат томон

\* \* \*

**Б**ир одам бор эди — тили оғочдан.  
Ҳавасланиб қолди қўшиқ куйлашга.  
Ҳаваслари кулги уйғотади-я...  
Уни тинглаб турган бошқа бир одам  
Оғоч тиллар қандоқ сас чиқаришин  
Ҳамда куйлаётган қўшиқчи гапин  
Англашга уринди,  
Англаб етди ҳам.  
Яйраб-жўшиб кетди шунда қўшиқчи  
Одамлар ўзига эътибор қилиб,  
Қўшиқнинг мағзини чаққанлигидан.

### ЙЎЛОВЧИ

Йўлчи йўл танлади Ҳақиқат томон  
Ва ҳайратга тушди шу замон:  
Ҳақиқат йўлини ўтлар босганди,  
Босгани не, йўлни ўтлар тўсганди!

— Э-ҳа, — деди йўлчи, — кўз билан кўрдим,  
Кўп йиллардан бери бу йўлдан ҳеч ким  
Юрмаган, бормаган Ҳақиқат томон,  
Ёмон бу, ёмон!

Шунда пайқаб қолди — ҳар майса-гиёҳ  
Ҳанжардай чақчайиб турарди ногоҳ!  
Ўт босиб ётгани ё шунданмикан?  
Атрофлар қип-қизил... тўкилганми қон?

— Э-ҳа, — деди йўлчи, бўйинини бурди,  
Оёғига боқиб, ўйланиб турди.

*Русчадан  
Музаффар АҲМАД  
таржималари*

Америкалик шоир Стивен КРЕЙН (1871–1900) кўпроқ ёзувчи — насрнавис сифатида машҳур. Унинг уруш мавзусидаги “Зафарнинг қизил рамзи” қиссаси, харобазор ва ташландик минтақаларнинг қашшоқ одамлари ҳаётидан олиб ёзган новеллалари диққатга сазовор. Адибнинг шеърлари ҳам теран фикр ва мазмун билан ажралиб туради.



Бошини қилди у сарак ва сарак —  
Бошқа ёқда ҳам йўл бор бўлса керак...

## ОДАМ ЧОПАР ЭДИ УФҚЛАР ТОМОН

Унга тутқич бермай қочар эди уфқ,  
Мен уни кўрдим-у, ачиди жоним,  
Ирод қилдим унга шундай сўзларни:  
— Қилаётган ишинг ақлга сиғмас,  
Сен уни ҳеч қачон...  
— Ёлгон! — деб бақирди одам энтикиб,  
Яна чопа кетди уфқлар томон.

## ҲИКМАТ КИТОБИ

Набийга дуч келдим.  
Қўлларида ушлаб турар  
Ҳикмат китобин.  
— Жаноб, — дея ўтиндим мен, —  
Ўқиб берайин.  
— Фарзанд, — дея гап бошлаган эди у,  
Аммо  
— Жаноб, — дедим шоша-пиша сўзини бўлиб, —  
Мени бунча нодон билманг  
Фарзанд деб атаб.  
Қўлингизда тутиб турган китобдан кўпроқ  
Нарсаларни биламан мен, ҳа, ҳа, биламан.

Табассум қилди-да, очди китобин.  
Кўзларим олдига кўзгудай тутди.  
Ажаб, ўша саодатли дақиқаларда  
Қамашиб кетди-ё кўзларим нурдан!!!

\* \* \*

Саҳрода улоқиб, адашиб қолдим.  
Хитоб қилдим сўнг:  
“Мени бу чўллардан қутқар, худойим!”  
Шундай овоз келди: “Чўл эмас бу ер”.  
Мен қичқирдим: “Балки айтганинг тўғри.  
Бироқ манов олов, қумни, саробни, уфқни  
Нима деб атай мен?”  
Овоз вазмин эди: “Чўл эмас бу ер”.

## ИНСОН КЎРДИ КЎКДА... ПУФАКЧА

Инсон кўрди кўкда олтин айлана;  
Унга интилди.  
Қўл чўзди, сакради. Ёнига борди —  
Айлана олтинмас, тупроқдан эди.

Нима бўпти шунда, дейсизми?  
Қаранг:  
Инсон қайтиб тушиб заминга аранг,  
Яна кўкка боқди —

Осмонда яна  
Осилиб турарди олтин айлана.

Қизиғи шу эди, қизиғи — мана,  
Осмонда турарди олтин айлана.  
Худо ҳаққи,  
Ана — олтин айлана!

## ЮРАК

Саҳрода яланғоч-шир махлуқсифат,  
Қўққайиб ўтирган бир одамизод,  
Қўлларида тутиб ўз юрагини  
Тамшаниб-тамшаниб ғажирди, ҳайҳот!

Мен дедим:  
— Ош бўлсин, хушхўрми, ошна?  
Жавоб берди:  
— Аччиқ, аччиқ заҳардай.  
— Аммо менга ёқар аччиқлигим,  
— Сабаби, бу — менинг, менинг юрагим.

\* \* \*

Янгради урушнинг тахир овози!  
Қоп-қорайиб кетди, чатнади замин;  
Аёллар оҳ уриб, фарёд чекдилар;  
Болалар чопдилар йўқотиб ўзин.  
Бир одам билмоқчи бўлди: нима гап?  
Додлайди, чопади ҳамма, нимага?  
“Маъносини тушунтиринг”, — деди у одам.  
Маъносини тушунтирмоқ бўлди минг одам.  
Шундай гала-говур қўптики, унда  
Маъно-мазмун қолмаганди маҳшардай кунда...

## МАЙСА

Фалакда,  
Барра ўт, майса-гиёҳлар  
Ҳолиқ ҳузурида эҳтиром сақлар.  
Титрашиб, турарлар таъзимда бари,  
Барининг ер чизиб турар кўзлари.

— Ҳаётда нима иш  
Бажардинглар, хўш? —

Сўзга тушиб кетди барча майсалар,  
Келтирган нафларин тилга олсалар —  
Ҳар бирида мавжуд тоғ-тоғ эзгулик,  
Эшитсанг, барига ҳавас этгулик!

Бир майса уялиб четда турарди.  
Холиқ уни кўриб, сўради:  
— Хўш, қани, сен айт-чи, нима иш қилдинг,  
Қай ишни ҳаётга фойда деб билдинг?

– Парвардигор, – деди шунда майсача, –  
Менинг қилган ишим – кичик пайса-ча!  
Қилган эзгу ишим балки кўпдир, кўп, –  
Барин унутибман дийдоринг кўриб!..

Қад ростлади шунда Халлоқи олам,  
Тикка бўлди Жанант, Арши Аъло ҳам.  
Янгради Холиқнинг меҳрли сўзи:  
– Энг гўзал, энг Нофиъ ўзингсан, ўзинг!

## УСТАЛАР

Тоғнинг тепасида сонсиз усталар  
Фишдан ясадилар маҳобатли шар.

Шармисан, шар! Буни ким ҳам кўрибди,  
Ана, тоғнинг тепасида турибди.

Ўз ишидан мамнун бўлиб усталар  
Пастга – водий томон аста тушдилар.

– Туришини қаранг! – дедилар секин. –  
Аломат бир ишни қилибмиз лекин!

Шунда, тасодифан, қутилмаган чоғ  
Пастга қулай кетди улкан шар ногоҳ.

Қулади, ҳаммани босиб тушди шар,  
Улгурмади қичқирмоққа ҳам кўплар...

\* \* \*

Одамлар ичидан дўст изласанг, гар,  
Бил: улар молларин мақтаётирлар.  
Худодан сўрасанг улар ёзигин,  
Бил: улар молларин мақтаётирлар.  
Одамларга бахту иқбол тиласанг,  
Бил: улар молларин мақтаётирлар.  
Одамларга илсанг тавқи лаънат, гар,  
Бил: улар молларин мақтаётирлар.  
Улар молларини мақтаётирлар,  
Улар молларини мақтаётирлар.  
Жалб қилмоқ истасанг улар диққатин,  
Бил:  
Уларнинг молини мақтамоқ керак,  
Ё молни мақташдан тўхтамоқ керак.



## Улуғбек мероси жаҳон олимлари нигоҳида

**Б**ундан беш ярим аср муқаддам азим шаҳар — Самарқанд этагида Улуғбек ва унинг мактаби томонидан ишга туширилган расадхонадан Коинот қаърига ташланган назар фақат Шарқдагина эмас, балки жаҳон фани, маданиятининг “очилмаган қўриғи”ни очиш — Коинотни ўрганишга қўйилган буюк бир қадам бўлди. Шу илк қадам сабаб бўлиб, Европада биринкетин йирик, яхши жиҳозланган расадхоналар ишга туша бошлади. Польшада Олам тузилишининг гелиоцентрик назарияси (Н.Коперник томонидан), Миланда (Италия) Коинотнинг чексизлиги ва унда қуёш тизими — оддий бир юлдузнинг йўлдошлари билан ташкил этган тизими эканлиги гоёси (Жордано Бруно томонидан), Германияда осмон жисмларининг ҳаракат қонунларини ифодаловчи — осмон механикаси (И.Кеплер томонидан), Англияда осмон жисмларининг массаларини ҳисоблаш усули (И.Ньютон томонидан) каби муҳим кашфиётлар “дарёси”нинг вужудга келишида Самарқанд астрономлари “қўзини очган буюқ” дастлабки ирмоқ бўлди. Қуёш, Ой ва сайёраларнинг ҳаракатларини ўрганиш бўйича Улуғбек мактаби қўйган пойдевор — назарий астрономия дейилувчи махсус фаннинг шаклланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. Шу боис ҳам Улуғбек астрономик мактаби тарихи, буюк олимимиз мероси неча асрлардан буён дунё илм аҳлини қизиқтириб келмоқда.

Гарчи тарихий манбаларда Самарқанд расадхонасига тегишли маълумотлар жуда кам акс этган бўлса-да, бироқ Улуғбек ва унинг мактаби олимларининг астрономия ва математика соҳаси бўйича қилган ишлари тавсиф қилинган тарихий манбалар етарли. Бунда айниқса, Али Қушчининг хизмати катта бўлган деб тахмин қилинади. У умрининг сўнгги йилларини Истанбулда ўтказиб, у ерда дастлаб му-

даррислик, сўнгра муқаддас “Ая София” масжидига қарашли мадрасанинг бошлиғи бўлиб ишлаган. Али Қушчи ўз хизматидан бўш вақтларида Самарқанддан келтирган қўлёмаларнинг рўйхатини тузишга қўп вақт ажратганлиги тарихий манбалардан маълум. Турли тилларда ёзилган бу рўйхат Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Европада кенг тарқалган. Бундай рўйхат кейинчалик Фарбий Европанинг машҳур Оксфорд университетининг кутубхонасидан ҳам топилганлиги фикримизга далил бўла олади.

Европада биринчи бўлиб, “Улуғбек зиж”ни тадқиқ этган олим Оксфорд университетининг профессори Жон Гривс (1602-1652) бўлди. Шарқ халқлари тилларини яхши ўрганган бу олим Коперник, Региомонтан, Тихо Браге, Кеплер асарларини ўрганиш билан бирга юнон, форс ва араб астрономларининг анчагина асарларини ҳам тадқиқ қилган.

Жон Гривс Оксфорд университетига ишга киргунга қадар юнон, араб ва форс халқлари илм-фани ва маданияти билан қизиқиб, кўпгина Шарқ мамлакатларида, жумладан, Истанбулда бўлиб, талай қўлёмаларни тўплаган. Булар ичида “Улуғбек зиж”нинг ҳам нусхаси бўлган деб тахмин қилинади.

Жон Гривс “Улуғбек зиж”да келтирилган 98 юлдуз ҳақидаги маълумотларни ва Самарқанд расадхонасида қилинган ишларнинг бир қисмини ўз ичига олган мақолани тайёрлади. Олимнинг бу иши 1648 йилда Байнбридж томонидан нашр қилинди. Орадан икки йил ўтгач, тўрт қисмдан иборат “Улуғбек зиж” муқаддимасининг биринчи қисми хронология, географик жадваллар билан иккинчи марта нашр этилди. Хронология турли Шарқ халқлари томонидан қўлланиладиган тақвимлар ҳақида маълумот берадиган бўлим эди.

Шундан 15 йил ўтгач, яъни 1665 йили Оксфорддаги Бодлеян кутубхонасининг ходими, шарқшунос ва таржимон олим Томас Хайд (1636 - 1703) 1018 юлдуз ҳақидаги маълумотлар жамланган “Улугбек зиж”нинг тўла жадвалини лотин ва форс тилларида босмага тайёрлаб, “Улугбек кузатишлари бўйича кўзгалмас юлдузларнинг (астрономик) кенглик ва узунлик жадваллари” деган ном билан нашр қилдирди. Юлдузларнинг бу жадвалининг иккинчи нашри Григори Шарп томонидан тайёрланган Т.Хайд асарлари тўпламининг иккинчи жилдида 1767 йили чоп этилди. Т.Хайд мазкур китобнинг сўзбошисида, “Улугбек зиж”даги “Кўзгалмас юлдузларнинг тўла жалвали” бўлимининг Англияда учратган учта форсча кўлэмасини ўзаро таққослаганини маълум қилади. Улардан бири Шарқ кўлэмаси ва китобларини йиғувчи инглиз шарқшунос олими Э.Поконнинг (1604–1691) шахсий коллекциясига, иккинчиси Авлиё Жон коллежининг кутубхонасига ва учинчиси Савилианинг коллежига тегишли бўлиб, Оксфорд университетининг математика кафедрасида сақланаётганини айтади. 1843 йилда Лондонда Ф.Бейли Улугбек жадвалини Птолемеи, Тихо Браге, Галилей ва Ян Гевелийларнинг жадваллари билан қўшиб, босмадан чиқарди.

“Улугбек зиж”да келтирилган жадвалларнинг Ж.Гривс ва Т.Хайдлар томонидан XVII – XVIII асрларда нашр қилиниши, Европа астрономлари учун катта воқеа бўлди. Чунки бу даврда юқори аниқликдаги юлдузлар жадвалига астрономларнинг эҳтиёжи жуда катта эди. Жадвалларни ўрганиш, улар Самарқанд расадхонасида бевосита кузатишлар асосида тузилганлигини исботлади. Жадваллар муаллифининг кўрсатишича, расадхонанинг географик кенгламаси 39° 37' 23" га, узунламаси эса 98° 16' га тенг эди. Бинобарин, бу Улугбек расадхонасининг географик ўрни эканлигидан дарак берарди.

“Улугбек зиж” сўзбошисининг лотин тилига таржимаси, Пётр I замонида, 1732 йилда Россия ташқи ишлар Коллежисига ишга таклиф этилган ёш немис олими Г.Я.Кер томонидан амалга оширилди. Керни “Зиж Кўрагоний”нинг сўзбошисини таржима қилишга, Пётр I нинг таклифига кўра, Петербург Фанлар ака-

демиясига 1725 йилда Париж обсерваториясидан ишга келган астроном Жозеф Никола Делиль ундаган эди. 1717 йили Пётр I Парижда бўлиб, қирол астрономи Гийом Делиль билан суҳбати чоғида, Россияда навигация ишлари учун зарур бўлган астрономия, география ва геодезия билан боғлиқ амалий ишларни йўлга қўйишга ёрдам сўраб, унинг укаси Жозеф Делилни таклиф этган эди. Ж.Делиль бу таклифга кўниб, келишдан олдин Россияда астрономияни ривожлантириш бўйича махсус дастур тайёрлаган эди. У ўз дастурида: Россияда астрономик расадхона қуриш, йирик шаҳарларнинг географик координаталарини аниқлаш, шунингдек, дунё астрономиясининг тарихини ёзиш каби ишларни режалаштиради. Бундай катта ишнинг асосий қисми Шарқ астрономиясига тегишли бўлишини яхши англаган Делиль бундай ишда унга ҳамкорлик қилиш учун форс ва араб тилларини яхши ўрганган талантли шарқшунос Г.Я.Кер ва кўпдан буён Петербургга келиб яшаётган грузин шоҳи Вахтанг VI (1675–1737) ни таклиф этди. Г.Я.Кер Россияга ишга таклиф этилгунга қадар Германияда араб ҳуфия хатларининг “мағзини чақшиш” бўйича катта ютуқларга эришиб, кўпчиликка танилган эди.

Вахтанг VI ва унинг ўғиллари Бакар ва Вахушта форс тилини яхши билиб, Петербургга келгунга қадар ўз котиби М.Кавкасидзе билан бирга “Улугбекнинг астрономик жадваллари”ни форсчадан грузин тилига таржимасини бошлашган эди. Кейинчалик бу таржима Ж.Делиль раҳбарлигида Петербург Фанлар академиясида ниҳоясига етказилди.

Россияга ишга келган Г.Я.Керни Делиль дастлаб география департаментининг ишларига жалб этди, сўнгра уни “Зиж Кўрагоний” сўзбошисининг таржимаси билан шугулланишга ундади. Кернинг “Улугбек зиж” сўзбошисини форсчадан лотинчага таржима қилганлиги, Петербург Фанлар академияси архивидан топилган ва 1739 йил 25 июнда ўтган мажлис протоколидан маълум бўлди.

Хусусан, бу мажлисда Ж.Делиль “Улугбек астрономик жадвалларининг форсча кўлэмаси ҳақида” деган мавзуда маъруза қилган. Собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Ленинград бўли-

ми ходимининг гувоҳлик беришича, нашрга тайёрланган бу мақола Академия архивининг Санкт-Петербург бўлимида ҳозиргача сақланади. Эслатилган мажлисда, шунингдек, Г. Я. Кер ҳам маъруза қилган, у ҳақда мажлис баённомаси шуларни маълум қилади: “Жаноб Кер форс тилидан лотин тилига ўзи таржима қилган “Улугбек жадваллари” нинг сўзбошиси ҳақида маълумот берди. Академияда ўз таржимаси ҳақида маъруза қилгандан кейин Г.Я. Кер ишни ўзи билан олиб кетди”. Собиқ СССР Фанлар академиясида сақланадиган Делилнинг архивидан Г.Я. Кер бажарган таржиманинг нусхасини топиб бўлмади. Париж обсерваторияси кутубхонасининг архивида 1895 йилда Г. Бигурдан томонидан тузилган қўлёзмаларнинг рўйхати топилиб, унда “В5. 17” шифри остида “Улугбек астрономик жадваллари: форс тилида ва таржимаси (лотин тилида) билан” деган ном билан қўлёзма учрайди. Бундан хабар топган ленинградлик шарқшунос олимлар бу Г.Я. Керга тегишли қўлёзма бўлиб, у Париж обсерваториясининг архивига Ж.Н.Делиль томонидан топширилган бўлса керак деб тахмин қилишди. Дарвоқе, шундай бўлиб чиқди. 1975 йилда ленинградлик шарқшунос олимларнинг илтимосига кўра, мазкур қўлёзманинг микрофильми Эдинбург университетининг профессори Э.Г.Форбс томонидан Ж.Делилнинг Париждаги эслатилган кутубхона архивидан олиниб, ленинградлик олимларга юборилди. Унда Кернинг кириш сўзи билан бирга “Улугбек зиж” нинг кўчирилган форсча нусхаси ва тўла бўлмаган лотин ҳамда француз тилидаги таржимаси қайд қилинган эди. “Улугбек зиж”нинг форсча нусхаси, Вахтанг VI га тегишли Грузия Фанлар академияси қўлёзмалар институтида 621-сон билан сақланаётган “Улугбек зиж” нинг форсча нусхаси билан солиштирилганда, Кер “Зиж”нинг айнан шу нусхасидан кўчирганлиги ва сўнгра ундан таржима қилганлиги аниқланди. “Улугбек зиж” собиқ Иттифоқ халқларидан бирортасининг ҳам тилида ҳали чоп этилмаганини эътиборга олиб, ленинградлик шарқшунос олим Н.И.Невская 1979 йилда “Русский перевод предисловия к Зиджу Улугбека” номи билан уни рус тилида чоп эттирди (“Развитие методов Астрономических исследований”, вып. 8, М-Л., 1979, стр. 100).

Улугбек мактабининг мероси билан шуғулланиб, уни таржима қилган бошқа бир мутахассис, француз шарқшунос олими Л.А.Седийодир. Седийо томонидан “Улугбекнинг астрономик жадваллари” француз тилида 1839 йилда нашр қилинди.

Ниҳоят, Самарқанд расадхонаси юлдузларининг жадвали Э.Нобл томонидан атрофлича ўрганилди. Олимнинг маълум қилишича, мазкур жадвалда астрономик узунламаси аниқланган юлдузлар 900 га яқин бўлиб, шулардан астрономик кенгламаси аниқлангани 878 та эди, қолган юлдузларнинг координаталари Рай (Эрон) да туғилиб ўсган машҳур Абдурахмон ибн Умар ас-Сўфийнинг (X – XI асрлар) юлдузлар жадвалида келтирилган юлдузларнинг узунламаларига тузатиш ёрдамида аниқланган. “Улугбек зиж” да юлдузларнинг координаталари, эслатилганидек, ҳижрий йил ҳисоби бўйича 841 йилнинг бошига нисбатан (юлдузларнинг ўртача координаталари аниқланган йилнинг боши мазкур юлдузлар жадвали учун тенгкунлик деб юритилади) аниқланган бўлиб, милодий йил ҳисобида 1437 йилнинг ўрталарига тўғри келади.

Улугбек ва унинг “Зиж”ига алоқадор бошқа бир тарихий манба машҳур поляк астрономи Ян Гевелийнинг (1611–1687) “Юлдузлар осмонининг атласи” дир. Мазкур атлас олимнинг вафотидан уч йил кейин у билан бирга астрономик тадқиқотларни олиб борган унинг хотини Эльжбета (1647–1693) томонидан Польшанинг Гданьск шаҳрида босмадан чиқарилди. Бу асарнинг собиқ Иттифоқда учта нусхаси бўлиб, улардан бири Тошкент обсерваториясининг кутубхонасидан жой олган.

Бу атласда юлдуз туркумларининг хариталаридан ташқари икки варақда берилган аллегорик расмларда ўрта асрнинг машҳур астрономлари қаторида Улугбекнинг ҳам тасвири келтирилган. Улардан бирида Улугбек осмон худоси Урания раислик қилаётган мажлисда давра столи атрофида Ураниянинг “ўнг қўли” бўлиб ўтирибди. Шунингдек, бу давранан тарихда юлдузлар жадвалини тузиш билан шуғулланган ва астрономиянинг бошқа соҳаларидаги хизматлари билан тарихда чуқур из қолдирган олимлар – машҳур александриялик астроном Птолемей (II-аср), Италиялик Жан Батист Риччиоли (XVII аср), даниялик аст-

роном Тихо Браге (XVI аср), поляк астрономи Ян Гевелий (XVII аср), Вильгельм IV (XVI аср)лар жой олган эди. Иккинчи Гравюрада Ураниянинг атрофини ўраб турган 10 та машҳур астрономлар ҳузурига Ян Гевелий ўзининг юлдузлар жадвалини тақдим этиш учун ташриф буюрган ҳолати тасвирланган. Булар: Тимохарис (эрамиздан олдин III аср), Александрия мактабининг машҳур астрономи, Гиппарх (эрамиздан олдин II аср), биринчи бўлиб юлдузлар жадвалини тузган юнон астрономи Птолемей (II аср), машҳур араб астрономи Ал-Баттоний (IX–Xаср), Нюрнбергда расадхона қуриб, Нюрнберг астрономия мактабига асос солган таниқли астроном Вальтер (XV аср), Вена университетининг профессори, шоғирди Вальтер билан Нюрнбергда обсерватория қуриб, уни замонавий астрономик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб, махсус юлдузлар жадвалини тузган Региомонтан (XV аср), буюк поляк астрономи, гелиоцентрик системанинг асосчиси Коперник (XV–XVI аср), машҳур даниялик астроном Тихо Браге (XVI аср), Улугбек (XV аср), Европада биринчи юлдузлар каталогини тузганлардан Вильгелм IV (XVI аср)лар эди.

Ян Гевелийдан сўнг Улугбек жадвали Европа ва Америкада бир неча марта бостирилди. Жумладан, машҳур Гринвич (Англия) расадхонасининг қирол астрономи Д.Флемстид (1646–1719) ҳам ўзининг “Осмон тарихи” асарига қўшиб мазкур Улугбек жадвалини Птолемей, Тихо Браге, Вильгельм IV ва Гевелий каталоглари билан бирга 1725 йилда нашр эттирди. Бу асар собиқ Иттифоқ Фанлар ака-

демиясининг кутубхонасида ҳозиргача авайлаб сақлаб келинмоқда.

Илми нуҷум борасидаги дунё олимларининг сардори, ватанимизнинг фахру ифтихори бўлган буюк аллома Мирзо Улугбекнинг меросини ўрганиш, асарларини тадқиқ этиш ҳали ҳамон давом этмоқда.

Зеро, оламни ўрганиш, унинг сирасорларидан воқиф бўлиш, инсоннинг Ер юзига келишдан мақсадини аниқлаб беришдек муҳим бу илм одамзод мавжуд экан абадул-абад давом этаверади. У инсонни чексиз Коинотнинг бир зарраси ва миллиардлаб йиллар давом этган унинг эволюциясининг маҳсули эканлигини, шунингдек, у яшаган умр Коинотнинг ёши олдида атиги бир дақиқа эканлигини, ҳар бир инсоннинг “бир зумлик” ҳаётга келиши мўъжизавий бир ҳоллигини англаиб туради ва бу “бир зумлик” умрни бағишлаб, буюк мақсадларга бағишлаб яшашга даъват этиб туради.

Бу эса, ўз навбатида, инсонни ўз ҳаётини, бошқалар тақдири ва шахсини қадрлашга, табиатнинг нодир инъоми — ҳаётга енгил-елпи қарамасликка, буюк эзгу мақсадларни кўзлаб иш тутишга, ўз ижобий фаолияти билан унинг мазмунини бойитишга, сермазмун қилишга ундайди.

Кишиларда ана шундай умуминсоний қадриятларни яратадиган дунёқарашни шакллантиришда ўзининг улкан ҳиссасини қўшаётган илму-нуҷум бизга ота-боболаримиздан мерос фан ҳисобланади. Бу эса, ёшлар олдида бундай дурдона меросни авайлаб-асраш ва уни кўпайтиришдек улуг ишларга бел боғлаб киришиш вазифасини қўяди.

*Мусо МАМАДАЗИМОВ,  
профессор*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

Дейл КАРНЕГИ

# Имконни бой берманг!

*БИРИНЧИ ҚИСМ*

## ТАШВИШ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК

1 б о б

«БУГУНГИ КУН БЎЛМАСИ»ДА ЯШАНГ

**1871** йил баҳорида бир йигит қўлига китобни олди-да, унинг бутун келажакдаги ҳаётига чуқур таъсир қилган йигирма иккита сўзни ўқиди. Бу йигит Монреаль шаҳар касалхонасида тиббиётни ўрганган талаба эди. Унинг ташвишланиши учун сабаблар қўп эди: у битирув имтиҳонлари топшириш борасида ташвишланар, кейин нима қилиши кераклигини ўйлаб ташвишланарди, қаерга бош уриб бориш, ўзининг тиббиёт амалиётидан қандай фойдаланиш, қандай тирикчилик қилиш — ҳаммаси бир дунё ташвиш бўлиб бошида турарди.

Аммо мазкур талаба 1871 йилда ўқиган йигирма иккита сўз унинг жонига оро кирди ва у замонасининг машҳур терапевт врачлари бўлиб етишди. У бутун дунёга машҳур Жон Хопкинс тиббиёт мактабини ташкил этди. Британия империяси шифокорга бериши мумкин бўлган энг олий унвонга сазовор бўлди ва Оксфорддаги тиббиётнинг қироллик профессорига айланди. Англия қиролининг ўзи уни дворянлик унвони билан сарафроз қилди. Унинг ўлимидан кейин у ҳақидаги ҳажми 1466 бетдан иборат икки жилдлик таржимаи ҳол асари ёзилди.

Бу одамнинг исми сэр Уильям Ослер эди. 1871 йил баҳорида у ўқишга мушарраф бўлган сўзлар қуйидагилар бўлиб, уларни Томас Карлейл ёзгани ва улар умрни ташвиш билан ўтказиб, уни исроф

*Русчадан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*

Дейл Брекенриж Карнеги (1888 –1955) – америкалик педагог, ёзувчи. Уша давр руҳшуносларининг илмий ишланмаларини таржима қилиб, амалий татбиқ этиш билан бир қаторда, мулоқотга киришиш назариясини яратишга асос солган. У жанжаллашмай ва яхши муомала қилишнинг ўз йўриқномасини ишлаб чиққан. У самарали мулоқот, нутқлар қилиш малакаларини мустақил тарзда такомиллаштириш бўйича психологик қўлланмаларни ишлаб чиқди. Дейл Карнегининг асосий тамойили – ёмон одам бўлмайди, деган ақидага таянади. Мавжуд нохуш ҳолатлар билан курашиш, қимматли ҳаётни майда-чуйда гаплар билан арзон баҳога “сотмаслик” ғояси муаллиф ҳаётида йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Д.Карнегининг шу руҳдаги бир қатор асарлари дунё жамоатчилиги томонидан ҳамон севиб ўқилмоқда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

104



қилмасдан яшашга ёрдам берганди. Мана ўша сўзлар: “Айни вақтда иложи бўлган ва яққол кўриниб турган ишни қилинг. Бизнинг вази-фамиз шундан иборат, нарёғи номаълум бўлган мавҳум нарсани кўришга беҳуда уринманг”.

Қирқ икки йилдан кейин баҳорнинг илиқ оқшомида, универси-тет шаҳарчасидаги чаманзорда лолалар чўғдай товланиб турганда сэр Уильям Ослер Йэль университети талабалари ҳузурда нутқ қилди. У айтдики, у, тўрт университет профессорини, яъни оммабоп китоб-лар муаллифини “алоҳида хислатли закога эга бўлса керак” деб ҳисоб-лайдилар. Аммо у бундай эмас деб айтди. Унинг сўзларига кўра, дўстла-ри “унинг ақлий қобилияти жуда чекланган” деб билар эканлар. Унда унинг муваффақиятлари сабаби нимада? Профессорнинг айтишича, “бугунги кун бўлмаси” да яшагани шарофати билан эришган. Бунда у нимани назарда тутган? Шу нутқидан бир неча ой олдин сэр Уиль-ям Ослер катта баҳри муҳит кемасида Атлантика баҳри муҳитини кесиб ўтганди. Шу кема дарғаси супачада турганча тугмачани боси-ши ва шу заҳоти механизмлар шовқини қулоққа чалиниши, кема-нинг турли қисмлари бир-биридан ажралиб, сувўтмас бўлмаларга тар-қалиб кетиши мумкин эди.

“Ҳар бирингиз, — деган эди доктор Ослер талабаларга, — ўз ҳолин-гизча бу улкан кемадан кўра янада мукамалроқ механизмсиз ва саёҳатингиз янада узоқроқ бўлади. “Бугунги кун бўлмасида яшаш” учун сизни мана шу механизмни ана шундай бошқаришни ўргани-шингизга астойдил даъват этаман. Дарға супачасидаги ўз ўрнингизни эгалланг ва ҳеч бўлмаса, асосий қисмлар жойида эканлигини текши-риб кўринг. Ҳаёт йўлингизнинг ҳар бир босқичида тугмачани босинг ва темир эшиклар ўтмишингизни, ҳаётсиз яшаган барча кунларин-гизни сиздан ажратиб қўяётганини эшитинг. Яна бир тугмачани бо-синг ва маъдан парда ҳали дунёга келмаган келажакнингизни яшириб қўяди. Шунда бугунги кунингизга ҳеч нарса таҳдид солмайди! Ўлик ўтмиш кунлар ўз мурдаларини дафн этсин... нодонларга қабр йўлини ёритган ўтмиш кунлардан ўзингизни панага олинг... Ҳатто энг сер-бардош одамлар ҳам ўтмиш ва келажакнинг оғир юкини елкасида кўтариб юра олмайди. Келажакни мана шундай ўтиб бўлмас тўсиқ билан ажратиб қўйинг. Келажак — бу сизнинг бугунингиз. Эртага йўқ нарса. Инсон ўзини ҳозир қутқаради. Келажак борасида ташвиш-ланган одам ўз қуввати, руҳий изтироблари ва безовталигини беҳуда зое этишга маҳкумдир... Ушанда барча кема бўлмаларини ҳаво ўтказ-майдиган қилиб ёпинг, ҳа, ёпинг ва ўзингизда бугунги кун бўлма-сида яшаш одатини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинг”.

Наҳотки, доктор Ослер келажакка тайёрланиш учун саёй-ҳаракат қилиш керак эмас, демоқчи бўлса? Йўқ, зинҳор ундай эмас. Аммо ўз нутқида эртанги кунга тайёргарлик кўришнинг энг яхши йўли бор, ақлу заковатингиз, бор иштиёқингиз билан бугун зиммангизда тур-ган ишни астойдил адо этишдан иборатлигини таъкидлаган эди.

Сэр Уильям Ослер талабаларни кунни Худога: “Ризқ-рўзимизни ўзинг улуғ қилгин” деган дуо билан бошлашга чақирар эди. Шуни унутмангки, дуода гап фақат бугунги ризқ-рўз ҳақида кетмоқда. У ерда кечаги қотган нондан шикоят қилиш йўқ, зеро, у ерда “Э, Худо, бу йил ёз иссиқ келди, буғдой илдизигача қуриб кетди. Келаси йил ҳам шундай қурғоқчилик бўлса, унда нима қиламиз? Келаси ҳосилга донни қаердан оламиз? Ёки, фараз қилайлик, мен ишимдан айрилдим, эй, Худо. Нон сотиб олиш учун ишни қаердан топаман?” — деган сўзлар йўқ.

Бундай сўзлар дуода йўқ, фақат бугунги кун нони ҳақидаги илтижо бор, зеро, фақат шундай нонни ейиш мумкин.

Кўп йиллар муқаддам бир тиланчи файласуф мамлакат бўйлаб дайдиб юраркан, тошлоқ ва ҳосилсиз ерда одамлар қора терга ботиб, ўзларига ризқ топаётганларини кўради. Бир куни бир тепаликда у халқ олдида нутқ қилади, ҳозирда энг кўп иқтибосни шу нутқдан олишмоқда. Бу нутқда кўп асрли ҳикмат мужассамланган бир ибора мавжуд: “Шундай қилиб, эртанги кунни ўйламанг, зеро, эртанги кун ташвишини эртанги кун тортади; ҳар куннинг ташвиши ўзига етарли”.

Кўплар бу сўзлардаги ҳикматни тан олмай келмоқдалар: “Шундай қилиб, эртанги кунни ўйламанг”. Уни шарқона мутасаввуфлик ҳодисаси деб ҳисоблаб, инсон ўзини баркамоллаштириши учун бу ўғитдаги ҳикматни инкор этадилар. Улар дейдилар: “Мен эртанги кун ҳақида ташвиш чекишим керак. Мен кексаликка пул йиғиб қўйишим керак. Мен касбимни ривожлантириш чорасини кўришим керак”.

Бўлмасам-чи, сиз шундай қилишингиз керак! Гап шундаки, уч юз йилдан ҳам кўпроқ илгари таржима қилинган Исонинг бу сўзлари шоҳ Иаков замонидаги маъносидан кўра бугун бошқача маъно касб этади. Уч юз йил аввал “гам чекмоқ” сўзи “ташвиш тортмоқ” деган маънони англатарди. Инжилнинг ҳозирги замондаги талқини аниқроқ таржимани беради: “Шундай қилиб, эртанги кундан ташвиш тортманг”.

Эртанги кун ҳақида ўйлаш, кунт билан режа тузиш ва тайёргарлик кўриш шартлиги ўз-ўзидан аён. Аммо булар барчасини амалда қилар экансиз, сиз ташвиш чекмаслигингиз керак.

Уруш вақтида саркардалар эртанги кунга режа тузганлар, аммо улар ўзларини ташвишга ботириб қўймаганлар.

“Менда яхши одамлар бор ва улар яхши техника билан таъминланганлар, — деган эди АҚШ ҳарбий-денгиз флоти кўмондони адмирал Кинг, — ва мен аъло даражада тайёрланган операция режасини бердим. Менинг қўлимдан келган бор-йўқ иш — шу. Борди-ю, кема чўктириб юборилса, мен уни денгиз тубидан чиқароламан. Борди-ю, уни чўктириб юборишмоқчи бўлишса, мен бунинг олдини олишдан ожизман. Кеча бўлиб ўтган нарсадан ташвиш тортиб ўтиришдан кўра эртанги кун муаммоларини ҳал этиш устида ишлар эканман, мен ўз вақтимдан янада самаралироқ фойдалана оламан. Бундан ташқари, агар ўзимни изтиробларга кўмиб юборсам, узоққа бормайман”. Уруш вақтида ҳам, тинчлик вақтида ҳам тафаккурнинг тўғри ва нотўғри усуллари ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборатдир: тўғри фикрлаш воқеалар сабаби ва натижалари билан боғлиқ, у мантиқий ва амалий режалаштиришга олиб келади, нотўғри фикрлаш эса кўпинча асабий зўриқиш ва узилиш келтириб чиқаради.

Яқинда мен жаҳондаги энг машҳур “Нью-Йорк Таймс” газетаси ношири Артур Хейс Зальцбергер билан суҳбатлашиш шарафига мурасар бўлдим. Мистер Зальцбергер менга Европада биринчи жаҳон уруши бошланганда, у азбаройи ҳаяжонланганидан келажак ҳақида ташвиш тортганини, қарийб ухлай олмаганини сўзлаб берди. У дамбадам ярим тунда каравотдан сакраб туриб кетар, бўз ва бўёқларни қўлга олар, кўзгуга қарар ва ўзини тасвирлашга ҳаракат қилар экан. У мутлақо расм чиза олмасди, аммо шундай бўлса ҳам безовталиқдан қутулиш учун расм чизар экан. Мистер Зальцбергернинг менга айтишига қараганда, у ташвишини енга олмаган, “бир одам учун

мукофот” деган черков мадҳиясидаги сўзларни ҳам ўзи учун шиор сифатида қабул қилиб олмагунча руҳи ором топмаган экан.

Тахминан шу вақтларда ҳарбий либосдаги бир йигит Европанинг аллақасерида муаммога тўқнаш келади. Унинг исми Тэд Бенгермино эди. У Мериленд штати, 5716 Нью-Холи роуд, Балтимор шаҳрида яшарди. Унинг муаммоси шунда эдики, уруш вақтидаги кечинмалар ва руҳий изтироблар унинг руҳий соғлиғига путур етказди ва унда ҳарбий ҳаракатлар асабийлиги деган касаллик кучли даражада намоён бўлади.

“1945 йилнинг апрелида, — деб ёзади Тэд Бенгермино, — шу қадар асабийлаша бошладимки, шифокорлар кучли оғриқ берувчи “кўнда-ланг йўғон ичак санчиги” деб аталадиган хасталикка гирифтор бўлдим. Агар уруш тугамаганда, соғлиғим бутунлай ишдан чиқиши ҳеч гап эмасди.

Мен бутунлай ҳолдан тойгандим. Сафдан ташқари, хизмат зобити сифатида 94-пиёда дивизиясининг қабр ва дафнларни ҳисобга олиш билан шуғулланувчи бўлинмада хизмат қилардим. Менинг вазифамга жанг ҳаракатлари вақтида ўлдирилган, бедарак кетган ёки госпиталга ётқизилган барча ҳарбий хизматчиларни ҳисобга олиш кирар эди. Бундан ташқари, бизнинг бўлинмамиз жанг ҳаракатлари давомида шошилиш кўмилган ўзимизнинг ҳамда душман томоннинг аскарларини эксгумация қилиш билан шуғулланарди. Мен ўлганларнинг шахсий буюмларини тўплаш, бу буюмлар ким учун катта аҳамият касб этса, ўша қариндошлари ёки ота-оналарига қайтаришни назорат қилиш билан шуғулланардим. Биз муттасил янглишиб кетишдан ва манзилни “адаштириб” қўйишдан хавотирланардик. Мен буларнинг барчасига бардош бера оламанми, йўқми, шундан кўпроқ ташвишланар эдим. Ўн олти ойлик бўлган ўғилчамни кўриш насиб этадими, йўқми, шундан жоним ҳалакда эди, мен ўғлимни ҳали бирон марта кўрмагандим.

Ташвишларим шунга олиб келдики, 34 фунт вазнимни йўқотдим. Мен руҳий инқироз ёқасига келиб қолгандим. Кўлларимга қарайман: қоқ суяк. Уйга қуруқ жасадимни олиб борарканман-да, деган ўй даҳшатга соларди ва ёш боладай йиғлаб юборардим. Бир ўзим қолдим дегунча йиғлардим. Ардендаги жангдан сўнг мен яна шундай тез-тез йиғлаб юрган вақтимда тинч ҳаётга қайтишдан бутунлай умидимни узган эдим.

Ҳаммаси ҳарбий госпиталдаги каравот билан ниҳоясига етди. Ҳарбий шифокор менга берган бир маслаҳат ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Мени обдон тиббий кўриқдан ўтказишди, шундан кейин у менга касаллик сабаби онгда эканини айтди.

— Тэд, — деди у, — ҳаётингга қарагин-да, уни қум соат деб фараз қил. Юқори қисмида минглаб қумлар туради. Тор бўғиздан улар аста ва бир маромда пастга тушиб туради. Бўғиздан фақат битта қум ўтади. Акс ҳолда соат бузилиши мумкин. Сиз ҳам, мен ҳам ва бошқалар ҳам шу соатга ўхшаймиз. Эрталаб уйғонганимизда олдимизда қиладиган мингта ишимиз бўлади, аммо агар биз уларнинг бирини изчил адо этиб бормасак, бўғиздан ўтаётган қумлар сингари ишларимизни кунимиз орқали секин-аста ва бир маромда ўтказиб турмасак, биз жисмоний ва руҳий қудратимизни барбод этамиз”.

Ҳарбий шифокор билан бўлган ўша машҳур суҳбатдан кейин мен шу фалсафага амал қилиб келаяпман. Бир қум зарраси ортидан бошқаси тушади. Бир ишнинг ортидан бошқаси пайдо бўлади. Мана шу маслаҳат мени урушда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан сақлаб

қолди. Энди урушдан кейин ҳам у менга “Эдкрафтерз Принтинг энд Офсет” компаниясида жамоатчилик билан муносабат ва реклама бўйича директорлик ишимда ёрдам бермоқда. Бизнесда мен уруш вақтида ҳам юзага келадиган муаммолар билан тўқнаш келдим. Бир вақтнинг ўзида ўнлаб ишни қилишингга тўғри келарди, бунинг устига бари учун озгинадан вақт бериларди. Биржада акцияларимиз котировкаси тушиб кетмоқда эди. Биз ўз фаолиятимизни бошқатдан тартибга солиб, янги акциялар чиқарар эдик, бошқа жойга кўчиб ўтардик. Ваколатхоналаримизнинг бирини очиб, бирини ёпардик ва ҳоказо. Бироқ ташвишга тушиш ва асабийлашиш ўрнига мен ҳарбий шифокорнинг сўзларини эслардим: “Бир кум зарраси ортидан бошқаси тушади. Бир ишнинг ортидан бошқаси пайдо бўлади”. Шу тамойилга риоя қилиб, мен ўз вазифамни уруш вақтида бор-йўғимни қарийб барбод этган зўриқишу салбий ҳиссиётларсиз ғоят оқилона тарзда адо этмоқдаман”.

Кишини ҳаммадан хафа қиладиган нарса шуки, бугунги кунда кўпгина касалхоналарнинг ярмидан кўпини руҳий ва асаб касалликларидан жабр кўрувчи, кечаги кунларини барбод этувчи юки ва келажак олдидаги кўрқувга бардош беролмайдиган касаллар билан банд. Борди-ю, Исо Масиҳнинг: “Эртанги кун ғамини еманг” сўзларига ёки сэр Уильям Ослернинг “Бугунги кун бўлмасида яшанг”, деган маслаҳатига риоя қилганларида, бу одамлар бугунги кунда бахтли ва мазмунли ҳаёт кечирган бўлармидилар. Сиз ҳам, биз ҳам ҳаётимизнинг ҳар бир сониясида икки абадиёт: улкан, абадий мавжуд ўтмиш ва ниҳоясиз олдинга интилувчи келажак ўртасида турамиз. Биз, албатта, бир вақтнинг ўзида унисида ҳам, бунисида ҳам яшай олмаймиз, ҳатто сониянинг бир улушича ҳам у ерда, ҳам бу ерда бўла олмаймиз. Боз устига, бундай қилишга уриниб, вужудимиз ва онгимизни барбод этамиз. Шу боис, келинг, биз фақат яшай оладиган вақтдаги ҳаёт билан қаноатланиб кўя қолайлик: бу “ҳозир”дан тортиб то ухлагунимизгача бўлган вақтдир.

“Қуёш ботгунга қадар ҳар бир одам ўз юкини кўтариб бора олади, — деб ёзганди Роберт Луис Стивенсон. — Бир кун мобайнида ҳар бир одам ҳар қандай мураккаб ишни бажаришга қодир. Қуёш ботгунга қадар ҳар бир одам қувноқ, сабр-тоқатли, севувчан, пок бўла олади. Булар барчаси эса “ҳаёт” сўзи англатган нарсаларнинг ўзидир”.

Ҳа, ҳаётда биздан талаб этиладиган нарсалар мана шулардир. Дарвоқе, Мичиган штати, Сантино шаҳри Курт-стрит, 815 да истиқомат қилувчи мисс Э.К.Шилд “кун ботгунга яшаш” тамойили бўйича яшашни ўрганишдан олдин ўз жонига қасд қилиш ҳолатигача келтириб қўйилган ҳаётдан умидини узиб кўя қолган эди.

“1937 йилда эримни йўқотдим, — деб ҳикоя қилади мисс Шилд. — Мен эзилиб, адои тамом бўлган эдим. Илгари ишлаган “Роуч Фаулер” фирмаси эгаси мистер Леон Роучга хат ёздим ва мени қайта ишга олишини сўрадим. Илгари қишлоқ ва кичик шаҳарлардаги мактабларга жуғрофия хариталари сотиб кун кўрар эдим. Икки йил аввал эрим ётиб қолганида, машинани сотдим, бироқ кредитга тутилган машина сотиб олиш учун пул орттиришга ва яна китоб сотиш билан шуғулланишга муваффақ бўлдим. Тинимсиз юришлар билан боғлиқ иш мени чалғитар, асабий зўриқишларимни қайтарар деб ўйладим. Бироқ машинада юриш ва ёлғиз овқатланишлар турган-битгани чидаб бўлмас синовлар экан. Бундан ташқари, гарчи у қадар катта бўлмаса-да, машина бадалини тўлаб бориш учун етарли пул ишлаёлмас-дим.

1938 йил баҳорида Миссури штати Версаль туманида ишлардим. У ердаги мактаблар гариб, йўллари ёмон эди. Мен ўзимни шу қадар ёлғиз ва бечораҳол ҳис этар эдимки, бир куни ҳатто ўзимни ўлдираман, деб ўйладим. Бундан кейин яхши бўлишига умид йўқ. Пул дегани анқонинг уруғи бўлиб кетган. Эрталаб қўрқув билан уйқудан кўз очаман. Мен яшашдан қўрқардим. Машина бадалини, турган жойим ҳақини тўлаёлмайман, озиқ-овқат ололмайман деб қўрқардим. Шифокорга боргани пулим йўқлигидан оғриб қолишдан қўрқардим. Мени жонимга қасд қилишдан тўхтатиб қолган нарса — агар ўлсам, синглим мени қайси пулига кўмади, деган ўй бўлди.

Аммо бир кун қандайдир мақолани ўқиб қолдим-у, мени у тушкунлик гирдобидан олиб чиқди ва бундан кейин яшашда давом этгани жасорат бахш этди. Мени ларзага солган ва руҳлантирган фикрни айтгани учун муаллифдан умрбод миннатдорман. У бундай деганди: “Доно учун ҳар бир кун янги ҳаётдир”. Мен бу ҳикматли сўзни машинкаладим-да, юрган вақтимда ҳар доим кўриниб турадиган жойга ёпиштириб қўйдим. Фақат бир кун билан яшаш унчалик қийин эмаслигини билдим. Мен ўтмиш кунлар ҳақида эслашни ташладим ва эртанги кунни ўйламай қўйдим. Ҳар куни эрталаб ўзимга дердим: “Бугун янги ҳаёт бошланапти”.

Ёлғизликдан қўрқувни ва камбағаллик олдидаги қўрқувни муваффақият ила бартараф этдим. Ҳозир бахтиёрман ва ишларим унчалик ёмон кетмаяпти. Юрагим иштиёқ ва ҳаёт севгисига лиммо-лим. Энди, келажакда мени нима кутиб туришидан қатъи назар, ҳеч қачон қўрқмайман. Келажакдан қўрқиш керакмаслигини биламан. Энди фақат бир кунлик ташвишим билан яшай олишимни биламан, чунки “донолар учун ҳар бир кун — янги ҳаётдир”.

Шундай қилиб, энг асосий нарса шундан иборатки, агар ҳаётингизда ташвишдан холи бўлишингизни истасангиз, сэр Уильям Ослер қилган ишни қилинг.

Ўзингизни ўтмиш ва келажакнинг темир деворлари билан тўсинг. Бугунги кун бўлмасида яшанг.

Олдингизга бир қанча саволларни кўндаланг қўйишга ҳаракат қилинг ва уларга ёзма жавоб қайтаринг:

1. Келажак борасида ташвишланиш ва “уфқдан нарёқда боғлари чаппор уриб гуллаган қандайдир мамлакатни излаб топиш учун бугунги кунни унутиш” хаёли менда борми?

2. Ўтмишда содир бўлган, ўтиб кетган ва тугалланиб бўлганлардан афсусланиш билан ўзимнинг ҳозиримни ёмонлаштираяпманми?

3. “Ўз имкониятимни бой бермайман” ва олдиндаги йигирма тўрт соат ҳақини оламан деган қатъий ният билан ҳар тонг ўрнимдан тураманми?

4. “Бугунги кун бўлмасида” қандай қилиб ҳаётдан кўпроқ нарса оламан?

5. Булар ҳаммасини қачондан бошлашим керак? Келаси ҳафтами, эртагами, бугунми?

## П б о б

### ТАШВИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН СЕҲРЛИ ҚОИДА ХУСУСИДА

Ташвиш билан боғлиқ вазиятларни ҳал этиш учун тез ва ишончли йўриқни билишни истайсизми? Ушбу китобни ўқимасдан туриб, сиз ҳозирнинг ўзида қўллашингиз мумкин бўлган услубга муҳтожмисиз?

Унда Нью-Йорк штати, Сиракуза шаҳридаги дунёга машҳур “Керриер” корпорациясига раҳбарлик қилаётган, кондиционерлар ишлаб чиқаришга асос солган, ажойиб истеъдод соҳиби Уиллис Х.Керриер услуби ҳақида ҳикоя қилиб беришга изн бергайсиз. Ташвиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишдаги унинг технологияси мен илгари эшитганларим ичида энг яхшиларидан биридир. Нью-Йоркдаги муҳандислар клубида бўлиб ўтган зиёфатда у ҳақда унинг ўзи менга ҳикоя қилиб берганди.

“Йигитлик чоғимда Нью-Йорк штати, Буффало шаҳридаги “Буффало Форж” компаниясида ишлар эдим. Менга Миссури штати, Кристал-Сити шаҳридаги “питтсбург Плейг Гласс” компанияси заводида газ тозалаш тизимини ўрнатиш топширилганди. Бу завод бир неча миллион доллар турарди. Газ тозалашнинг биз таклиф этган услуби янги ва фақат бир марта, шунда ҳам мутлақо бошқа шароитларда синаб кўрилган эди. Кристал-Ситида ишлаб турган вақтимда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийинчиликлар келиб чиқди. Умуман, жиҳоз яхши ишлаб турган эди, аммо тайёрловчи заводнинг “кафолат мажбуриятларига мувофиқ бўлиш учун етарли эмасди”.

Ишим чаппасига кетганидан ҳангу манг эдим. Ўзимни худди бошимдан қаттиқ зарб егандай ҳис қилардим. Қорним, бутун ичим чидаб бўлмас даражада оғрир эди. Безовталик анча вақтгача менга уйқу бермади.

Ниҳоят, безовталикнинг охири хайрли бўлмаслигини эслатувчи оқилона насиҳатга риоя қилдим. Шунда ташвиш тортмасдан муаммони ечишга имкон берувчи услубни ишлаб чиқдим. Безовталик билан курашишнинг бу услубини мен ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери қўллаб келаман. У жуда оддий. Ундан ҳар ким фойдаланса бўлади. У уч босқичдан иборат:

1. Барча бўлиб ўтган ишларни кўрқмасдан баҳолаб, вазиятни ҳаққоний тарзда таҳлил қилиб чиқдим ва агар вазият мен учун энг ёмон тарзда ривожланадиган бўлса, яна содир бўлиши мумкин деб тахмин қилдим. Мени қамоққа тикмайдилар ва отмайдилар. Бу мутлақо аниқ эди. Шунингдек, биз жиҳозни қайта созлашимиз кераклиги ва бунга қўйилган йигирма минг долларни йўқотишимиз эҳтимоллиги ҳам мавжуд эди.

2. Муваффақиятсизлик оқибатларининг салбий имкониятларини аниқлагандан кейин мен бунга тан бердим. Бу муваффақиятсизлик менинг обрўйимга зарар етказди ва эҳтимол, ишимни йўқотишимга олиб келар. Агар шу ҳол рўй берса, мен ҳар доим бошқа жой топаман. Мен ишлаган фирма учун вазият анча хунук бўлиши мумкин. Албатта, биз газ тозалагичнинг янги услуби бўйича тажриба ўтказаётганимизни тушунишади ва агар бу тажриба уларга йигирма минг долларга тушса, бунга чидайдилар. Зарарни улар тадқиқот фаолиятига уриб юборадилар. Оқибатнинг энг ёмон эҳтимолликларини аниқлаб, уларга иқрор бўлгандан кейин, ҳаддан ташқари муҳим нарса содир бўлди: мен дарҳол тинчландим ва бу барча кунлари ҳис қилмаган хотиржамликни сездим.

3. Шу вақтдан бошлаб мен ўз ғайратимни воқеаларнинг энг ёмон ривожланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишга йўналтирдим. Энди мен йўл ва воситалар қидиришга тушиб кетдим, токи булар ёрдамида 20 минг долларлик тахминий зараримизни камайтириш имконига эга бўлайлик. Мен бир қанча вақт синов ўтказдим ва аниқладимки, агар биз қўшимча жиҳозга яна беш минг доллар сарфласак, олдимизда турган муаммони ҳал этар эканмиз. Биз шундай қилдик ва 20 минг доллар зарар ўрнига 15 минг доллар фойда олдик.

Агар ташвишланиб юраверган бўлганимда, мен ҳеч қачон бундай натижага эришмаган бўлар эдим, чунки ташвиш келтириш мумкин бўлган энг ёмон нарса — бу фикрни бир жойга жамлашга қобилиятсизликдир. Биз ташвишланганимизда, фикрлаш қобилиятини йўқотамиз. Бироқ, борди-ю, биз ўзимизни хаёлан воқеалар ривожини кўзда тутган сирларидан энг ёмони билан тўқнашишга мажбур бўлсак, биз хира туйғулардан халос бўламиз ва диққатимизни муаммони ечишга қаратиш ҳолатида бўламиз.

Мен ҳикоя қилган воқеа кўп йиллар илгари бўлганди. Усулим шу қадар яхши иш бердики, шундай буён мен уни бошқа ҳолатларда ҳам қўллаб келаяпман”.

Ҳўш, психология нуқтаи назаридан Уиллис Х.Карриернинг бу сеҳрли қоидаси нечук бу қадар бебаҳо, амалий жиҳатдан бу қадар мақсадга мувофиқ? Гап шундаки, у биз ташвишлар юки олдида кўзимиз ҳеч нарсани кўрмай, ботиб қолган маънос ҳислар ботқоғидан чиқиб олишимизга ёрдам беради. Биз қаддимизни адл тутиш имкониятига эга бўламиз. Биз қандай аҳволга тушиб қолганимизни аниқ тушунамиз. Борди-ю, бундай тушунча бўлмаганида, унда, умуман, бизнинг бирон нарсага ақлимиз етар эдими?

Борди-ю, Уиллис Х.Карриер катта муаммолар билан тўқнашган деб ўйласангиз, демак, сиз ҳақиқий катта муаммолар қанақа бўлишини билмас экансиз. Массачусетс штати, Винчестер шаҳридан Эрл П. Хейни воқеасини олайлик. Биз у билан 1948 йил 17 ноябрда Бостондаги “Статлер” отелида учрашган эдик. “Анча илгари, йигирманчи йилларда, — деб ҳикоя қилганди у, — муттасил ташвишланиш оқибатида ошқозон яраси ортириб олгандим. Бир кун тунда қоп-қора қон қуса бошладим ва мени зудлик билан Чикаго университети қошидаги касалхонага ётқизишди. Озиб, чўп бўлиб кетдим ва қирқ кило ҳам келмайдиган болакайга айланиб қолдим. Ҳолбуки, олдин нақд етмиш кило тош босар эдим. Бетоблигим шу даражага бордики, қўлимни кўтаролмасдим. Ораларида ошқозон яраси касалликлари бўйича ғоят таниқли бир мутахассис бўлган шифокор келиб, мени тузалмайдиган хилига гирифтор бўлган деган хулосага келди. Мен ишқорли дорилар ва ҳар ярим соатда бир ош қошиқдан қаймоқли сут ичар эдим ва шунинг шарофатидан ўлмай тургандим. Ҳамшира эрталаб ва кечқурун резина найча орқали ошқозонимдаги нарсани сўриб чиқариб ташларди.

Шу зайл кўп ойлари ўтди... Охири ўзимга дедим: “Менга қара, Эрл Хейни, модомики, олдинда муқаррар ўлимдан бошқа ҳеч нима йўқ экан, қолган ҳаётингдан имконинг борича ҳақингни олиб қолсанг-чи. Сен ҳар доим дунё бўйлаб саёҳат қилишни хоҳлардинг ва борди-ю, умуман, шундай саёҳат қилиш ниятинг бор экан, ҳозир айни пайти”.

Докторимга жаҳон бўйлаб саёҳат қилмоқчи эканимни ва резина найчани ўзим эплашимни айтганимда, ҳаммалари анқайиб қолишди. Бу сира мумкин эмас! Улар бунақасини ҳеч эшитишмаган эди. Агар жаҳон бўйлаб саёҳатга чиқадиган бўлсам, мени очиқ денгизга дафн этишларини огоҳлантиришди. “Йўқ, дафн этмайдилар, — деб жавоб бердим мен, — қариндош-уруғларимдан мени Небраска штатининг Брокси Боу шаҳрида жойлашган қабристондаги бизга тааллуқли хилхонага қўйишлари ваъдасини олганман. Шу боис сафаримга, ҳар эҳтимолга қарши, тобут ҳам олиб кетаяпман”.

Тобут сотиб олдим, уни кемага юкладим ва кема компанияси билан ўлиб қолган тақдиримда тобутимни музхонага солиб қўйишларини ва шу ҳолатда уни уйга қайтариб юборишларини келишиб олдим.

Лос-Анжелесда шарқий йўналишда сузиб кетган “Президент Адамс” кемасига кўтарилишим ҳаманоқ мен ўзимни бардам ҳис қила бошладим. Аста-секин ишқорли кукун ичиш ва найчадан фойдаланишни ташладим. Кўп ўтмай мени ҳатто кафолатли тарзда тугатиб қўя қолиши мумкин бўлган тансиқ таомларни ҳам тановул қила бошладим. Вақт ўтиши баробарида мен ҳатто узун сигаралар чекиб ва унча-мунча аччиқ лимонаддан ича бошладим. Ана буни лаззат деса бўлади. Биз очиқ денгизда бўронга дуч келдик, тайфунлар билан олишдик, аслида улар мени тайёр тобутга тикиб қўя қолишлари керак эди. Аммо бу барча саргузаштлар менга катта қувонч бағишламоқда эди. Мен ҳеч нимадан кўрқмай кўйгандим.

Кемада мен қарта ўйнар, кўшиқ айтар, дўстлар орттирар ва гоҳ тонг отгунча ўтириб, улар билан хушчақчақлик қилар эдим. Биз Хитой ва Ҳиндистонга етиб келганимизда, мен чеккан ташвиш ва гамлар бу мамлакатларда ҳукм сурган қашшоқлик ва очликка нисбатан боғи эрамдаги ҳаловат эканини англадим. Мен бемаъни ташвишларимни бир четга суриб қўйдим-да, ўзимни жуда яхши ҳис эта бошладим. Америкага қайтиб келганимда, ўттиз килога семирган эдим ва ошқозон ярасини деярли унутган эдим. Умримда ўзимни ҳеч қачон бунақа яхши ҳис қилмагандим. Мен ишимга қайтдим ва шундан буён бошқа ҳеч қачон ҳеч нима билан оғримадим”.

Эрл Хейни менга ташвиш билан курашишим учун Уиллис Х. Керриер қўллаган усулдан билмай туриб фойдаланганини айтди.

“Биринчидан, – деб сўрадим ўзимдан, – воқеалар ривожининг энг ёмон варианты қайси?” Жавоб битта эди – ўлим.

Иккинчидан, мен ўзимни шундай қилишга чоғлаган эдим. Шундай қилишим керак эди. Мен учун бошқа йўл йўқ эди, зеро, шифокорлар умид йўқлигини айтишганди.

Учинчидан, мен юзага келган аҳволни яхшилашга уришиб кўрган эдим. Шу боис қолган вақтимдан иложи борича кўпроқ лаззат олишга аҳд қилган эдим”. Борди-ю, жаҳон бўйлаб саёҳатга йўл олиб ҳам ташвишланишда давом этганимда эди, албатта, уни тобутда ниҳоясига етказган бўлардим. Аммо мен тинчландим ва барча муаммоларимни унутдим. Бу хотиржамлик менга иккинчи ҳаёт бағишлади ва шундай гайрат ато этдики, қайтадан тирилдим”.

Шу боис қуйидаги “2- ҚОИДА”га риоя қилинг.

Борди-ю, Сиз ташвиш билан тўла муаммога дуч келсангиз, Уиллис Х. Керриернинг сеҳрли қоидасини қўлланг:

1. Воқеалар ривожининг энг ёмон вариантыни аниқланг.
2. Агар бошқаси буюрилмаган бўлса, уни қабул қилишга ҳозирлик кўринг.
3. Иш аҳволини яхшилаш учун хотиржамлик билан ҳаракат қилинг.

## Ш Б О Б

### ТАШВИШНИНГ СИЗГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

Ташвиш билан курашишни эплай  
олмаган ишбилармонлар ёш  
ўладилар.

*Доктор Алексис Каррель*

Бирмунча муддат илгари кечқурун уйим эшиги тақиллади. Қўшним чиқибди, у ҳаммамизни қизамиқдан эмлашга астойдил



ундай бошлади. У одамларни шундай чора кўриш зарурлигига ишонтирган, Нью-Йорк шаҳрида уйма-уй юрувчи кўнгиллилардан бири эди.

Кайфи учган одамлар эмлаш жойларида соатлаб навбатда турар эдилар. Эмлаш жойлари барча касалхоналардагина эмас, балки ўт ўчирувчилар депосида, полиция маҳкамаларида ва катта саноат корхоналарида ҳам очилган эди. Икки мингдан кўпроқ шифокор ва ҳамшира аҳолини эмлаб, туну кун ҳормай-толмай ишлар эдилар. Бундай ваҳиманинг сабаби нима эди? Гап шундаки, Нью-Йоркда саккиз нафар одам қизамиқ билан оғриган, шулардан иккитаси ўлган эди. Шаҳарнинг қарийб саккиз миллион аҳолисига икки ўлим.

Мен Нью-Йоркда ўттиз етти йилдан буён истиқомат қиламан ва бирон марта ҳам ҳеч ким эшигимни тақиллатмаган ва “ташвиш” аталмиш руҳий касалликка чалиниш ҳақида огоҳлантирмаган эди. Бу касаллик эса сўнгги ўттиз етти йил мобайнида қизамиққа қараганда ўн минг мартадан кўпроқ зарар етказганди.

Биронта ҳам кўнгилли эшигимга келиб тақиллатмаган ва АҚШ нинг ҳар ўнинчи фуқароси одатда ташвиш ва руҳий изтироблар натижасида юзага келувчи асаб бузилиши қурбони бўлганидан огоҳлантирилмаган эди. Шу боис бу хатардан огоҳлантириш учун ушбу бобни ёзаётирман. Эшигингизни тақиллатган мен бўламан.

Тиббиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори доктор Алексис Каррель шундай деганди: “Ташвиш билан курашишни эпложмаган ишбилармонлар ёш ўладилар”. Бу уй бекаларига ҳам, фахрийларга ҳам, гишт терувчиларга ҳам бирдай тааллуқлидир.

Бир неча йил муқаддам таътилимни автомобилда Техас ва Нью-Мексико бўйлаб саёҳат қилиб ўтказгандим. Мен билан бирга доктор О.Ф.Гобер ҳам бор эди. У Санта Фе шаҳри темир йўл касалхонасида ишлар ва Мексика қўлтиғи, Колоради ва Санта Фе тиббиёт муассасалари ассоциациясининг бош терапевти лавозимини эгаллаганди. Орамизда ташвиш оқибатлари ҳақида қизгин суҳбат кетди ва у деди:

“Шифокор ҳузурига келган беморларнинг етмиш фоизи кўрқувларини енгиб, ташвишдан қутула олсалар, тузалиб кетадиган ҳолатдир. Уларнинг касалликларини ёлғондакам деб ўйлаш керак эмас. Худди тиш оғриғи каби бор касалликлардир ва гоҳо жуда ҳам хатарли ҳамдир. Мен руҳий изтироб натижасида ошқозонда овқат ҳазм бўлмаслигини, ошқозон ярасининг айрим турларини, юрак муаммоларини, уйқусизлик, бош оғриғи ва фалажнинг айрим турларини назарда тутаяпман. Бу касалликлар кўриниб туради ва мен уларни қулоғим билан эшитиб эмас, кўзим билан кўриб биламан, ахир ўзим ўн икки йил ошқозон ярасидан азоб чекканман-да.

Кўрқув ташвишга сабабчи бўлади. Нотинчлик асаб зўриқишига олиб келади, бу эса, ошқозон асаб толаларига таъсир кўрсатади ва аслини олганда, ошқозон шираси таркибини ўзгартиради. Унинг яхши ишлашига халақит беради ва кўпинча ошқозон яраси пайдо бўлишига олиб келади”.

Дарвоқе, сигареталар хусусида. Сигарета ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи дунёдаги энг машҳур компаниялар соҳиби яқинда Канада ўрмонларида қисқа дам олиш вақтида юрак хасталигидан вафот этди. У миллионлаб долларлар жамғарди, ўзи эса олтмиш бир йил умр кўрди. У ўз ҳаётини бизлар “ишдаги муваффақият” деб гапириб ўрганган нарсага сотди.

Менинг нуқтаи назаримда бу сигарета магнати ўзининг барча миллионлари билан Миссури штатидаги фермер, саксон тўққиз ёшида

бир доллар ҳам жамғара олмаган отамнинг улушига тушган муваффақиятнинг ярмига ҳам етолмаганди.

Машҳур ака-ука Мэйолар айтар эдиларки, касалхоналаримиздаги жойларнинг ярмидан кўпроғини асаб касаллигидан жабр кўрувчилар эгаллайдилар. Аммо ўлганларидан кейинги тиббий кўрув вақтида бу одамларнинг асаблари аъло эканлиги маълум бўлган. Бу одамлардаги “асаб касалликлари” асаб тизимининг жисмоний бузилишидан эмас, балки тушкунлик, ташвиш, нотинчлик, кўрқув, ишдаги омадсизлик, ғазаб сингари ҳиссиётлардан келиб чиққан.

Платон айтган эдики, “шифокорларнинг энг катта хатоси шундан иборатки, улар руҳни даволаш чорасини кўрмай туриб, баданни даволашга ҳаракат қиладилар. Аммо жисм ва жон яхлитдир, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди!”

Бу ҳақиқатни англаш учун тиббиётда йигирма уч асрлик вақт ўтди ва эндигина жонни ҳам, жисмни ҳам даволайдиган психоматика деб аталувчи янги йўналиш вужудга келмоқда. Бунинг учун аллақачон вақт етиб келган эди, чунки тиббиёт чечак, вабо, сариқ, безгак ва неча-неча миллионлаб одамларнинг бевақт ўлиб кетишига сабабчи бўлган бундай даҳшатли юқумли касалликлардан фориг бўлишга ёрдам берди. Аммо тиббиёт фани юқумли касалликлар эмас, балки безовталиқ, кўрқув, нафрат, тушкунлик ва қаҳр-ғазаб каби ҳиссиётлар келтириб чиқарувчи руҳий ва жисмоний касалликларни даволай олмади.

Руҳий оламнинг бу бузилишлари қурбони сони ҳайратомуз даражада тезлик билан ортиб бормоқда. Шифокорлар шундай хулосага келдиларки, ҳозирги вақтда яшаётган америкаликларнинг ҳар йигирматасидан биттаси ўз ҳаётининг бир қисмини руҳий касалликларни даволаш билан шуғулланувчи тиббий муассасаларда ўтказмоқдалар. Иккинчи жаҳон уруши вақтида хизматга чақирилган олти йигитдан биттаси руҳий соғлиқ ҳолати бўйича яроқсиз деб эътироф этилган.

Руҳий касалликлар нимани келтириб чиқаради? Бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмайди. Аммо кўп ҳолларда уларнинг юзага келишига имкон берувчи омиллар кўрқув ва нотинчлик эканлиги кўпроқ эҳтимол тугилмоқда. Кучли безовталиқка дучор бўлган одам оғир ҳаётий қийинчиликларга бардош беролмайди, бунинг натижасида воқелик билан ҳар қанақанги муносабатни узади ва ўз орзуларига берилиб, шу йўл билан муаммоларини ҳал этган бўлади.

Ушбу сатрларни ёзар эканман, столим устида Эдвард Подольскийнинг “Ташвишланишни бас қилинг ва соғлом бўлинг” китоби ётарди. Мана шу китобдаги айрим бобларнинг номи:

1. Безовталиқнинг юрак фаолиятига таъсири.
2. Безовталиқ кучли босимни келтириб чиқаради.
3. Безовталиқ боднинг сабабчиси.
4. Ташвиш қанча оз бўлса, ошқозонга шунча яхши.
5. Безовталиқ шамоллашни келтириб чиқаради.
6. Безовталиқ ва қалқонсимон без.
7. Диабет келиб чиқишида безовталиқнинг роли.

Безовталиқ бод ёки бўғинлар боди қимирлашдан маҳрум этиб, сизни ногиронлар аравачасига михлаб қўйиши мумкин. Корнеуль университети тиббиёт факультети доктори ва бўғимлар боди бўйича дунёга таниқли доктор Рассель Л.Сесил бу касалликни келтириб чиқарувчи энг кенг тарқалган тўрт сабабни санаб ўтади:

- омадсиз никоҳ;
- молиявий фалокат ёки мусибат;
- ёлғизлик ва безовталиқ;
- бировга зимдан кек сақлаш.

Албатта, бу тўрт ҳиссий омил билан ушбу касалликнинг юзага келишидаги барча сабаблар барҳам топиб қолмайди. Бўғим бодининг кўплаб турлари ва уни юзага келтирувчи сонсиз сабаблар бор. Аммо юқорида санаб ўтилган омиллар, мен бунга алоҳида эътиборингизни тортаман, турли сабаблар ҳисобланади. Масалан, менинг бир дўстим зўриқиш натижасида гоят оғир моддий аҳволга тушиб қолди, унинг уйида газни ўчириб қўйишди. Банк эса, уни уйга гаров хати сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Кўққисдан хотинининг бўғим боди хуруж қилиб қолди ва дори-дармону парҳезларга қарамай, то дўстимнинг ишлари жойига тушмагунча, касаллик давом этди.

Ташвишдан ҳатто кариес<sup>1</sup> пайдо бўлиши мумкин.

Қалқонсимон без гиперфункциясининг ошқора аломатлари бўлган одамни ҳеч кўрганмисиз?

Мен кўрганман ва айта оламанки, бундай одамлар дағ-дағ титрайдилар, силкинадилар, худди биров ўлгудай кўрқитиб қўйганга ўхшайдилар. Уларда аъзои бадан иши учун жавоб берадиган қалқонсимон без фаолияти бузилган бўлади. Натижада юрак фаолияти тезлашади ва аъзои бадани ўт бўлиб ёнади, бамисоли гуриллаб ёниб турган печкага солиб қўйгандай бўлади. Борди-ю, ўз вақтида зарурий чоралар кўрилмаса, яъни операция амалга оширилмаса, бемор ўзини ўзи еб, ўлиб қолиши мумкин.

Яқинда мен қалқонсимон без фаолияти бузилган бир дўстим билан Филадельфияда бўлган эдим. У ушбу касаллик билан ўттиз саккиз йилдан бери шугулланиб келаётган таниқли мутахассис доктор Израель Брамдан маслаҳатлар олди. Унда қуйидаги маслаҳатлар аниқ-таниқ қилиб ёзиб қўйилганди:

Енгиллашиш ва ҳордиқ.

Соғлом эътиқод, мусиқа ва кулги энг кучли тинчлантирувчи ва енгиллаштирувчи таъсирга эга.

Худога ишонинг, қаттиқ ухлашни ўрганинг.

Яхши мусиқани севинг. Ҳаётнинг қувноқ томонига кўпроқ эътибор беринг.

Шунда сиз соғлом ва бахтли бўласиз.

У дўстимга биринчи саволни берди: “Қандай ҳиссий кечинмалар сизни бу аҳволга солди?” Кейин эса огоҳлантириб, агар ташвишланишда давом этаверсангиз, юрак, ошқозон яраси ёки диабет муаммолари асорат қолдириши мумкин, деди. “Бу барча касалликлар, – деди у, – эгизаклардир, яқин қариндош-уруғлардир”. Яқин қариндош-уруғ бўлмай нима? Ахир уларнинг сабабчиси битта – безовталиқ-ку.

Бугунги кунда Америкада ўлимнинг асосий сабабчиси юрак касалликлари ҳисобланмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида жанглarda қарийб уч юз минг америкалик ҳарбий хизматчи ўлган эди, аммо худди шунча давр ичида юрак касалликларидан икки миллион фуқаро вафот этган, шулардан ярми – нотинчлик ва зўриқишдан келиб чиқувчи юрак хасталикларидан ўлган.

<sup>1</sup> К а р и е с – тишнинг емирилиши.

Ҳа, айнан шунинг учун ҳам доктор Алексис Каррель айтган эди: “Нотинчлик билан курашишни эплолмаган ишбилармонлар ёш ўладилар”.

Кўшма Штатлар жанубидаги негрлар ва хитойликлар безовталик ҳисобланган юрак касалликлари билан оғримайдилар, чунки улар воқеаларга хотиржамлик билан муносабатда бўладилар. Шифокорлар ва фермерлар эса юрак етишмовчилигидан йигирма марта кўпроқ ўладилар, чунки уларнинг ҳаёти жуда кескин кечади ва бунинг учун соғлиқлари билан тўлов тўлайдилар.

“Туноҳларимизни худо кечирар, — деган эди Уильям Жеймс, — аммо асаб тизимларимиз ҳеч қачон кечирмайди”.

Мана сизга ақлни лол қолдирадиган ва мутлақо ҳайратомуз далил: ҳар йили Америкада одамлар бешта энг кенг тарқалган юқумли касалликлардан ўлганларга қараганда кўпроқ ўз жонларига қасд қилиб ўладилар. Нима учун? Жавоб, асосан, бир нарсага келиб тақалади: “хавотирлик”.

Шафқатсиз хитой ҳукмдорлари асирларни қийноққа солмоқчи бўлсалар, асирларнинг қўл ва оёқларини боғлаганлар-да, бошлари узра сувли қоп осиб қўйганлар, ундан тинимсиз равишда, бир зайлда кечасию кундузи сув томчилаб турган. Аста-секин сув томчилари асирларнинг бошларига болға билан урилгандек туюла бошлаган ва улар ақлдан озганлар. Худди шу усулни испан цивилизацияси ҳам, Гитлер пайтида немис концентрацион лагерларидан ҳам қўллашган.

Безовталик мана шу муттасил томиб турувчи сув томчиларига ўхшайди. Доимий нотинчлик эса инсонни телбалик ва ўз жонига суиқасд қилишгача олиб келади.

Ёш болалик пайтимда ва Миссурида яшаганимда Билли Сандиннинг у дунёдаги дўзах азоблари ҳақидаги ёзган ҳикоялари мени ўлгудек даҳшатга солар эди. Аммо у ёруғ дунёдаги ташвишлар билан тўқнашиш инсон кечирадиган дўзах азоблари ҳақида ҳеч қачон ҳеч нарса гапирмасди. Масалан, агар сиз сурункали безовталикка мойил бўлсангиз, сиз ҳеч бир қийинчиликсиз стенокардия билан оғришингиз ва мутлақо чидаб бўлмас оғриқни бошдан кечиришингиз мумкин.

Оҳ, борди-ю, шундай оғриқни бошдан кечиришингизга тўғри келганда, сизни қийнаётган азобдан жон талвасасида ўзингизни урган бўлар эдингиз. Оҳ-воҳларингиз шунчалик кучли бўлардики, улар олдида Дантенинг “Дўзах”идаги гуноҳлар фарёди болалар хуштакчаси овозидай кўриниб қоларди. “Эй, Тангрим, борди-ю, шуни бошдан кечиргудек бўлсам, ҳеч қачон, ҳеч нарса ҳақида зинҳор-базинҳор ташвиш чекмаган бўлар эдим”.

Сиз ҳаётни севасизми? Узоқ яшашни ва яхши соғлиқ лаззатини суришни истайсизми? Сиз буни ҳозирнинг ўзида бошлашингиз мумкин. Мана сизга доктор Алексис Каррелнинг дил изҳорларидан бири: “Кимки ҳозирги замон шаҳри талотўпи ичида ўз қалбида теран осудаликни сақлай олса, ўша одам асаб касалликларидан мосуводир”.

Ҳозирги замон талотўплари ичида ўз қалбингизда теран осудаликни сақлашга қодирмисиз? Агар сиз соғлом одам бўлсангиз, ҳеч шубҳасиз “ҳа” деб жавоб берасиз. Кўпчилигимиз ўзимиз ўйлаганимиздан кўра кўпроқ кучлироқмиз. Биз, эҳтимол, ҳеч қачон фойдаланмаган яширин захираларга эгамиз. Торо ўзининг “Уолдей” деган ўлмас китобида бундай деган:

“Менга ҳеч нарса инсон онги саъй-ҳаракатлари асосида ўз ҳаётини такомиллаштиришга қодир, деган рад этиб бўлмас далолатни билишдек илҳом бағишламайди... Борди-ю, сиз ўз орзуингизга эришиш йўлида олға ҳаракат қилсангиз ва ўзингиз орзу қилгандек яшаш учун ўзингизни ўтга-чўққа урсангиз, одатдаги ҳаракат тарзингиз билан эришолмайдиган муваффақиятга, албатта, эришасиз”.

Ушбу китобнинг аксарият ўқувчилари Огайо штатилик Ольга К.Жорви сингари ўшандай ирода кучи ва ўшандай пинҳоний имкониятга эга эканликлари заррача шубҳа туғдирмайди. У ҳатто энг фожиали шароитларда ҳам ташвишланмасликка қодир эканини англаб етган. Иймоним комилки, ушбу китобда кўриб чиқиляётган гоят кўҳна ҳақиқатларни қўллашдан эринмасак, сиз ҳам, мен ҳам шунга қодирмиз. Ольга К.Жорвининг менга ёзган мактубларидан бир воқеани эътиборингизга ҳавола этаман:

“Саккиз ярим йил муқаддам шифокорлар менга ўлим ҳукми чиқаришди: саратондан аста-секин азобли ўлим. Уни мамлакатнинг энг нуфузли шифокорлари ҳам тасдиқлашди. Мен боши берк кўчага кириб қолдим. Мени абадият кутарди. Мен ёш эдим. Ўлишни истамасдим. Даҳшат ичида Келлогдаги шифокоримга кўнғироқ қилдим ва кўзларимдан дув-дув ёш тўкиб, юрагимда борини унга тўкиб солдим. У тоқатсизлик билан гапимни бўлди-да, мени уришиб берди: “Нима гап, Ольга? Наҳотки курашишга кучинг етмаса? Албатта, йиғлайдиган бўлсанг, ўласан-да. Бошингга тушган энг ёмон кўргилик тушиб бўлди. Ҳақиқат юзига тик қара. Ташвишланишни бас қил ва бирон чора топишга урин”.

Шунда мен онг ичдим. Шундай пайтда ичган онтим менга шу қадар кучли таъсир кўрсатдики, тирноқларим терим ичига чуқур ботганини ва баданимдан бир совуқ нарса жимирлаб ўтганини ҳис қилдим. Мен шу сўзларни тантанавор ирод этдим: “Мен ташвишланмайман. Йиғламайман! Бирон нарса қилишим мумкин бўлса, шу нарсани қиламан ва энгиб чиқаман. Мен яшайман!”

Одатда, бундай таваккалли ҳолларда, радийни қабул қилиш мумкин бўлмаганда, рентген нурланиши сеанси ўттиз кун мобайнида ўн ярим дақиқага чўзилади. Қирқ тўққиз кун давомида мен ўн тўрт ярим дақиқа нурландим. Мен қоқ суякка айланиб қолгандим, суякларим текисликдаги тепаликлар сингари бўртиб турарди, оёқларим эса кўрғошин этик кийгандай қилт этмасди, шундай бўлса-да, мен парво қилмасдим! Бирон марта ҳам йиғламадим! Мен жилмаярдим. Мен том маънода ўзимни жилмайишга мажбур этар эдим.

Биргина жилмайиш билан саратонни энгиб бўлмаслигини англамайдиган даражада нодон эмасдим. Аммо бари бир яхши кайфият вужудга касаллик билан курашишда ёрдам беради, деб ҳисоблайман. Нима бўлганда ҳам мўъжиза рўй берди. Мен тузалиб кетдим. Сўнгги йилларда ҳеч қачон ўзимни ҳозиргидек яхши ҳис қилмаганман. Булар бари курашга даъват этувчи сўзлар шарофати билан бўлди: “Ҳақиқат юзига тик қара. Ташвишланишни бас қил ва бирон чора кўришга урин”.

Муҳаммад пайғамбарнинг мутаассиб маслақдошлари кўпинча баданларига игна билан Қуръон оятларидан чекиб олар эканлар. Мен ҳар бир ўқувчи қуйидаги сўзларни баданларига игна билан чекиб ёзиб қўйишларини хоҳлар эдим: “Ташвиш билан курашишни эплай олмаган ишбилармонлар ёш ўладилар”.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

ТАШВИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ  
АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

## IV б о б

ТАШВИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРНИ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ХУСУСИДА

*Мен эгалик қилган олти хизматкор қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга ундаб келди.*

*Уларнинг исмлари: Нима ва Нима учун, Қачон ва Қандай, Қаерда ва Ким.*

*Киплинг*

Уиллис Керриернинг ушбу китобидаги иккинчи бобнинг биринчи қисмида тилга олинган сеҳрли қоидаси ташвиш туфайли юзага келувчи муаммоларни ҳал этишга қодирми? Албатта, йўқ. Хўш, бундай ҳолда нима қилиш керак? Бу саволга жавоб мана бундай: биз ўзимиз учун ҳар қандай кўринишдаги ташвишга қарши туриш имконини берадиган услубларни ишлаб чиқишимиз керак. Бунинг учун муаммолар таҳлилининг уч асосий йўли билан танишиш керак бўлади.

Мана улар:

1. Ашёвий далил тўпланг.
2. Уни таҳлилдан ўтказинг.
3. Қарорни ишлаб чиқинг ва уни амалга оширишга киришинг.

Ҳаммаси сизга кундай равшанми? Ҳа, бу шунақа. Бир вақтлар Аристоктель шунга ўқиган ва ҳаётида фойдаланган эди. Бизга ташвиш туғдириб, ҳаётимизни дўзахга айлантирган муаммоларни ҳал этиш учун сиз ҳам, мен ҳам шу қоидага риоя қилмоғимиз керак.

Келинг, 1-қоидани кўриб чиқайлик. Унда бундай дейилади: ашёвий далил тўпланг. Нима учун далил тўплаш бу қадар муҳим? Гап шундаки, агар бизда далил бўлмаса, ҳатто муаммомизни оқилона ҳал этишга ҳам йўл тополмаймиз. Ашёвий далилсиз биз фақат ваҳимага тушамиз, холос. Менинг ғоям нимадан иборат? Аниқроғи, бу ғоя Колумбия университети қошидаги Колумбия коллежи декани марҳум Герберт Ё.Хокснинг ғояси. Йигирма икки йил ичида у икки юз минг талабага ташвиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатди, у менга “саросимага тушиш ташвиш келтирувчи асосий сабабдир”, деган эди.

У бу фикрни қуйидаги сўзлар билан ифода этди: “Одамларнинг ярми зарурий ва етарли далилларга эга бўлмай туриб қарор қабул қилишга уринганлари учун ташвишдан бошлари чиқмайди”. Масалан, у бундай деганди: “Борди-ю, мен келаси сешанбада соат учда муаммога тўқнаш келишим керак бўлса, унда мен бу вақтгача бирон-бир чора кўришга уринмайман. Ҳозирча бутун эътиборимни шу муаммога даҳлдор барча далилларни олишга қаратаман. Мен ташвиш қилмайман. Ўзимни турфа мулоҳазалар билан қийнамайман. Мен яхши ухлайман. Мен далилларни тўплайман, холос. Муаммо юзага келган вақтгача бисотимда барча зарурий далиллар бўлади ва муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади!”

Мен декан Хоксдан, бир нарса ўзингизни ташвишдан бутунлай халос қилиб олганингизни англатадими, деб сўрадим. “Ҳа, — деди у. — Назаримда, ҳаётим энди безовталиқдан фориг бўлди, мен бунни виждонан айтаяпман. Шу нарсани билдимки, агар киши далилларни йиғиш билан машғул бўлса, бунни зўраки эмас, холисона қилса, безовталиқ туйғуси одатда билимлар кучи билан ғойиб бўлади”.

Аммо қўпчилигимиз нима қиламиз? Далиллар билан танишмоқ учун вақт тополамизми, саъй-ҳаракат қиламизми? Ишқилиб, фикр қилишдан қочиш учун инсон ҳар қанақанги айёрликка боришдан тап тортмайди, деб жиддий гапирганида Эдисон ҳақ эди. Борди-ю, барибир ҳам далиллар тўплайдиган бўлсак, аллақачон бизга маълум бўлган нарсаларнигина тасдиқлайдиганлар кетидан тушамиз, қолганларни эса назар-писанд қилмаймиз! Бизга фақат аъмолларимизни оқлаётган далилларгина бизнинг тахминларимизни оқлаётган воқеликка эмас, хоҳишларимизга мос келадиган далилларгина керак!

Андре Маруа айтган эди: шахсий хоҳишларимизга мос келган нарса бизга ҳақиқат бўлиб кўринади. Унга зид келадиган ҳамма нарса эса ғазабимизни кўзитади.

Менда далилларни холисона ва аниқ баҳолайдиган ва ўз муаммоларимизга ташқаридан туриб қарашга имкон берадиган икки йўл бор. Мана улар:

1. Ашёвий далилни тўплар эканман, бу ишни ўзим учун эмас, бошқа биров учун қиляяпман деб тасаввур этаман. Бу менга бегаразлик ва холисликни сақлаб қолишимга ёрдам беради. Бу менга ушбу жараёндан ҳиссиётни бартараф этишга кўмаклашади.

2. Мени безовта қилаётган муаммо ҳақидаги ашёвий далилни тўплар эканман, мен ўзимни гоҳо судда рақибим томонида туриб гапиришга тайёрланаётган адвокатдай тасаввур қиламан. Бошқача айтганда, мен ўзимга қарши далилларни тўплашга ҳаракат қиламан: булар хоҳишларимга тўғри келмайдиган ва мен ёқтирмайдиган далиллардир.

Кейин мен бу ишнинг ҳар иккала томони учун далилларни ёзиб оламан ва одатдагидек, ҳақиқат мана шу икки четдаги нуқтаи назарларнинг ўрталарида ётгандек туюлади.

Ишнинг моҳияти шундаки, на сиз, на мен, на Эйнштейн ёки Қўшма Штатларнинг Олий Суди мазкур масала бўйича аввал ашёвий далилларни тўпламай туриб, бирон-бир муаммони оқилона ҳал қилиш учун бу қадар мукамал ҳисобланмаймиз. Томас Эдисон бунни биларди. Ҳаётининг охирига келиб, унинг бисотида икки минг беш юз қайд дафтарчаси тўпланган эди. Уларга уни ташвишга солган муаммолар бўйича далилларни қайд этиб борган.

Шунинг учун муаммони ҳал этишнинг биринчи қоидаси ашёвий далилни тўплашдан иборат. Келинг, декан Хоксдан ибрат олайлик-да, масалани холис ашёвий далилни бир карра тўплаб олгандан кейин ҳал этишга ўтайлик.

Аммо дунёдаги мавжуд ашёвий далилни тўплаганимизда ҳам, агар уни таҳлил ва талқин этмасак, бундан тирноқча наф бўлмайди.

Кези келганда шунини айтишим керакки, ўзимга жуда қимматга тушган тажрибам асосида агар бир варақ қоғозга олдиндан ёзиб борилса, далилларни таҳлил қилиш анча осон бўлишини англаб етдим. Ҳақиқатан ҳам, далилларни қоғозга тушириб боришимиз ва муаммоларни аниқ бир шаклга солишимиз уни оқилона ҳал этиш йўлини топишда дурустгина ёрдам беради.

Чарльз Кеттринг айтган эди: агар аниқ ифода этилган бўлса, бу муаммо ярмига ҳал бўлди деганидир.

Бу тамойиллар амалий ишини мисолларда кўрсатишимга ижозат берсангиз. Хитойларда, ўн мингта сўздан битта суврат афзал деган нақл бор. Шу боис, келинг, фараз қилайликки, мен сизга бу сувратни кўрсатайман, унда сиз тилга олган тамойиллар асосида муайян қадамлар қўйилмоқда.

Гейлен Литчфилд бошидан шундай воқеа ўтди. Мен уни бир неча йилдан бери биламан. У Узоқ Шарқдаги энг омадли америка ишбилармонларидан бири, 1942 йилда мистер Литчфилд Хитойда бўлган эди, айти шу вақтларда японлар Шанхайни босиб олган эди. Литчфилд меникида меҳмон бўлганида қўйидаги воқеани ҳикоя қилиб берган эди:

Японлар Перл-Харборга зарба бергандан кейин кўп ўтмай уларнинг кўшин қисмлари Шанхайга бостириб киради. Ўшанда мен Шанхайда Осие суғурта компанияси бошқарувчиси бўлиб ишлардим. Компаниямизда адмирал унвонидаги ҳарбий кушанда деган шахс пайдо бўлди, у менга компания активларини тугатишда унга қарашиб юборишимни буюрди. Менга хўп, демасдан иложим йўқ эди. Мен у билан ё ҳамкорлик қилишим, ё бошқа йўл танлашим керак эди. Бу “бошқа йўл” муқаррар ўлимни англатарди.

Мен нима айтсалар, шуни бажарардим, чунки бошқа иложим ҳам йўқ эди. Бироқ адмиралга берганим активларимиз рўйхатига 750 минг долларлик қимматли қоғозни киритмаган эдим. Бундай қилишимнинг сабаби, улар бизнинг Гонгкондаги филиалимизга қарар ва Шанхайдаги уруш ҳаракатларига бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Шундай бўлса-да, буни японлар билиб қолиши мумкинлигидан хавотирланардим. Кўп ўтмай улар буни билиб қолишди ҳам.

Бу вақтда мен офисда эмасдим. Аммо у ерда компаниянинг бош ҳисобчиси бор эди. Унинг айтишича, адмирал қаттиқ дарғазаб бўлибди. Ер тепиб, мени ўғридан олиб ўғрига, сотқиндан олиб, сотқинга солибди. Мен япон армиясининг обрўйини тўккан эмишман. Бунинг нимани англатишини билардим: мени Бриж Хаусга жўнатишади.

Бриж Хаус! Бу япон истилосининг қийноқлар камераси. Менинг яқин дўстларим бўлгучи эди. Шу қамоқхонага тушмаслик учун баъзилари ўз жонига суиқасд қилиб ўлиб кетардилар, бошқалари эса ўн кунча давом этган сўроқ ва қийноқларга бардош беролмай, жон таслим этар эдилар. Энди навбат менга келганди!

Нима қилиш керак эди? Мен бу ҳақда якшанба куни тушда хабар топдим. Аҳвол шу даражага етиб келган эдики, мен ҳамма нарсдан умидимни узишим керак эди. Агар муаммоларни ҳал этишнинг муайян услубига эга бўлмаганимда, бу шундай бўларди ҳам. Кўп йиллар бадалида менда шундай одат юзага келган эдики, бирон-бир нарсдан ғам-ташвишга ботиб қолсам, ҳар доим шартта ёзув машинкамга ўтирардим-да, иккита саволни бериб ва уларга жавобни ёзишга киришардим.

Мана ўша саволлар:

1. Ташвишланишнинг сабаби нимада?
2. Бу борада қандай чора кўрсам бўлади?

Аввалига мен бу саволларга ёзувсиз жавоб беришга ҳаракат қилардим. Аммо кўп йиллар бўлдики, бу одатни ташлаб юборгандим. Саволларнинг ҳам, жавобларнинг ҳам ёзувини фикрлаш, тафаккурни равшанлаштиришини билдим. Шу боис ўша якшанба куни тушда тўғри ёш насронийлар ассоциацияси Шанхай бўлими менга олиб берган ўз хонамга кирдим-да, машинкани олиб, ёза бошладим:



Нимадан безовталанапман?

Мени Бриж Хайсга жўнатишларидан кўрқаяпман

Сўнг навбатдаги саволни ёздим:

Шу муносабат билан қандай чоралар кўришим мумкин?

Бу борада кўп соат бош қотирдим. Эҳтимол тутилган амалларнинг тўртта вариантини, шунингдек, эҳтимол тутилган оқибатларни ёздим.

1. Мен ўзи ишларимни япон адвокатига тушунтириб беришга ҳаракат қила оламан. Аммо у инглизча гапирмайди. Борди-ю, у мен билан тилмоч ёрдамида гаплашадиган бўлса, у яна даргазаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўлимни англатиши мумкин, чунки у шу қадар бераҳмки, мен билан қийналиб гаплашишдан кўра мени Бриж Хаусга жўнатиб кўя қолади.

2. Мен қочиб кетишга ҳаракат қилишим мумкин. Бунинг иложи йўқ. У мутгасил ортимдан пойлайди. Борди-ю, қочиб кетишга ҳаракат қилсам, унда мени тутиб олишлари ва отиб ташлашлари тайин.

3. Мен шу ерда қолишим ва идорада кўринмаслигим керак. Борди-ю, шундай қилсам, япон адмиралли мендан шубҳалангани ва эҳтимол, мени ҳибсга олгани ва Бриж Хаусга жўнатгани аскарларни юборди. Мен, одатдагидек, душанба куни эрталаб ишга боришим мумкин. Агар шундай қилсам, адмирал гоят банд бўлади, менинг нима қилганим борасида ўйламайди, бунга менинг ишончим комил бўлади. Шунда улар билан гаплашишга менда имконият бўлмайди. Ҳатто у буни эслаганда ҳам, эҳтиол, у тинчланган ва мени ўз ҳолимга қўйган бўларди.

4. Шу боис, агар эртага идорага борсам ва ўзимни ҳеч нарса бўлмагандек тутсам, бу менга Бриж Хайсдан қочиш учун икки қулайлик пайдо қилади.

Юзага келган аҳволни ҳар тарфлама ўйлаб кўриб, тўртинчи вариант бўйича иш тутишга қарор қабул қилиб бўлганимдан кейин идорага келганимда адмирал ўша ерда эди. У ўтириб сигара тортарди. У, одатдагидек, менга тикилиб қаради, аммо ҳеч нима демади. Ярим йилдан кейин эса Худога шукрки, у Токиога қайтди ва менинг ташвишларим ниҳоясига етди.

Олдин айтганимдек, ўша якшанбада ўзимнинг барча эҳтимол тутган амалларимни ва уларнинг эҳтимол тутилган оқибатларини қайд этиб, хотиржамлик билан бир тўхтамга келиб, ҳаётимни сақлаб қолган эдим. Борди-ю, бундай қилмаганимда, нима қилишимни билмай, изтироб чеккан ва эҳтимолки, шошилинича хатога йўл қўйган бўлардим. Бугун якшанба оқшомида ташвиш-тахликадан ўзимни қўйгани жой тополмасдим. Тунни мижага қоқмай ва ҳаяжонланган ҳолда ўтказардим. Душанба куни идорага саросимада ва ҳаяжонланган ҳолда келган бўлардим ва мана шунинг ўзиёқ японнинг мендан шубҳа қилишига ва мени жазолашга туртки бўлар эди.

Ўз тажрибамдан қайта-қайта ишондимки, қарор қабул қилиш ҳолатларининг ўзи катта қийматга эга. Айнан маълум қарор қабул қилишга лаёқатсизлик ва шубҳаю гумонларнинг жирканч доирасидаги маъносиз ҳаракатларни бас қилиш одамларнинг асабини қаттиқ қақшатади ва улар ҳаётини чинакам дўзахга айлантиради.

Аниқ бир тўхтамга келдим демагунча ташвишларимнинг ярми беиз гойиб бўлишини билдим. Тўхтамга келган нарсани бажара бошлаганимда яна қирқ фоизи йўқолади.

Шу тариқа, қўйидаги тўрт амални адо этар эканман, ташвишларимнинг тўқсон фоизидан фориг бўламан:

1. Ёзма равишда ташвишларим боисини аниқ ифода этаман.
2. Эҳтимол тутилган амалларнинг вариантларини ёзиб қўяман.
3. Аниқ бир тўхтамга келаман.
4. Уни бажаришга дарҳол киришаман.

Ҳозирги вақтда Гейлен Литчфилд “Старр Прак энд Фримен” компанияси Узоқ Шарқ бўлими директори лавозимида ишламоқда. У ерда йирик суғурта ва молия фирмалари манфаатларини намоён этади. Дарҳақиқат, олдин айтиб ўтганимдек, у Осиёдаги энг омадли бизнесменлардан бири ҳисобланади. Ўз муваффақиятлари учун ташвиш келиб чиқиши сабабларини таҳлил этишдаги ўз услубидан ва муайян тўхтамга кела билишидан миннатдор эканини эътироф этди.

Гап услубнинг муваффақият қозонишининг сири нимада? Гап шундаки, у самарали, аниқ, бевосита муаммоли моҳиятни ҳал этишга йўналтирилган. Бундан ташқари, учинчи муқаррар қоида энг муҳим таркибий қисм ҳисобланади: юзага келган муаммони ҳал этиш учун қандайдир чора кўринг. Борди-ю, бирон-бир чора кўрмасак, ашёвий далил тўплаш бўйича бизнинг барча фаолиятимиз бу — шамолга совуриш демак.

Ташвиш билан боғлиқ муаммоларимизни ҳал этиш учун нимага Гейлен Литчфилд усулини ҳозирнинг ўзида қўллаб бўлмас экан?

Савол 1. Айни вақтда мени нима безовта қилмоқда? (Жавобини қаламда ёзинг).

Савол 2. Бу борада мен қандай чора кўраман? (Ўз жавобингизни ёзинг).

Савол 3. Менинг сўнгги қарорим.

Савол 4. Уни амалда қачон қўллай бошлайман?

## V б о б

### ИШИНГИЗДА ЮЗАГА КЕЛГАН ТАШВИШНИНГ ЯРМИДАН ҚУТУЛИШИНГИЗ СИРИ

Агар сиз бизнес билан шуғулланаётган бўлсангиз, ҳозирнинг ўзидаёқ ўзингизга бундай денг:

“Бу бобомнинг номи мутлақо нобоп. Мен ўн тўққиз йилдан бери шуғулланаман ва албатта буни мендан яхши биладиган одам бормикан?”

Кимдир менга келиб, ишимда юзага келган бир ишбилармоннинг ташвишларининг 50 фоиздан қутулгани эмас, балки одатда турли муаммоларни ҳал қилишга бағишланган йиғилишларга сарфлайдиган вақтнинг 75 фоиз тежаб қолгани тўғрисида ҳикоя қилиб бераман.

Мен қандайдир “Мистер Жонс” ёки “мистер Х” ёхуд “Огайолик бир танишим” каби номаълум одамни таништирмоқчи эмасман. Гап Леон Шимкин деган муайян шахс устида бормоқда. Кўп йиллар давомида у “Симон энд Шустер” нашриёт уйининг директори эди ва ҳозирда у Нью-Йоркдаги Рокфеллер маркази “Покет букс” компаниясининг раиси лавозимини эгаллаб турибди.

Мистер Шимкин бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Ўн беш йил давомида иш вақтининг ярмини йиғилишларда ўтказдим. Уларда биз муаммоларни муҳокама қилар ва у ёки бу ишни қилишга ёхуд умуман ҳеч нарса қилмасликка аҳд этар эдик. Биз асабийлашар, ўриндиқларимизда типирчилар, залда у ёқдан-бу ёққа

юрар, баҳслашар эдиг-у, ҳеч нарсани ҳал этолмай, яна дастлабки мушоҳадаларга қайтар эдик. Мен кечга бориб ўзимни мутлақо беҳол ҳис этардим. Қолган умримни нуқул шунақа йиғилишлардан бошим чиқмай ўтказишимни билиб турардим. Ўн беш йил шундай қилдим ва муаммони ҳал этишнинг бундан дурустроқ йўли борилигини тасаввур қилмасдим. Борди-ю, кимдир менга йиғилишларга сарфлаган вақтимнинг тўртдан уч қисмини тежаб қолишим мумкинлигини айтгудек бўлса, уни ҳаётдан орқада қолган содда одам деб ўйлардим. Дарвоқе, айнан мен кучим етмайдиган юкни итқитиб ташлашга имкон берувчи услубни ишлаб чиқдим. Ишимнинг самарадорлиги ҳайратомуз даражада ўсди. Бу усулдан саккиз йил давомида фойдаландим. Соғлигим яхшиланиб, ўзимни гижинглаган тойчоқдек ҳис этар ва энг бахтли инсон ҳисоблардим.

Бу сеҳрга ўхшарди, аммо барча сеҳр ишлари каби менинг услубим ҳаддан ташқари жўн эди. Унинг моҳияти қўйидагидек эди. Энг аввало, ёрдамчиларим аввал-бошданоқ ҳаммасини миридан-сиригача бир-бир санаб чиқиб, уларни ташвишга солган муаммо ҳақида ҳикоя қилган ва ўз сўзларини “Нима қилмоқ керак?” деган савол билан тугатганди. Мен йиғилишларда яшаб келган ўн беш йиллик амалиётимдан шартта воз кечдим. Бундан ташқари, мен янги қоида жорий қилдим. Бу қоида шундан иборат эдики, мен билан бирон муаммони ҳал этмоқчи бўлган ҳар қандай одам қўйидаги саволларга жавоб берилган махсус маълумотни тақдим этишлари керак эди:

Савол 1. Муаммо нимадан иборат?

(Илгари биз, одатда, моҳиятини ичимиздан ҳеч ким аниқ билмайдиган муаммони муҳокама қилишга бир ё икки соат вақтимизни сарфлардик. Биз ташвишга солган муаммолар ҳақида қизгин баҳслашардик, уларнинг моҳиятини ёзма равишда аниқ баён этишга ҳатто ҳаракат қилмасдик).

Савол 2. Муаммони келтириб чиқарган сабаблар нимадан иборат?

(Орқамга қайрилиб қарар эканман, кўплаб соатларимни муаммоларни муҳокама қилишга беҳуда сарфлаб, улар сабабини аниқ билиб олишга заррача ҳаракат қилмаганимни англаб, вужудимни даҳшат кемирарди).

Савол 3. Муаммоларни ҳал этишнинг қандай имкониятлари мавжуд?

(Илгари йиғилиш вақтида, одатда, бир одам қарорни таклиф этарди. Бошқалар у билан баҳсга киришиб кетарди. Асаблар жунбушга келарди. Муҳокамаларимизда кўпинча масала моҳиятидан узоқлашиб кетардик. Йиғилиш сўнгида эса муҳокама пайтида юзага келган хилма-хил таклифларни ҳеч ким ёзиб бормагани маълум бўларди).

Савол 4. Сиз қандай ечимни таклиф қиласиз?

(Кўпинча йиғилишларда мазкур муаммо баҳонасида узоқ вақт давомида жабр чеккан, аммо бирон марта уни ҳал қилиш имкониятлари ҳақида ўйламаган ва мен мана бундай ечимни таклиф этаман деб ёзиб қўйишни эп билмаган одам билан мунозара қилар эдим).

Энди муаммоларни муҳокама қилиш учун ходимлар билан кам учрашаман. Нимага? Гап шундаки, менинг тўрт саволимга жавоб бериш учун барча далилларни тўплашлари ва аҳволни атрофлича муҳокама қилишлари керак бўларди. Бу нарсалар қилиб бўлингач эса тўрттадан уч ҳолатда ҳар ким билан маслаҳатлашишлари шарт бўлмасди, чунки зарурий ечим бодроқ донаси каби сакраб кетаверар эди. Борди-ю, барибир мен билан шундай маслаҳат қилиш шарт бўлиб

қолса, унда унинг муҳокамасига илгари шу мақсадда сарфланган вақтнинг учдан бир қисмидан озроқ вақт кетарди, чунки муҳокама батартиб, мантиқли олиб борилиб, биз ҳар доим оқилона ечим топар эдик.

Энди компаниямизда ташвишлар ва муаммолар ҳақидаги суҳбатларга камроқ вақт сарф бўлмоқда, аҳволни ўйлаш учун кўриладиган зарурий чора-тадбирларга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Суғурта бизнеси соҳасида етакчи қорчалонлардан бири, дўстим М.Фрэнк Бетжер менга шундай усул ёрдамида ўз ишлари борасида камроқ ташвиш чекишгина эмас, балки ўз даромадларини икки баравар кўпайтириб олгани ҳақида ҳикоя қилиб берди:

Кўп йиллар муқаддам, суғурта полисларини энди-энди сота бошлаганимда, ўз ишимга жон-жаҳдим билан киришиб кетган эдим. Кейин нимадир содир бўлди, ҳафсалам пир бўлганини ҳис этдим, ишимдан бутунлай кўнглим совиди, бошқа иш билан шуғуллансам қандай бўларкин, деб ўйлай бошладим. Агар бир гал якшанба куни эрталаб миямга бир фикр келиб қолмаганида, балки шундай қилган ҳам бўлардим. Мен бемалол ўтириб, ташвишларим боисини билишга ҳаракат қилдим.

1. Энг аввало ўзимдан сўрадим: муаммо ўзи нимадан иборат? Жавоб: менинг сонсиз ишбилармонлик учрашувларим дурустроқ самара бермаяпти. Мижоз, эҳтимол, мендан суғурта полисини сотиб оламан деб айтиб турганида ҳаммаси жўяликкина кетаётгандек бўлиб тургани, аммо қарабсизки, битим бузилиб турибди... назаримда, мистер Бетжер, келинг, бошқа вақт учрашайлик, — дер эди мижоз. Айнан мана шу такрорий учрашувлар менинг ҳафсаламни пир қилар эди.

2. Ўзимдан сўрадим: муаммони ҳал этишнинг қандай эҳтимол тутилган йўллари бор? Аммо бу саволга жавоб айтишдан аввал мен далилларни ўрганишим керак эди. Мен кейинги йигирма йилдаги ишбилармонлик қоғозларимни олдим-да, рақамларни таҳлил этишга киришдим.

Мен ажойиб кашфиёт қилдим! Айнан ўша ерда аниқ-таниқ қилиб ёзиб қўйилгандики, ўзимнинг савдо-сотикларимнинг 70 фоизини биринчи учрашувимда амалга оширган эканман, 23 фоизини иккинчи учрашувда, амалга оширган эканман, фақат 7 фоизинигина кейинги учрашувларда амалга оширишга муваффақ бўлган эканман. Худди мана шу сўнгилари мени нари олиб бориб, бери олиб келаётган эди ва худди мана шу учрашувларга вақтим кўпроқ исроф бўлган экан. Бошқача айтганда, мен иш кунимнинг ярмини мижозларнинг сотилган суғурта полислари умумий миқдоридан фақат 7фоиз берган қисмига беҳуда сарфлар эканман.

3. Бундай аҳволда нима қилиш лозим бўлади? Жавоб мутлақо равшан эди. Мен зудлик билан биргина мижознинг олдига қатнашни тўхтатдим, ортиб қолган вақтни истиқболдаги мижозлар билан ишлашга бағишладим. Натижа ҳайратомуз эди. Қисқа муддат ичида мижоз билан ҳар бир учрашувдан тушадиган молиявий фойдани қарийб икки баравар оширишга муваффақ бўлдим.

Аввал айтиб ўтганимдек, бугунги кунда Фрэнк Бетжер — мамлакатдаги энг яхши суғурта агентларидан бири. У Филадельфиядаги “Фиделити митччүэл” компаниясида ишлайди ва ҳар йили бир миллион долларга суғурта полисларини сотади. Аммо у бир вақтлар бу ишни ташламоқчи бўлиб юрарди. У енгилтаклигини тан олишга тайёр эди, аммо вазиятни таҳлил этиб, ўз ишида олға силжиб олди ва муваффақиятга эришди.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

СИЗНИ ЕНГМАСДАН ОЛДИН ТАШВИШНИ  
ЕНГИШ ХУСУСИДА

## VI б о б

## ТАШВИШ ХАЁЛИНИ МИЯДАН ҲАЙДАШ

Бир қанча йиллар муқаддам тунда бўлиб ўтган бир суҳбат сира эсимдан чиқмайди. Мистер Марион Ж.Дуглас машғулотларимга қатнаб юрарди: (унинг шахсан ўтинчи билан унинг ҳақиқий исмини тилга олмайман). Аммо бу воқеа ростдан бўлиб ўтган ва мен уни мистер Дуглас қандай ҳикоя қилган бўлса, ўшандай тасвирляяпман. У хонадони бошига бир эмас, икки марта тушган фожиани гапириб берди. Биринчи гал унинг жондан ортиқ севувчи беш яшарлик қизалоқи нобуд бўлади. У ва хотини бу ғамни қўтаролмасак керак, деб ўйлайди. “Ўн ой ўтгач, — деб ҳикоя қилади у, — худо бизга яна бир қизалоқни ҳадя этди, аммо беш кундан сўнг бу қизалоқ ҳам бизни ташлаб кетди.

Бу кўшалок мусибат зарбига чидашимиз амри маҳол эди. Мен на ухлар, на овқат ер, на ҳордиқ чиқара олардим. Асаб тизимларим бутунлай ишдан чиқиб, сабабсиз кўрқувлар вужудимни кемирарди.”

Охири у шифокорга мурожаат қилди. Улардан бири уйқу дори ичинг, бошқаси — саёҳатга чиқинг, деб маслаҳат берди. У иккаласини ҳам қилди, лекин булар ҳам ёрдам бермади. Назаримда, — дейди у, — вужудимни нимадир исканжага олиб, тобора кучлироқ қисиб келаётгандай. Борди-ю, оғир мусибат тушган бўлса, бунинг қанақа бўлишини ўзингиз биласиз.

Аммо Худога шукрки, менинг яна бир болам қолганди: тўрт яшар ўғилчам. Муаммони қандай ечишни менга мана шу болам айтди. Бир кун ичун кечга яқин ўриндиқда ўтирганча қисматим шўрлигидан Худога нола қилардим. Уғлим аста келиб, дада, менга кема ясаб беринг, деб илтимос қилиб қолди. Тўғриси, кўлим ҳеч нарсага бормаи кўйганди. Аммо фарзанд — фарзанд экан-да, унинг мўлтираб туришидан юрак-бағрим эзилиб кетди.

Кемани яссашга уч соат вақт кетди. Кемани ясаб бўлгач, мана шу ўтган уч соат ичида банд бўлганимдан, сўнгги кўплаб ойлардан кейин биринчи марта мен учун одат бўлиб қолган асабий зўриқишни ҳис этмаганимни ва ўзимни хотиржам тутганимни англадим.

Бу кашфиёт кўзимни мошдай очди ва бироз ўйлашга мажбур этди. Сўнгги вақт давомида мен чинакамига ўйландим. Режалаштириш ва фикрлашни талаб этувчи бирон-бир иш билан банд бўлсанг, ташвишга ўрин қолмаслигини тушундим. Мендаги ҳолатда ўғлимга кемача ясаб бериш баҳонаси ёрдамида миямдан ташвиш хаёлини чиқариб ташлагандим. Шу боис муттасил нима биландир шуғулланишга қарор қилдим.

Эртасига кечқурун уйда у хонадан-бу хонага ўтиб юрар эканман, қилишим керак бўлган ишлар режасини тузар эдим. Ўнлаб буюмларнинг синиқ ва чиқиқларини созлаш лозим эди. Китоб жавонлари, зинапоя поғоналари, дераза дарчаси, дераза пардаси, қулфлар, сув жўмраклари — бари таъмирталаб бўлиб ётарди.

Ҳайрон қолдим: бир ҳафта ичида оз эмас, кўп эмас, нақд 242 банддан иборат зарурий ишлар рўйхатини туздим.

Икки йил ичида улардан кўпчилигини бажариб бўлдим. Бундан ташқари, менга куч бағишловчи ишлар билан ҳаётимни тўлдирдим. Ҳафтасига икки марта кечқурунлари Нью-Йоркдаги кечки мактабга қатнардим. Она шаҳримда ижтимоий фаолият билан шуғуллана бошладим ва ҳозирги вақтда мактаб кенгаши раисиман. Ўнлаб йиғилишларда иштирок этаман. Қизил Хоч учун пул тўплашда ёрдам қиламан ва яна кўплаб ишлар билан машғул бўламан. Шу қадар банд бўламанки, ташвишланиш учун менда вақт бўлмайди.

Орамиздан кўпчилигимиз осонгина “иш билан андармон” бўламиз, чунки ҳар доим иш ва кундалик юмушлардан сира бошимиз чиқмайди. Аммо хатар ишдан кейинги вақтда бошланади. Биз иш билан машғул бўлмаган ва бўш вақтдан лаззатланишимиз мумкин бўлган вақтда ўзимизни бахтиёр ҳис этишимиз керакдай туюлади, бироқ айна шу пайтда ташвишдан келиб чиқувчи қора кучлар бало-қазодай ёпирилиб келади. Айна шу паллада ҳаётда тўғри йўлни танлай олмаганимиз фикрлари бизга азоб бера бошлайди, бошлиғимиз томдан тараша тушгандай айтган иборадан пинҳоний фикрни ўлиб-тирилиб қидирамай ёки сочимиз тўкилаётганидан изтироб чекамиз.

Бирон-бир юмуш билан банд бўлмаганимизда миямиз бўшлиқ деб аталувчи ҳолатга интилади. Ҳар қандай физик талаба табиат бўшлиққа тоқат қилолмаслигини билади. Бўшлиқнинг энг осон тушунарли мисоли – бу оддий электр чироғи. Уни синдириш, тамом, табиат бу назарий бўм-бўшлиқни ҳаво билан тўлдиришга мажбур этади.

Агар бирон-бир фаолият билан банд бўлмаса, табиат худди ўшандайин онгимиздаги бўшлиқни тўлдиришга интилади. Нима билан тўлдиради? Одатда, ҳиссиётлар билан тўлдиради. Нима учун? Чунки ташвиш, қўрқув, нафрат ва ҳасад сингари ҳиссий ҳолатлар ёввойиликнинг ибтидоий кучлари ва жўшқин қуввати билан ҳаракатга келадилар. Бу ҳиссиётлар шу қадар кучлики, улар барча дунёвий ҳамда бахтиёр фикр ва туйғуларимизни шууримиздан сиқиб чиқариб ташлаши мумкин.

Колумбия педагогика коллежи профессори Жеймс Л. Митчелл бу фикрни жуда яхши ифодалаган. У қуйидагиларни айтган: кундалик юмушларингиздан холи пайтингизда ташвиш сизни айниқса кўпроқ ҳолдан тойдириши мумкин. Ихтиёрингиз қўлдан кетиши ва бошингизга турли балоларни ёғдириши, арзимаган эҳтиётсизлигингиз туфайли пашшадан фил ясаши мумкин. Бундай вақтда миянгиз бор кучи билан ишлаб турган моторга ўхшайди. У ақл бовар қилмас тезликда чириллаб айланади, подшипниклар эрий бошлайди, мотор ана-мана бўлақларга бўлиниб, ҳар томонга сочилиб кетадигандек бўлаверади. Бу ташвишни энгиш учун сиз ўзингизни дарҳол қандайдир яратувчилик фаолияти билан банд қилишингиз керак.

Аммо бу ҳақиқатни англаш ва уни амалда қўлаш учун коллеж профессори бўлиш шарт эмас. Уруш вақтида мен чикаголик бир уй бекасини учратганман ва у менга ташвишни энгиш учун дарҳол ўзини биронта яратувчанлик фаолияти билан банд этиш зарурлигини англашга муваффақ бўлганини сўзлаб берганди. Ёнида эри ҳам бўлиб, улар поезднинг ресторанли вағонида Нью-Йоркдан Миссуридаги менинг фермамга кетишаётган эди.

Уларнинг айтишича, Перл-Харборга ҳужум қилишганининг эртасига ўғиллари армияга жўнатилган. Ўғилларини ўйлайвериб, бечора хотин адойи тамом бўлибди. Қаерда у? Тан-жони соғмикан? Ё жандамикан? Ярадор бўлдмикан? Ўлиб кетдимикан?

Ташвишингизни қандай энгдингиз, деб берган саволимга у: бошим билан юмушларга кўмилиб кетдим, деб жавоб берди. У энг аввало

чўри ёллашни бас қилибди ва уйдаги юмушларни ўзи тиндира бошлабди. Аммо бу ҳам айтарли дардини енгиллатмабди.

Ҳамма бало шундаки, деди у, мен юмушларимни деярли беихтиёр бажарар эдим, миям ҳеч нарса билан банд бўлмасди. Шу боис кўрпатўшакларни йиққанда ва идиш-товоқларни чайганда ташвиш мени сира тарк этмасди. Шунда фақат жисмоний эмас, ақлий жиҳатдан ҳам мени банд қилиб турадиган бошқа бир иш қилишим кераклигини англадим. Кейин катта универсал дўконига сотувчи бўлиб ишга кирдим.

Шу ёрдам берди. Мен дарҳол хилма-хил ишлар гидобига шўнғиб кетдим: олдинига харидорлар келарди, нархини сўрарди, буюм ўлчамлари ва ранглари танларди. Ўз муаммомни ўйлашга бир сония ҳам вақт бўлмасди. Тунлари эса оёғимдаги оғриқни ўйлардим, холос. Кечликни ердиму таппа ташлаб ухлардим. Ташвишланиш учун на вақтим бўларди, на мажолим.

Аёл ўзи учун кашфиёт ясади ва Жон Каунгер Поупс ўзининг “Ташвишни унутиш санъати” китобида ёзган қуйидаги гаплар билан нимани назарда тутганини ўз тажрибасида тушуниб етди: Инсон зоти унга топширилган иш билан банд бўлганида уни хавфсизликнинг аллақандай ёқимли туйғуси, теран хотиржамлик ва сирли бахтиёр туйғу қамраб олади.

Шунга қодирлигимизнинг ўзи бир бахт эмасми?

Одамзоддаги бахсизлик сирини бир жумлада умумлаштириб, бўш вақтингиз бўлишига эришиш ва ундан бахтиёрмисиз ёки йўқлигини ўйлаш учун фойдаланинг деганида Жорж Бернард Шоу мутлақо ҳақ эди. Шу боис ташвиш ҳақида ўйламанг. Енг шимариб ишга киришинг. Сиз ўша заҳоти томирингизда қон жўша бошлаганини, миянгиз ишлай бошлаганини ва ҳаётий қувватнинг қудрат оқими сизни ташвиш балосидан халос қилганини ҳис этасиз, ишга киришинг. Ишланг. Бу ер юзидаги энг арзон ва энг яхши дорилардан биридир.

Ташвишланиш одатидан қутулиш учун қуйидаги қоидага риоя қилинг.

Қоида 1:

Ишга киришинг. Ташвишга ботган одам боши билан ишга шўнғиши керак, акс ҳолда, тушкунлик унинг соғлигини еб битиради.

## VII б о б

### ҚЎРҚАНГА ҚЎШАЛОҚ КЎРИНАДИ

Бу ҳайратомуз воқеани бир умр эсдан чиқармасам керак. Уни менга Нью-Жерси штати, Мемплвуд шаҳридан Роберт Мур ҳикоя қилиб берганди.

1945 йил мартада 276 фут чуқурликда Ҳинди-Хитой соҳиллари яқинида ҳаёт менга зўр сабоқ берганди. Мен “Байа СС 318” сувости кемасининг саксон саккиз кишилиқ командасида эдим. Радарлар япон кемаларининг унча катта бўлмаган қўриқчи гуруҳи биз томон келаётганини кўрсатиб турарди. Тонгда биз сув остига тушиб кетдик ва ҳужумга тайёрлана бошладик. Перископда япон эсминеци, танкери ва миноносечини кўрдим. Эсминецдан отилган учта торпедо ёнимиздан ўтиб кетди. Бу торпедоларнинг механик қисмидаги носозликдан шундай бўлди. Ҳужумни сезмаган эсминец ўз йўлидан ҳаракат қилиб келарди. Кемалар қаторининг охирида келаётган миноносечга ҳамла қилишга шайландик. Бироқ у тўсатдан бурилди-

да, тўғри биз томонга қараб йўл олди. Бизни япон самолёти олтмиш фут чуқурликдан пайқаб қолганди ва бу ахборот кемага узатилганди. Душмандан яшириниш учун биз 150 фут чуқурликка тушдик ва чуқурликдан отилувчи бомбалар билан ҳужумга ўтишга шайлана бошладик. Қўшимча болтлар билан люкларни маҳкам беркитдик ва тўла сукунат сақлаш учун барча парракларни, совутиш тизимини ва электр тизимини ўчириб қўйдик.

Уч дақиқадан сўнг биз дўзах оташгоҳига тушиб қолдик. Атрофимизда чуқурликда отилувчи олти бомба портлади ва портлаш кучи бизни нақ денгизнинг тубига, 276 фут чуқурликка итқитиб юборди. Бизни даҳшат қамраб олди. Сувошти кемаси учун 1000 фут чуқурликда ҳамлага учраш хатарли бўлади, 500 футдан камроқ чуқурликда эса ҳар доим ўлимга дуч келинади. Биз эса 250 футдан сал кўпроқ чуқурликда ҳамлага дуч келгандик, хавфсизлик нуқтаи назаридан биз бамисоли тиззамизда сувда турардик. Япон миноносеци бизга 15 соат мобайнида бомба ёғдириб турди. Сувошти кемасидан ўн етти фут радиусда бомба портлаши унинг корпусида ёриқ пайдо бўлишини аңглатарди. Ўнлаб бомбалар биз турган жойдан эллик фут нарида портларди. Биз эҳтиёт чораларини кўриш ва койкаларда тинчгина ётишга буйруқ олдик. Менинг қўрққанам шунчаликки, зўрга нафас олардим.

Ажалим етди, – тинимсиз такрорлардим мен, – ажалим етди. Сувошти кемасидаги барча парраклар ва электр тизими ўчириб қўйилганидан кема ичидаги ҳарорат 100 даражадан ошиб кетганди, бироқ мен қўрқувдан шундай қалтирардимки, свитер ва мўйна нимчамга ўраниб олдим, барибир совқотганимдан тишларим такирларди. Баданим муздай, ёпишқоқ тердан жиққа ҳўл. Ҳужум ўн беш соат давом этди. Кейин бирданига портлашлар тўхтади. Афтидан, япон эсминеци захирадаги барча чуқурликдан отилувчи бомбаларни отиб бўлган ва кетганди. Мана шу ўн беш соат менга ўн беш йилдай туюлиб кетганди. Мен онадан қайта туғилгандай бўлдим. Мен қилган барча ёмон ишларим, мени ташвишга солган барча беҳуда қилиқларимни эсладим. Флотдаги хизматгача банкда клерк<sup>1</sup> бўлиб ишлардим. Мени бир нарса ташвишга соларди – иш куни жуда чўзилиб кетарди, оладиган маошим эса арзимагангина бўларди, боз устига хизматдаги олға силжишим учун яхши истиқбол ҳам йўқ эди. Уйим йўқлиги, янги машина сотиб ололмаслигим, хотинимга янги кийим олиб беролмаслигимни ўйлаб, ич-этимни ердим. Оҳ, мудом ҳаммадан хафа бўлиб юрадиган тунд бошлиқ чолни шунақанги ёмон кўрардимки. Кеч хуфтонда силлам қуриган ҳолда уйга қайтиб келганимда хотиним билан жиқиллашларимни эсладим. Автомобиль ҳалокатида орттирган пешонамдаги хунук чандиқни ўйлаб, хафа бўлиб кетардим.

Булар бўлиб ўтгани қачонлар эди! Чор атрофингда чуқурликда бомбалар портлаб, ҳар лаҳзада нариги дунёга кетишим мумкин бўлиб турган бир пайтда бу муаммолар шунчалик бачкана кўриниб кетарди. Агар қуёш ва юлдузларни кўриш тағин насиб этса, бошқа ҳеч қачон ғам чекмайман, деб ўзимга сўз бердим. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Сиракуза университетиде ўқиган тўрт йилдан кўра мана бу ўн беш соат ичида яшаш санъати ҳақида кўпроқ нарса билиб олдим.

Ўзи тез-тез шундай бўлиб туради: жиддий ҳаёт синовларини мардонаворларча қарши оламиз-да, умуман бир чақага арзимайдиган турмуш икир-чикирларига бардош беролмаймиз.

<sup>1</sup> К л е р к – ёзув-чизувларни олиб боровчи хизматчи.



Бизга ташвиш келтирувчи кўплаб майда-чуйда нарсалар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Биз уларни ёқтирмаймиз ва уларга ҳаддан ташқари кўп аҳамият бериб юборганимиздан гашимиз келади.

Дизраели: “Майда ишлар билан шуғулланиш учун умримиз гоят қисқалик қилади”, деганди. Бу сўзлар, — деб ёзганди Андре Моруа “Шу ҳафтада” журналида, — жуда кўп синовлардан муваффақиятли ўтишимга ёрдам берганди. Аслида биз ёмон кўришимиз ва унутиб юборишимиз лозим бўлган майда-чуйда нарсалардан жиғибийрон бўлишга ўзимиз йўл қўйишимизни англадим. Ёруғ дунёда яшашимиз учун бир неча ўн йилликки ато этилган, биз эса йиллар ўтиб, ўзимиз ҳам, бошқалар ҳам унутиб юборадиган нарсалар устида ташвишланиб ва хафа бўлиб, қимматли соатларимизни бой берамиз. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Келинг, ҳаётимизни муносиб ишлар ва орзуларга, буюк гоёларни ижро этишга, пок туйғулар ва кўламдор режаларга бағишлайлик. Зеро, умримизни гоят қисқа, майда ишларга сарфлаб, зое кетказмайлик.

Ҳатто Редьярд Киплингдек истеъдодли шахс ҳам “умримиз гоят қисқалигини, уни майда-чуйдаларга исроф қилмаслик”ни гоҳо унутиб қўяр эди. Бунинг натижасида у ўз қайниси билан судлашганди, бу суд жараёни Вермонт тарихидаги энг машҳур судлардан бўлиб қолди. У жамоатчиликда шундай кучли таассурот қолдирдики, бу воқеа муносабати билан ҳатто Редьярд Киплингнинг “Вермонтдаги суд жараёни” деган китоби ҳам чиқди.

Ишнинг моҳият-мазмунини эса мана бундай эди. Киплинг вермонтлик Каролина Белестьер деган қизга уйланди, Братлборода шинам уй қурди ва қолган умрини шу ерда ўтказишга аҳд қилди. Унинг қайниси Битти Балестьер Киплингнинг энг яхши дўстига айланди.

Кейин мана бундай воқеа юз берди. Киплинг Балестьердан ер сотиб олди, аммо шу шарт биланки, Балестьер ҳар йили ердаги пичанни ўриб, йиғиб олиши мумкин. Бироқ бир куни Балестьер қарасаки, Киплинг пичан босишга мўлжалланган жойни ағдариб, гулзор қилишга киришиб кетибди. Ҳазабдан қайнисининг чапараста жаҳли чиқиб кетди. Киплинг ҳам ундан паст келгани йўқ. Вермонтнинг ям-яшил тоғлари узра булут қуюқлаша борди. Бир неча кундан кейин мана бундай бўлди.

Киплинг одатдагидек велосипедда кетаётганди. Шу пайт кўққисдан от қўшилган усти ёпиқ арава унинг йўлини кесиб ўтди. Ўриндикда Балестьер ўтирарди. Киплинг ўзини тутамай, йиқилиб тушди. Мана шу одам: “Серғулу халойиқ орасида ўзингни туг, кўнгилларига гулу солганинг бу халойиқ сени лаънатлагай”, деб ёзган шу одам ўзини йўқотди-да, Балестьерни ҳибс этишларини сўради. Шов-шувга сабаб бўлган суд жараёни бошланди-ку. Шаҳарни йирик газеталарнинг мухбирлари босиб кетди. Хабар бутун дунёга тарқалди. Мана шу суд Киплинг ва хотинини бутунлай Америкага кетишга мажбур қилди. Булар бари арзимаган нарса — бир боғ пичан туфайли содир бўлди.

Бундан йигирма тўрт аср муқаддам Перикс бизларни огоҳлантирганди: Аҳли дунё, тўхтанг, энди майда-чуйдалар билан шуғулланишни бас қилинг. Афтидан, биз айнан шу нарса билан шуғулланаяпмиз, чоғи.

Бир неча йил муқаддам Вашингтон штатининг катта йўл нозири Чарльз Сейфред ва яна бир қанча дўстлар билан биргаликда биз Тетон миллий боғида сайр қилар эдик. Биз Жон Д.Рокфеллларнинг боғ ҳудудида жойлашган мулкига боришни мўлжаллаб қўйгандик. Бироқ

автомобиль у йўл қолиб, адашиб бошқасидан юриб кетди, натижада биз ўша жойга бошқалардан ярим соат кейин етиб бордик.

Дарвоза калити мистер Сейфредда эди. Аммо у бизни жазирамадан куйган ва чивинга таланган ҳолда ўрмонда кутарди. Чивинлар шунақанги кўп эдики, уларнинг чақишига анов-манов одам чидаёлмасди. Биз етиб келгач, Сейфреднинг оғзидан безори чивинлар шаънига лаънатларни эшитдик дерсиз? Қаёқда, бизни кутиб, у тоғтерак шохидан хуштак ясабди-да, хуштак чалиб ўтираверибди.

Ҳаётимизда тўлиб-тошиб ётган икир-чикирлардан қандай баланд келиш кераклигини билган шу хуштак эгасидан эсдалик сифатида мен уни асраб келаман.

Сизни енгмасидан олдин ташвишни енгишингиз учун қуйидаги қоидага риоя қилинг.

Қоида 2:

Ёмон кўришимиз ва унутиб юборишимиз лозим бўлган майда-чуйдалардан жаҳлингиз чиқишига йўл қўйманг. Эсингизда бўлсин, майда-чуйдалар билан машғул бўлишга умримиз гоят қисқалик қилади.

## VIII б о б

### ТАШВИШЛАР КУЧЕНИ ҚИРҚУВЧИ ҚОНУН

Мен Миссури штатидаги фермада ўсганман. Бир куни олчани данагидан тозалашда онамга ёрдам бераётган эдим, тўсатдан кўзларимда ёш тирқиради. Онам сўради: “Эй, Худойим, Дейл, нима бўлди?” жавобига гудраниб дедим: “Мени тириклай кўмишларидан кўрқаяпман”.

Ўша кунлари ташвиш нақ жонимни суғуриб олаётганди. Момақалди роқ вақтида яшин уришидан кўрқардим. Бошимизга оғир кунлар тушганда ейишга ҳеч нарса бўлмаслигидан кўрқардим. Ўлганимдан кейин дўзахга тушишдан кўрқардим. Акам Сэм Кайт ўзи пўписа қилганидек, қулоқларимни кесиб ташлашидан ўлгудай кўрқардим.

Қизларга озгина эътибор бериб қараганим учун уларнинг устимдан бошлаб кулишларидан кўрқардим. Биронта ҳам қиз бола менга хотин бўлишга рози бўлмаслигидан, тўйдан кейин хотинимга нима дейишимни билмаслигимдан кўрқардим. Биронта кичикроқ қишлоқ черковида никоҳдан ўтгач, шокилалар билан безатилган аравага ўтирамыз-да, хотиним билан фермага йўл оламиз, деб тасаввур қилардим. Шунда йўлда нима дейман? Нима дейман, хўш, нима дейман? Ер ҳайдар эканман, бир неча соат давомида ана шундай саволлар билан бошимни қотирганим-қотирган эди.

Бироқ йиллар ўтиб билдимки, мени қийнаган ташвишларнинг тўқсон фоизи ҳеч қачон амалга ошмас экан.

Маслан, боя айтганимдай, яшиндан ўлгудек кўрқардим. Аммо энди биламанки, қайси бир йилда мени яшин уриши Хавфсизлик бўйича миллий кенгаш ҳисоб-китобларига кўра, уч юз эллик мингдан биттасини ташкил этар экан.

Мени тириклайин кўмишларидан хавфсирашим эса ундан ҳам бемаънироқ бўлиб чиқди. Ҳатто ўша олис замонларда, ўлганларни ҳали мўмиёлаб дафн этиш расм бўлмаган вақтларда ҳам ўн миллиондан бир одамни тириклайин кўмишган экан. Аммо шундан кўрқиб йиғлаган пайтларим бўлган. Ҳар саккизтадан бир одам

саратондан ўлади. Агар ташвиш қиладиган бўлсам, мени яшин уриб кетиши ёки тириклайин кўмишлари эмас, балки мен саратондан ўлиб кетишим керак эди.

Албатта, шуни назарда тутиш керакки, бу ерда гап менинг болалигим ёки ўсмирлигимда пайдо бўлган ташвиш ҳақида кетмоқда. Аммо катта ёшдаги одамларда пайдо бўладиган ташвишларнинг кўпчилиги у қадар бемаъни эмас. Балки катта сонлар қонунини белгилаб қўйиш имкониятига эга бўлмоқ ва ташвиш ҳамда хавотирларимиз учун аниқ асосларга хотиржам инонмоқ учун анча муддат хотиржам яшай олсаккина ташвишларимизнинг ўнтадан тўққизтасини бартараф этган бўлардик, балки.

Лондонда жойлашган энг машҳур “Ллойд” суғурта компанияси кўпгина одамларнинг ҳар замонда содир бўладиган нарсалардан ташвишланишга мойилликларидан фойдаланиб, неча-неча миллионлаб доллар ишлаб олганди. Сирасини айтганда, “Ллойд” ўз мижозлари билан ўзига хос битим тузди: эҳтимоллигидан ташвишланаётган ҳалокат содир бўладими? Аммо улар буни битим эмас, балки суғурта деб айтадилар. Ҳақиқатда эса бу катта сонлар қонунига асос солган чинакам битим-ку. Бу компания икки юз йилдан бери гуркираб келмоқда ва борди-ю, башарият табиати ўзгармаса, у яна эллик асрлик истиқбол билан таъминланган деяверинг, бу вақт давомида у катта сонлар қонуни бўйича одамлар одатда ўйлагандек, ҳеч ҳам тез-тез содир бўлавермайдиган ҳалокат чоғида илгаригидек пойабзал, кемалар ёки сургун суғуртаси билан шуғулланиб келаверади.

Агар катта сонлар қонунини батафсилроқ қараб чиқадиган бўлсак, кашфиётимздан ўзимиз ёқа ушлаймиз. Масалан, келажакдаги беш йилда, худди Геттсбургда бўлганидек, қаттиқ ва қонли жангда иштирок этадиган бўлсам, бу мени даҳшатга солишини билар эдим. Ўлиш эҳтимолига деб барча суғурта қоғозларини тартибга солган бўлардим. Васият ёзган ва ишларимни тартибга келтирган бўлардим. Шундай деган бўлардим: бу жангда ўлиб кетишим ҳеч гап эмас, шунинг учун қолган вақтимни жуда яхши ўтказишим керак. Бироқ катта сонлар қонуни бўйича тинчлик вақтида одам умри элликдан эллик беш ёшгача, худди Геттсбургдаги жангда иштирок этгандаги каби, ҳар лаҳзада ўлим хавф солиб туради. Бу билан айтмоқчиманки, тинчлик вақтида ҳар минг одамга элликдан эллик беш ёшгача шу жангдаги 163000 иштирокчидан ҳар мингтасига тўғри келганчалик ўлим тўғри келади.

Бир кун мен мистер Герберт Х.Сэлинжер ва хотини миссис Сэлинжер билан танишиб қолдим. Улар Сан-Францискодан келишган экан. Менга миссис Сэлинжер ҳеч қачон ҳеч нарсадан ташвиш чекмайдигандек бўлиб туюлди. У ўзини хотиржам ва вазмин тутарди.

– Ҳеч гам-ташвиш чекканмисиз? – сўрадим мен ундан.

– Ҳам-ташвиш дейсизми? – жилмайди хоним. – Бинойи умрим ташвишу гамлардан чиқмай келаман-ку. Ташвиш билан курашишни ўрганганимга қадар ўн бир йилни мен ўз қўлим билан яратган дўзахда ўтказдим. Мен ўзимга етганча жонсарақ ва қизиққон эдим. Дунё кўзимга тордек кўриниб кетарди. Ҳар ҳафтада ўзим яшайдиган Сан-Матедан Сан-Францискога харид қилгани борар эдим. Аммо ҳаттоки дўконда ҳам йўқ жойдан ташвиш туғдириб олардим. Ишқилиб, дазмолни суғуриб қўйган бўлай-да, ишқилиб хизматкор бир ёққа чиқиб кетиб, болалар қаровсиз қолмасин-да, велосипедни миниб, кўчага чиқиб кетишмасин-да, машина уриб юбориб, ўлиб-нетиб қолмаган бўлсин-да, деб ўйлайверардим. Харидимнинг ярмини қилар-

қилмас ташвишимнинг зўридан нақ қора терга тушардим. Тинч-омонликни кўзим билан кўрай деб автобусга чиқардим-да, уйга жўнаворар эдим. Биринчи эрим билан нега ажрашганимга ажабланмаса ҳам бўлади.

Иккинчи эрим ҳуқуқшунос. У вазмин, етти ўлчаб бир кесадиған одам, дунёни сел босса тўпигига чиқмайди. Мен бир нарсадан ташвишланиб, безовталана бошласам, у менга дейди: тинчлан, азизам, кел, буни ўйлаб кўрайлик. Хўш, қани, сен ўзи нимадан бунча ташвиш чекаёпсан? Кел, катта сонлар қонунини ишлатайлик-да, ваҳиманг қанчалик тўғрилигини билиб олайлик.

Масалан, бир нарса эсимда, бир куни машинада Нью-Мексико штати, Аль-Букеке шаҳридан Карлсбад мағоралари томон кетиб борардик. Тупроқ йўлда эдик, бирдан кучли бўрон кўтарилди. Машина юролмай қолди, ивиган йўлда ғилдирак чириллаб айланар ва сирпанар эди, холос. Рулни сира бошқариб бўлмасди. Бўрон бизни йўл четига учуриб юборишига амин бўлдим. Лекин эрим фақат битта гапни гапирарди. Мен жуда секин юраман, ҳеч бир ёмон нарса бўлиши мумкин эмас. Ҳатто бўрон машинани учуриб юборган тақдирда ҳам, катта сонлар қонунига кўра биз жабрланмаймиз. Ундаги хотиржамлик ва ишонч менга ўтарди.

Бир куни ёзда Канада тоғларига сафарга чиқдик. Тунда денгиз сатҳидан етти минг фут баландликда чодир тикдик. Шу пайт бўрон кўзголиб қолса бўладими? Шамол чодиримизни тилка-тилка қилиб ташлагудек кучли эсарди. Арқонлар билан ерга қоқилган ходаларга маҳкамланган бўлишига қарамай, бирдан чодир шамолга дош беролмай, чайқала бошлади. Даҳшат ичида чодирнинг учиб кетишини кутардим. Аммо эрим яккаш дерди: ташвишланма, жоним, ёнимизда “Брюстер” етакчилари бор, улар ўзларининг ишларини яхши билишади. Улар олтмиш йилдан буён бу тоғларда чодир тикиб келаяптилар. Шунча йилдан буён битта ҳам чодирни бўрон кўзгатолмаган. Бунинг устига, катта сонлар қонунига биноан, бу тунда чодирни бўрон учиролмайди. Учирганда ҳам биз бошқасига ўтиб оламиз. Шунинг учун тинчлан, ўзингни бос...

Бир неча йил муқаддам Калифорниянинг биз яшайдиган қисмида полиомиелит (асаб фалажи) тарқади. Илгари бўлганда, албатта, ваҳимага тушган бўлардим. Аммо эрим мени ўзимни босишимни айтди. Биз барча эҳтиёт чораларини кўрдик: болаларни одам тўп бўлиб турган жойларга яқин йўлатмадик, на мактабга, на кинога юборардик. Соғлиқни сақлаш маҳаллий департаментидан билдикки, ҳатто Калифорнияда қачонлардир содир бўлган даҳшатли ўлатда ҳаммаси бўлиб 1835 нафар бола касалга чалинган, одатда оғриганлар сони 200–300 атрофида бўлар эди. Бу рақамлар қанчалик даҳшатли бўлмасин, катта сонлар қонунига биноан болаларимизнинг касалликка чалиниш эҳтимоли жуда оз эди.

“Катта сонлар қонунига кўра, бундай бўлмайди”. Ташвишларимнинг 90 фоизидан халос бўлишим ва ҳаётимнинг сўнгги йигирма йилини барча дадил орзуларим ушалган мана шундай тинч ва осуда ўтказишга ёрдам берган сеҳрли ибора шу бўлади.

Ташвишланиш одатидан халос бўлиш учун қуйидаги қоидага риоя қилинг:

Қоида 3:

Келинг, ишнинг моҳиятини кўриб чиқайлик ва ўзимиздан сўрайлик: менда нотинчлик келтириб чиқарувчи воқеа ҳақиқатан ҳам содир бўлиши эҳтимоли қандай?

## IX б о б

## ТАҚДИРГА ТАН БЕРИНГ

Болалигимда Миссурининг шимоли-ғарбидаги эски ташландиқ ёғоч уйнинг чордоғида болалар билан ўйнаётган эдим. Чордоқдан тушаётиб, бир лаҳза оёғимни дераза раҳига қўйдим ва пастга сакрадим. Чап қўлимнинг қўрсаткич бармоғида узугим бўларди. Сакраётган вақтимда у мих қалпоқчасига илиниб қолди ва бармоғим узилиб тушди.

Оғриқдан қичқириб юбордим. Азбаройи даҳшатга тушганимдан ўлишимга чиппа-чин ишонган эдим. Бироқ ярам битиб кетганидан кейин бу борада бошқа бирон марта озор чекмадим. Бунда қандай маъно бор эди? Мен ҳақиқатни тан олган эдим. Энди чап қўлимда атиги тўртга бармоғим борлиғига ойлаб эътибор бермайман.

Бир неча йил муқаддам Нью-Йорк марказидаги офис биноларидан бирида юкчи лифтда нозим бўлиб ишлайдиган бир одам билан танишиб қолдим. Унинг чап қўлининг панжаси йўқлигини кўрдим, бу уни ташвишга соладими, деб сўрадим.

“Ҳе, йўқ, — деди у, — мен буни деярли ўйламайман. Уйланмаганман ва нинага ип ўтказаетганимдагина панжам йўқлиги эсимга тушади”.

Борди-ю, биз ночор аҳволга тушиб қолсак, ҳайратомуз тезлик билан қарийб ҳар қандай вазиятга кўнамиз. Биз унга мослашамиз ва уни эсдан чиқарамиз.

Мен кўпинча бир битикни ўйлайман, уни Голландиянинг Амстердам шаҳридаги XV аср Жомеси харобаларидан ўқиган эдим: “Бу шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас”.

Сиз ҳам, мен ҳам ўз ҳаётимизда неча марталаб ўзгартириб бўлмайдиган ноқулай вазиятларга тушиб қоламиз. Улар бошқача бўлиши мумкин эмас. Биз танлаш имконига эгамиз: ё ҳақиқатни қабул қилишимиз ва янги вазиятга мослашишимиз ёки исён кўтариб, ўз ҳаётимизни барбод этишимиз мумкин ва эҳтимол, бу асабларимиз бардош беролмаслиги билан тугайди, вассалом.

Мана сизга Уильям Жеймснинг доно маслаҳати: бор нарсани ҳозиржавоблик билан қабул қилинг, деган эди у. Рўй берганни қабул қилиш ҳар қандай мусибат оқибатларини бартараф этиш томон қўйилган биринчи қадам ҳисобланади.

Оригон штати, Портланд шаҳридан Элизабет Канилей ўзининг қайгули тажрибасида бу фикрнинг тўғрилиғига ишонч ҳосил қилди. Мен ундан яқиндагина ушбу мактубни олдим.

Америка Шимолий Африкадаги қуролли кучларимиз ғалабасини байрам қилган кунда, — деб ёзади хоним, — менга махсус хабарнома келди. Унда дунёдаги ҳамма нарсдан ортиқ севувчи жиянимнинг ҳарбий ҳаракатлар вақтида бедарак кетгани айтилганди. Кўп ўтмай яна бир хабарнома келди. Унда жиянимнинг ҳалок бўлгани айтилганди.

Мен қайғудан тамом бўлдим. Шу вақтгача ҳаётим жуда яхши кетаяпти деб ҳисоблаб келар эдим. Узим севган ишда ишлардим. Жиянимни катта қилишда ёрдам берардим. У ёшликка хос бўлган барча фазилатни ўзида мужассам этганди.

Саъй-ҳаракатларим зое кетмайди, қанча қилган бўлсам, икки баравар бўлиб ўзимга қайтади, деб умид қилардим. Тўсатдан, мана бу телеграмма. Мен яшаётган дунё остин-устун бўлди. Мен ишимни ташладим. Дўстларим билан учрашмай қўйдим. Бадгумон бўлиб қолдим. Нима учун келиб-келиб менинг жияним бошига бундай қисмат тушади? Нима учун қаршисида бутун бошли ҳаёт ланг очилган

шундай яхши бола нобуд бўлиши керак? Мен бу билан муроса қила олмасдим. Ғам-андухим шу қадар улкан эдики, иш-пишни йиғиштириб қўйиб, кўз ёшлариму аламли хаёлларга кўмилиб ётишга қарор қилдик.

Мен столимни тартибга солиб, энди кетишга ҳозирланаётган ҳам эдимки, бирдан кўзим унут бўлган бир мактубга тушди. Бу хатни эндиликда ҳалок бўлиб кетган жияним ёзган эди. У бу хатни менга бир неча йил муқаддам онам вафотидан кейин ёзганди. “Албатта, бу барчамиз учун оғир йўқотиш бўлди, – деб ёзганди у. – Айниқса, сиз учун. Аммо биламан, сиз руҳингизни туширмайсиз”. Мен бу хатни қайта-қайта ўқидим. Назаримда, у ёнгинамда ўтиргандай. Назаримда, у менга нима учун ўргатган нарсаларингизни ўзингиз қилмайсиз? Нима бўлганда ҳам бардош беринг ва руҳингизни туширманг. Ғам-қайғунгизни табассум билан яширинг-да, олға боринг, дегандай туюлди.

Сўнг мен ишга қайтишга қарор қилдим. Исён кўтариш ва ғам-андух чекишни тўхтатдим. Ўз-ўзимга дедим: “Бўлар иш бўлди. Мен буни ўзгартира олмайман. Аммо жияним истагандек бўла оламан ва олға юра оламан. Ўзимнинг бор билимим ва ғайратимни ишга қаратдим. Мен аскарларга, бошқа одамларнинг болаларига хатлар ёзар эдим. Кечқурун курсларга қатнардим.

Янги машгулотлар ва янги дўстлар топдим. Менда шундай ўзгариш содир бўлганига ўзим ҳам ишонардим. Мен ўтмишдан афсусланмай қўйдим ва ўшандан буён бегидир яшаб келаяпман. Худди жияним илтимос қилганидек, менинг ҳар бир куним шодликка тўла. Ҳаёт билан муросага келиб олдим. Тақдиримга тан бердим. Энди мен ҳар доимгидек янада мазмунлироқ, янада тўқисроқ ҳаёт кечираяпман”.

Оригон штати, Портланд шаҳридан Элизабет Каннлей бизлар эртами, кечми ўрганишимиз керак бўлган нарсага ўрганди: муқаррарни қабул қилиш ва у билан ҳисоблашиш. “Бу шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас”. Бунга ўрганишнинг ўзи бўлмайди. Ҳатто қироллар ҳам ҳақиқатни ўзларига муттасил эслатиб туришлари керак. Букингем саройидаги марҳум Георг V кутубхонасининг деворидаги рамкада шундай сўзлар осиб қўйилган: “Менга имкони бўлмаган нарсани орзу қилмасликни ва содир бўлган нарсадан куйиб-ёнмасликни ўргат”. Худди ўша фикрни Шопенгауэр қуйидаги сўзлар билан ифодалаган. “Ҳаёт бўйлаб қилинган сафар учун мусофирнинг бисотида итоаткорликнинг каттагина захираси бўлмоғи биринчи даражали аҳамият касб этади”.

Тўғри, бизнинг бахтимиз ёки бахтсизлигимиз фақат муайян вазиятларгагина боғлиқ эмас. Туйғуларимиз билан уларга қандай мўлжал қилган бўлсак, ўшани аниқлайди. Исо айтган эдики, “Арши аъло қалбимиздадир”. Бинобарин, Худо ҳам қалбимизда жойлашган. Борди-ю, биз мана шундай заруриятга ато этилган эканмиз, барчамиз ҳалокату фожиаларни бошдан кечиришимиз ҳам мумкин, улар устидан ғалаба қилишимиз ҳам мумкин, шу биринчи имкониятларимиздан устунлик қила оладигандай бўлиб кўриниши мумкин, аммо бизда шундай ҳайратомуз ботиний кучлар яширинки, агар биз улардан фойдалансак, ҳаммасига барҳам беришимизда қўл келади. Биз ўзимиз ўйлагандан кўра ҳам кучлимиз. Марҳум Бут Тарингтон яхши кўрган бир гап бор эди: “Дунёда фақат бир нарса – кўрликдан бошқа ҳамма нарсага чидай оламан. Кўрликка асло тоқатим йўқ”.

Тарингтон ёши олтмишдан ошганда бир куни ердаги гиламга қараб туриб, гилам ўрнида чаплашиб кетган бир доғни кўради. У гилам гулларини ажратолмади. У шифокорга борди ва фожиадан хабардор бўлди. У кўр бўлмоқда экан. Кўп ўтмай иккинчи кўзига навбат

келаркан. У ҳаммадан кўра кўпроқ қўрқиб юрган нарса содир бўлганди.

Хўш, бу барча эҳтимол туюлган мусибатлар ичида энг ёмонига Таркингтон қандай муносабат билдирди? “Ана, холос. Бу тамом дегани”, деб тақдирга тан бериб қўя қолдимиз? Йўқ. Қувноқ кайфияти сақланиб қолганига унинг ўзи ҳам ҳайрон қолган бўлса, не ажаб. У ҳатто аския қилар эди. Кўз олдидаги доғлар унинг гашига тегарди. Доғлар нигоҳи олдида сузиб юрар ва кўзларини қоплаб оларди. Бироқ ҳаммасидан йириги пайдо бўлганда у дерди: — “Салом! Яна бобомиз марҳамат қилибдилар-да. Қизиқ. Бундай ажойиб тонгда у қаёққа йўл олдийкин?”

Қайта кўришга умид қилиб, Таркингтон бир йилда ўн икки мартадан ортиқ операцияни бошидан ўтказишига тўғри келди, тагин оғриқни ўлдириш йўли билан. У бундан нолирмиди? Шундай бўлиши кераклигини у биларди. Бундан қочиб бўлмасликни у биларди, шу боис азобни камайтиришнинг ягона йўли — уни мардона туриб қарши олиш эди. У ёлғиз бўлмада ётишдан воз кечди ва бошқа беморлар билан муносабатда бўлиши мумкин бўлган умумий бўлмага ўтказишларини илтимос қилди. У беморлар руҳини кўтаришга ҳаракат қиларди. У бирин-кетин янги-янги операцияларни ўтказиши керак бўлган, хуши ҳали тамоман ўзида бўлган вақтда унинг жуда омади келгани ҳақида ўзига эслатиб қўйишга ҳаракат қиларди. “Гап йўқ, — дерди у, — Гап йўқ, ҳозир фан ҳатто инсон кўзидек нозик аъзони ҳам операция қилишга қодир”. Бошқа одам бўлганда ўн икки марта операцияни бошдан ўтказгандан ва қўрлик билан тўқнашгандан кейин қаттиқ асабий ҳолатга тушган бўлар эди. Таркингтон эса бундай дерди: “Ўзимнинг бу тажрибамни бошқа бахтлироқ тажрибага алишмаган бўлар эдим”. Тажриба уни ҳаётни қабул қилишга ўргатган эди. Тажриба уни яна шу нарсага ўргатган эдики, ҳаёт унга инъом этиши мумкин бўлгандан бошқа ҳеч бир нарса унинг иродасидан ортиқ эмас. Тажриба яна шу нарсани ўргатган эдики, Милтон сўзлари билан айтганда, “Кўр бўлиб қолган одам бахтсиз эмас, кўрликка чидай олмаган одам бахтсиздир”.

Сара Бернерни ким танимайди — уни илоҳий аёл дейишарди, бундан ташқари, у бориға барака дея тақдирга тан бергувчилар учун ёрқин мисол ҳамдир. Ярим аср тўрттала қитъа театр сахналарининг қироличаси бўлиб келди. У дунёдаги энг эъзозли актрисалардан бири эди. У етмиш бир ёшга кирганида бор-йўғидан ажралди — хонавайрон бўлди, унинг шифокори, парижлик профессор Пацци эса унинг оёғини кесишга тўғри келади деган хабарни эълон қилди. Атлантика орқали саёҳат қилаётганида бўрон пайти йиқилиб тушган ва оёғини қаттиқ лат едириб олганди. Лат флебитга айланди. Оёғи шишиб кетди. Оғриқ кучайгандан-кучайиб борарди ва доктор унга оёғини кесиш зарурлигини айтди. Шифокор қизиққон илоҳий Сарага бундай операция зарурлиги ҳақида гапирганида ўзи қандайдир даҳшатга тушганди. Бу хабарни эшитиб, артист хоним қаттиқ талвасага тушса керак, деб ўйлаганди. Бироқ Сара хотиржам тусда деди: “Агар шундай қилиш керак бўлса, майли, шундай қилишсин”.

Уни операцияга олиб кириб кетишаётганда унинг ўғли йиғларди. Онаси эса унга қувноқ қўл силкитиб тетик овозда деди: “Кетмай тур, мен дарров чиқаман”.

Актрисани операция хонасига олиб келишар экаң, у сахнадаги қайсидир бир ролини такрорлаб борарди. Кимдир ундан: “Ўзингизга далда бериш учун атайлаб шундай қилаяпсизми?” — деганида, у: “Мен докторлар ва ҳамшираларга далда бериш учун шундай қилаяпман”, деган.

Операциядан кейин тузалгач, Сара бутун жаҳон бўйлаб кезиб чиқди ва яна етти йил томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Нима учун автомобил шиналари йўлда кетаётиб, барча зўриқишларга бардош беради? Аввал-бошда покришка ишлаб чиқарувчилар ҳаракат пайтида юзага келувчи кучларга чидамли покришкалар ишлаб чиқарганлар. Аммо бундай шиналар узоқ чидамаган ва йиртилиб кетган. Кейин улар зарбаларни ютувчи покришкалар ишлаб чиқара бошлаганлар.

Агар зарбаларга, ҳаёт йўлимизга тўшалган тошларга урилишларни ютишга ўргансак, биз кўпроқ чидаймиз ва ҳаётдаги ҳаракатимиз янада тинчроқ кечади.

Биз кўплаб ички зиддиятларга тўқнаш келаемиз. Биз ҳаяжонланаемиз, асабий ҳолатдан зўриқамиз. Борди-ю, қайсарлик қилсак, ҳаётимизнинг аччиқ-чучукларига тан беришдан бўйин товласак, аввалига ўзимиз яратган сароб дунёсига кириб яширинаемиз-да, кейин ақлдан озамиз.

Уруш вақтида миллионлаб ўтакалари ёрилган аскарлар ё тақдирга тан беришлари, ё зўриқишга тан беролмай синишлари керак бўлган. Мисол тариқасида Уильям Х.Кассемус бошидан кечирган воқеани олайлик. Нью-Йоркдаги машғулларимиз вақтида мукофот олган унинг мана бу ҳикоясига қулоқ беринг.

“Соҳил муҳофазасида хизмат қила бошлаганимдан кўп ўтмай, мени Атлантика океани қирғоғидаги энг оловли жойга юборишди. Мени портловчи моддалар нозири этиб тайинлашди. Бунинг нима эканини тасаввур қила оласизми? Мени-я? Крекерфурушдан портловчи моддалар нозири бўлсам-а!

Минг-минг тонналаб тротил билан ишлашни ўйлагандаёқ қоним музлаб кетарди. Ўқиш курси икки кун вақтни олди. Билганларимнинг ўзиданоқ даҳшатга тушар эдим. Биринчи топшириқни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман.

Нью-Жерси штати, Бейонна шаҳридаги Кейвен-Пойнт бандаргоҳида туманли, совуқ ва қоронги кунда кемадаги беш рақамли трюмга масъул эдим. Беш нафар юкчи билан бирга мен Тюрмга тушишим керак эди. Бу юкчилар мушақдор йигитлар эди, аммо улар портловчи моддалар ҳақида ҳеч нарса билмасди. Улар оғир ва жуда оғир бомбаларни юклар эдилар, ҳар бир бомба ичида бир тоннадан торотил бор. Мана бу шалоқ рўдапони қипиқдай учуриб юбориш учун шунинг ўзи бемалол кифоя қиларди. Бомбалар иккита арқонда тушириларди. Мен ўзимча тинимсиз такрорлардим: арқонлардан бири узилиб кетса, тамом! Эй, Худо! Кўрқувдан адоий тамом бўлгандим. Худди терак баргидек титрардим. Оғзим қуриб кетган. Тиззаларим букилиб-букилиб кетарди. Юрагим қинидан чиққудек бўларди. Аммо қочиб кета олмасдим, бу қочоқлик мен ва ота-онам учун шармандалиқни англатарди. Мени отиб ташлашлари мумкин эди. Қочиб кета олмасдим. Мен қолишга мажбур эдим. Юкчилар ажал юки билан жуда эътиборсиз муомала қилаётганларини кўриб турардим. Ҳар дақиқада кема ҳавога учиб кетиши мумкин эди. Мен бир соатми ёки ундан кўпроқми, ана шундай даҳшатли ҳолат ичида бўлдим, кейин эса ҳушимни жойига қўйиб, мулоҳаза юрита бошладим. Ўзимга-ўзим дедим: менга қара, портлаб кетса, хўш, нима бўлади? Сен ҳеч нарсани сезмайсан. Бу энг осон ўлим. Эсингни йиғ. Абадий яшаб қололмайсан. Сен ё шуни бажаришинг керак, ё сени отиб ташлайдилар. Ундан кўра дурустроқ нарсаларни ўйласанг-чи.

Шу тариқа мен соатлаб ўзим билан ўзим гаплашдим ва охири энгил нафас олдим. Ниҳоят, шундай палла этиб келдики, ўзимни



тақдирга тан беришга мажбур қилиб, ташвиш ва қўрқувларимни баргараф этдим. Мен бу сабоқни ҳеч қачон унутмайман. Ҳозир ҳам ҳар гал вазият туфайли менда ўзгариб бўлмас ташвишланиш пайдо бўлса, елка учириб қўяман-да, ўзимча дейман: “Кетдик”. Қизиғи шундаки, бу кркерфурушга ҳам қўл келаркан. Ура! Ура! Азамат кркерфурушга шарафлар бўлсин!

Башарият тарихида, сирасини айтганда, фақат Суқротнинг ўлими ўз фожиаси билан Исонинг хочга тортилишига қайсидир даражада тўғри келади. Ўн минг йилдан кейин ҳам одамлар Платон тасвирлаб кетган бу ўлмас воқеадан ҳаяжонга тушгайлар. Бир қанча афиналик фуқаро оёқяланг Суқротга ҳасад қилиб суд қилдилар ва ўлим ҳукми чиқардилар. Дўстона кайфиятдаги қамоқхона қўриқчиси унга бир пиёла заҳар олиб келиб: “Тақдир ёзуқларига осонгина тан бериб қўя қолинг”, деди. Суқрот тақдирга тан берди ҳам. У ўлимини муқаддас, фараҳбахш бир нарсадай мардона қарши олди.

Қоида 4:

Тақдирга тан беринг.

*Давоми бор*



Ушбу асар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждоларимизнинг маънавий жасоратини улуглаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий кадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан гуруҳ ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

## Бадиийлик мезонларининг умрзоқлиги

**Ў**лчов ҳаётнинг ўзида мужжасам. Зеро, у тирикликнинг шартли ҳисобланади. Чунончи, ҳар сонияда беминнат симираётганимиз ҳавонинг таркибида кислород, азот, карбонат ангидрид каби моддалар мавжуд бўлиб, бирининг ҳиссаси бошқасининг эвазига бир фоизгина бўлсин ўзгарса, ер юзидаги ҳаётга қирон келишини химия фани бот-бот уқтиради. Агар қиёсنى бадиий адабиёт соҳасига кўчирадиган бўлсак, айтиш жоизки, ҳар қандай юксак бадииятнинг ҳам ўзига яраша ботиний мутаносиблиги мавжуд. Бундай мутаносиблиги бўлмаган **адабий асар ўзига йўл топиб кетолмайди. Демак, мунаққиднинг ўрганиш ҳадафи<sup>1</sup> ҳисобланмиш шеър ёки ҳикоя ўз табиатига кўра заргарона мезонлар асосида яратилар экан-да.**

Сўнгги вақтларда ўзбек танқидчилигида баъзан бадиий асарга баҳо бериш ишида постмодернизм кайфиятига кўр-кўрона тақлид сезилади. Постмодернизмда яхлит ва устивор ҳақиқат парчаланиб кетади-да, ўрнида ҳамманинг ўз ҳақиқати, ўз қарashi пайдо бўлади. Бадиий асарни баҳолашда бу ҳол маълум маънода қўл келиши мумкин. Лекин уни яқкаю ягона дастуриламал қилиб, ҳамма нарсада ва ҳар жойда нуқул шахсий “ҳақиқат”ни ҳимоя қилишга одатланиш объектив реалликка раҳна солиши турган гап. Дарҳақиқат, яратилган бадиий асарни ҳақиқий баҳосини бериш огир юмуш. Қаерда субъективлигу қаерда объектив нуқтаи назар кўпроқ эканлигини англаш, идроқ қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Президентимиз яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси олдига қўйган даъватномасида: “Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда жуда огир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз руҳий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам ожиз қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий савдоларини акс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизминини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса” дея алоҳида уқтирилиши бежиз эмас.

Яқинда ЎзФА нинг “Тил ва адабиёт” институтида кечган илмий диссертациялар муҳокамаси асносида бир шеър устида қизгин баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Шеърнинг “ранг-рўйи”дан, бадиий санъатлари табиатидан қандай маъно англатиши шундоқ кўриниб турганига қарамай, ёш тадқиқотчи ўз талқинини зўр бериб ҳимоя қилишда давом этди. Бўлажак олимга “Ахир шеърда сиз айтаётган мазмун йўқ. Аксинча, унда қўлланган ташбеҳлар ҳам сиз кўрсатётган томоннинг тамомила тескарисига ишора қилиб турибди. “Шеърни ҳар хил талқин қилиш дегани кўнглингиз нимани тусаса, ўшани айтаверасиз, дегани эмас, ахир” деб ҳам кўрилди. Лекин диссертантнинг берган жавоби тахминан қуйидагича жаранглади: “У сизнинг ҳақиқатингиз эди. Буниси эса меники”.

Кўриниб турганидек, ижод дунёсидаги мезон ва меъёрлардан беҳабарлик ана шундай куракда турмайдиган муноқашаю тортишувларга сабаб бўлар экан.

Энди дўшини олиб қўйиб ўйлаб кўрайлик: наҳотки, фикрий эркинлик дегани бебошлик бўлса? Наҳотки, бизнинг етиб келган жойимиз шу бўлса —

<sup>1</sup> Ҳ а д а ф — объект.

ўз билимсизлигимизни сохта ва саёз плюрализм этаги билан ёпишга уринсак? Шахсан мен муайян бадий асар ҳақида юзта одамнинг юз хил фикр билдиришини ҳар доим ҳам ўзини оқлайдиган тутум, жудаям ижобий ҳол дея баҳолай олмайман. (Бедилнинг бир тўртлик борасида қирқта одамнинг қирқ хил фикридан кейин қирқ биринчисини изҳор айлагани билан боғлиқ ривоятни унутмаганим мени фикрлашдан тўхтатгани йўқ.)

Сираси, битта асар ҳақида ҳамманинг ўз қараш борлиги гоёта табиий. Чунки ҳар ким ҳар хил ота-онадан туғилади. Бу — биологик омил. Ва ўша ҳар ким ҳар хил моддий ва ахборот шароитида вояга етади. Бу — ижтимоий омил. Учинчи омил бу — ҳар бир инсоннинг руҳий маънавий ўзаги ва тарбияси билан боғлиқ. Мана шуларнинг барчаси бирлашиб инсонни шакллантиради. Адабиётни ҳар кимнинг турфа хил тушуниши, аввало, ана шу сабабларга боғлиқ. Лекин бу дегани у ёки бу бадий асарни қўлига олган киши ақлу ҳушига нима келса, шуни айтиш ҳуқуқига эга дегани эмас-да. Асло. Чунки ҳар қандай шеър исталганча мажозий бўлишига қарамай, яратилиш асносида бирмунча конкрет маънони ифодалашга қаратилган бўлади. Яъни унинг қурилишидан тортиб, шу иншоотда иштирок этаётган ҳар битта сўз, бадий санъатлар — ҳамма-ҳаммаси қайсидир томонга ишора қилиб туради. Худди бегона юртга ё шаҳарга бориб қолганингизда сизга йўл кўрсатиб турган белгилар каби. Ҳеч қайси ўқувчининг, бирламчи, ана шу белгиларни алмаштиришга, иккиламчи, ўзигагина маъқул ишоратларни шарҳлаб ўтишга ҳаққи йўқ. Маълум асар ҳақида ўқувчининг фикри ҳар хил бўлиши мумкин. Буни қабул қиламиз. Фақат битта шарт бор: бадий асар боғдан келса, ўқувчининг фикри тогдан келмасин. Ўқувчининг ўзига хос бўлган фикри агар асар кўрсатиб турган йўналишдан тамомила бошқа тарафга қараб турган бўлса, демакки, бу қараш ўзича яхши, оригинал бўлишига қарамай, ноўрин ҳисобланади. Исталган асар ҳақидаги бизнинг қарашимиз шу асарнинг мазмун-моҳияти ва умумий кайфияти билан ҳамоҳанг бўлиши шарт. Бундай бўлмаган ҳар қандай фикрни мен таҳлил этилаётган бадий асарга алоқаси йўқ, деб биламан. Айни чоғда таъкидлаб айтишни истардимки, юқоридаги фикр бадий асарга турли томондан ёндашиш ва таҳлил қилиш эркинлигини мутлақо инкор этмайди.

Бадий асарни баҳолаш учун эзгу истакнинг ўзи етарли эмас. Баҳоловчидан истейод, ҳақгўйлик ва эҳтиёжга айланган неқбин нијатдан ташқари жуда катта билим, билим ва яна билим талаб этилади. Йўқса, ҳар ким ўз дунёқарашидан келиб чиқиб амалга оширган шарҳини ўша асарнинг мазмун-моҳияти билан бир, дея нотўғри тасаввурга берилиши мумкин. Билим бўлса-чи, ёлгон тасаввурлар чекилади-да, у ёки бу бадий асарнинг асл мантигига уйғун тасаввурлар юзага келади. Чунки шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, бадий адабиётнинг ҳам, уни ўрганувчи фан — адабиётшуносликнинг ҳам ўзига яраша тошу тарозиси мавжуд. Ҳар қандай ижодкорнинг ижодий эркинлиги аслида, ана шу тошу тарози ила ўлчанади. Ижоддаги ҳаддини билмаган эркинлик, аввало, шу ижоднинг ўзини барбод қилади. Яъни, қўлига қалам тутган ижодкорки бор, ижоднинг яшовчан мезонларига риоя этади. Акс ҳолда, у яратган нарса қутилган натижани бермайди, уни асло бадий асар деб бўлмайди. Эҳтимол, ушбу фикрлар бугун “модернча” фикрлашга қаттиқ бел боғлаган айрим замондош ҳамкасбларимиз учун андак консервативроқ бўлиб туолса ажабмас. Лекин на илож, бадий адабиётнинг ҳам, адабиётшуносликнинг ҳам асрлар мобайнида шаклланган, замонлар синовидан ўтган барҳаёт мезонлари борки, улар билан ҳисоблашмаслик, юмшоқ қилиб айтганда, ижод табиатини менсимаслик билан баробар.

Дейлик, бир жозиб шеър ёки салмоқли роман дунё юзини кўрди. Ҳўш, уни қайси мезонларга асосланиб баҳоласак тўғрироқ бўлади? Назаримда, бу борада постмодернизм руҳини чала ўзлаштириб, муносабат билдиришга иштиёқманд “субъективчи”лардан фарқ қилиб, мумтоз адабиётшуносликнинг оғир-вазмин ўз нуқтаи назари борлигини ва бу қараш қарийб неча юз йиллардан бери сайқал топиб келаётганини айтиш жоиз. Хуллас, адабиётшунослик илми ай-

тадики, бадиий асарни кўтариб турган устун — бу унинг бадиияти. Бадииятнинг бўлса ўз асослари, мезонлари бор. Булар мазмун ва шакл бирлиги, тасвирдаги меъёр ва ҳаққонийлик, ижодий дард самимияти, муаллифнинг тасвир этилаётган воқеликка эстетик баҳоси, образ яратишда бетакрорлик, пафос, шартлилик, тил бадиияти<sup>1</sup> ва ҳоказо. Мезонларнинг асосий қисмлари ўртасидаги заргарона уйғунлик кўп ҳолларда бадиий асарнинг ўқишли чиқишини таъминлайди. “Бадиий асар ҳеч қандай ўлчовни тан олмайди, у табиатдан берилган илҳом асосидагина бунёд этилади, қолгани бекор”, дейишлик, менимча, илмдан узоқдаги чойхона гаплардир. Моҳиятни кўра билгувчи нигоҳ учун илҳом деганимизнинг ҳам ўзининг саҳияси, сўзга илашиб чиққулик қирралари борки, бундан бўйин товлаш, умуман, илмдан юз ўтириш дегани бўлади.

Замон шиддат билан эврилишда давом этмоқда. Ҳатто адабиётнинг ўзида оқимлар, йўналишлар қисқа фурсатлар ичида ўзгариб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси аввалбоши, техника, сўнг ахборот асрининг табиати, тезлиги натижа-сида турли кўйларга тушиб чиқаётган замондош инсоннинг турланаётган кайфияти билан боғлиқ жараёнлардир. Кайфиятлар ўзгардими, демак, инсонни тутиб турган ўзак қадриятларга муносабатда ҳам тусланишлар юз бера бошлайди. Лекин шундай чинакам бадииятни баҳоловчи умрзоқ эстетик принциплар яшайверади. Мавриди келди — айтай: бундайин принциплар бадиий асар деб аталган бино қаддини тик тутиб турган муаззам устунларким, уларсиз асардаги ободлик вайронага айлангуси.

Содир бўлаётган оламшумул ўзгаришлар табиатини, равишини, натижаларини таҳпилу тавсиф этувчи куч ҳам, буни ўқувчи қаршисига беминнат қўйиб, унга танлаш имконлари уфқини кенгайтиргувчи заҳматкаш дўст ҳам ижодкор! Бу ерда ижодкор мансуб бўлган жамиятнинг ютуғи шундаки, ҳақиқий ёзувчи ё шоир ҳеч қачон ёвузликнинг ёнида туриб эзуликка тош отмайди, йўқ! Аксинча, у ҳамшиша умуминсоний маънавиятни ёқлаб чиқиши баробарида ўз миллатининг ўзак қадриятларини ҳам ҳимоя қилгувчидир! Чинакам ижодкор ўқувчига эстетик таъсир этиш орқали жамиятни, дунёни поклаш ва маънан юксалтириш сари ҳаракатланиб боради. Мана шулар ҳақида ўйлаганда Баённомада акс этган қуйидаги фикрларнинг салмоғини теранроқ англай борасан киши: “XXI” аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Демак, ёзувчининг, шоирнинг, драматургнинг қиладиган иши ҳали кўп. Ҳаёт давом этар экан, уларнинг меҳнатларига ниҳоя ҳам йўқ. Чунки ёзилмиш ёзилмаслигидан қатъи назар, ҳар биримизнинг кўнглимиз ўзимиз учун энг катта адабиётдир! Биз ҳар доим ана шу адабиёт билан бирга, ҳамнафасмиз. Туну кун ўша адабиётни мутолаа қилишдан бош кўтармаймиз, аслида. Адабиётни тарғибу тавсиф этиш, аслида, кўнглимизга қулоқ тутишга даъват ҳисобланади. Энди китоб шаклидаги адабиётга ошно бўлиш эса ўзганинг кўнглига ҳам эътибор қилиш, демак.

Адабиёт миллатнинг орзу-умидларини ўзида мужассам айлайди. Орзу умидлари, ҳою-ҳаваслари мўл-кўл бўлган халқнинг адабиёти ҳам шунга яраша бўлади. Яна бир гап: адабиёт ана ўша орзу-умидларнинг бошқа тарафини ҳам акс эттиради. Яъни армонни! Катта миллатнинг катта адабиёти бўлади. Катта адабиётнинг эса орзуси ҳам, армони ҳам чўнг бўлади. Ушалмаган орзудан тугилган армонни адабиёт деб аталмиш “майдон”да ярата олган миллат руҳий-маънавий жиҳатдан соғлом бўлади. Бутун бошли XX юзйиллик психоанализи тарихидан адабиётга дахлдор энг улкан кашфиёт ана шу! Кўринадики, катта адабиёт руҳни даволаш орқали миллатнинг соғлиғини ҳам тиклай борар экан. Шу маъ-

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Б. Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Тошкент. 2004 й.

нода адабиёт ҳақидаги бугунги гамхўрликни мен миллат ва унинг келажаги томон қўйилган энг жонбахш одимлардан бири, деб қабул қилдим.

Яна мурожаатдаги мазкур фикрни алоҳида таъкидлаб қўрсатишни истардим: “Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш, ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур”. Дарҳақиқат, фақат истеъдодгина адабиёт ва санъатда ўз юзю сўзига эга бўлиши, миллатнинг дардини кўтариб чиқиши, уни енгиллатишга, аритишга муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин. Бу соҳада битта истеъдодли ижодкорнинг ўрни ва аҳамияти юзлаб оддий даражадаги қаламкашикидан баланд туради, энг муҳими, баланд туришини англамоғимиз зарур! Яна шу нарсани ёдда тутмоғимиз жоизки, истеъдод авайлаб-асрашга, парваришга, гамхўрликка муҳтож. Истеъдодсиз кишиларнинг ўзига йўл топиши, йўл очиши, пўрим мавқеларга эга чиқиши бирмунча осон кечади. Чунки у фақат шу йўл билангина эътиборга тушиши мумкинлигини яхши билади, бутун куч-қувватини, умрини шу ишга сафарбар этади. Истеъдод эса ўз табиатига кўра чинакам ижод билан андармон бўлиб, ташқи дунёга нисбатан ўзи эгаллаб турган позиция ҳақида унутади. Натижада яхши ижод намуналарини бериши баробарида жамиятдаги ижтимоий мавқеига кўра эътибордан четроқда қолиши мумкин. Шу маънода истеъдодларни топиш ва уларнинг меҳнатини сидқидилдан қадрлаш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар адабиётимиз ҳақидаги кейинги йигирма йил мобайнида амалга оширилажак энг улкан гамхўрлик бўлур эди, дея баралла айтгиси келади кишининг.

*Улуғбек ҲАМДАМ*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк ажодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

# Машаққатли йўл

*Андрей СТОЛЯРОВ ижодини фантаст ёзувчи сифатида бошлаб, бу соҳада маълум бир муваффақиятларга ҳам эришган эди: китоблари кетма-кет нашр этилди, мазкур жанр соҳасидаги мукофотларга мунтазам равишда сазовор бўлди, эндиликда эса унинг номини танқидчилар янги рус фантастикаси асосчилари қаторида тилга олишмоқда. Бу ижодий йўналиш жиддий ва узоқ давом этадигандек туюлган эди. Бироқ кутилмаганда Столяровнинг “петербургча матн” анъанасини давом эттирувчи “Муъжаз апокриф” номли мистик қиссалар тўплами, кейин эса “Хусусий шифо”, “Заволни билмайди” ва “Кичик Ой” романлари нашр этилдики, уларни ҳар қанақасига олганда ҳам фантастика жанрига тиркаб бўлмайди. Нима бу — адабий қисматнинг кутилмаган бурилишими?*

— **Андрей, сиз ўзингизни фантаст ёзувчи деб ҳисоблайсизми ёки реалист ёзувчи?**

— Анча йиллар муқаддам мен жанрлар орасида фарқ йўқлигини англаб қолдим. Фарқ фақат яхши проза ва ёмон прозанинг ўртасидагина бор. Муаллифнинг умуман жанрга дахли йўқ. Муаллиф фақат ўзигагина тааллуқли. Шунинг билан бу муаммо мени тўлқинлантирмай қўйди. Мен агар асаримни фантастикага яқинроқ ёзсам, уни ана шу жанрни ёритадиган журналда эълон қиламан. Агар асарим, менинг назаримда, кўпроқ реализмга йўғрилган бўлса, уни “қалин” адабий журналга берарман. Жанр — бу нисбий тушунча. Битта китобнинг ўзини “Фантастика” жавонига қўйсангиз, унга ана шу нуқтаи назардан ёндашдилар. Бироқ уни “Замонавий наср” жавонига ҳам қўйиш мумкин ва уни “ҳақиқий адабиёт” сифатида қабул қиладилар.

— **Бироқ сизнинг реализмингиз ўзига хосдир. Зеро, сизни петербурглик адиблар орасида энг петербурглик адиб деб аташлари бежиз эмас.**

— Бунда жиндак муболаға бор. Мен сўнгги йиллар ўқиганларим орасида асл петербургона асарлар деб Наталья Галкинанинг “Муқад-

дас Пётр архипелаги” ва Олет Стрижакнинг “Болакай” романларини кўрсатишим мумкин. Бу романлар Петербург оғушидаги ишқ-муҳаббат туйғулари ва шаҳарнинг ўзи борасида ҳамда мангуликка йўғрилаётган вақт ҳақида ҳикоя қилади. Мен ана шуларни тавсия қилган бўлардим биринчи навбатда. Албатта, “петербургча матн” сеҳри мента бегона эмас. Воқеликнинг рўёга эврилиши ажойиб бадий уфқларни очади. Бироқ шунинг таъкидламоқчиманки, петербурглик муаллиф бу фақат Санкт-Петербургда истиқомат қилиб, шу ерда қалам тебратадиган муаллиф эмас, балки ботиний нигоҳга эга петербургча турмушнинг сеҳрли жозибасини туядиган қалам соҳибидир.

— **Петербургча сеҳр-жозоба — бу афсонами ёки чиндан ҳам мавжуд воқеликми?**

— Петербург туссиз, лузумсиз ҳаёт учун бунёд этилмаган. Шундай бир қошонаки, у ўткинчи муаммолардан холи қолмоқлик мумкин бўлган ердаги жаннат рамзи, давлат орзусининг юксак маъноси сифатида бунёд этилган. Унда дастлабки йиллардаёқ одамлар яшайдиган уйлар эмас, улугвор иморатлар тикланган. Оддий, жўн ҳаёт учун бу ерда ўрин бўлмаган. Аксин-

ча, бундаги муҳит ҳаёлотга мансуб, идеал орзулардан йўғрилган жозибали, ажиб ҳаётга муносиб бўлиб, уни шууран ҳар ким ўз ҳаёти янглиғ идрок этгайдир. Зеро, Петербург ўз мавқеи-мартабасига кўра, ерга эмас, осмонга яқин. Шаҳар ҳавоси турмушнинг адоқсиз ташвишу заҳматларидан юксакда. Ҳар қалай, ҳаёт жабҳасида улар биринчи бўлиб кўзга ташланмайдди. Шу боисдан дунёни шууран англаш кундалик муаммоларга қоришиб кетмаган. Бу ҳиссиёт воқеликни, турмушни туб-тубигача ёритган ҳолда ғуборлардан тозалайди, илоҳийлаштиради, мен тасвирламоқчи бўлган ҳаётнинг ал-кимёсига эврилтиради.

– Ал-кимё борасидаги фикрларингизни ойдинлаштирсангиз.

– Мени гўё бир-бирига ёт бўлган, тасодифлар йиғиндиси сингари кўплаб турмуш унсурларидан ташкил топадиган модда – биз уни ҳаёт деб атаيمиз, қизиқтиради. Ундаги теран маъно қандай қилиб юзага чиқади, мавжуд хилқатни қандай қилиб ўзига йўғрилтиради, ҳаёт деб аталмиш ашъдан тақдирни қай тарзда яратади. Бунда нима илоҳи-ю, нима тасодифий? Шарт-шароитга нималар боғлиқ, одамнинг ўзига-чи? Ҳаётда ниманидир ўзгартириб бўладими? Умуман олганда, кимё – бу фан, уни ҳар ким ўзлаштириши мумкин. Ал-кимё эса – бу сеҳрли санъат, у ҳеч нарсадан ниманидир яратади. Шунингдек – ҳаёт ал-кимёси ҳам.

– Сизнинг наздингизда, тақдирни яратиш мумкин экан-да?

– Тақдир баланд айюҳаннослардан эмас, балки тинч, сокин хатти-ҳаракатлардан бунёд бўлади. Инсон ботинидаги азму қарорлар яратади уни. Ҳеч ким пайқамайдиган йўлкўшгичнинг оҳистагина сурилиши поездни тамомила бошқа йўлга солиб юборади. Бир вақтлар мен, масалан, ҳеч қачон адабиётдаги мансабларга интилмайман, деб ўзимга сўз бергандим. Ёки замонавий тил билан айтганда, ёзувчилик шухратига сарфлаш учун мансаб орқали обрў-эътибор орт-

тириш кўйига тушмайман, деб. Танлаган йўлимнинг тўғрилигига эндиликда имоним комил. Бу борада адабий ҳайъат мажлисларида кўр тўкиб ўтирадиган салобатли қиёфаларни эслашнинг ўзи кифоя. Ҳайъат бу – тирик туриб ҳаётни тарк этганларникидек мен учун. Омма олдида инсонни қабрга кўядилар, у эса бундан мамнун. Йўқ, фақат матн – ҳикоя, қисса, роман ҳақиқатдир. Матн ўзи ҳақида ўзи гапирради. Ёки гапирмайди.

– Сизнинг лавозим ва мансаблар борасидаги бу фикрингиз қатъийми ёки буни жиндек юмшатиш лозиммикин? Яъни мансабларга кўтарилаётган муаллиф дуруст ёзувчи сифатида ҳам ўзини сақлаб қолиши мумкинми?

– Менинг адабиёт остонасига қадам қўйганимга анча йиллар бўлди ва шундай ижодкорларни биламанки, улар бор саъй-ҳаракатларини сарфлаб, мансабга кўтарилиш пайдан бўлдилар. Ишонтириб айтаман, адабиётда улардан ҳеч вақо қолгани йўқ; улардаги бир пайтлар товланган истеъдод учкунлари тамомила сўниб битди. Бинобарин, шу нарса равшанки, мансабга ўтирган ижодкор эркинлигидан буткул маҳрум бўлади, ўзида ижод табиатига хос бўлган шижоат ва дадилликни йўқотади. Зеро, у шундай оғуки, қачондир жисму жонга тушар экан, бутун вужудни заҳарлайди. Айнан шу боис, мен адабиётдаги давработликлардан ҳам нари юришга ҳаракат қиламан. Зеро, гуруҳбозлик, гуруҳдагиларнинг одатда изҳор қилганликлари сингари мутлақо дўстона давра эмасдир. Тарафкашлик бу – адабиётдан манфаат кўришни кўзда тутган мансаблар уюшмаси, кичик савдо-сотик корхонасидир. Унда тартиб ва қонун жуда қатъий: ёққанларни эмас, сенга қайишадиғанларни мақтамоқ, кўнглингга манзурлар билан эмас, кўпроқ нафи тегадиганлар билан дўстлашмоқ керак бўлади. Бу ҳам айнан ўша оғунинг ўзидир, фақат бошқа идишга солинган. Йўқ, мен, яхшиси, ҳаммасини ўзим қиламан. Ада-

биёт — олис манзил сари машаққатли йўлдир. Сенинг учун бу йўлни ҳеч ким босиб бермайи.

— **Сиз шўролар давридаёқ ёза бошлагансиз. Ўша даврга таққослаганда, сизнингча, ҳозир нималардир ўзгарганми?**

— Баридан аввал адабиётнинг ахборот воситаларида ўзгаришлар содир бўлди. Бу борада Бодрийяр таъкидлаганидек, ёзувчи аввал асар ёзарди, агар муваффақиятли чиқса, у шуҳрат қозонарди. Эндиликда — айнан бунинг тескараси. Ёзувчи аввало радио ёки телевидение орқали шуҳрат қозонади, ана шундан кейингина китобларини ана шу мақомга ростлайди. Шу боисдан кейинги йилларда адабиётга кўплаб журналистларнинг кириб келганлиги бежиз эмас. Ахир, ҳар қандай матнни ирод қилиб ташлаш журналист учун чўт эмас-да. Нафсиламбрини айтганда, ҳар йили ёстиқдай-ёстиқдай китоблар яратилиб турган замонавий адабиётда бу қобилият

жуда асқотади. Бинобарин, ноширлар ҳам бундоқ “истеъдод”га бефарқ эмаслар. Мен билан яқин муносабатдаги шундай ноширлардан бири бир куни менга дабдурустдан деди: “Сен машҳур бўлгин аввал, кейин асарларинг нашрини бизга қўйиб бер”. Бодрийярни эҳтимол у ўқимаган чиқар, лекин фикрлаш тарзи...

— **Яқинда “АСТ” нашриёти “Фалсафа” сериясида давр таҳлилини ўзида мужассам қилган “Озод этилган Беҳишт” номли асарингизни чоп этди. Адабиёт ва фалсафани бир-бирига уйғунлаштириш сизга мушкуллик туғдирмайдими?**

— Моҳиятан олиб қараганда, аслида улар иккиси ҳам биттадир. Биринчиси — сюжетга туртки берадиган ботиний туйғу, иккинчиси — мазмун яратадиган юракдан ўтган фикр. Ёзиш жараёнида улар бир-бирига пайвандланиб, ажиб бир яхлитликни вужудга келтиради. Замонавий проза деганлари, менинг назаримда, шу.

*“Литературная газета”нинг  
2009 йил 28-сонидан олинди*

*Сўхбатни  
Николай ДМИТРИЕВ  
олиб борди.*

*Русчадан  
Мирнўлат МИРЗО  
таржимаси*



# Тарихга янгича назар

## Қатагон даври танқидчилиги истиқлол даври талқинида

**Б**угун Мустақиллик кунларимизда халқимизнинг ўтмиш ва совет даври тарихи каби унинг мумтоз адабиёти ва танқидий тафаккури ҳам миллий истиқлол нуқтаи назаридан қайта ўрганилмоқда, янгидан идрок этилмоқда. Совет даврида бунга йўл қўйилмаган эди. Чунки Президентимиз Ислоҳ Каримов тўғри қайд қилганларидек: "...Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлангирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди.

Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Энди Мустақиллик туфайли яққол намоеён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқоқликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман". Шунинг учун ҳам 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг бу борада шўро даврида коммунистик мафкура таъсири ва таъйиқи остида яратилган асарлардан тамомила фарқли ўлароқ миллий истиқлол ғоялари руҳидаги асарлар майдонга келди. Айниқса, XX асрнинг 30–50-йилларидаги машъум қатагон сиёсати даврида тарихшунослик, адабиётшунослик ва адабий танқидда рўй берган ноҳуш оқибатлар ҳам қайта кўриб чиқила бошланди. Бу соҳада адабиётшунослардан академик Иззат Султон, Салоҳиддин Мамажонов, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддин, профессорлардан Наим Каримов, Аҳмад Алиев, Собир Мирвалиев, Беғали Қосимов, Ҳамидулла Болтабоев, Шухрат Ризаев, филология фанлари номзодлари Сирожиддин Аҳмад, Ортиқбой Абдуллаев, Бойбўта Дўстқораев, тарихчи олимлардан академик Бўрибой Аҳмедов, профессорлар Ҳамид Зияев, Дилором Али-

мова, Файзулла Исҳоқов, Рустам Шамсиддинов, Бахтиёр Ҳасанов, Қаҳрамон Ражабов ва бошқалар фаол иш олиб бордилар. Натижада янги талқиндаги уч жилдлик Ўзбекистоннинг янги тарихи (уларнинг биринчи ва иккинчи жилдлари Туркистон ва Ўзбекистоннинг Чор ҳамда Совет мустамлакачилик давридаги тарихига бағишланди) ҳамда қатор дарслик ва қўлланмалар яратилди, диссертациялар ёқланди, рисола ва мақолалар эълон қилинди. Ўзбек адабиётининг энг қадимги даврдан бошлаб мустақилликкача ва ундан кейинги ривожига ҳақида ҳам олий ва ўрта махсус ўқув юрглари учун қўлланма ва дарсликлар пайдо бўлди, тадқиқотлар яратилди, китоб ва мақолалар босилиб чиқди. Қатагон даври фожиаларини акс эттирувчи бир қанча шеърӣ, насрий асарлар, ҳужжатли фильмлар майдонга келди (Масалан, драматург Иззат Султоннинг "Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлари", Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимовнинг "Қундузсиз кечалар" саҳна асарлари, Ўзбекистон халқ шоирлари Шукруллонинг "Тирик руҳлар", "Кафансиз кўмилганлар" романлари, Жамол Камолнинг "Оташ", "Файзулла Хўжаев кўзлари" шеърлари, адиб Хайридин Султоновнинг "Улар Германияда ўқиган эдилар" номли икки серияли ҳужжатли фильми сценарийси ва бошқалар). Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2000 йилда мустамлакачилик даврида бегуноҳ маҳв этилган халқимизнинг асл фарзандлари кўмилган Бўзсув соҳилида "Шаҳидлар хотираси хиёбони" ва "Қатагон қурбонлари музейи" ташкил қилинди. 2001 йил 31 августдан бошлаб юртимизда қатагон қурбонларини ёд этиш кунини нишонланадиган бўлди. Музейда қарийб 130 йилча давом этган мустамлакачилик сиёсатининг но-

хуш оқибатларини ва кейинги йилларда мустақиллигимиз шарофати туйфайли тикланган тарихий ҳақиқатни ҳолис кўрсатиб турувчи бой ва рангбаранг архив ҳужжатлари, фоторасмлар, илмий ва бадиий асарлар даврлар бўйича жойлаштирилган.

Жумладан, марҳум академик Иззат Султон ўзининг “Баҳоуддин Нақшбанд абадияти” (1994), “Улкан адиб сабоқлари” (1997), “Қайта тугилиш арафасида”, “Жадидчилик истиқлол кўзгусида” (1999) каби мақолаларида советларнинг носоғлом коммунистик сиёсати оқибатида ўтмишда яшаган Амир Темур, Мирзо Бобур каби буюк давлат ва жамоат арбоблари шоҳ ва ҳукмдор бўлганлиги учун, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби ҳалол, пок тариқат тарғибчилари тасаввуфий қарашлари учун, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг пешволари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқа ижодкорларни элни маърифатга ва истиқлолга чорлаганликлари учун ноҳақ қоралаб, халқ онги ва меҳридан чиқариб ташлашга уринганликларини асосли далиллар асосида кўрсатиб берди.

“Биз тариқат намояндларининг меросини жиддий равишда ўрганишимиз ва унда ўтмишга мансуб томонларни ҳам, бизнинг замонамиз учун фойдали томонларни ҳам аниқлашимиз ва уларга муносиб баҳо беришимиз зарур...

...Кейинги етмиш йиллик ҳаётимизда йўл қўйилган хатолардан бири — инсоният тараққиётининг ҳар босқичида диннинг мафкуравий негиз сифатида ўйнаган катта ижобий ролини инкор этиш бўлди”, деб афсусланиб ёзади олим. Шунингдек, у “Жадидчилик истиқлол кўзгусида” номли тақриз (“Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш” (Мақолалар тўплами, Т., 1999) мақоласида жадидларнинг хайрли фаолияти ва бугунги истиқлол даври учун ибратли сабоқлари ҳақида ҳаққоний фикрларни ўртага ташлади: “...Жадидчилик ҳаракатига советлар даврида қанчалик нотўғри ва ноҳақ баҳо берилган бўлмасин, жадидларнинг ҳам иқтисодий, ҳам мактаб ва маорифни, ҳам санъат ва адабиётни, ҳам матбуотни қамраб олган фаолият доираси ниҳоятда кенг ва улар қолдирган илмий, адабий ва публицистик мерос фав-

қулдада каттадир. Уни мукамал ўрганмай туриб, на жадидчилик ҳаракати тарихини мукамал тасаввур этиш, на Бехбудий, Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари жадидларнинг ўзбек халқи тарихи тақдиридаги ролини те-ран ҳис этиш, на бугун республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тарихий зарурат эканини тушуниш мумкин эмас” (“Жаҳон адабиёти” журна-ли, 1999, № 9, 170-171-бетлар).

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг “Яна олдим созимни” (1993) номли танланган асарларига ёзган сўзбошиси, “Чўлпонни англаш” (1994) рисоласи, “Истиқлол фидойилари” рукнида нашр этилган Мустафо Чўқаев, Отажон Ҳошим, Чўлпон номли адабий портретларида ХХ аср боши ва 20-йилларда Туркистонда ижтимоий-сиёсий, адабий ва маърифий ҳаётда фаол иштирок этган мазкур истиқлол фидойилари ҳақида фикр юри-тади. Айниқса, “Чўлпонни англаш” ри-соласида мунаққид бу борада кенг тўхта-либ, унинг замонавий ўзбек адабиёти-да яратган юксак гоёвий-бадиий асар-лари, рус ва жаҳон адабиётидан қилган гўзал таржималарига юқори баҳо бе-ради, унга ўз вақтида ижобий муносаба-да бўлган профессор Абдурахмон Саъ-дий, Ойбек, Зариф Башир каби ҳолис мунаққидлар билан бирга, “Айн” (Олим Шарафиддинов), Ш.Туйгун каби носоғ-лом позицияда турган танқидчиларнинг Чўлпонга қарши тухматкорона ҳужум-лари кейинчалик қатағонга “холис хиз-мат” қилганликларини ҳам очиқ ёзади: “30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, Чўлпонни қораловчи мақолалар оқими янада кучайди. Табиийки, уларда Чўлпонни англашга интилишдан асар ҳам йўқ эди. Аксинча, машъум 37-йил яқинлашгани сари бундай мақолалардан ҳар қандай андиша ва инсонийлик йўқо-лади. Мақолалар гўё муайян бир ташки-лотнинг буюртмаси билан ёзилгандай бир-бирига жуда ўхшарди. Уларда далил-исбот келтирилмаган ҳолда “Чўлпон — миллатчи” деган айб қайта-қайта так-рорланаверарди. Шундай тақриزلардан бири Туйгуннинг қаламига мансуб бўлиб, Чўлпоннинг ҳибсга олиниши ара-фасида, яъни 1937 йил 22 май куни “Ёш ленинчи” газетасида босилган.

Туйгуннинг мақоласи эълон қилин-гандан сўнг Чўлпон қамоққа олинди. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай мақолалар

халқнинг онгига адиблар ва шоирлар ҳақидаги туҳмат ва бўҳтонларни, ёлғон-яшиқ гапларни сингдириб, қатагон тегиригига сув қуйди. Сталин жаллодларининг ишини осонлаштирди. Муаллифи ва режиссёри Шўро ҳукумати ҳамда большевиклар бўлган, ижрочилари маъмурий жазо органлари, маҳаллий адабиётшунос ва мунаққидлар бўлган даҳшатли фожианинг иккинчи пардаси шундай кечди ва бу гал Чўлпонни маҳв қилиш билан яқунланди”.

Атоқли адабиётшунос олим, профессор Наим Каримов узоқ йиллар давомида XX аср ўзбек адабиёти ва айниқса — унинг 30–50-йиллардаги сиёсий қатагон даври тарихига оид турли нодир манба ва материаллар, архив ҳужжатларини изчил ўрганиш асосида ўзининг бир қанча жиддий илмий мақолалар туркуми ва китобларини эълон қилди. (Масалан, “Наркомпрос иши”, “Чўлпон учун кишан”, “Битга ўзим биламан”, “Алпомиш”нинг қатл этилиши”, “Тош экан бошим” (1991–1992), “Хуфиялар изғи-ган замон” (2000) каби мақолалари, “XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси” (1994) мавзусидаги докторлик диссертацияси, “Чўлпон” (2004) маърифий романи. Уларда олим XX аср бошларидан тортиб, то мустақиллигимизгача бўлган даврдаги ўзбек адабиёти тараққиётининг босиб ўтган асосий йўллари ва ўзига хос хусусиятлари, бу борада М.Бехбудий, Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, М.Шайхзода, Миртемир ва бошқаларнинг гоёвий-бадиий ҳиссаларини миллий истиқлол гоёлари нуқтаи назаридан холис кўрсатиб ўтди. Шу билан бирга, чор ва совет мустамлакачилик даврида, айниқса, 30–50-йиллар сиёсий қатагон давридаги коммунистик мафкура югурдаклари бўлган баъзи бир танқидчиларнинг қатли ом машинасига сув қуйиб турганлигини ҳам рўйи-рост очиб ташлайди. Булар ҳақида у “Чўлпон” асарида шундай далилларни келтириб ўтади: ”Комил Алиевнинг “Ақли жинни” деган таҳқирномаси мустабид тузумнинг маҳаллий малайларига маъқул тушди.

Энди улар Чўлпонни русийзабон аҳоли ва зиёлилар ўртасида ҳам шундай шарманда қилмоқчи бўлдилар. Бу “шарафли” вазифани “Правда Востока” газетасининг фаол муаллифларидан бири Эль-Регистон ўз зиммасига олди. У газетанинг 1929 йил 17 апрель

сонида “Кўқон хони занжирланган итларининг увлаши” (“Лай цепных собак Кокандского хана”) деган фельетон эълон қилиб, Чўлпон ва унинг маслакдошларини занжирланган итларга, улар қаламидан чиққан асарларни эса шу итларнинг увлашига қиёс қилди. Кейинчалик СССР Давлат гимнининг муаллифларидан бири бўлмиш бу муаллиф учун улуг бир инсонни итга қиёс қилиш ҳеч гап эмас эди. Негаки, шовинизм захри билан захарланган кишилар маҳаллий миллатларни истаганча ҳақоратлаб, таҳқирлаши мумкин эди.

Агар 20-йилларнинг ўрталарида собиқ советлар мамлакатига рўй берган ҳаракатни тарихчилар яқин-яқингача “маданий инқилоб” деб келган бўлсалар, Эль-Регистоннинг<sup>1</sup> бу “итномаси” маданий инқилоб деб аталган навбатдаги большевиклар инқилобининг меваси эди” (Қаранг: Наим Каримов. “Чўлпон”, Т., 2004, 425–426-бетлар).

Олим, айниқса, “Алпомиш”нинг қатл этилиши” мақоласида бу борада 50-йиллар бошларида қайта бошланган сиёсий қатагон даврида СССРдаги барча республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам миллий руҳдаги ёзувчиларга, айниқса, ўтмиш адабий-маданий мероси, Алпомиш каби миллий эпосларига бошланган ҳужумлар, уларнинг режиссёрлари ва амалга оширувчи маҳаллий малайларининг башарасини очиқ кўрсатиб беради. Муаллиф ана шу йилларда В.Жирмунский, Ҳ.Зарипов, Ойбек, М.Шайхзода каби машҳур олим ва ёзувчиларга қарши ёзилган мақолалар илмий жиҳатдан асоссиз ва пучлигини, улар фақат сиёсий қатагон мақсадида уюштирилганлигини бой далиллар ва мулоҳазалар асосида кўрсатади.

“Ўша йилларда аспирант бўлган А.Абдунабиев тарих саҳнасида бир лаҳза бўлса-да кўриниш учун қулай вазият келганини тушунди”, — дейди олим.

А.Абдунабиев “Алпомиш”ни мажақлаб ташловчи мақола ёзди. Кейинчалик бу мақолага “Правда Востока” газета-

<sup>1</sup> Эль Регистон — муаллифнинг адабий тахаллуси. Асл исми ва фамилияси Габриель Аркадеевич Уреклян бўлиб, 1899 йилда тугилган. У “босмачиларга” қарши курашда ҳам қатнашиб, машҳур Иброҳимбекдан Туркиядан келган журналистман деб интервью ҳам олган экан (Қаранг: Игорь Устименко. Шиддаткор қалам. “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 1995, 4, 26–29-бетлар).

сининг ходими А. Степанов ҳам шерик бўлиб, Шўро Шарқнинг адабий ҳаётида “инқилоб ясовчи” бу мақолани Москвадаги нуфузли нашрларга юборди. Аммо бу ёш Нероннинг умиди зое кетди. Москва газеталари бу шубҳали ишга бош қўшмадилар. А. Абдунабиев ва А. Степановларнинг Москва газеталаридан қайтган мақолаларидан бири “Халқчиллик байроғи остида” деган ном билан “Звезда Востока” ойномасининг ўша йилги 2-сониди босилиб чиқди. Унда шундай жумлаларни ўқиймиз: “Алпомиш”нинг мундарижаси қандай? Ўзининг гоаявий йўналишига кўра реакцияон Дада Қўрқут эпоси билан “Алпомиш” ўртасида жуда кўп умумийлик бор. Унисиди ҳам, бунисиди ҳам меҳнат аҳлига ёт гоа ва ингилишлар тарғиб қилинади”. Шундан кейин адабиётшунос 1952 йил 28–31 март кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Алпомиш”нинг муҳокамасида Юсуф Султонов, Станишевский, А. Абдунабиевларнинг чиқишлари ниҳоятда ҳақоратомуз бўлганлигини кўрсатиб беради. Айниқса, сохта коммунистик мафкура тарбиясида манқуртлашаётган ёш тарихчи Абдулла Абдунабиевнинг Ҳоди Зариф, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла каби мўтабар зотларга нисбатан ўта андишасизлик ва ҳурматсизлик қилганлигини унинг ўз сўзлари орқали фош этади: “Бу шахслар мазкур реакцияон эпосни қайси мақсадда тарғиб этганларини тўла ва ҳар томонлама тушунтириб берсинлар! Улар “Алпомиш”ни баҳолашда сиёсий саводсиз, сиёсий кўр бўлганларини ёхуд уни атайин тарғиб қилиб келганларини ошқора айтиб берсинлар!

**Зарипов** (залдан) — Мен айтдим.

**Абдунабиев** — Йўқ, сиз ҳеч нарса айтганингиз йўқ! Мен Мақсуд Шайхзода ва Собир Абдулладан сўрайман: — Партиямиз ва жонажон ҳукуматимизнинг гамхўрлигига нисбатан бундай нонкўрлигингиз сабаби нимада? Ўзбек халқига тўхмат қилишдан уялмадингизми? Мақсуд Шайхзода! Мен сиздан сўрайман ва талаб қиламан: В.В. Маяковскийнинг “Владимир Ильич Ленин” достонини рус тилидан ўзбек тилига ўтириб, миллатчилик чизигини ўтказганингизда қандай мақсадни кўзлагансиз?” (“Шарқ юлдузи” журнали, 1992, № 12, 164-бет). Афсуски, бу машғум чиқишлар кўп ўтмай бир гуруҳ фидойи ўзбек зиёлиларининг қамоққа олиниши билан якун топди.

Таниқли адабиётшунос олим ва публицист Ортиқбой Абдуллаев ҳам шу йилларда турли архив ҳужжатлари ва матбуот материаллари, шунингдек, бир қатор кекса кишиларнинг хотираларини ўрганиш асосида “Туркистоннинг қора кунлари”, “Аччиқ мевалар”, “Ошоба фожиаси” (1992), “Элим деб ёнган шоир” (1999) каби бир туркум жиддий илмий-публицистик мақолалар эълон қилди. Муаллиф уларда чоризм ва совет босқинчилиги сиёсати Туркистоннинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётида машғум роль ўйнагани, халққа қирғинбарот келтирган ваҳшийликлари ҳақида бой ҳужжатлар тили билан сўзлайди. Шу билан бирга, олим бу босқинчилик ва колониал сиёсатни амалга оширган М.Д. Скобелев каби ёвуз генералларнинг рус халқининг ҳақиқий миллий қаҳрамони эди, унинг номи етарли ёвзозланмаяпти, деб ёзаётган М. Попов, М. Костин, В. Пикунь каби баъзи ёзувчиларнинг шовинистик фикрлари ҳам асоссизлигини бой тарихий фактлар асосида исботлаб беради.

Шунингдек, у шоир Элбекнинг “Мунгли кўшигим” тўпламига ёзган “Элим деб ёнган шоир” (1999) мақоласида Элбекнинг 20–30-йилларда яратган адабий-бадиий, илмий асарларининг ўша давр маданий ва маърифий ҳаёти-миз ҳамда миллий истиқлолчилик учун курашдаги роли ва аҳамияти ҳақида тўлқинланиб ёзди. Мақолада шу йиллардаги қатли ом манзараларини очиб берувчи характерли бир лавҳани ўқувчилар эълборига ҳавола қилади.

“1937 йилнинг 20 августиди “Ёш ленинчи” газетасида Жуманиёз Шариповнинг “Элбекнинг ижоди ҳақида” номли “фош қилувчи” мақоласи босилиб чиқди. Унда ижодкорга қуйидаги даҳшатли айблар қўйилганди: “Фитратнинг энг яқин шоғирди Элбек аксилинқилбчиларнинг қонли лагерида туриб, партияга ва советларга қарши заҳарли шеър, масал, мақолалар ёзди. Аксилинқилбчиларнинг газета, журналлари кўпинча Элбекнинг шеърларисиз чиқмас эди. Элбек ўзининг истар ўтмишда, истар ҳозирги ижоди билан советларга қарши душман тегиримонига актив равишда сув қуйиб келди”. Сўнг мақолада Элбекнинг “Бобом Чингиз” шеъри ва “Қайси бири бўри” масали таҳлил қилинади, уларга аксилинқилбий асарлар деган ёрлик ёпиштирилади.

Шу йилнинг июль-август-сентябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг пленумида навбатдаги йирик сиёсат “уйини” ўйналади. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир, Зиё Саид ва бошқа ижодкорлар жиддий чиғирикдан ўтказилади. Тасаввур равшан бўлиши учун савол-жавобларнинг баъзи саҳифаларни ўқиб кўрайлик:

**“Шамс:** Усмон Носир билан Чимёнда тургансиз. Шу вақтда Усмон Носирни Уйғун билан алоқаси қандай эди?

**Элбек:** Уйғуннинг Усмон Носир билан алоқаси одағий бизга ўшаган бўлганди. Ҳеч қандай нарсани сезмадим.

**Шамс:** Усмон Носирнинг адабиёт тўғрисида ёзган бирор нарсасини биласизми?

**Элбек:** Йўқ.

**Анқабой:** Абдулла Қодирийнинг уйига неча маротаба бордингиз?

**Элбек:** Уч маротаба бордик.

**Анқабой:** Нима тўғрисида сўз бўлди?

**Элбек:** У ерда сўзланган сўзлар эсимда йўқ. Фақат Абдулла Қодирий ўзининг ёзган асарларини сўзлаб берди”.

Хуллас, “савол-жавоб” бошдан охиригача мана шу тарзда инсоннинг иззат-нафсини ерга урувчи, мазаҳ қилувчи оҳангга давом этади.

Юқоридаги мажлис чиқарган ҳукм қатъий ва шафқатсиз: “Битсин бизнинг орамиздан ҳайдалган ва бизнинг адабиётимизни бўғишга уринган халқ душманлари — троцкийчи, бухаринчи, миллатчи, аксинқилобчи З.Саид, Элбек, Чўлпон, Фитратлар”. Энг ёмони, мана шу даҳшатли сўзлар мажлис аҳли томонидан гулдурос олқишлар билан кутиб олинган.

Хуллас, жазо машинаси ўз ишини қилди”. (Қаранг: Элбек. “Мунгли қушим”. Т., 1999, 134–137-бетлар).

Тарихчи олимларимиздан профессор Бахтиёр Ҳасанов ўзининг “Туркистон миллий зиёлиларига нисбатан совет ҳукуматининг сиёсати”, “Сиёсат, қатагон ва маданий инқилоб” (1998), “Зиёлилар аҳволи: тарих ва тақдир” (1999), “Мустабид тузумнинг ўзбек халқининг маданий-маънавий меросига бўлган ҳуқуқини чеклаш сиёсати”, “20–30-йилларда Ўзбекистон зиёлиларига қарши қатагон ва унинг оқибатлари” (2000), “40–50-йилларда маданият соҳасида қатагон сиёсатининг давом этиши” (2002) сингари

бир туркум жиддий илмий мақолалари, шунингдек, “1917–50-йиллар бошидаги тарихий жараён ва Ўзбекистон миллий зиёлилари” (Тошкент, 2000, рус тилида) монографияси, тарих фанлари номзоди Валерий Германов “Профессор Пўлат Солиев ва унинг даври” (Тошкент, 2002, русча) рисоласида ҳам 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Туркистонда советларга қарши бўлган миллий истиқлолчи кучларни йўқотиш, ўлкада янги коммунистик мафкурадаги тузум ўрнатиш учун кураш баҳонаси билан қанчадан-қанча хусусий мулкдорлар, диний уламолар, замонавий маърифат ва тараққиёт фидойилари бўлган маҳаллий зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари беғуноҳ қатагон этилганлиги, бунга 30–50-йилларда авж олган сиёсий қатагон машинасига хизмат қилган айрим тарихчиларнинг ҳам айби бўлганлигини бой архив ва матбуот материаллари асосида очиб берилди. Профессор Бахтиёр Ҳасанов ўз монографиясида 1930–1950 йилларда бўлиб ўтган бундай ҳолатлар ҳақида батафсил тўхтаб, шундай ёзади: “40–50-йиллар бошидаги ижтимоий-гуманитар фанларнинг ичида тоталитар режим ва буюк давлат миллатчилиги босими остида ҳаммадан кўп тарих ва адабиёт фанлари таъқибга учради ва бунинг оқибатида уларда қатъий регламентланиш ривожлана бошлади. 30-йиллар охирида Ўзбекистон машҳур ўзбек олимларидан тарихчи Пўлат Солиев, адабиётшунос Абдурауф Фитрат каби ва бошқа олимларнинг асоссиз қатагон этилиши оқибатида илмий-тарихий тадқиқотлар тобора белгилаб берилган темаларга бағишланиб, синфий тус ола бошлади.

Ўрта Осиё ва баъзи бир бошқа жумҳуриятлардаги ижтимоий ва гуманитар фанлари ва маданияти ривож ВКП (б) МҚнинг 1946 йил 14 августда “Звезда” ва “Ленинград” журналлари, шунингдек, 1946 йил 26 августда “Драматик театрлар репертуарлари ва уларни яхшилаш чоралари ҳақида”ги қарорлари таъсирида бошланган гоёвий компаниялар оқибатида жиддий қаршиликларга учрай бошлади...

Фақат 1951–1952 йиллар ичидагина республика вақтли матбуоти саҳифаларида ўзбек фани ва маданиятининг энг кўзга кўринган арбобларига қарши очиқ-часига шовинистик руҳдаги 20 дан ортиқ

“буюртма” танқидий мақолалар эълон этилгани бундан очиқ кўрсатиб турибди. Булар ичида, айниқса, В.Костирия, К.Файзуллиннинг “Баъзи бир шоирлар ижодидаги гоёвий бузуқликлар ҳақида” (“Правда Востока”, 1951, 1 август), М.Иванов, В.Лавров, Ф.Искандаровларнинг “Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда” (“Правда Востока”, 1951, 21 август), “Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси пленуми материаллари” (“Правда Востока”, 1951, 28 август), А.Ҳамроевнинг “Бир яроқсиз диссертация ҳақида” (“Правда Востока”, 1952, 15 февраль), “ЎзССР ФА партия мажлисида” (1952 йил 29 март) каби мақолалар яамалиги ва бир томонламалиги билан алоҳида ажралиб туради” (Б.В.Ҳасанов. “Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917–начала 50-х годов”. Т., 2000, стр.171-172).

Тарихшунос олим Валерий Германов ўзининг “Профессор Пўлат Солиев ва унинг даври” (2002) номли рисоласида 30-йилларда кўплаб бегуноҳ зиёлиларнинг қамалишида ўша даврда фаол “ижод” қилган Эль-Регистон, Абрам Гуреевич каби тарихчи ва публицистларнинг тўхматомуз мақолалари ҳам машғум роль ўйнагани ҳақида қатор далиллар келтиради. Жумладан, А.Гуреевич Пўлат Солиев, Убайдуллин, Фитрат, Отажон Ҳошимларнинг асарлари Бартольд таъсирида ёзилган деб камситади. Улар ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақидаги марксистик таълимоти инкор қилиш, синфий табақаланиш ва курашларни бўяб кўрсатиш ва тарихий жараёнда шахслар ва йирик босқинчиларнинг таъсирини ошириб юбориш”да қаттиқ айбланади. Бундай “сиёсий ёрлик”ларнинг натижаси эса ҳаммага маълум

(Гуреевич А. “О положении на историческом фронте Средней Азии”, “Революция и культура в Средней Азии” Сборник первый, Т., 1934, стр.3-18).

\* \* \*

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейин республикамизнинг адабиётшунос ва тарихчи олимлари, ижодкорлари қатағон даври ҳақида бир қатор жиддий илмий китоблар ва мақолалар, бадиий асарлар эълон қилдилар. Улар сўнгги йиллар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим гоёвий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Уларда, айниқса, XX асрнинг 30–50-йилларидаги советларнинг сиёсий қатағон сиёсати оқибатида рўй берган нохушликларда коммунистик мафкура таъсирида бўлган айрим адабиётшунос ва тарихшунослар, публицистларнинг ҳам салбий роль ўйнаганлиги миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан янгича холис таҳлил этиб берилди. Бунинг оқибатида узоқ йиллар давомида халқимизнинг асл фарзандлари ҳақида оммавий равишда сингдириб келинган нотўғри, тўхматкорона салбий тушунча ва тасаввурлар барҳам топди. Натижада Туркистоннинг узоқ ва яқин ўтмишида катта роль ўйнаган Амир Темур, Мирзо Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби давлат арбоблари ва саркардалари, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби донишманд тасаввуф тариқатчилари, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек каби тараққиёт ва маърифат фидойилари ижодига, умуман, миллий истиқлолизмга бағишланган илмий, бадиий асарлар ҳамда бой музей экспонатлари муҳим гоёвий-тарбиявий роль ўйнаб келмоқда.

*Шерали ТУРДИЕВ,  
филология фанлари номзоди*

## «Заковат» хазинасига илк қадамлар

**К**ейинги йилларда Тошкентдаги “Янги аср авлоди” нашриёти “Заковат дурдоналари” рукни остида жаҳон мумтоз фалсафаси вакиллари асарларидан сараланган намуналарни чоп эта бошлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундай хайрли ишнинг аҳамияти ҳақида куйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Дунё тан олган кўп улугъ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида чоп этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз, уларнинг гоъвий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Нитше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки, мумкин эмас.

Мана, мисол учун, Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм гоъялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак фойдадан холи бўлмайди”. Маънавият ходимлари олдига кўйилган бу шарафли вазифани бажариш йўлида самарали ишлар қилинмоқда. Жумладан, машҳур юнон файласуфи Плутархнинг “Сайланма”си (2006), Иброҳим Ғафуров таржима қилган немис файласуфи Фридрих Нитшенинг “Зардушт таваллоси” (2007), рим файласуфи, нотик Цицероннинг “Нотиклик санъати ҳақида икки рисола” (2007), буюк юнон файласуфи Афлотуннинг “Қонунлар” рисоласи (2008) ҳамда “986 мумтоз файласуф” (Ҳазрат Сулаймондан Василий Розановгача) антологияси (2009) ва бошқа асарларни тилга олиш мумкин. Жаҳон мумтоз фалсафаси дурдоналари ҳисобланган бу асарларни ўзбек китобхонларига етказилиши таҳсинга сазовор. Улар катта маърифий вазифани бажаришга сафарбар этилган.

Юқорида тилга олинган муаллифлардан иккитасининг асари (Ф.Нит-

шенинг “Зардушт таваллоси” ва Плутархнинг “Искандар Мақидунли”) илк марта “Жаҳон адабиёти” журналида босилгани ва юқори баҳоланганини мамнуният билан айтиб ўтиш лозим. Шунинг эътиборга олиб, бу асарларга батафсил тўхталиб ўтирмаймиз, қолганлари ҳақида эса умумий тарзда бўлса ҳам айрим мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қиламиз.

Плутархнинг сайланма тўпламига “Искандар Мақидунли”, “Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари” ҳамда “Келин-куёвларга насиҳатлар” каби асарлар киритилган. Плутарх милодий 46 йилда Херонея шаҳарчасида туғилиб, 127 йилда вафот этган. У ўз даврининг энг маърифатли одамларидан бири бўлиб, адабиёт, фалсафа ва тарихни жуда яхши билган, мусиқа ва табиий фанлардан яхши хабардор бўлган. Унинг “Искандар Мақидунли” (Зоҳир Аълам таржимаси) асарида подшоҳ ва саркарда Искандарнинг ҳаёт йўли тасвирланган. Плутарх асар муқаддимасида шундай ёзади: “Инсоннинг яхши-ёмонлиги эса, ҳамиша ҳам унинг улугъвор ишларида кўринавермайди. Қандайдир кичкина бир қилиги ёки қаердадир оғзидан чиқиб кетган мутойибаси, қилган ҳазили – улкан жангда минглаб инсонларни ҳалок қилиш эвазига қозонилган ғалабаси ёки лак-лак кўшинни бошқарганидан кўра кўпроқ унинг феъли-атворини очиб бериши мумкин”. Олим ана шунга амал қилиб, саркарда феъл-атворини лўнда ва аниқ кўрсатадиган тарихий лавҳаларни чизиб йўлидан боради.

Куйидаги воқеа ҳам китобда таъсирли ёритилган: “Барча юнонлар Искандарни ўзларига сайлаб, унинг бошчилигида Эронга қарши юришга аҳдлашдилар. Шу муносабат билан кўпчилик юнон давлатларининг сиёсий арбоблари ва файласуфлар шохни зиёрат қилиб, хурсандчилик баён этардилар. Уша пайтда Коринф яқинида яшаётган синоплик файла-

суф Диоген ҳам келса керак деб, Искандар кўп кутди. Лекин Диогеннинг Искандар билан зигирчалик иши йўқ, Кронияда бахузур вақт ўтказарди. Ниҳоят Искандарнинг ўзи унинг қошига борди. Диоген баданини офтобга тоблаб ётарди. Кўпчиликнинг ўзи тарафига келаётганини сезган Диоген бошини бир оз кўтариб, шоҳга тикилиб қаради. Искандар салом берди-да, бирон-бир илтимосинг йўқми, деб сўради. Диоген эса: “Сал чеккароқ ўт, қуёшни тўсайсан”, деган экан ўшанда. Айтишларича, Диогеннинг шоҳга бундай муомаласи ва берган жавоби Искандарга жуда қаттиқ таъсир қилган. Орқасига қайтар экан, у файласуфни мазах қилиб, кулиб келаятган йўлдошларига шундай деган экан: “Афсуски, Искандарман. Агар Искандар бўлмаганимда Диоген бўлишни хоҳлардим”.

Бу сатрларни ўқиган китобхон икки буюк одамга хос инсоний фазилатлардан ҳаяжонга тушади, камтарлик, оддийлик, шу билан бирга, инсоний ғурур қалбидан, руҳиятидан жой олади ва ўзи ҳақида, ўзлиги ҳақида мулоҳаза юрита бошлайди. Мазкур асарнинг ўзбек тилига ўгирилиши айни муддао бўлди. Таржима тили равон, жумлалар ўзбекона. Бу асар орқали китобхон Искандарнинг жангу жадал ишлари эмас, балки инсоний фазилатлари, ички дунёси, хатти-ҳаракатларидан воқиф бўлади, унга бўлган муносабати ойдинлашади. Шунингдек, китобда келтирилган подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари ҳам ўқувчида яхши таассурот қолдиради. Жумладан, Цезар, Троян, Кир, Доро, Искандарнинг отаси Филипп, Искандар ва бошқаларнинг ҳикматли сўзлари аҳамиятга молик.

Мазкур китобдаги “Келин-куёвларга насиҳатлар” (Урфон Отажон таржимаси) туркумида илгари сурилган фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас:

– Худди қамиш, похол ва қуён юнгидан тез аланга олган олов, агарда ўзига бошқа бир озуқа тополмаса тез ўчгани каби, муҳаббат ҳам, барқ уриб гуллаган ёшлик ва жисмоний жозиба билан осонгина ёрқин алангланади, аммо агарда ёш келин-куёвларнинг гўзал фазилатлари ва яхши хулқи уни озиқлантирмаса, тез орада ўчиб қолади.

– Аёлни... олтин, зумрад ва қимматбаҳо кийимлар эмас, балки камтарлиги, хусни, хулқи, ҳаёси ва иффати зийнатлайди, безайди.

– Файласуфларнинг тасдиқлашларича, жисмлар уч хил бўлади: баъзилари алоҳида қисмлардан иборат бўлади, масалан, кемалар мажмуи (флот) ёки қароргоҳда турган кўшин; бошқалари – бирлаштирилган (туташ) қисмлардан иборат бўладилар, масалан, уй ёки кема; учинчилари бирликни, пайвандланиб кетган бутунликни ташкил этади. “Эр-хотинлик иттифоқи ҳам агар ўзаро севгига асосланган бўлса, тахминан шундай бирликни, пайванд бўлган бутунликни ташкил этади; агар бу иттифоқ сеп учун алоқни давом эттириш учун бўлса, у ҳолда у бирлаштирилган (туташ) қисмлардан ташкил топган бўлади; агарда фақат бирга ётиш учун бўлса, у ҳолда у алоҳида қисмлардан иборат бўлади ва уни бирликдаги турмуш эмас, балки бир том остида яшаш деб ҳисобласа тўғрироқ бўларди.”

Бу айтилган фикрлар чуқур маънога эга, албатта. Бироқ рус тилидан ўзбек тилига ўгирилганда, ғализ жумлалар кўпайиб кетган, улар қулоққа кўпол эшитилади, дилга, руҳга сингиб кетмайди. Бизнингча, остига чизилган сўзларнинг муқобил шаклларида бемалол фойдаланиш мумкин эди. Масалан, “тасдиқлашларича” ўрнига таъкидлашича, “жисмлар” ўрнига нарсалар, “қисмлар” ўрнига бўлақлар, “пайвандланиб кетган”, “пайванд бўлган” ўрнига пайвандланган сингари сўзлар ишлатилса, ёмон бўлмасди.

Дарҳақиқат, бугунги кунимизда оилаларни мустаҳкамлашда Плутархнинг “Келин-куёвларга насиҳатлар” асари катта ёрдам беради. Келин-куёвларни никоҳга ўтмасдан аввал оилага тайёрлашда, бурч ва вазифаларини англаб етишда, масъулият ҳиссини оширишда, дунёга келган фарзанд олдида жавобгарликни англаб етишда шу асарга ҳам мурожаат этилса, фойдадан холи бўлмайди. Гарчи Куръони карим, Ҳадиси шариф каби муқаддас китобларида, шарқ мутафаккирларининг асарларида халқимиз яратган оғзаки ижод намуналарида бу борада пурҳикмат фикрлар кўп айтилган бўлса ҳам, Плутарх асарини ўзбек тилига таржима қилиниши, жузъий камчиликларга қарамай, айни муддао бўлган.

Жаҳон маданияти тарихида катта из қолдирган Марк Туллий Цицероннинг “Нотиқлик санъати ҳақида икки рисола” асари ҳам



(таржимон Урфон Отажон) фалсафа мухлислари учун муносиб туҳфадир.

Маълумки, Цицерон (милоддан аввалги 106-43 йиллар) қадимги Рим республикасининг атоқли давлат арбоби, нотик, файласуф, тарихчи ва ҳуқуқшунос бўлган.

Унинг онаси Гелвия хоним эрта вафот этган. Отаси Марк Туллий отликлар, суворийлар тоифасидан бўлиб, кўп вақтини адабиёт билан шуғулланиш ва болалар тарбиясига бағишлаган.

Цицерон болалигидаёқ укаси билан бирга машҳур нотик Марк Красс раҳбарлиги остида юнон ўқитувчиларидан фалсафа ва нотиклик, шоир Архийдан шеърят санъати бўйича сабоқ олади. У йигитлик пайтларида нотиклик санъати билан жиддий шуғулланади, ўз замонасининг машҳур нотиклари нутқларини эшитади.

Бир қизик воқеа Плутарх томонидан ёзиб қолдирилган. “Бир куни лотин тилини билмайдиган кекса устози Аполлоний Молон шоғирди Цицерондан юнон тилида нутқ сўзлашни илтимос қилибди. Цицерон нутқ сўзлабди. Машҳур олим ёш Цицероннинг нутқини эшитиб узок муддат сукут сақлагач: “Цицерон, сенга тасаннолар айтаман, санъатингга қойил қолдим. Лекин мен Юнонистон тақдири борасида маҳзунман: бизнинг ягона афзаллигимиз ва охириги ғуруримиз – маърифат ва суҳандонлик ҳам сен туфайли римликлар томонидан забт этилди”, – деган экан.

Мазкур асарнинг биринчи китобида, суҳандонлик, фасихлик – яъни нотикликнинг қийинлиги ҳақида қизикарли лавҳалар келтирилади. Суҳандон киши жуда кўп билимларга эга бўлиши зарур. Китобда таъкидланишича, ўша билимларсиз гапдаги чечанлик бемаъни ва кулгилидир. Нафақат сўзларни саралаш, балки ўз ўрнига қўйиш билан ҳам нутққа гўзаллик бахш этиш керак: фасихликнинг бор қудрати ва санъати эшитувчиларнинг дилларини тинчлантириш (овутиш) ва тўлқинлантириш, ҳаяжонлантиришда намоён бўлмоғи лозим. Умуман, юксак инсоний комиллик билан чамбарчас боғланиб кетадиган ва етук маънавият соҳиби бўлишга йўл очадиган нотиклик санъати ҳақидаги мулоҳазалар бугунги ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур фалсафий асарнинг қиммати, энг аввало, ана шу

фазилати билан белгиланади. Мумтоз файласуфлар асарларини ўзбек китобхонларига етказишда таржимон Урфон Отажонов кўп куч ва ғайрат сарфлаб, меҳнат қилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Мана, яқингинада буюк юнон файласуфи Афлотуннинг “Қонунлар” китоби ҳам унинг таржимасида иккинчи марта босилиб чиқди. Маънавий ҳаётимизда катта ҳодиса бўлиши кутилаётган мазкур асар таржимаси ҳақида батафсилроқ гапиришни маъқул кўрдик. Зеро, Афлотуннинг ҳаётӣ-фалсафий мулоҳазалари ўзбек китобхонларига биринчи марта йирик китоб ҳолида тақдим этилмоқда.

Аввало, таржима санъатида мавжуд бўлган кўҳна ва абадий бир темир қонунни эслаб ўтсак фойдадан холи бўлмайди. Бу қонун шундан иборатки, таржима қилинаётган асар, у шеър бўладими, насрда ёзилганми ёки драматик йўлдами, бунисидан қатъи назар, асл нусхадаги юксак бадииятни, жозибани сақлаб қолмоғи шарт. Таржимон бошқа тилда яратилган асарга янги ҳаёт бағишлайди, унга ўз она тили бойликларини, сеҳру жозибасини сингдириб, уни янада юксак чўққиларга олиб чиқади. Бунинг учун энг аввало ўз она тилини жуда яхши билмоғи, унга хос бўлган нозик сирасрорларни, нафосатни, назокатни чуқур хис қилмоғи, маънодаги теранликларни зукколик билан англаб етмоғи лозим. Бу эса осон иш эмас. Гапни лўнда қилиб айтганда, таржимон ҳам катта санъаткор қалбига, дидига, истеъдодига эга бўлмоғи лозим. Акс ҳолда у асл нусхага қўлиб қолади, ундаги нозик маъноларни сўзма-сўз ағдарадиган ҳарф-хўрга айланади, лутф қилиб айтсак, йирик санъаткор не машаққатлар билан вояга етказган гўзал аргумоқ – учкур тулпорни қирчанғи отга айлантириб қўяди.

Хўш, Афлотун асарлари таржимони бу юксак шарафни қай даражада уддалаган, амалга оширган? Урфон Отажон Плутарх, Цицерон ижодидан қилган таржималарида ҳар қалай юқоридаги юксак талабларга (айрим фализликларни ҳисобга олмаганимизда) маълум даражада эришган эди. Уларни ўқиган китобхон қадимги дунё файласуфлари ижодидан қандайдир баҳра олади. Бу борада анча тажриба тўплаган таржимон Афлотун фалсафасининг моҳияти, маъно-мундарижаси ичига янада чуқур киришга интилади, тер тўкиб меҳнат қила-

ди, айрим натижаларга эришади. Таржимоннинг захматли меҳнати-га тан берган ва уни ҳеч қандай камситмаган ҳолда очик айтишга тўғри келадики, ўқувчи янги таржиманинг кўп ўринларида қоқилиб қолади, аниқ, лунда, содда, айтилиши лозим бўлган фикрлар ўта мураккаблашиб, зарбулмасалга айланиб кетгани учун чангалзорда адашган одам аҳволига тушади, айтилаётган маънони тушунолмай гаранг бўлади. Бунинг сабабини излаб китобни қайта-қайта варақлаймиз, таржимадаги фикрларнинг маъно-мазмунини англашга ҳаракат қиламиз ва излаб-излаб шуни аниқлаймизки, таржимон ҳар бир жумлани, ҳар бир ифодани русчадагидек айнан ифодалаш, айнан ағдариш йўлидан борган экан. Таржимон тутган бу усул тўғри файли кўп жумлалар, гаплар ўзбек тилига хос оҳангдорлик, теранликдан маҳрум бўлиб, ширасини йўқотиб қўяди. Фикримизни исботлаш учун айрим жумлаларни бирга ўқийлик. Китобнинг 106-бетига қуйидаги гапга дуч келамиз: “Бизга қонунларни белгилаш ваколати берилган, – биз шу ернинг қонунларини ҳам, агар бизга маъқул бўлиб баъзилари ёқса бошқа юртларнинг қонунларини ҳам уларнинг ажнабий юртларники бўлишига эътибор бермай, агар улар яхшироқ бўлса жорий этамиз. Ўзимизга шундай бир хузурни раво кўрайлик: айтилганлардан саралаб олиб, суҳбатлашиш борасида, гўё янгитдан бошлаб қургандек давлат қурайлик”. Тағига чизилган сўзлар, бирикмаларга эътибор беринг. Қайси ўзбек шу тарзда гапирди, мулоҳаза юритади? Нима, тилимиз шу даражада ғариб, қашшоқ бўлиб қолганми? Наҳотки юқоридаги гапларни содда, оддийгина қилиб ифодалаб бўлмаса?

Инсоф билан айтганда, бу жумлага чидаш мумкин. Майли, бори-бора барака дейлик-да, китобни варақлашда давом этайлик. “Бизнинг давлатимизнинг тартиботига худонинг ёрдам беришини илтижо қиламиз. Давлатимизни ва унинг қонунларини биз билан бирга тартиб бериши учун у бизга меҳрибонлик ва раҳмдиллик кўрсатсин ва илтижойимизни эшитсин! (117-б.)

Уч марта кетма-кет такрорланаётган қаратқич келишиги тишингизга тегмайдими? “...тартиботига... ёрдам беришини илтижо қиламиз” ифодаси ғализ, гап қурилишида

ўзбекона оҳанг йўқ. Мумтоз адабиётимизда маънони кучайтиришга ёрдам берадиган сўзлар “такрир” дейилади. Аммо у санъаткорона ишлатилмаса, “такрор” вужудга келади ва маънони сусайтиради.

Мана бу жумлани эса бутунлай тушуниб бўлмайди: “Давлат ўз душманларига ёмон одатларда тақлид қилишининг қийин бўлиши яхшидир” (109-б.) Бу бошқотирғич жумлани тушунишдан кўра оғриган тишни қўлда суғуриб олиш осон бўлса керак.

Яна битта мисол келтираймиз: “Қаерда қонун ҳокимлар устидан ҳукмдор бўлса, улар эса унинг қуллари бўлсалар давлат бешикастлигини ва давлатларга худолар қандай неъматлар беришлари мумкин бўлса ўшалар берилишини олдиндан айтаман” (122-б.)

Яна ўша усул: сўзма-сўз таржимага маҳлиёллик ва оддий ҳарфхўрлик таржимонга қаттиқ панд берган.

Китобга мазмундор сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов юқоридаги жумлани сал ихчамлаштириб қуйидагича ифодалайди: “Қаердаки қонунлар ҳукмдорлар устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлатга худолар неъматлар ёғдиради”. Қаранг, жумла қандай содда, мазмунли, оҳангдор. Ҳеч қандай бош қотириб ўтирмасдан файласуф фикрларини осонгина англаб оласиз. Аслида мазкур китоб худдан-оёқ мана шундай содда, жозибадор услубда таржима этилмоғи зарур эди. Атоқли ёзувчимиз айтганидек, шунда таржимонга ҳам худонинг раҳмати ёғилган бўларди.

Яна бир мулоҳаза: таржимон тираний, тираник, хороовод каби сўзларни негадир таржима қилмайди. Холбуки, бу сўзларнинг муқобил шакли тилимизда кўплаб топилади.

Тўғри, Афлотун асарларини тушуниш, таржима қилиш анча оғир. Буни буюк ватандошимиз, аллома Ибн Сино ҳам алоҳида таъкидлаган. У Арастунинг «Баъда ат-Табиия» («Метафизика») асарини қирқ марта ўқиб ҳеч нарса тушуна олмаганини, фақат Форобийнинг шу асарга ёзган шарҳларини ўқигандан кейингина уни тушуниб етганини эътироф этган эди. Бу мисолда катта ҳикмат бор. Қадимда ҳам буюк файласуфларнинг нисбатан мураккаброк асарларини соддалаштириб таржима қилиш, уларга кўпдан-кўп шарҳлар ёзиш кенг расм бўлган. Уларнинг асарларига чуқур сингдирилган мазмунни, моҳиятни – адо-

лат ва эзгулик ғоясини халққа, оддий китобхонга кенг, тўла ва мукамал етказиш бу ўринда асосий мақсад қилиб олинган эди. Форобийнинг шарҳлари таржима санъати ва талқин этишнинг гўзал намуналаридир.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан хулоса чиқариб, шуни алоҳида таъкидлаймизки, машхур файласуфларнинг ҳаёт, замон ва макон, жамият қурилиши, қонунлар, адолат тамоийллари ҳақидаги умри боқий асарлари чоп этила бошлагани ниҳоятда хайрли иш. Бу эзгу амални, савобли ишни янада давом эттириш лозим. Ҳар қандай яхши, олижаноб ишларнинг бошланишида маълум нуқсонлар, камчиликлар бўлиши табиий. Уларни бартараф этиш қийин эмас. Зеро, бошланган бу эзгу иш энг аввало ёш авлод, соғлом наслимизнинг камолоти, маънавиятини юксалтиришдек муқаддас вазифага тутшиб кетади. Юқоридаги китобларни биринчи навбатда ҳозирги ёш ўқувчилар, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларининг талабалари ўқийди, улардан тарбия олади.

«Янги аср авлоди» нашриёти «Заковат» туркумини бошлаб, халқимиз маънавиятини бойитиш учун Фарб

фалсафий тафаккурининг етук намуналарининг таржималарини нашр этиши қутилуғ, хайрли ишнинг бошланишидир. Лекин нима учундир «Заковат» туркумида шарқ фалсафий тафаккури дурдоналари, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Ибн Рушд, Ибн Туфайл, Ибн Арабий, Фаззолий, Ал-Киндий, Замахшарий, Умар Хайём, Ибн Ҳалдун асарларини нашриёт ҳали бирор марта нашр этмагани афсусланарлидир. Ёки ноширлар бу алломаларнинг асарларида заковат йўқ деб ўйлайдиларми? Ёки Шарқ алломаларининг асарларида кўп ўринларда Оллоҳнинг исми борлигидан қурқадиларми? Ахир улар совет даврида яшган даҳрий-атеистлар эмас-ку?

Демак, бундай асарларни чоп этишда масъулият, талабчанлик ниҳоятда кучли бўлиши зарур.

Шу жиҳатдан бундай нашрларга юксак талаблар қўйишга ҳаммамиз бурчдормиз. Самимият билан билдирган беғараз фикрларимиздан мазкур соҳа мутасаддилари фойдали хулосалар чиқариб оладилар ва келажакда қилинадиган ишларни ҳар жиҳатдан яхшилайдилар, деб умид қиламиз.

*Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,  
филология фанлари номзоди  
Холмат САМАДОВ,  
фалсафа фанлари номзоди,  
доцент*



Чингиз АБДУЛЛАЕВ

# Борса келмасдан қайтганлар

Роман

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

## Улар жангдан қайтмаганди...

Кутиш машаққатли бир азоб эди. Яхшиямки, сайхонликка сочилган парашютларни йиғиш билан андармон бўлишди. Тўрт соатлар ўтгач, навбатчилик қилаётган Борзуновнинг ёнига яна уч киши: Асанов, Падерина, Елагин қўшилди.

Йўлда ҳеч ким кўринмасди. Асанов ўзига бир неча марта ярадор Тошмухамедов билан шунча одамни бирга юбориб, тўғри қилдимми ёки йўқми, деган саволни берди.

У Падеринага қарамасликка ҳаракат қилар, аёлнинг изтиробли чеҳраси ўзининг хатосини эслатаётгандек бўлаверарди.

— Кимдир келаяпти, шекилли, — Борзунов паст товушда шивирлади, узоққа тикиларкан, — йўқ, кўзимга кўриништи, — деди ҳафсаласи пир бўлиб, — шунчаки йўлдаги чанг экан.

— Улар ушланиб қолишса нима қиламиз? — биринчи бўлиб Падерина сўради.

— Ярадор майорни жўнатиш сизнинг ғоянгиз эди, шекилли? — эслатди Асанов ўзини базўр босиб.

— Тўғри, — деди подполковник вазминлик билан, — мен Абдуллани илгаридан биламан. Агар вертолёт чақириб, операцияни барбод қиладиган бўлсак, у ўзини ўлдирадди. У шунақа одам. Сиз унинг ўз жонига қасд қилишга қай даражада тайёр турганини тасаввур ҳам қила олмайсиз.

Асанов афтини буришгирди.

— “Қаҳрамон-қаҳрамон” ўйини ўйнаяпмиз, — деди зарда билан, — вақт бўлса кетаяпти. Тўртинчи соат кутаяпмиз. Агар улар қишлоқда ушланиб қолишса, “саёҳатимиз”нинг расвоси чиқади.

— Ушланишмайди, — ҳамма нарсадан кўра аёлнинг босиқлиги кўпроқ асабга тегар, назарида, энг аввало, Падерина хавотирга тушиши керакдек туюларди.

— Балки, разведкага бориб келарман? — таклиф қилди Елагин.

— Бас қилинг, — қатъият билан буюрди Асанов, — усиз ҳам озчиликмиз. Кутамиз.

— Йигитлар қайтишмаса-чи? — тинчимади Елагин.

— Бир соатдан кейин ҳал қиламиз. Агар йигитлар қайтишмаса, подполков-

Давоми. Боши ўтган сонда

ник иккаламиз борамиз. Ҳар қалай тилни биламиз. Сизлар шу ерда қоласизлар, капитан Борзунов бошлиқ бўлади.

Борзунов қайрилиб ҳам қарамасдан, бош силкиб қўя қолди.

У ҳамон йўлга тикилиб турарди.

– Балки, Абдулланинг кийимларини ёқиб юборармиз, – таклиф қилди Елагин.

– Керакмас. Ўзимиз билан оламиз. Тоғда ташлаб юборамиз. Бу ердан кўтарилган тутун узоқдан кўзга ташланади. Кўмиб ҳам бўлмайди. Маҳаллий овчиларнинг итлари жуда зийрак, топиб олишлари мумкин. – Асановнинг ўрнига Падерина жавоб берди.

Генерал биринчи бор кулимсиради.

– Отангизнинг исми ким? – сўради у Падеринадан.

– Савельевна. Шунақа тарзда мурожат қилишингиз шартми?

– Екатерина Савельевна, ушбу мамлакатни яхши билар экансиз.

– Раҳмат. Бу Афғонистонга кўп марта келганимнинг таъсири. Акам шу юртда қурбон бўлган.

– Қачон?

– Саксон еттинчи йилда, Жалолободда. Балки, майор Падериннинг ўз қирувчи самолётида портлаб кетганини эшитгандирсиз?

– Эшитмаган эканман.

– Ўшандан бери бу мамлакатни севаман ва дилимда азобли хотираларни қолдиргани учун нафратланаман.

– Нега яхши кўрасиз?

– Гўзал юрт, – тўсатдан жилмайди аёл, – гаройиб мамлакат. Ахир мен паранжида юрганман. Одамлари хушфеъл, зукко, қўли очиқ, ҳалол ва жасур. Охирги бурда нонини бўлашиб ейишга тайёр. Очиқдан–очиқ босқинчилик қиладиган тўдалар бу ҳисобга кирмайди. Ҳатто, биздан асир тушганларга ҳам тегишишмаган, уларни ислом динига ўтишга даъват қилишган.

– Биладан, – деди Асанов, – менинг дўстим ҳам асирга тушиб қолганди.

– Мусулмон бўлдимиз?

– Деярли, – у бошқа ҳеч нарса демади, аёл қайтариб сўрамади.

– Келишяпти, – деди Борзунов астагина.

– Неча киши? – шошилиб сўради Асанов, ўридан сапчиб тураркан.

– Тўрт киши. Ҳаммаси қайтишяпти.

Улар бироздан сўнг Степанов ва Машковнинг ниқоб костюмларини ва уларнинг ўртасида келаётган икки “қирғиз” Раҳимов ва Чон Динни кўришди.

– Худога шукур, – деди Падерина энтикиб, – мен жуда кўрққандим.

– Улар етиб келишгач, ярим соатдан сўнг йўлга тушамиз, – Асанов топшириқ бера бошлади. – Борзунов ва Елагин, юкларни тайёрланг. Падерина, тушган жойимизни кўздан кечиринг.

Ўн дақиқадан сўнг Раҳимовнинг гуруҳи жуда яқинга келиб қолди.

– Ишлар қандай? – қичқирди Асанов улар ҳали эллик қадамлар нарида эканида. У ҳар эҳтимолга қарши форс тилида гапирарди.

– Аъло, – кулимсиради Раҳимов, – қишлоқда дурустгина табибни топдик. У Абдулланинг Қандаҳордаги дўконини билар экан. Ўзи шу ерлик экан, Абдулладан катта пул ундиришни ўйлаб, хурсанд бўлиб кетди. Табиб ярани кўздан кечириб, қайтадан боғлади, яхшилаб даволашга ваъда берди.

– Унда ҳаммаси жойида, – бош ирғади Асанов сал ўзига келиб, – нафасларингни ростланглар, ярим соатдан сўнг йўлга тушамиз.

– Сизларни ҳеч ким кўрмадимиз? – сўради Борзунов Раҳимовдан дафъатан.

– Ҳеч ким кўрмади, шекилли. Нимаиди?

– Икки киши тўппа-тўғри шу ёққа келаяпти. Кийимларига қараганда, бу ерликлар эмас.

Ҳамма ўзини тошлар панасига отди.

– Қуроллари борми? – сўради Асанов.

– Менимча йўқ. Аниқ кўролмаёйман.

– Раҳимов, Чон Дин, тезликда текшириб кўринглар, – буюрди генерал.

Узоқ йўлдан сўнг дам олишга ва кийимларини алмаштиришга улгурмаган икки зобит нотаниш кимсаларга пешвоз чиқишди. Ҳамма нафасини ичга ютиб турарди. Икки жуфтлик ҳам бир-бирига шитоб билан яқинлашиб келарди.

Борзунов автоматини олди, аммо, Асановнинг қўлини кескин сермагани кўриб, яна жойига қўйди. Қурол ишлатиш мумкин эмас, шамол ўқ овозини водийда пайдо бўлиб қолган тасодифий меҳмонлар қулоғига етказиши мумкин.

Икки жуфтлик бир-бирига деярли рўбарў келди.

Раҳимов ҳалигиларга нимадир деди.

– Шу иккови менга ёқмаяпти, – тўнғиллади Борзунов, – қандай қилиб бир пасда пайдо бўлиб қолдйкин?

Унга ҳеч ким жавоб бермади.

Гап-ўзига бир неча марта ўзига бир неча марта сўзлар эшитилмас, аммо, узоқдан тўрт кишининг бамайлихотир суҳбатлашаётгани кўриниб турарди. Лекин, Борзунов ҳарқалай ҳақ эди. Асановга ҳам иккисининг тўсатдан пайдо бўлгани, тез-тез кулиб, таъзим қилишлари ёқмаётганди.

Бирданига вазият ўзгарди. Қичқириқ ва кетма-кет отилган ўқ овозлари эшитилди. Раҳимов сапчиб, бир томонга йиқилди. Чон Дин негадир чўққайиб ўтириб олди. Нотанишлардан бири ўша заҳоти кулади. Иккинчиси эса қўлини кўтариб, ғалати тарзда атрофга аланглаб, ёнбошига ағдарилди.

– Борзунов, Елагин, ёрдамга! – буюрди Асанов.

Икки зобит олдинга отилди.

“Агар яна бир кишини йўқотсак, ёмон бўлади, – кўрқув билан ўйлади Акбар, – жуда ёмон бўлади. Гуруҳ руҳан синади”.

Борзунов билан Елагин қуролини шайлаган ҳолда чошиб борарди.

Йўқ, ҳаммаси жойида, шекилли.

Раҳимов сал чўлоқланиб ўрнидан турди. Кейин Чон Дин қаддини ростлади. Асанов панадан чиқиб, ўзини ошиқмасликка мажбурлаб, одамлари томон юрди.

Икки афғон ерда чўзилиб ётарди. Бировининг калласи ғалати қийшайиб қолганига қараганда ўлганди, иккинчиси эса биқиндаги жароҳатни ушлаб инқилларди.

– Нима бўлди? – сўради Асанов.

– Улар биринчи бўлиб ҳужум қилишди, – тушунтирди Раҳимов, – қишлоқдан чиққанмиздан бери изма-из келишаётганди. Биринчиси ўқ отишга улгурди, иккинчиси эса улгурмади.

– Сиз-чи?

– Мен иккинчи бўлиб отдим, ўтирилишга аранг улгурдим, аммо, калласига тегипти. Чон Дин эса пичоқ ирғитди – отмаслик ҳақида буйруққа риоя қилди. Унисини яралади, шекилли.

– Нега улар сизларга ҳужум қилишди?

– Билмадим. Афтидан, булар бегона, бу қишлоқдан эмас. Форсийда бизнинг кимлигимизни сўраганига, Қандаҳорданмиз, ўртоғимизни қишлоқда қолдирдик, дедим. Битгаси тўсатдан русчалаб “сволочи”, дея тўшпончасини ўқталди. Қолганини ўзингиз кўрдингиз.

Асанов ярадорнинг устига энгашди.

– Кимсан? – сўради форсчалаб.

Ярадор бутун дунёни лаънатлаб инқиллади.

– Сен гапира оласанми? – бу гал пуштун тилида сўради.

– Жин урсин, сизларни, – ярадор соф рус тилида ихраниб гапирарди.

– Тушунарли, – янада пастроқ эгилди Асанов, – тожикмисан?

– Ҳа. Ўзинг-чи?

– Мен ҳам тожикман.

– Сен қанжиқсан, кофирларга хизмат қилиб, тожикларни сотасан, – деди ярадор бу сафар форсийда.

– Энди тушунарли. Сен муҳолифлар тўдасидансан. Бошлиқларинг ким?

– Абуқодир. Эшитганмисан шунақасини?

– Эшитганман, – деди хўмрайиб Асанов.

– Биз парашютларни кўриб қолгандик, кейин текширмоқчи бўлдик. Агар бутун қайтмасак, Абуқодир изларингдан тушади. Оллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, бирортанг омон қолмайсан.

– Оллоҳни тилингга олма, – хўмрайди Асанов, – бунга ҳақларинг йўқ. Сизлар қотиллар, зўравонлар, каллақесарларсиз. Қанақасига яна Оллоҳ ҳақида гапирасанлар?

– Ҳечқиси йўқ, – бир амаллаб кулди ярадор, – Абуқодир қувиб етганда, биласан ҳаммасини.

– Сиз Абуқодирни биласизми? – сўради Раҳимов.

– Ҳа. Муросасиз тожик муҳолифатининг ўзини ўлимга чоғлаганлар тўдаси бошлиғи. Манави водийдаги диний мутаассибларнинг энг ашаддийси.

– Улар нимани истайди ўзи?

– Ҳеч нарсани, Фақат кофирлар билан жанг қилишмоқчи. Биринчи навбатда Душанбедаги ҳокимиятни тан олган тожиклар ва россиялик чегарачилар билан кураш олиб боради. Жуда хавфли тўда, аммо таълим кўрмаган. Лекин жуда мукамал қуроқланишган.

У ярадор эшитмаслиги учун паст овозда гапирди.

Чон Дин ўлаётган кимсага ёрдам бериш учун энгашди. Ярадор сўнгги қувватини йиғиб, унинг қўлини нари итарди.

– Ҳамманг дўзахга тушасан, – деди хириллаб.

– Сен фидойи эмассан, – афтини бужмайтди Асанов, – ғирт аҳмоқсан. Шаҳарда ўқиган бўлсанг керак, рус тилини биласан, китоб ҳам ўқигансан.

Ярадор чириган тишларини кўрсатиб кулди. Унинг соқоли ўсган юзида тантанаворлик бор эди.

– Сен ҳам шаҳарда ўқигансан, – шивирлади у, – буларнинг бошлиғи бўлсанг керак. Тириклай терингни шилишади. Тожик бўла туриб, кофирларга хизмат қилаяпсан.

Асанов юзини ўгирди ва яна ўлаётган кимсага қаради.

– Менга исмини айт, балки ватанингда сенинг яқинларингни топарман, – паст овозда таклиф қилди генерал.

– Биз Оллоҳнинг қулларимиз, – деди у базўр ҳушидан айрила туриб, – исмимни билишинг шарт эмас.

Сўнг ҳушидан кетди.

– Ўлдими? – сўради Раҳимов.

– Ҳозирча тирик. Ҳушидан кетди, – Чон Дин ўрнидан турди, – аммо кўпга бормади, – гуноҳқорона оҳангда кўшимча қилди, – кўп қон йўқотди.

– Семеновни чақиринглар. Қийналмаслиги учун укол қилсин, – буюрди Асанов.

– Жасадларни нима қиламиз? – сўради Борзунов.

– Кўмиш керак, лекин, сал юзароққа. Абуқодирнинг одамлари барибир изимиздан келади. Йўқ, шопманглар. Кўмишдан олдин ечинтириб, парашюгга ўранглар. Кейин мени чақирасизлар, қуръон тиловат қиламан.

– Тушунмадим, – ажабланди Борзунов.

– Абуқодир ва унинг одамлари орамизда мусулмон борлигини билиши керак. Уларнинг одамини шариат қоидасига кўра кўмамиз. Бу мугаассибларга қаттиқ таъсир қилади. Агар бирортамиз уларнинг қўлига тушиб қолсак, ҳеч бўлмаса, қийнамай ўлдиришади.

– Тушунарли, – Елагин ва Борзунов биринчи жасадни ечинтира бошлади.

– Улар қандай қилиб бизни сезиб қолишдийкин? – сўради Раҳимов ўйлашиб.

– Бу жуда осон. Юзларингизга қараса, кифоя, – тушунтирди Асанов, – соқолларинг олинмаганига атиги икки кун бўлган, Абдулланинг эса соқоли бор, шунинг учун қишлоқда бемалол қолдириш мумкин эди. Мен сизлардан хавотирда эдим. Бугундан бошлаб ҳеч ким соқолини олмасин. Асл мусулмон силлиқ қирилган башара билан юрмайди.

– Биз ҳамми? – сўради Елагин.

– Ҳамма, – унинг гапни кесди Асанов, – тезроқ бўлинглар. Кун ҳам жуда чўзилиб кетди. Аллақачон жўнашимиз керак эди.

## II

### Хотира. Капитан Петр Олегович Свешников

Аслида гуруҳга бошлиқ Петр Свешников бўлиши керак эди. Аммо, сўнги дақиқада раҳбарият Афғонистонда кўп миллионли тожик аҳолиси борлигини инobatга олиб, гуруҳга Акбар Асановнинг раҳбарлик қилишини мақсадга мувофиқ, деб топди. Қарор жуда юксак идорада қабул қилинган бўлиб, сабабини ҳеч ким изоҳлаб ўтирмади. Бу ҳол икки зобитнинг дўстлигига заррача таъсир қилмади ва уларнинг яхши муносабатлари сақланиб қолаверди. Петр Свешников расман Асановнинг биринчи ўринбосари ҳисобланарди. Уни ҳамма – ҳамширалар ҳам, энагалар ҳам, таржимон ва стенографчи қизлар ҳам, ҳатто, Кобулга вақтинча келган икки элчихона ходимининг хотинлари ҳам севарди. У ошуфта юракларнинг ишқий саргузаштлар бобида чарчоқ билмайдиган, ҳар бирига йўл топа оладиган ашаддий кушандаси эди.

Уруш шароитида ҳар доим ҳам қўлидан келавермаса-да, Асанов хотинига садоқат сақлашга ҳаракат қилар, айна пайтда Свешин-ковнинг қилиқларини парвосига кўп келтирмас, тунда йўқолиб қолишларига монелик қилмасди.

Шуниси ҳам бор эдики, Свешников муҳаббат бобида қанчалик чапдаст бўлса, жангда ундан ҳам ўтар, бу эса беихтиёр атрорфдагиларда эҳтиром уйғотарди.

У Киевда туғилиб ўсган, кекса ота-онаси, жонидан яхши кўрадиган синглиси ҳамон ўша ерда яшарди. Совет Иттифоқиқа қайтиши билан Свешников Киевга учиб кетар ва бутун таътилини ўша ерда ўтказарди. У сермуҳаббатлигига ва шов-шувларга сабаб бўлган ишқий саргузаштларига қарамасдан ўттиз икки ёшга кирган бўлса-да, ҳамон уйланмаган, кўпгина бошлиқларнинг қизлари шунақа келажаги порлоқ эрни қўлга киритишни орзу қиларди. Ҳамма билан яхши муносабатда бўлишига, ўзи чўчидиган никоҳ балосидан қандай қилиб соғ-омон қолаётганини ҳам тушуниб бўлмасди.

Бугун армияни ларзага солган бу воқеа саксон бешинчи йилнинг июл ойи бошларида содир бўлди. Йўлларга пистирмалар ўрнатилиб, мамлакатнинг бутун жанубий-шарқий худуди уруш гирдобига тортилган, миналар портлашидан ўнлаб зобит ва аскарлар жабр тортарди. Террорчилик ҳаракатлари Жалоло-



бод ва Кобулда ҳам рўй бериб турарди. Бу ёқда бўлса, бошқача воқеалар кечарди.

Ушбу муҳаббат қиссаси мамлакат шимолидаги кичикроқ Билчиноғ шахрида юз беради. Бу ерга ГРУнинг учта зобити сафарбар қилинганди. Гуруҳга бошлиқ этиб капитан Петр Свешников тайинланганди, Қўмондонликка мамлакатнинг шимолий томонидаги афгонларнинг муқаддас шахри Мозори Шарифни гарбий ва жанубий вилоятлар билан боғлайдиган серқатнов йўлга айнан шу тарафдан ҳужум режалаштирилаётгани ҳақидаги маълумот тушганди. Одатда пистирмалар Маймана шахрида ўрнатилади, шундан сўнг мужоҳидлар қандай тез пайдо бўлган бўлса, ўшандай ғойиб бўларди. Билчиноғқа совет кўшинлари ўрнашмаган, битта қўриқчи рота ва афгон халқ армиясининг тўлиқ бўлмаган иккита ротаси бор эди, холос. Уруш узоқларда борар, шу боисдан Совет Иттифоқининг чегарасидан унча узоқ бўлмаган юз-юз эллик чақирим нарида жойлашган ушбу шаҳарча ҳамон минг йиллик уйқудан уйғонмагандек туюларди.

Зобитлар шаҳарга келиб, қочиб кетган афгон савдогарининг марказдаги кичикроқ уйига ўрнашишди. Нариги тарафда маҳалла имомининг уйи жойлашганди, унинг ёнида эса шаҳарнинг энг бой одамларидан бир Аҳмадалининг улкан ва ҳашаматли иморати қад кўтарган. Айтишларича, Аҳмадали Францияда ўқиган ва бир неча европа тилларини биларди. Отаси вафот этгандан сўнг ватанига қайтиб, шу ерлик қизга уйлаган. Уч ўғли ва отасининг суюклиси бўлмиш бир қизи бор эди.

Свешниковга мулла билан кўшничилик қилиш унча хуш келмас, аммо, мужоҳидлар билан шерикчиликда гумондор бўлган руҳоний билан эрталаблари барибир салом-алик қилишга тўғри келарди. Шаҳар коменданти — афгон зобити Козимбой — динсиз “шўровийлар” билан ҳам, аҳли мусулмонлар билан ҳам орани бузмасликка ҳаракат қилар, иккала томоннинг ҳам ҳатти-ҳаракатларини кўриб-кўрмасликка оларди. Шу ваддан қўмондонлик вакили ҳисобланган разведка-чиларнинг диний ақидапараст ва мутаассиблиги билан танилган мулланинг кўшничилигига ҳам оддий ҳол сифатида қарарди.

Ўша куни тонгда Свешниковнинг уйқуси қочди. Кўёшнинг ёрқин нурлари деразага урилар, ерда эса бузоқбоши ғимирлаб юрарди. У бироз айланмоқчи бўлиб, ўрнидан турди-да, кийиниб уйдан чиқди. Тўсатдан қулоғига қўшиқ саси чалинди. Уларнинг яқинидаги қудуқ ёнида бир қизча қўшиқ қуйлар, тескари қараб турганидан юзи кўринмас, фақат ёрқин рангли сочларигина кўзга ташланарди. Унинг қўнғироқдай тиниқ ва жарангдор, майин ва таъсирчан овози шарқона соз оҳангидек сеҳрли эди.

Йигит яқинроқ борди. Қиз уни пайқамай, челагини ювишда давом этаркан, кимнингдир қадам товушларини сездди. Чўчиб, чинқириб юборди-да, бошига ёрқин рангли рўмолини тортди. Кейинроқ, орадан бир неча йил ўтгач, совет кўшинлари Афғонистондан чиқиб кетгандан сўнг айрим қаламқашлар барча маҳаллий аҳолини душман ва мужоҳидга чиқариб, уларни “мусулмон ақидапарастлигининг кўрғони”, деб атайдилар. Аслида эса ундай эмасди. Аҳоли жуда кўп вақт кўшни эронликлардан фарқли ўлароқ, келгинди “шўровийлар”га лоқайд муносабатда бўлганди. Маҳаллий қизлар йирик шаҳарларда бошига дуррачасини танғиб, юзларини очиб юрарди. Бундан ташқари, йирик шаҳарлардаги қизлар ҳеч бир қоидага риоя қилмасдан, урф-одатларни менсимасдан, жамоат жойларига яланг бош, сочларини ёйган ҳолда бемалол бораверишарди.

Қиз ўғирилди. Қизнинг таърифига сиғмас ҳусн-жамоли Свешниковнинг эс-хушини олди. Кенг пешонаси, қийикроқ кўзи, римликларга ўхшаб кетадиган тўғри ва бежирим бурни, чиройли юпқа лаблар, айни пайтда сал туртиб чиққан яноқ суяклари, анорранг юзлари — қизнинг томирида Шарқ ва Ғарбнинг қони

омухта эканини билдирарди. Свешников мамлакатнинг бу томонидан ораларида сариқ сочли, баланд бўйли, қад-қомаги келишган оқ танли инсонлар кўп учрайдиган ҳазарийлар ва нуристонликлар яшашини биларди. Балки, булар Аҳмонийлар давлатига асос солган Искандар Мақдунийнинг авлодларидир, балки, ундан икки юз йил кейин пайдо бўлган грек-бақтрия шоҳлигидаги раҳнаомларнинг эвара-чевараларидир. Нима бўлганда ҳам у қиздан кўзини узолмасди.

Қиз унинг оташин нигоҳини сезиб, баттар уялди. У акаларидан муллага қўшни уйда кофир “шўровийлар” яшашини эшитганди. Аммо, улар орасида бу қадар келишган йигитлар борлигини хаёлига келтирмаганди. Свешниковнинг онаси украин қизи бўлиб, қора кўз ва қора-қўнғир сочлар ундан мерос эди. Балки, унинг қонида украин ерларини топтаган крим-татар ёки қипчоқларнинг қони бордир. У қиздан кўз узмас, қиз эса — ундан.

Шу лаҳзада бу оламда бепоён ва тубсиз коинотни бағрига яширган икки жуфт кўздан бошқа ҳамма нарса ғойиб бўлгандек эди.

— Кимсан ўзи?— деди ниҳоят Свешников. У форс тилида унча яхши гапира олмаса-да, аммо шу иборани биларди. Қиз баттар уялди. Нотаниш кишининг саволига жавоб берип, бегона эркак билан гаплашишдек шармандаликни бўйинга олиш билан баравар эди. Ахир, у “шўровий”-ку, фикрлади қиз, шариат қоидалари унга тегишли бўлмаса керак. Шунга қарамай, оғиз очишга журъат этмади. Олган тарбияси ва урф-одатлар ҳаммасидан устун чиқди. У челагини олиб, ортга қайтаёганда, беихтиёр чиройли “шўровий”нинг кўзига бир қараб олди. Уйи томон чошиб борар экан, барибир беодоблик қилганини ҳис этди.

Йигит кўзларига ишонмагандек, қудуқ ёнида узоқ туриб қолди.

Шу кундан бошлаб уларнинг ўртасида ўзига хос ўйин бошланди. Ҳар куни эрта тонгда — беш яримда, ҳамма ухлаб ётган кезде қиз қудуқ бошига челагини кўтариб чиқади. Худди шу пайтда Свешников ҳам қудуқдан сал нарида туриб, соҳибжамолга меҳрли нигоҳини тикади. У маҳаллий ахлоқ қоидаларининг қаттиқлигини яхши билар, қизнинг бошига нима фалокатлар тушишини англаб, яқинлашишга ва гап қотишга журъат қилмасди.

Бир ҳафтадан сўнг пистирма қўйилаётганини эшитиб, Свешников ва унинг одамлари Давлатободга жўнаб кетишди. Мужоҳидлар тўдаси янчиб ташланган бўлса-да, булар томонидан ҳам катта талафот кўрилди. Свешниковнинг отряди ўттизга яқин афғон миллий армияси жангчиларини ва саккизта совет аскарини йўқотди.

Гарчи, мужоҳидлар юз элликдан ортиқ одамани қурбон берган бўлса-да, саккизта совет аскарининг ўлими учун батальон командири ва операция раҳбари — ГРУнинг вакили капитан Свешников жавоб берарди. У Билчироққа саккизта йигитнинг жасади ва ёмон ўтказилган операция учун гуноҳни елкасига ортмоқлаб қайтди.

Ўша куни тонгда у қудуқ ёнига биринчи марта чиқмади. Қиз бекорга уни одатдагидан кўпроқ кутди. “Шўровий” йигит кўринмаган ўша тонгда қиз челагини ҳам ювмасдан қайтиб кетди. Қиз хаёлида, ҳатто, тушида ҳам “шўровий”нинг ўзига ёқиб қолганини тан олгани кўрқарди. Бу шунақа нотабий, шунақа даҳшатли ҳол эдики, шу тўғрисида ўйлашнинг ўзиёқ ақлга сиғмайдиган гуноҳ ҳисобланарди. Бу ота-онаси-ю, оиласига, уруғ-аймоғига, динига ва халқига хиёнат билан баробар эди. У ўзининг ожизгина қизлик орзуларидан кечиб, “шўровий” йигит ҳақида эсламасликка уринарди.

Бироқ, Худо суйган бандасини ишқ дардига мубтало этади. Эртасига эрталаб қиз яна челагини кўтариб қудуқ бошига чиқди. У оиласи тоза сувга муҳтожлигига ўзини ишонтириб, ушбу соддагина ёлғони билан дилига таскин берар, алдовидан юпанч топгандек бўларди.

Йигит ҳам жангдан сўнг сал ўзига келгач, қизнинг гўзал кўзларини яна бир бор кўриш ниятида беш яримда қудуқ бошига чиқди. Шу тонгда улар бир-бирларига биринчи бор кулиб тикилишди.

Иккинчи куни сал яқинроқ борди аммо қизнинг қўрқиб кетганини кўриб, ўн қадамлар бериди тўхтади. Кейинги уч кун давомида бу масофани эҳтиёткорлик билан қисқартириб борди. Қиз ҳуркиб турар, лекин ўзини унинг борлигини сезмайдигандек тутар ва индамасди. Тўртинчи куни бўлса, умуман кўринмади.

Бу сафар йигит соат саккизгача кутди, аммо беҳуда эди. Қиз уйдан чиқмади. Иккинчи куни ҳам шу ҳол такрорланди. У таваккал қилиб, қизнинг уйига яқинроқ борди, бироқ ҳовлидаги кўшпақларнинг ўчакишиб ҳуришидан бошқа овозни эшитмади.

Қиз бирданига кўринмай қолгандан сўнг умидини буткул узиб, уйдан чиқар экан, кўзи яна қизга тушди. У ғамгин ва нолакор шарқ қўшиғини лабларини очиб-очмай, деярли шивирлаб хиргойи қиларди. Кейинчалик Свешников унинг акаси динсизларга қарши курашда Регистон кумликларида ҳалок бўлганини билди. Қиз икки кун давомида акасининг хотираси ва кўшни “шўровий” йигит муҳаббати ўртасида ўртанган экан.

Икки кундан сўнг гуруҳни Кобулга қақриб олишди ва Свешников қиз билан хайрлашишга ҳам улгурмай қолди. Буйруқ кундуз келган бўлиб, кечкурун эса БПМда чанг ютиб, тоғли Бамнан йўлидан кетиб боришарди.

Кейин яна уруш, мужоҳидлар билан тўқнашувлар, душманларнинг пистирмаси, нотаниш миналар, дўстларнинг мурдаси, снарядларнинг портлаши, қон ва ўлим — соғлом инсонни ваҳший ҳайвонга айлантирадиган жараёнлар давом этди. Уни СССРга қақришди, у ерда икки йил қолиб кетди. Унинг маъшуқалари кўп эди, жуда кўп — таниш ва сал-пал таниш, гўзал ва ўртамиёна, қайноқ қон ва ва совуқмижоз не-не аёлларни қўлдан ўтказмади. Аммо, Билчироғда қолган қизнинг ёди уни мудом таъқиб этарди. Шунинг учун ҳам Афғонистонга жўнатишларини сўраб ариза ёзди. Бу пайтга келиб у майор унвонини олганди.

Саксон саккизинчи йилнинг поёнида совет қўшинлари Афғонистондан қайта бошлади. Раҳбариятнинг сиёсий хоҳиш-иродасига кўра, улар келгуси йилнинг баҳоригача мамлакатни афғонистонликларнинг ўзларига қолдиришлари лозим эди. Бир қанча шартномаларга қарамасдан, ўн йиллик урушда қаҳр-ғазабга тўлган, яқинлари ва қариндошларидан жудо бўлган мужоҳидлар совет қўшинларининг қайтар йўлларида оғир ва сезиларли талафот етказарди. Фарбга бир гуруҳ ГРУ зобитлари жўнатилиб, уларга чекинаётган ҳарбий қисмларни мужоҳидларнинг режаларидан бохабар қилиб туриш топширилди. Уч ярим йил ўтгач, майор Свешников шу тарзда яна Билчироққа бориб қолди.

У тун бўйи ухламасдан, эрталаб яна таниш қудуқ ёнига чиқди. Анча юришга тўғри келди. Улар илгари яшаган эски уй аллақачон вайронага айланганди. У омадига ишонмаса-да, узоқдан таниш қизнинг қоматини кўрди. Худди, ҳеч нарса ўзгармагандек эди. Қиз ўзининг севимли жойида ўтириб, челагини қўлда тутганча, ўша гўзал ва шикаста қўшиғини куйларди. У яқинроққа борди. Қиз ниманидир сезгандек, бошини кўтарди.

Уч ярим йил. У ўшанда хайрлашмай кетганди. Буни у қизнинг кўзларидан уқди. Қиз ҳар куни эрта тонгда, қиш ва ёзда ўзининг “шўровийсини” кўргани шу ерга келган, эртами, кечми, албатта, келишини билгандек, бир минг икки юз кун уни қудуқ ёнида кутган. Қизнинг кўзларида ёш ҳалқаланди, йигит унинг кўнглида ўзига нисбатан мавжланган муҳаббат қудратини англаб, ҳис қилиб, бу қадар кучли ҳиссиётдан ларзага тушган кўйи, ҳам қўрқиб, ҳам титраб турарди. Кейин қиз томонга қадам босди. Улар энди бир-бирларига яқин, қўл узатса етгудек масофада ёнма-ён туришарди. Йигит қизнинг ўзи сари бу ораликни

босиб ўтиши мумкин эмаслигини, қиз ҳам у томонга ҳеч қачон қадам боса олмаслигини тушунарди. Аммо, улар гаплаша бошлашди. Бир-бирининг тилини билмасдан, диний эътиқодлари, тарбиялари, анъаналари, бутун ҳаёт тарзи ўрталарига жарлик бўлиб тушган икки жон, фақат ўзларига тушунарли бўлган битта тилда сўзлашишарди.

Шаҳар бўйлаб бомдод номозига чорлаб, азон товуши янграганда, улар суҳбатни тугатишди. Иккинчи куни Свешников гамгин ва ўйчан юрди. Бу сафар Билчироғга бирга келган Асанов унинг кайфиятига эътибор берди. Гўёки, йигит ўзи учун оғир, азобли ва мураккаб бир вазифани ҳал қилишга уринарди. Кечқурун шаҳарга мужоҳидларнинг катта тўдаси бостириб киришгач, улар ҳам бу ҳужумни қайтаришда иштирок этишга мажбур бўлишди...

Асанов Афғонистон халқ армияси жангчилари ерга ётиб олишган пайтида Свешниковнинг бор бўйи билан ўрндан туриб, уларни ўздан ибрат олишга чорлаганини эслайди. Ўз бошлиқларининг сеҳрига тушган жангчилар, унга беихтиёр эргашиб, итоатгўйлик билан ҳужумга отилдилар. Кейин бир неча йиллар ўтгач Асанов Свешников билан нотаниш афғон қизининг муҳаббати ҳақида эшитгач, ўша куни севгисининг бутун фожиасини англаган Петрнинг айбини ювиш учун ўзига ажал излаганини англади. Балки, барча севишганлар каби бу сафар ҳам жонини тақдирнинг ўзи асрайди, деб ўйлагандир. У қизнинг кўзларида нимани ўқиганини ҳеч ким билмайди.

Свешниковнинг жасадини шаҳарга бошқа қурбонларники билан бирга олиб келишди. Бутун тун бўйи мурдалар масжид олдида ётди. Эрталаб эса Свешниковнинг юзига қизларнинг нафис оқ рўмоли ёпилганини кўришди. Унинг қанақа келиб қолаганини ҳеч ким билмасди. Балки, шамол келтириб ёнгандир. Балки, кимдир адашиб қўйгандир.

Иккинчи куни эса қудуқ ёнида қизнинг жасади топилди. Мамлакатнинг шимолида кичик Билчироғ шаҳрида шунақа севги тарихи рўй берганди.

### III

Кўп нарса режадагидек бўлиб чиқмади. Анча кечикканлари туфайли дарё соҳилига бевақт — тонга яқин чиқишди. Асанов одамларининг чарчаганини кўриб, бироз дам олишга рухсат берди.

Уч соатлик нари-бери ҳордиқдан сўнг, улар яна йўлга тушишга шай бўлишди. Борзунов, Елагин ва Машков ўзлари олиб келган, иккита пуфлаб шишириладиган қайиқни ёйишди. Бир неча сонияда тайёр бўладиган бунақа қайиқларнинг ҳар бирига тўрт-беш киши юклари билан бамалол жойлашарди.

Дарё бу ерда шиддат билан оқар, оқимга қарши сузиш эса ҳаммадан ҳушёрликни ҳамда бутун диққат-эътиборни жам қилишни талаб этарди.

Эрталаб соат тўққизларда қайиқларни сувга туширишди. Орада ярим дақиқа фарқ билан икки қайиқ тўлқинлар узра қалқий бошлади. Уларнинг омади келиб, бу пайтда Кўкча дарёси бироз тинч оқар, мавжи баҳор тошқинлари пайтидагидек жўшқин эмасди. Кўкчамда — Кўкча қутуриб кетиб, тўлқинлари соҳил ёнидаги тошларга даҳшат билан урилган кезларда, уни кечиб ўтишнинг муталоқо иложи йўқ эди.

Бахтларига шамол тиниб, иккала қайиқ ҳам беҳисоб бурилишлардан бемалол ўтиб, оқимга қарши эркин сузиб борарди.

Чор атрофда эътиборга лойиқ нарса йўқ, яланғоч тошлар, қоялар, тоғлар кўзга ташланар, яккам-дуккам буталар тўпи кўриниб қоларди.

Тез-тез тошқин бўлиб тургани сабабли дарё соҳилида аҳоли яшамас, қишлоқлар эса беш-олти чақирим нарида жойлашган бўлиб, бегона кўзлардан хаво-

тирланмасдан хотиржам сузиш мумкин эди.

Асанов Падеринанинг ўзини ишонч билан тутишига, эшкакни эпчиллик билан эшишига эътибор қилди.

— Жуда чаптаст экансиз, — деди Акбар. Ўзининг эса қайиқнинг мувозанатини тутиб, бекор ўтириши ёқмаётганди.

— Мен Енисей бўйлаб сузганман, — кулди аёл. — фаол дам олишни яхши кўраман.

Дарёнинг шовқинини босиш учун баланд овозда гапиришга тўғри келар, шунинг боис иккаласи форсийда сўзлашарди.

— Менимча олдинда тўсиқ бор, — деди Падерина дарё сасига кулоқ тутиб, — қайиқни қўлда олиб ўтишга тўғри келади.

У ҳақ чиқди. Олдинда ўтиш қийин бўлган ўнқир-чўнқирликлар бор экан, қайиқларни қирғоққа олиб чиқиб, судрашга тўғри келди.

Улар кечга бориб, ҳали Журум тўғрисидаги бурилишга етмасдан ҳолдан тойишди. Ўтиш жойлари кутилганидан кўра машаққатлироқ бўлиб чиқди. Асанов яна бир марта дам олишга рухсат берди.

Фақат, чарчаш нималигини билмайдиган Борзунов, Асановнинг ўзи ва Падеринада ҳали бироз куч-қувват сақланиб қолганди. Журумгача эса яна ўн беш чақирим йўл босиш лозим.

Навбатчини белгилаб, Асанов ҳаммага ухлашни буюрди. Соат уч яримда уни навбатчилик қилаётган Машков уйғотди.

— Қандайдир шовқин эшитилаяпти, — хабар берди майор. Асанов дарҳол ўрнидан турди-да, Машковнинг кузатув жойи ҳисобланган бутазор четига чиқди. Улардан бир неча чақирим нарида сигаретнинг чўғи, гугуртнинг алангаси, аҳён-аҳёнда қўл чироқларнинг хира милтираши кўриниб қоларди. Асанов кулоғига форс тилидаги овозлар элас-элас эшитилгунча, узоқ тикилиб турди. Нотаниш кимсалар кимнидир кутишарди.

“Абуқодирнинг одамлари, — фаҳмлади Асанов, — демак, унинг асосий тўдаси Журумда жойлашган. Уларнинг зарбдор гуруҳи ўлдирилган разведкачиларини кўргач, дарҳол бу томонга хабар берган кўринади. Яхшиям, гуруҳ дарёда сузаётганда пистирмага дуч келмапти”.

— Эҳтиёт бўл, бошқаларни уйғотиб юборма, — буюрди у паст овозда Машковга, — секинроқ ҳаракат қил.

Машков унинг топширигини бажаришга киришди. Асанов ҳамон узоқларга кулоқ тутаркан, одамларнинг кўпчилик эканига шубҳаси қолмади. Саккиз-ўн киши бўлса борки, ундан кам эмасди.

Ёнига Раҳимов эмаклаб келди.

— Қон тўкмасдан уддалашга ҳаракат қиламиз, — деди Асанов тонгги туманда гира-шира кўринаётган одамларга ишора қилиб.

— Қўлимиздан келмайди, — деди Раҳимов ҳам ўша томонга тикилиб, — улар ҳаддан ташқари кўп.

— Уддалашимиз шарт. Улар ўн кишидан кўпмас. Бу ерда фақат Падерина билан Семеновни қолдирамиз. Қолганлар — олға.

— Тушунарли, — Раҳимов бошлиқнинг буйруғини етказиш учун ортга қайтди.

Асанов Падеринанинг қанақа дарғазаб бўлишини тасаввур қилди, аммо, унинг қўл жангида қатнашишини истамади.

Отряд иккига бўлинди. Биринчи гуруҳдаги Раҳимов, Машков, Елагин қояни айланиб ўтиб, юқори томонга кетишди, Абуқодирнинг одамларига ўнгдан зарба бериш учун, иккинчи гуруҳ — Асанов, Чон Дин, Борзунов эса овозсиз тўшпончаларини тайёрлаб, дарёга яқин боришди.

Қуролли одамлар гуруҳига сездирмасдан ўн-йигирма қадам яқинлашиш аъло

даражада тайёрланган мутахассиснинггина қўлидан келарди. Асановнинг гуруҳида эса чала мутахассислар йўқ эди.

Дарё бурилишида жойлашган тўдага жуда ҳам яқин боришди. Агар улар оқим бўйлаб шу ердан ўтишганда, ҳеч қанақа малака ва маҳорат жонларига ора киролмаган бўларди. Юз қадам наридан туриб, автоматда қириб ташлашарди, вассалом.

Асанов жангарилар суҳбатига қулоқ тутди.

— Ҳали кўп кутамизми? — сўради кимдир норози оҳангда.

— Тезда шу ердан ўтишлари керак. Айтишларича, дарё бўйлаб келишаётган экан, — деди бошқаси ишончли овозда.

— Қўпчиликми?

— Йигитлар санай олмаган. Лекин, иккита қайиқда экан.

Асанов норози бўлиб, афтини бужмайтди, демак дарё бўйлаб келишаётганларида кўришган экан-да. Кейинги сафар янада эҳтиёт бўлишга тўғри келади. У тош ёнида турган ва ўтирган одамларни санади, саккиз киши экан. Унчалик кўп эмас. Ҳаммаси тожиклар — Совет Иттифоқининг собиқ фуқаролари. Асанов соатига қаради. Раҳимов гуруҳи белгиланган жойга етган бўлиши керак. У ўқ отилишини хоҳламасди. Пистирмада ўтирганлар орасида алданган ва адашган кишилар бўлиши мумкин. У узоқ иккиланиб ўтирмади.

— Мен уларнинг олдига бораман, — деди Асанов, — сизлар нишонга олиб туринглар. Менинг ишорам билан отишни бошланглар. Лекин, ундан олдинмас.

— Ўртоқ генерал, — уни тўхтатишга уринди Борзунов, — булар босқинчилар, фирт ақидапарастлар.

— Улар мамлакатимиз фуқаролари бўлишган. Ҳаммасининг ҳам мутаассиб бўлиши мумкин эмас. Бир гаплашиб кўришим керак, — Асанов мулоҳаза қилди, агар ўртада жанг бўлмаса, бу одамлар у бошчилик қилаётган гуруҳнинг режаси ҳақидаги гап-сўзларни бутун водийга ёйиб чиқади. Мабодо шундай бўлса, аввало муҳолифат орасига саросима тушади. Қолаверса, “Барс”нинг тўдаси ҳақидаги хабар Нурулланнинг қулоғига етиб бориб, операциянинг муваффақияти билвосита таъминланади.

У ўрнидан туриб, ниқоб кийимини ҳам киймасдан, шошиб ва довдираб қолган одамлар томон юрди.

— Ассалому алайкум, — деди у шарқ анънасига биноан.

Нима бўлаётганини англамасдан, довдираб қолган айрим кимсалар беихтиёр алик олишди.

— Ва алайкум ассалом.

Бунақа ниқобли кийимда мамлакатнинг бу томонида ҳар ким — босқинчи ҳам, муҳолифатчи ҳам, контрабандачи ҳам, ҳукумат вакили ҳам, тасодифий ўткинчи ҳам юраверарди. Уруш дунёнинг бу четидаги одамларнинг эғни-бошига ҳам ўз ҳукмини ўтказганди.

— Хонадонларингга тинчлик-омонлик тилайман, — деди Акбар форсчалаб, — гулханларингга яқин боришга ижозат берасизларми?.

— Кимсан ўзинг? — деди баланд бўйли, оқ сочли, олгмиш ёшлардаги қора соқолли, Асановга ўхшаб ниқоб тутиб, ҳарбий кийим кийган, афтидан ушбу тўданинг етакчиси бўлган эркак, — сенга нима керак бу ерда?

— Мен ҳам сизларга ўхшаган тожикман. Сизлар билан шунчаки гаплашмоқчиман.

— Тожик? — чол кўзларини қисди. — Бунақа овлоқ жойга қаёқдан келиб қолдинг, тожик. Нариги тарафдан келган бўлмагин тағин?

Тонг анча ёришиб қолган, энди саккиз кишининг қўллари ва қуролларини бемалол кўздан кечириш мумкин эди. Асанов орқасида қуроли гуруҳнинг ҳара-

катини сезса-да, ўзини вазмин ва хотиржам тутарди. Таълим кўрмаган кишиларнинг хатоси — урушнинг асосий қоидаларидан бири — елкасида ҳам кўзи бўлиши лозимлигини билмаслиги эди. Раҳимов гуруҳи белгиланган манзилга етиб келганди.

— Ҳа, ўша томонданман, — деди босиқлик билан Асанов.

Чол автоматини кўтарди.

— Шу ерда ўласан, кўппак.

— Шошма, — деди баланд овозда Асанов, — биринчи бўлиб қон тўкма.

Тўдангда фикри сеники билан тўғри келмайдиганлар ҳам бўлиши мумкин.

— Ўт оч, — буюрди чол ва ўзи ўқ узди.

Аммо, энди Асанов у ерда йўқ эди. У Абуқодирнинг одамларига яқинлашаётгандаёқ улкан тошни кўз остига олиб қўйган, ўқ узилмасдан олдин ўзини унинг ортига олганди.

“Афсус, — деган фикр кечди бошидан, — биронтаси ҳам гапимни эшитишни истамади”.

Шу заҳоти ортида ва нариги тарафда автоматларнинг таниш шиқирлаши ва ўқ овози янгради. Бир дақиқадан сўнг бари тинчиди. У шошилмасдан қаддини ростлади.

Саккиз киши турли алфозда бежон чўзилиб ётарди.

Устасининг қўлида сайраган учта автомат ўз ишини қилганди. Асановнинг улар томонга қарагиси ҳам келмади. Атай содир этилган қотиллик унга сира ёқмасди. Бу ерда айнан шундай ҳодиса рўй берганди. Шўрликлардан бирортасининг ҳам тирик қолиши учун заррача имкон йўқ эди. “Омбир жағи”га тушган ва бунга билмаган кам сонли одамларнинг моҳир разведкачиларга бас келиши мумкин эмасди.

Борзунов мурдалар ёнига бориб, уларни синчиклаб текширар экан, ҳужжат ва қоғозларни қидирди. Раҳимов унга ёрдам бергани энгашди.

— Ҳа, — деди подполковник бошини кўтариб, — булар Абуқодир тўдасидан.

Баъзи бирларининг чўнтагида СССР паспорти бор экан.

У иккита қизил жилдида “ўроқ” ва “болға” тасвири бор паспортни кўрсатди.

— Бу шўрпешона кимсалар энди бир умр жанг қилишга мажбур. Акбар Алиевич, бекорга таваккал қилдингиз, — бошини чайқади Раҳимов, — улар ҳеч қачон музокарага кўнмайди. Жуда кўп нарса йўқотишган.

— Биладан, — Асанов ўгирилиб, қўналға сари кетди.

Унга Падерина пешвоз келарди. Асановнинг оқариб кетган башарасига қараб, жойида тўхтади.

— Бирор нарса рўй бердими? Биздан қурбон йўқми? — сўради у.

— Бизникиларнинг бари соғ-саломат, — деди Асанов секингина, — кучларимиз ўта нотенг эди.

— Абуқодирнинг одамларими? — сўради Падерина.

Асанов бош ирғади, кейин ортига қарамасдан лагер томонга кетди.

Йигитлар жасадларни бир жойга йиғиб, тошлардан мақбара ясади. Асанов ўз одатига кўра, қабр тепасида тиловат қилди.

— Уни сира тушунмайман, — шивирлади Елагин Семеновга, — жанговар генерал, афсонавий “Барс”, бутун урушни бошидан ўтказган, бу ерда бўлса ўзини афгонларнинг мулласидек тутаяпти. Нима у, художўйми?

— Йўқ, — деди Раҳимов ҳам пичирлаб, Елагиннинг саволига жавобан, — унинг дўсти Афғонистонда асир тушиб, мусулмонликни қабул қилган. Ўшанда Асанов агар уни озод қилишса, ҳар доим, ҳатто душманларини кўмганда ҳам диний урф-одатларга риоя қилишга ваъда берган.

— Дўстини қўйиб юборишганми, ахир? — сўради Елагин.

Асанов улар томонга қайрилди. Энди оғиз очган Раҳимовнинг гапи ичида қолди.

Бир дақиқадан сўнг улар мақбарани тиклаб бўлишди.

Кечга бориб яна дарёга тушишди. Падерина Асановга қаради. У ўйчан ҳолатда хўмрайиб ўтирарди. Балки, Раҳимовнинг гапини эшитгач, ёдига катта лейтенант Виктор Кичин тушгандир, балки, бекордан-бекорга одам ўлдириш ёқмагандир. Ўн йил қон кечгандан сўнг шунақаси ҳам бўлиб туради...

#### IV

Хотира. Катта лейтенант Виктор Леонидович Кичин

Кичиннинг гуруҳи Ғазнадан учта БМПда йўлга тушди. Чор атрофда бирор фалокат аломати сезилмасди. Аммо, Мукурага етмасларидан туриб, тоғда яшириниб олган мужоҳидлар отган миномёт ва гранатомёт ўқларига дучор бўлишди. БМПдан бири дарҳол алангага айланди, қолган иккитаси эса икки соат давомида кучлар нотенг бўлишига қарамай, жангни давом эттирди. Хужум қилувчилар ҳаддан ташқари кўп эди. Гуруҳ бошлиғи капитан Симонов ҳалок бўлгач, раҳбарликни Кичин ўз зиммасига олди. Аммо озчиликлари билиниб қолди. Кичинни ва бешта аскарни мужоҳидлар асир олишди. Кичинни ҳушсиз ҳолда, яъни бошидан қаттиқ жароҳат олиб, БМП ичида қонига беланиб ётган ҳолда топишди. Бу топилдиқ душманларни жуда хурсанд қилиб юборди — зобит учун катта пул тўлашар, шу боисдан уларни оддий аскар ва сержантлар унчалик қизиқтирмасди.

Жанг тафсилотини эшитган Асанов ўзининг гуруҳи билан икки ҳафта давомида Кичинни асир олган мужоҳидлар тўдасини таъқиб этди, ниҳоят дарага қамалиб қолган ғанимлар ярашишни илтимос қилишди. Томонларнинг аниқ бир шаҳар ва ҳудудда учрашиб, ярашиш маросимини ўтказиши ҳам афғон урушининг ғалати жиҳатларидан бири эди. Бу сафар музокара олиб бориш учун мужоҳидлар томонидан баланд бўйли, хушқомат, ўн бешдан ортиқ тилни биладиган Қурбон шайхнинг ўзи келди. Афғон етакчилари орасида ҳам маданиятли, маълумотли кишилар кўплаб топиларди. Афсуски, уларнинг аксарияти душманлар эди. “Инқилобчилар” ўртасида эса ўзининг ижтимоий келиб чиқиши камбағал эканлигидан гурурланадиган ялангоёқ амалшарастлар кўп учрарди.

Асанов Қурбон шайхни эҳтиром билан кутиб олиб, анъанага кўра чой келтиришни буюрди.

— Икки ҳафтадирки, бизни қувлаб юрибсан, — сўз бошлади шайх чойдан бир хўплагач, — сенга нима керак ўзи, Барс? Биз сен ҳақингда кўп эшитганмиз. Тожиклар “шўровийлар” орасида шунақа баҳодир тожик борлигидан фахрланишади. Айт-чи, айнан нега бизнинг изимиздан тушдинг? Нимани истайсан ўзи?

— Асирларни. Уларни қайтариб беринглар, мен бу ердан кетаман. Сизлар менинг одамларимни тутиб турибсизлар, мен эса ўз одамларимни ҳеч қачон ташлаб қўймайман, — деди Асанов.

— Биз уларни ҳалол жангда қўлга туширдик, — эътироз қилди Қурбон шайх, — энди эса қуролга алишмоқчимиз.

— Фақат, бунга кўнмайман. Озиқ-овқат, кийим-кечак бўлса, марҳамат. Лекин, қурол бермайман, — деди Асанов қатъий қилиб.

Бу ҳам ўша урушнинг ажабланарли, айни пайтда шармандлали саҳифаларидан бири эди. Айрим бошлиқлар асир тушган аскарларини қутқарганда, шунчаки қуролга алмашиб олар, бу қуролларнинг ўзларига қарши ишлатилажagini ҳисобга олмасди.



– Сендан, – қўлларни ёзди Қурбон шайх, – ҳеч нарса олмаймиз.

– Бу нима айирмачилик? – жилмайди Асанов. – Нега айнан мендан олмай-сизлар?

– Сени бу тоғларда яхши билишади, – эслатди шайх, – одамлар сенга ишонишади. Барча пуштунлар айтган гапинг қонун эканига амин бўлган. Сен ҳеч қачон алдамагансан. Шунинг учун одамларингни ҳеч қанақа товоносиз, шундайига қайтариб берамиз.

– Лекин барибир нимадир талаб қиласизлар? – тушунди Асанов.

– Ҳа, “шўровий”, талаб қиламиз. Менга қаерда бўлса ҳам мусулмон бандаси дафн қилинаётганда, атрофда қўлидан келадиган мулла топилмаса, ҳамма вақт, албатта, “Қуръон” сураларини тиловат қиламан, деб чин зобитлик сўзини, мусулмонлик сўзини, берасан.

– Мен коммунистман, – эслатди Асанов.

– Даҳрийлигингни биламан. Аммо, Оллоҳнинг каломи борки, кимки имон келтирса, омонлик топади. Балки, мен сенинг йўлдан озган қалбингни поклашнинг ғамини чекаётгандирман?

– Агар, йигитларимни қўйиб юборсангиз, шунга сўз бераман, – деди Асанов бироз ўйланиб.

– Сен ҳаддан ташқари кўп одамимизни ўлдирдинг, Барс, – деди шайх босиқ овозда, – Оллоҳ олдида ўз гуноҳларингни юв. Ўлганларни бизнинг одатимизга биноан кўмгин. Сендан бошқа ҳеч нарса сўрамаймиз.

– Чин зобитлик сўзим, – Асанов ўрнидан турди, – агар кечгача одамларим шу ерда бўлса, мулла топилмаган тақдирда, мусулмонларни дафн этаётганда, албатта, “Қуръон” оятларини тиловат қилишга сўз бераман, – такрорлади у.

– Одамларинг икки соатдан сўнг шу ерда бўлади, – қўзғалди Қурбон шайх ҳам, – бешаласи ҳам.

– Олтитаси, – эслатди Асанов чиқиб кетаётган шайхни тўхташиб.

– Йўқ, бештаси, – эътироз қилди шайх, – ярадор зобитингнинг аҳволи оғир эди. Биз ўлиб қолади, деб қўрққандик. Ургунга жўнатиб юбордик. Агар тирик қолган бўлса, уни қўшни мамлакатдан топасан.

Асанов қотиб қолди. Демак, Кичинни топа олмайди. Аммо, берган сўзини қайтиб олишга ҳам шошилмади. Унинг онти бешта одамнинг жонига гаров бўлиб турар, бу унчалик ҳам паст нарх эмасди.

– Одамларимни келтир, Қурбон шайх, – деди у ҳорғин овозда, – мен дарҳол бу ерда кетаман. Ва ваъдамни бажараман.

– Сен сўз бердинг, – қўлларини кўтарди шайх, – бундан буён бутун мусулмонлар жасур Барснинг Оллоҳни улуғлашини билади. Бошқа ҳеч нарса керакмас менга.

Қурбон шайх сўзида турди. Икки соат ҳам ўтмасдан асир олинган аскарлар Асановнинг лагерига қайтиб келди. Бироқ, улар орасида катта лейтенант Кичин йўқ эди. Бу воқеа ҳар тарафга овоза бўлиб кетди. Бошлиқлар Асановга рухсат этилмаган музокараси учун “танбех” эълон қилишди. Лекин, унинг қасами ҳақидаги гаплар бутун шарқий Афғонистонга тарқалиб, кўплаб совет асирларининг жонига ора кирди. Модомики, “шўровийлар” орасида мусулмонлар бор экан, Оллоҳни танишар экан, демак, ҳаммасини ҳам ўлдиравериш керак эмас, деган ҳаққоний хулосага келди мужоҳидлар.

Дастлабки беш кун ҳақида Кичин ҳеч нарсани эслай олмасди. У беҳуш ётганди. Мужоҳидлар уни чалажон ҳолда лагерларига олиб келишди. Кейин тирик қолишдан умидларини узиб, чегара яқинига жўнатишди. Баъзилар эса ўзи жон беришини кутмасдан, калласини узишни ҳам маслаҳат беришди. Офицернинг боши учун катта пул тўлашарди. Мужоҳидлар назарида, бу ваҳшийликка ёки

қатлга кирмасди. Шунчаки, кесилган бош далил ўрнини босарди, холос. Чунки, шарият қонунларида инсон аъзоларини кесишга ижозат берилганди. Масалан, ўғрининг қўли кесиш мумкин, хиёнаткор аёлни тошбўрон қилишга рухсат бор. Фикрларнинг хилма-хиллиги, бошқача турмуш тарзи ҳар доим салбий таъсир кўрсатиб, эҳтиёткорликни душманликка айлантиради. Бегона ҳаёт тарзини қабул қилиш шарт эмас, бироқ, уни тушунмоқ даркор.

Кичин лагердаги Қизил хоч ташкилотининг вакили араб йигити Адиб Фараҳнинг шарофати билан тирик қолди. Ёш шифокор жонкуярлик кўрсатиб, оғир яраланган рус зобитининг ҳаётини сақлаб қолди. Иккинчи ҳафтанинг охирига бориб Виктор Кичиннинг тузала бошлагани маълум бўлди. Унинг ҳужжатлари ёниб кетганидан, ҳеч ким ҳарбий разведка зобити ва катта лейтенант эканини билмас, ҳамма жангда асир тушган пиёда кўшин зобити, деб санарди. Агар бирор киши ҳақиқатни билганида, Кичин билан аллақачон америкалик ёки покстонлик махсус хизмат вакиллари шуғулланган бўлишарди.

Бир ҳафтадан сўнг лагерга Курбон шайхнинг ўзи шахсан ташриф буюрди.

Унинг биринчи бориб кўрганларидан бири совет зобити бўлди.

— Сени хурсанд қилишим мумкин, — деди шайх, — одамларингнинг ҳаммаси озод қилинди. Тожик ўғлони ”Барс”нинг ёрдами билан ўзиникиларга қайтди. Шунақа одамни биласанми?

Албатта, Кичин ўзининг командирини, бутун Тожикистон ”Барс”, деб атайдиган, ҳали подполковник унвонидаги Акбар Асановни яхши биларди. Бироқ, ҳозир буни сездиришнинг ҳожати йўқ эди.

— Шунақа одам ҳақида эшитганман, — деди Кичин таржимонга. Лагерда ишлатиладиган пуштун тилини у озроқ тушунарди, аммо буни билдиргиси келмади.

— ”Барс” менга вафот этган мусулмонларни бизнинг урф-одатимизга биноан кўмишга ваъда берди. Нима деб ўйлайсан, у сўзида турармикин?

— Агар сўз берган бўлса, турса керак, — тезгина жавоб берди Кичин

— Биз ҳам шундай деб ўйлаёмиз. Ўша пайтда биз сени қўйиб юбора олмасдик. Аҳволинг жуда оғир эди. ”Шўровийлар” бу ердан жуда узоқда. Қочишга уринма, зобит, қўлингдан келмайди. — Курбон шайх тоғларни кўрсатди, — бошловчисиз чиқиб кета олмайсан. Ёлғиз ўзинг эса бекорга ўлиб кетасан.

— Сизлар мени ҳар доим шу ерда тутиб турмоқчимисизлар? — сўради Кичин.

— Қўрамиз, — шайх аниқ бирор нарса демасдан, чодирдан чикди.

Кейин ҳолдан тойдирадиган узун кунлар бошланди. Кичинга лагер бўйлаб юришга ижозат беришди, у аста-секин бу ерда оиласи билан яшаётган қариялар, чодирлар ўртасида ўйнаётган болалар, қишлоқлари бомбардимон қилинган, қўлига курул олиб, ўз ери ва хонадонини ҳимоя қилишга отланган ёш мужоҳидлар билан танишди. Кўшлар эса ”шўровий”лар қаршисидаги тушуниб бўлмайдиган кўркув туфайли бу томонларга қочиб келганди. Динсизларнинг бошқача турмуш тарзи, айниқса, худобехабарлиги, уларни портлаётган снарядлар ва янграётган ўқлар овозидан кўра кўпроқ даҳшатга солганди.

Кичин оддий одамлар билан гаплашиб, уларнинг содда турмуш тарзи, ўзига хос урф-одатлари ва хусусиятлари билан танишар экан, урушнинг бу эл учун қанақа фожиа бўлганини англади. Саксонинчи йилларнинг бошида Афғон сиёсий арбобларининг лўттибозлиги, совет раҳбарларининг калтабинлиги, ҳарбий кўмондонликнинг тўпорилиги туфайли юзага келган вазият бутун мамлакат бўйлаб аҳолининг оммавий душманга айланишига омил бўлганди. Ҳар қандай уруш ўз моҳиятига кўра зўравонликка, таҳқирга, инсоний ҳуқуқнинг барча турларини поймол қилишга, адолатсизликка, қонунни топташга, илоҳий ва инсоний қадриятларни оёқ ости қилишга асосланади, шу нуқтаи назардан замонлар ўзгарса-

да, ҳамон ўзининг ёвузликка асосланган асл қиёфасини бузмасдан сақлаб келади. Аммо, фуқаролар уруши хорижий кучларнинг ҳарбий босқинчилигига таянса, ундан-да баттар даҳшат ва қабоҳатларни келтириб чиқарадики, бу даврда ўзининг жигарларини ўлдирадиган Қобиллар беадад урчиб, “Аканг қани ҳой, Ҳобил?” деган илоҳий нидо ер-қўкни тутади.

Ҳали-ҳамон Афғонистонда фуқаролар уруши давом этиб, яхлит мамлакатдаги минглаб фуқароларининг ўз ватандошлари, диндошлари, қондошларини ўлдираётгани, советлар юзага келтирган “афғон асоратининг” мудҳиш оқибатларини сал-пал ёпгандек бўлади. Ўша даврда кўпгина афғон оилаларида айнан шўролар юртида кечган фуқаролар урушидаги вазият такрорланди, бир бурда нон топиш илинжида шаҳарга кетган катта ўғил Афғонистон Халқ демократик партиясининг фаолига, рота ёки батальон командирига айланган бўлса, қишлоқда ўсган укаси унга қарши курашдаги мужоҳидлар тўдасига сардорлик қиларди. Шўрпешона она эса Оллоҳдан иккала ўғлини ҳам ўз паноҳида асрашни сўраб зорланишга маҳкум.

Ушбу шароитда ҳам, айрим ҳолатларни истисно қилганда, мужоҳидлар Совет Армияси вакилларига, ўз ватандошларидан чиққан инқилобчиларга қараганда, анчагина юмшоқ муносабатда бўларди. Янги тузум тарафдори бўлмиш афғонлар эса азобли ўлимга маҳкум эди. Асир тушганидан сўнг бир ойлар ўтгач, рўй берган воқеа Кичинни чинакам ларзага солди.

Оғир жанглар пайтида бир афғон оиласи беш киши — ота ва тўрт ўғилдан жудо бўлади. Фақат, ўн уч ёшли қизалоғи билан онасигина тирик қолади. Ўша аёлнинг жигарбандларини йўқлаб чеккан фарёдини ўз кўзи билан кўрган Кичиннинг ҳам жигар-бағри хун бўлди. Эртасига она оиласидаги сўнги тирик жон — қизчасини кўлидан етаклаб келиб, тўдабошидан қурбон бўлган ўғиллари ўрнига жангарилари сафига қабул қилишни сўради. Шу тарзда уруш бора-бора халқ урушига айланиб борди. Маълумки, бутун бир халқни енгиб бўлмайди. Уни фақат қириб ташлаш мумкин.

Болалар юмшоқфеъл ва меҳрибон “Витя амакини” яхши кўриб қолишди, соатлаб унинг чодиридан чиқмайдиган бўлишди. Унинг олий ўқув юртига киришдан олдин ўйинчоқ фабрикасида ишлагани кўл келиб, ўша пайтда орттирган маҳоратини эсга олди-да, болакайларга ғалати-ғалати ўйинчоқлар ясаб бера бошлади. Шундай кунларнинг бирида унинг олдига яна Курбон шайх келди. Кўрқиб кетган болалар чодирни тарк этгач, шайх таржимони орқали у билан суҳбатлаша бошлади.

— Сен бизнинг лагерда кўпдан бери яшайсан. Келганингга бир ойдан кўпроқ бўлди. Бу орада сен бизни ўргандинг, биз эса сени. Болалар сени яхши кўришадди, хушфеъл одам, дейишаяпти. Аммо, сен жангда гуруҳга бошчилик қилганингни биздан яширдинг. Бошлиқларинг капитан Симонов эдими?

— Шундай, — деди Кичин таржимоннинг гапини охиригача эшитиб, — у ҳалок бўлгандан сўнг, раҳбарликни мен ўзи зиммамга олдим.

— Биз сен хизмат қилган ҳарбий қисм ҳақидаги маълумотларни топа олма-япмиз, — хўмрайди шайх, — балки, сен катта лейтенант эмас, каттароқ унвондадирсан. Балки, исминг ҳам бошқадир. Аскарларингни кўйиб юбордик, энди эса энди сенинг ҳақиқий исмингни билолмаяпмиз.

Кичин хушёр тортди. Унга бошиданоқ бу суҳбат ёқмаётганди. У ҳақиқий исм-шарифини яшириб, ўзини ўтган йили жангда ҳалок бўлган дўсти Виктор Косолапов номи билан таништирганди.

— Менга исминни яширишининг кераги йўқ, айниқса унвонимни. Мен погонни асир олишлари учун таққаним йўқ-ку, — жавоб берди у.

— Ҳа, — деди шайх хижолат чекиб, — сен ҳақсан. Лекин, барибир тўла

ишонмаймиз. Шунинг учун синаб кўрмоқчимиз — ислом динини қабул қиласанми, йўқми?

Кичин шошиб қолди. Аввало, у олган тарбиясига кўра, ҳарбий разведка зобити, коммунист сифатида ғирт динсиз эди. Иккинчи томондан, унинг тушуничча, бу таклифини рад этиши, шайхнинг шубҳасини минг бараварга оширади. Демак, аниқ бир қарорга келиши керак.

— Мен тилларингни билмайман, — деди эҳтиёткорлик билан.

— Тилни ўргатамиз, — деди шайх

— Динингиздан ҳам мутлақо беҳабарман.

— Бу ҳам катта муаммо эмас. Сенга шариатнинг асосий қоидаларини ўргатишади. Уни умр бўйи ўрганиш мумкин. Бундан ташқари, бизнинг китобларни рус тилида ўқишинг ҳам мумкин. Улар сенга ўхшаган худобехабарлар учун махсус чоп этилган.

Энди иккиланишдан бирор маъно йўқ эди. Бу фақат шубҳани оширарди.

— Яхши, — бош ирғади Кичин, — буни қачон қилишим керак?

— Бу сен ўйлагандек, тез бўлдиган иш эмас, — деди шайх, — ҳали кўп нарсани ўрганишинг кепарк.

Шу кундан бошлаб Кичин соқоли ва мўйловини ўстирди. Албатта, шайхни болохонадор қилиб сўкиб, ўзининг асл исмини айтиш ва азобли ўлимни бўйнига ҳам олиш мумкин эди. Йигирма етти ёшли навқирон йигитнинг ўзини қийноқларга гирифтор қилиши эса ақлга тўғри келмасди.

Чунки, ҳаёт жуда гўзал ва жозибатор эди.

Ўша пайтдан бошлаб Кичин маҳаллий мулладан сабоқ олиб, тилни ва “Қуръон”нинг асосий арконларини ўргана бошлади. Исломи динининг муҳим қоидалари билан танишгани сайин, Виктор Кичин унинг содда ва тушунарли эканидан ажабланарди. Ҳеч қачон дин тарихи билан шуғулланмаган йигитнинг мусулмонлар олами Исо алайҳиссаломни, унинг онаси Биби Марямни, хусусан, “Инжил”да тилга олинган Иброҳим, Жаброил, Мусо пайғамбарларни бошига кўтаришини билгач, ҳайрати янада ошди.

Бир ярим минг йил муқаддам ёзилган китоблардаги ақл дурдоналаридан баҳраманд бўлар экан, даҳриёна таълимотдан маъруза ўқиган муаллимларининг фикридан кўра, ушбу битиклардаги ҳақиқатга кўпроқ ишона бошлаганини пайқайди. Тарихда содир бўлган айрим воқеалар ҳақида биринчи бор эшитиб, олий ўқув юртлари жаҳон тараққиётининг қайси нодир қатламларини улардан яшириб келганини ҳам англади.

Айни пайтда у кўнглига советлар тарбияси, кашшофлар сафида кечган болалиги, комсомолча ёшлиги қалбига сингдирган тушунчалардан ҳам қутула олмасди. Ўша нарсалар ҳам унинг ҳаёти ва кўнглининг ажралмас бир бўлаги эди.

Ўзининг тил билишини яшириб юриши хатарли туюлгач, истар-истамас пуштун тили асосларини ўрганишга, “Қуръон”нинг айрим сураларини араб тилида ўқишга киришди. Баҳорнинг қуёшли кунларидан бирида унинг ёнига икки киши келди. Кичин ушбу ҳодисанинг бир куни рўй беришини билса-да, барибир, уларни кўргач, довриаб қолди. Унинг ўз ҳаёти учун тўлайдиган бу хилдаги товони ғайритабиий ва жуда кўрқинчли туюларди. Мусулмонлар одатига кўра, уни хатна қилишлари керак эди.

Унинг кўркувини тасаввур қилиш учун одам эркак зотидан бўлиши керак. Аммо, орқага ҳам йўл йўқ эди. Сартарош тинчлантирувчи дори бергандан сўнг, уни ечинтириб катга ётқизишди. Икки эркак қўл ва оёқларини боғлади. Бу жараён катта ёшдагиларга нисбатан, суннатга ётқизилган ёш болаларда анча оғриқсиз кечарди. Суюк доридан анчагина ичганига қарамай, Кичинни ичдан ваҳима босиб келарди. Сартарош устарасини кўтарди ва... Виктор Кичиннинг

даҳшатли ҳайқириги қўшни чодирдагиларни ҳам ларзага солди. Сартарош жа-роҳати устига қорамтир куқун септи.

— Бўлди, — деди у, — қўрқма. Тезда тузалиб кетади.

Қўл-оёғи бўшатилган Кичин уйкуга кетди. У бир ҳафта озроқ марганец аралашмаси солинган сувда ювиниб юрди. Ниҳоят жароҳатни қоплаган қора сўхта кўчиб тушгач, ҳаммаси тугаганини англади.

У тез орадада мусулмонча Ваҳдат исмини олиб, Покистондаги кичик Хангу шахрига олиб келинди. Унга ўхшаганлар бу ерда саккиз киши экан. Ораларида руслар, татарлар, тожиклар, бошқирлар бор эди. Аммо, зобитлардан ёлғиз — Виктор Косолаповнинг исмини олган ва ҳозир эса мутлақо бегона ном билан — Ваҳтад аталган Кичиннинг бир ўзи экан.

Бир куни кулоқларига қаердадир совет асирларининг исён кўтаргани ҳақида-ги хабар етиб келди. Аммо, улар шахарда озчиликни ташкил қилар, америкалик ва покистонлик йўриқчилар раҳбарлигида қайта тайёргарликдан ўтаётган афғон мужоҳидларининг сони Хангу шахрида беш юздан ошиқ эди.

Кичин хорижда — Покистонда олти йил қолиб кетди. Олис Сибирдаги Ачинск шахрига СССР Мудофаа вазирлигидан Виктор Кичин “бедарак йўқолгани” ҳақидаги жавоблар келиб турар, Қозоғистоннинг Семипалатинск шахрига эса хориж матбуотининг маълумотига кўра, Виктор Косолапов Покистонда асир-ликда экани, ўлими ҳақидаги маълумотнинг ноаниқлиги тўғрисида хабарлар бо-рарди.

Икки онаизор — бири Семипалатинск, бири Ачинскда Худоба илтижо қилиб, ўғилларини бағирларига соғ-омон қайтаришни сўрашарди. Виктор Кичин уйига тўқсон иккинчи йилнинг мартада қайтди. У қаерга қайтганини тушунмасди. Қўшни Покистонда ҳаммаси жойида эди. Унинг ватани — Совет Иттифоқи эса ғойиб бўлганди. Яна жуда кўп нарсалар йўқолганди. У бегона маконга, бегона замонга қайтганди.

Мамлакатда юз берган ўзгаришлар ўзининг ҳаётида юз берган ўзгаришларга қараганда кўпроқ ларзага солди. У соқол-мўйловини қириб ташлади, сочини ўстирди, илгариги таниш сўзларни зўрага эслаб, яна рус тилида гаплаша бошла-ди. Унинг, албатта, қайтиб келишига ишонган онаси қабристонда ором оларди. У армия учун энди бегона эди. Тўқсон иккинчи йилнинг ёзида Акбар Асановни йўқлаб келди. Улар узоқ ўтиришди, уруш қурбонлари учун ичишди, ҳалок бўлган дўстларини эслашди.

— Менга тушунтир, — деди алам билан Кичин, — нима бўлди ўзи. Худди ўн тўққизинчи асрга бориб қолганга ўхшайман. Ҳамма жойда — Абхазияда, Озар-байжонда, Молдавияда уруш кетаяпти. Бизнинг мамлакатимиз йўқ. Қаерга қара-ма, деникинчиларнинг уч рангли манфур байроғига кўзинг тушади. Бу қандай содир бўлди?

— Кўп нарсалар содир бўлди, Виктор — деди Асанов изтироб билан, — кўп нарсалар ўзгарди. Аввалига бунга эътибор бермадик, кейин эса кечикканимиз-ни сезиб қолдик. Биз Афғонистонда қон тўкиб юрган пайтимизда, бу ердаги сиёсатдонлар сотқинлик қилишди. Энди эса жуда кеч бўлди.

— Нима учун? — қизишди Кичин, — нега ҳеч ким столга мушт урмади, “Нима қилаяпсизлар, итваччалар?” — дея ҳайқирмади.

— Уриниб кўрганлар бўлди, — хўрсинди Асанов, — кимдир мушт уришга ҳам ҳаракат қилди, ҳатто танкларни ҳам бошлаб келди. Лекин, бари бефойда эди. Илгариги тузум ўз умрини яшаб бўлган экан. Сен тушунгин, Виктор, ўша жами-ят одамга ўхшаб яшашимизга имкон бермасди.

— Шунинг учун мамлакатни вайрон қилдингларми?

— Буни мен қилганим йўқ, — эътироз билдирди Асанов.

— Сен жим тургансан, — газабланди Виктор, — тўғри, мен ҳам итваччаман, ўша йилларда асирликда эдим, лекин ўз хоҳишим билан қўлга тушганим йўқ, ярадор эдим, ҳушим жойида эмасди. Қочиш учун кўп уриндим. Аммо, бирор чора тополмадим. Асло иложим бўлмади. Аммо, сизлар — ўз мамлакатларингда қоринларинг тўқ, ҳаётдан мамнун, бахтиёр яшаётган эдинглар-ку. Уни нима балога гирифтор қилдиларинг?

— Бизнинг ҳам ҳеч бир иложимиз қолмаганди. Халқ олдинги тузумдан бе-зиб бўлганди. Ҳамма нарса бирдан тўкилиб тушди. Буни тушунишинг қийин, Виктор, сен бошқа оламдан келиб қолдинг. Аммо, ҳаммаси сен ўйлагандек эмас. Сўнгги йилларда ҳаммаси бирданига вайрон бўлди. Тўқсон биринчи йилнинг августида уни сунъий равишда тўхтатмоқчи бўлишди. Айримлар ўша кимсаларни қаҳрамон, деб билса, бошқалари муттаҳам, деб ҳисоблайди. Аммо, бўлар иш бўлди. Энди ортга қайтара олмайсан. Сен билган мамлакат энди йўқ, унинг ўрнида Россия бор.

— Энди мен кимман? Чет элликим? — жириллади Кичин, — яъни, бошқа давлат фуқаросиманми?

— Мен Россия армиясининг зобитиман, — эътироз билдирди Асанов, — миллатимга кўра тожикман. Ўз халқимдан, ўз армиямдан, гапириб турган тилимдан кечмайман.

— Ҳаммаси қандайдир ахлоқона, — деди Кичин стаканни кўтариб, — у ёқда, Афғонда биз жанг қилган бўлсак, байналмилал бурчимизни бажардик. Ҳар қалай, бизга шундай деб тушунтиришганди, бироқ улуг мамлакатнинг, салтанатнинг вакиллари эдик. Мамлакатимиз билан фахрланардик. Сизларга нима бўлди ўзи? Қандай қилиб буни унутиб қўйдинглар? Қасамёдларинг қайда қолди, жаноби зобитлар? Ҳозир менимча бир-бирига “жаноб” деб мурожаат қилиш русумга кирган, шекилли? Виждонларинг қайда эди? Нега бирорта генерал ўз полкини Москвага бошлаб келмади, нега бу тентакликни, кутурганларнинг исёнини тўхтатмади.

— Ҳеч ҳам бундай бўлган эмас, — Асанов ароқни бир кўтаришда ичиб, стаканни зарб билан столга урди. — Сен тушунгин, дунё бутунлай ўзгариб кетди. Одамларнинг тафаккури, зобитларнинг тушунчаси, бутун мамлакатдаги кайфият ўзгариб кетди. Ҳамма бир бўлиб, бизда бирорта яхши иш қилинмаганини, охири етмиш йиллик тарихимиз нажасдан иборат эканини исботлашга тушиб кетишди. Раҳбарларимиз Ленин, Троцкий, Сталин сингари одамхўрлар, Хрушчев, Брежнев ва Черненко каби ақли заиф тентаклар бўлган экан. Ўттиз еттинчи йил воқеалари ҳақида очиқдан-очиқ ёзиш бошланди, ҳақиқат билан ёлғон қоришиб кетди, бир қисмимизни чақимчига, бир қисмимизни жаллодга чиқаришди. Бутун халқ ларзага тушди. Кейин Афғонистонга кўшин киритилишини жиноят, деб топишди. Демак, сен билан биз қаҳрамон эмас, жиноятчилармиз, Виктор. Кейин ёзишдики, сўнгги урушда Гитлери аскарларимизнинг беҳисоб мурдалари эвазига енган эканмиз. Кейин эса коммунистларни фашистлардан заррача фарқ қилмайди, дейишди, “Қизил-кўнғир” деган атамани ўйлаб топишди. Нима қилиш керак эди? Полкни урушга солишми? Ўшанга журъат қилган генерални биринчи бўлиб, ўз зобитлари асир олган бўларди. Кўп нарсаларни ҳали билмайсан, Виктор.

— Билишни ҳам истамайман, — Виктор кўзларини юмди, — Покистонда қанчалар қийналганимни биласанми? Қора нонимизни, кўшиқларимизни, аромимизни соғинганимни-чи? Эсимда қолган кўшиқларни тун бўйи айтиб чиқардим. Бир куни юртга қайтсам ҳаммаси тугайди, деб ўйлардим. Энди нима бўлди? Таги-туги йўқ ватанга қайтдим. Мен ҳозир икки киши — ўзим ва десантчи Виктор Косолапов учун яшайман. Унинг онаси Семипалатинскда, яъни бошқа

мамлакатда яшайди. Унда мен Россия ва Қозоғистоннинг, икки мамлакатнинг фуқароси бўлиб чиқаман-да.

Улар Виктор Косолапов учун, қаҳрамонона ҳалок бўлган Симонов учун, Павка Свешников ва қолган барча марҳум дўстлари хотираси учун ичишди.

Кечкурун Кичин жўнаб кетди. Ниҳоят, ҳужжатларини олиб, ҳарбий разведканинг собиқ катта лейтенати қандайдир фабрикага ишга жойлашди. У бир неча бор аламзада ва хафақоллик билан Асановга қўнғироқ қилди. Акбар унинг тақдирини ўнглаш учун не-не идораларнинг эшигини қоқмади, ҳатто Орловдан ҳам илтимос қилди. Ҳаммаси бефойда, олти йил асирликда бўлган инсонга ҳеч ким ишонмасди. Бунинг устига унинг мусулмонликни қабул қилгани маълум бўлгач, диний эътиқоди разведкада ишлашига монеълик қиладиган тўсиққа айланди.

У тўқсон учинчи йилда умид ва ишончларининг таянчи бўлиб кўринган Россия Олий Советини ҳимоя қилиш пайтида ҳалок бўлди. У ўзини саккиз йил олдин урушга жўнатган мамлакатдаги ўзгаришларни ҳазм қила олмасдан, тушунолмасдан кетди. Унинг дафн маросимига Акбар Асанов етиб келди. Шу тарзда даврнинг шафқатсиз ғилдираги мажақлаган бахтсиз зобит олдидаги сўнгги бурчини адо этди.

## V

Эртаси тушга яқин гуруҳ кичикроқ Лими қишлоғи яқинидаги тоғ чўққисининг пойига етиб келди. Қайиқларни сувга ғарқ қилиб, юкларни тенг саккиз бўлакка бўлишга тўғри келди. Шу ердан йўлнинг энг оғир қисми бошланар, тоғдан ошиб ўтиш, Асановнинг одамларидан қояларга тирмашишда альпинистлик маҳоратини талаб этарди.

Олдиндан тайёрланган муз ва қояларга мос илгакларни, ях ўйгичларни, болга ва арқонларни қошлардан чиқаришди. Ҳаммаларининг ботинкалари махсус резина таглик билан қошланган эди. Асанов Семенов ва Елагинни чақирди.

— Иккалангиз ҳам моҳир мутахассис, альпинизм бўйича спорт устасизлар. Айтинглари-чи, қоялардан ошиб ўтишда қанақа қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин?

У альпинизмда босиб ўтиладиган йўллардаги машаққатларнинг олти тоифага бўлинишини билар, дастлабки иккитаси бирмунча енгил бўлса, охириги иккитаси жуда катта маҳорат, альпинистлар асбоб-анжомларидан мукамал фойдаланишни тақозо этарди.

Елагин ва Семенов дурбин орқали йўлнинг бошланишини синчиклаб кўздан кечиришди, харита бўйлаб босиб ўтиладиган йўлни чамалашди ва бир овоздан бу йўналиш учинчи тоифага мансуб, деган хулосани айтишди. Бу эса эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини билдирарди. Асанов биринчи бўлиб Елагин — Чон Дин—Раҳимов, сўнг Семенов — Падерина — Машков кўтарилиши ҳақида фармойиш берди. Асанов ва Борзунов жуфти эса ҳамманинг ортидан чиқади. Бу борада у капитаннинг маҳоратига умид боғларди.

Тунда тоққа тирмашишдан маъно йўқ, аммо, қишлоқ ҳам ҳаддан ташқари яқин бўлгани учун Асанов иккита-иккита бўлиб соқчилик қилишни тайинлашга мажбур бўлди. Шу тарзда гуруҳ аъзолари ҳар икки соатда ўрни алмашинар, бу эса барчанинг бирдек дам олиши ва эртага кучини тўғри тақсимлашига имкон берарди.

Тун тинч ўтди. Кўшни қишлоқдан бирор шовур эшитилмади. Одамлар ва моллар уйкуга чўмганди. Тонг ёришганда Асанов сафдошларини уйғотди. Учунчи

кун бошланган, энди шошилишга тўғри келарди. Бахтларига қишлоқ ҳамон уйқуда эди. Куёш тоғлар ортидан истар-истамас мўралаб, қишлоқ узра юксалаётганда гуруҳ йўлга тушди.

Тоғдан ошишнинг нечоғлиқ оғирлигига қарамасдан, зобитлар бир-бирларига мадад бериб, бутун кучлари билан юксакликка тирмашарди. Бунинг устига улар курол-яроғ, ўқ-дори, кийимлар, рация, етти кунлик озик-овқат солинган улкан юк халталарни елкаларига ортмоқлаб олишганди. Бу нафақат қийин, балки оғир машаққат эди. Аммо, бошқа чора ҳам йўқ: зил-замбил юк билан тоғдан ошиб ўтишлари шарт.

Тушга яқин сал нафас ростлашга келишилди. Асанов харитани кўздан кечирди. Улар йўлнинг учдан бирини энди босишган, ошиқмоқ зарур эди.

— Ярим соат дам, — буюрди генерал.

Унинг ёнига Раҳимов келиб ўтирди.

— Абуқодирнинг одамлари изимиздан келади, деб ўйлайсизми?

— Бу йўналишдан келмайди. Аммо, албатта пайимизга тушади. Биз уларнинг одамлари билан икки марта тўқнашдик. Ўлганлари кўп бўлди, — деди Асанов ижирганиб.

— Одамларимиз чарчаяпти, — деди эҳтиёткорлик билан Раҳимов, — эртага эрталаб шу чўққидан ошиб ўта олармиканмиз?

— Улгуришимиз керак, — деди Асанов, — шусиз ҳам кўп вақт йўқотдик.

— Елагиннинг айтишича, қийинчиликнинг каттаси энди келар-миш. — эслатди Раҳимов, — юкимиз эса ҳаддан ташқари оғир. Ишқилиб, бирортамиз қулаб тушмасак, деб қўрқаман.

— Нимани таклиф этасиз? — сўради Асанов.

— Икки-уч киши юк билан шопилмай секин орқада бораверса, ҳатто, шу ерда кутиб турса ҳам бўлади, — таклиф қилди Раҳимов, — беш киши юксиз тоғдан тезроқ ошиб ўтади ва Зебакнинг йўлига чиқади. У ёқда бир жойга қўнсақ, юкни қайтиб келиб олиб кетамиз. Барибир Нурулла ва унинг одамлари ҳақида батафсил маълумот тўплашимиз учун бир-икки кун керак. Шу орада юкларни ташиб олиб, ўзимиз ҳам яхшироқ тайёргарлик кўрамиз

— Ақлли гап, — маъқуллади Асанов, — Зебакда анча қиладиган ишимиз бор. Биринчи бешликка кимларни таклиф қиласиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Падерина ҳамда Тошмухамедовнинг ўрнини босадиган Чон Дин бориши керак. У маҳаллий тилни билади, корейс бўлгани учун аҳоли уни хитойлик ёки қирғиз сифатида қабул қилаверади. Ушбу миллат вакилларининг соқоли сийрак бўлади, шунинг учун шубҳа уйғотмайди.

— Демак, мен қолишимга тўғри келади, — тушунди Раҳимов.

— Бошқа йўлимиз йўқ, — бош ирғади Асанов, — биринчи гуруҳга ўзим бошчилик қиламан. Сизга Елагин ва Борзуновни қолдираман. Елагин альпинизм бўйича спорт устаси. Борзунов бўлса жуда бақувват. Бешаламиз водийга тушгач, икки кишини Зебакка юбораман, икки киши юкларни олиб кетиш учун қайтади. Бешинчи киши алоқачилик қилади.

— Тўппа-тўғри, — тасдиқлади Раҳимов, — биз уч киши бу ерда қоламиз.

— Биз йўлни қисқартириш учун музлик орқали ўтамиз, — Асанов харитани ёйди. — Энг зарур нарсаларни ўзимиз билан оламиз. Зебакда бизни алоқачи кутаяпти.

— Бундан хабарим йўқ экан, — ажабланди Раҳимов, — нега илгари айтмагандингиз?

— Ҳозирча ҳаммаси шунчаки гап, — жавобдан қочди Асанов, кейин озроқ ўйланиб тургач, кўшиб қўйди, — қолаверса, йигитларнинг кайфиятини бузгим келмади.



У ўрнидан туриб, баланд овозда буюрди:

– Падерина, Машков, Чон Дин, Семенов мен билан кетади. Бошқалар шу ерда қолади, секинлик билан айланиб ўтасизлар, жуда эҳтиёт бўлинглар, ҳеч қанақа тўқнашувга йўл қўйилмасин. Бу буйруқ. Падерина ва Чон Дин Зебақдаги “саёҳат” учун керакли нарсаларни олиб олсин.

Ярим соатдан сўнг бешаласи йўлга тушишди. Шошилмоқ керак эди. Қолаётган учта офицерга кўзи тушганда, Асановнинг юраги хавотирли зирқиради.

Улар белгиланган жойга кўтарилгунча уч соатлар вақт кетди.

Музликдан ошиб ўтиш керак эди. Семенов музёргич билан музнинг қалинлигини текшираркан, чўққи томонга узоқ тикилди.

– Бу ердан ўтиш ўта хавфли, – дея гўлдиради ниҳоят.

– Нега? – сўради Асанов чарчоқ овозда.

Босиладиган йўл ўта қийин эди.

– Шу музлик менга ёқмаяпти.

Семенов терини артиб, музёргични яна ён-атрофига урди.

– Бу ерда ҳар лаҳзада кўчки бошланиши мумкин. Жуда хавфли жой.

– Нима таклифингиз бор? – Асанов муаммо чиқараверадиганларни ёқтирмасди.

– Агар ўтадиган бўлсак, ниҳоятда эҳтиёткорлик керак. Муз кўчиши мумкин.

Бақриш, ўқ отиш, шовқин жуда хатарли.

– Ўтса бўладими?

– Менимча, бўлади. У даражада қийин эмас.

– Унда кетдик.

Биринчи бўлиб, арқонга Семенов осилди. Унинг ортидан Чон Дин ва Асанов кўтарила бошлади. Ичидан иқрор бўлмаса-да, Падеринани атайлабдан ўзидан кейинга қўйганди. Охирида эса Машков чиқарди.

Спорт устаси Семеновга тоққа тирмашиш унчалик қийин туюлмаса-да, қолганлар учун азоб бўлди. Бу ерда касбий тайёргарликнинг ҳам унча нафи тегмасди. Улар чўққига етай деганда, Асанов нафас ростлашга ижозат берди.

– Ярим соат вақт бераман, – деди у чўққидан тез ошиб ўтиш кераклигини билган ҳолда, тоғда ультрабинафша радиация жуда кучли эди. Бунинг устига кеч кира бошлаган, олдинда эса тўрт соатлик йўл турарди.

– Эрталаб сизлар Зебақда бўлишларинг керак, – деди Асанов Падеринага, – билиб қўйинг, Чон Дин фақат форсчани билади, пуштун тилида ёмон гапиради. Алоқачи сизларни Зебақдаги бозорда Али Раҳмоннинг дўконида кутади. “Деҳлидан хабар кутмаяпсанми?” – деб сўрайсизлар, у эса, “Йўқ, менинг қариндошларим Бомбайда яшайди”, деб жавоб беради. Ундан Нуруланинг одамлари ҳақида тўлиқ маълумот оласизлар.

– Тушундим, – деди Падерина, кейин соатига қаради, – балки, танаффусни ўн беш дақиқага қисқартирармиз?

– Мен розиман, – Асанов ўрнидан турди, – кетдик.

Бу йўлнинг энг мураккаб, энг оғир қисми эди. Ўшшайиб турган қояларга осилиш учун илгакларни ишга солишга тўғри келди. Иккинчи томондан эса қуёш пшитоб билан уфққа оғиб борар, шошилмаса бўлмасди.

Кейинги уч кунда Асанов азобланиб, ўзига шу саволни беради: кечкурун йўл босиб тўғри қилдикмикин? Аммо, ўзини қийнагани билан унга жавоб топаолмайди. Улар бир-бирларига яқин масофада, тепага чиқиб боришаркан, тўсатдан Семенов кўлини кўтарди

– Бу ерда эҳтиёт бўлишга тўғри келади, – деди у, – биз Чон Дин билан чиқиб олайлик, кейин қолганларни тортиб оламиз.

Икки зобит бошқалар билан боғлаб турган арқонни ечиб ташлаб, эҳтиёт

илгакларини тошларга қадай-қадай юқорига ўрмалашди.

Улар ниҳоят чўққи тепасига кўтарилиб, арқонни юқоридан пастга туширишди.

— Кўтарилинглар, — қичқирди Семенов, — ҳаммаси жойида.

Одатдагидек биринчи бўлиб, Асанов юқорига тирмашди, у ёшига нисбатан хайраталанарли даражада серҳаракатлигини сақлаб қолган, спортчилардек чапдаст эди. Ортидан Падерина, охирида Машков кўтарилди.

Ҳаммаси, худди даҳшатли мелодраматик кинодагидек кутилмаганда рўй берди. Оёғи тагидаги тошлар сочилиб, тўсатдан Машков сирпаниб кетди, бир лаҳзада арқонни таранг тортиб, қояга осилиб қолди. Падерина ҳам ўзини тута олмай, унинг устига қулай бошлади. Эҳтиёт илғаги тошга унча яхши қадалмаганми ёки тош уваланганда чиқиб кетганми, ишқилиб, икки киши тубсиз чоҳга қараб учди. Иккинчи эҳтиёт илғаги қийшайса-да, жойидан чиқиб кетмади.

Асанов қояда осилиб қолди. Икки киши эса чоҳ оғзида осилиб турарди. Агар Машковнинг қисқагина қичқирғини ҳисобга олмаса, ҳаммаси тўлиқ сукунат ичида кечаётганди.

Асанов қояга тирмашиб турар ва икки кишини кўтариб туриш қанчалик оғирлигини ҳис этарди. Тепадан Семенов ва Чон Диннинг бақиргани эшитилди. Уларнинг биринчиси генералга кўмаклашиш учун пастга тушиб келарди. Акбар ортиқ бардош бераолмаслигини сездди. Арқон чап қўлига аёвсиз ботмоқда эди, чунки, у икки кишини бир қўлида тутиб турарди. У тобора ҳолдан кета бошлади.

Падерина билан Машков арқонни қимирлатмаслик учун тек қотганча осилиб турар, Семеновнинг улгуриши маҳолдек кўринарди: у ҳолда учаласи ҳам пастга учиши аниқ эди. Асанов арқонни кўйиб юбормоқчи эмаслигини қуйидаги икки зобит ҳам яхши биларди.

Машковнинг нимани ўйлагани номаълум, аммо Асановнинг дармони қуриётган дамда, у пичоғини чиқарди.

— Йўқ! — дея қичқирди Падерина пичоқни кўриб, — бундай қилма!

— Арқон узилиб кетади, — деди Машков биров гуноҳкор оҳангда қўлини кўтариб.

— Йўқ! — чинқирди Падерина.

Машков арқонни қесди. Танаси пастга учди ва ўн сониядан кейин пастдан келган бўғиқ садо юқорида қолган тўртала офицернинг юрагини эзиб юборди.

Асанов юкнинг енгиллашганини дарҳол пайқади. У арқонга ёпишиб, бор кучи билан тепага торта бошлади.

Акбар Падеринани чиқариб олганда, Семенов ҳам ёнига етиб келди.

Аёлнинг ранги бўздай оқариб кетганди. Ўша лаҳзада у сафарга чиққандан бери ўзини биринчи марта туюлмади қолди.

Асановнинг бағрига отилиб, лабларини маҳкам тишлади. Йўқ, у йиғламас, балки, генерални қаттиқ кучоқлаб, нафасини ростларди. Йиғласа йиғлагандир ҳам, бироқ унинг юзи Асановга кўринмасди. Бирданига ўн ёшга қартайган генерал, энди бир умр бошлиқ сифатида қўли остидаги инсонни сақлаб қолаолмагани учун, олдиларида жавоб бериши керак бўлган Машковнинг оиласи ҳақида ўйларди. Илғари ҳам битта одам учун жавоб бера олмаганди. Сақлаб ҳам қолаолмаганди. Катта лейтенант Викторас Моргунас...

## VI

Хогира. Катта лейтенант Викторас Моргунас

Афғонистондаги энг оғир жанглар саксон учинчи ва саксон тўртинчи йилларда содир бўлди. Бош котиб лавозимини эгаллаган Юрий Андроповнинг бу урушни тутатишнинг зарурлигига ва имкони борлигига ишончи комил эди. Аммо, оғир дардга чалиниб, тўшакка миҳланиб қолгач, ўз мамлакати ичидаги аҳволни яхши биладиган ва тўлиқ назорат қилаётган бу инсоннинг узоқ Афғонистондаги вазиятни бошқаришга қурби етмай қолди. Мудофаа вазири Устинов ҳам, бошқа саркардалар ҳам, тепадагиларнинг ўзларидан зафарли хабарлар кутаётганини билишар, шу боис афғон масаласини узил-кесил ҳал этиш мақсадида янги, соғлом кучларни тинмасдан уруш оловига ташларди. Аммо, Афғонистонда энди қариялар билан болаларгина жанг қилишар, бу бечоралар икки томон учун ҳам уришишарди. Ҳа, айнан икки томон учун. Чунки, афғонлар совет аскарлари билан елкама-елка жанг қилар, шунинг учун совет аскарларигина мужоҳидларга қарши курашган, деган тушунча мутлақо нотўғридир. Саксон бешинчи йилдан сўнг совет қўмондонлигининг қарорига биноан, совет аскарлари бевосита шаҳар ва қишлоқларни “тозалашда” иштирок этишмади. Совет қўшинлари у ёки бу туман, шаҳар, қишлоқ, йўлни қуршаб олар, кейин афғон армияси ўша чегарланган ҳудудни “тозалашга” киришар, мужоҳидларга қарши жазо операцияларини амалга оширарди. Совет қўмондонлиги тезда Бабрак Кармалнинг лўттибозлиги ва шуҳратпарастлигидан ҳеч қанақа наф йўқлигини, аксинча, унинг афғон масаласини ҳал қилиш йўлидаги тўсиқ эканини пайқаб қолишди.

Совет Иттиққоқининг изчил ва содиқ дўстларидан бири маҳаллий хавфсизлик хизматининг раҳбари Нажибулла эди. У Кармалдан фарқли ўлароқ, ўта мулоҳазали, соғлом фикрловчи, керак пайтда ён беришни ҳам биладиган, вазиятни тўғри баҳолайдиган киши эди. Дастлабки пайтда у ўзини доктор Нажиб, деб атаган бўлса, исмини ўзгартириш диндорлар билан орасига ишончсизлик солишини сезиб қолди-да, ўз оти — Нажибуллани қайтариб олди.

Викторас Афғонистонга саксон еттинчи йилнинг сентябрида катта лейтенант унвонида келди. У Акбар Асанов билан тил топишиб, дўстлашган ёш зобитлардан бири эди.

Ҳали ягона мамлакат таркибида бўлган Паневижесда туғилган бу йигит болалигидан ўз она шаҳридаги ўзининг юлдуздек чақнаган актёрлари билан оламга машҳур бўлган театрни яхши кўрарди. Аммо театр институтига кира олмади. Рус тилини ёмон билиши ва бесўнақай қад-қомати халақит берди. У чет тиллар институтига кирди. Битиргач, испан тилини ўргангани боис, аввалига Кубага тушди, кейинчалик Афғонистонга келиб қолди. Ҳарбий разведка бошлиқлари барча разведкачиларнинг уруш оловларида чиниқиб, бевосита жанговор ҳаракатда тажриба орттиришларини мақсадга мувофиқ, деб санарди. Бу СССР Мудофаа вазиригининг ҳам расмий фикри эди.

Лотин Америкаси бўйича мутахассис, испан тилини мукамал биладиган Викторас Моргунас Афғонистондаги ҳали подполковник унвонида бўлган Акбар Асановнинг гуруҳига тушди.

Улар беш ойлар бирга бўлишди. Ўша пайтда ёнларида мина ва снарядлар узлуксиз портлаб турган Жалолободда хизмат қилишарди. Кейин мужоҳидлар ракетадан ўққа тутаётган, ҳар бирининг портлаши аянчли излар қолдираётган Кобулда бўлишди. Бир сафар тинимсиз ёғилаётган ўқлар остидан зобитлар ўтирган БМПни олиб чиқиб, бутун гуруҳни қутқариб қолганди.

У Болтиқбўйининг кўпгина фуқаролари сингари босиқ, саришта, майда-чуйдаларгача эътиборли инсон эди. Бобоси инқилобни олқишлаган, унинг ғалабаси йўлида фуқаролар урушида қон тўккан литвалик кекса большевиклардан эди. Ўттиз еттинчи йилда Троцкий-Каменев-Зиновьев гуруҳининг аъзолари рўйхати-га тиркалиб, хизматларининг мукофотини энсасига теккан ўқ сифатида олди.

Отасини бувиси ўстирди. Бироқ, соғлом ақл ва мантиққа зид равишда, уни ҳам ашаддий коммунист қилиб, эрининг бошини еган тузумнинг қусурлари ҳақида заррача шубҳаланмайдиган шахс қилиб вояга етказди.

Бу — шўровий тарбиянинг гарб журналистларининг бошини қотирган зиддиятларидан бири эди. Ноқонуний қатағонга гирифтор этилиб, Ежовнинг қамоқ-хоналарида жон берган эрини йўқотиб, ўттизга етар-етмас икки боласи билан бева қолган бу аёл совет тузумига, унинг ғояларига сидқидилдан ишонар, эри билан боғлиқ фожеини эса янги жамият барпо этиш йўлида тўсатдан рўй берган қандайдир англашилмовчиликнинг оқибати, деб биларди.

Кўп йиллар ўтгандан сўнг неваралари ўз яқинларини дунё беҳабарлиги туфайли сиёсий тузумнинг асосий моҳиятини, ҳаёт ҳақиқатини англашга ожизлик қилган, деган баҳона билан назардан оқлагандек бўладилар, аини пайтда уларнинг қарашларини соғлом ақлдан йироқ ашаддий ақидапарастлик маҳсули, деб санайдилар. Аслида эса ундай эмасди. Ўн еттинчи йилнинг октябрида ўртага ташланган ғояларга ишонганлар орасида сиёсий жараёнлар хусусида тўлиқ ахборотга эга бўлган, билимдон кишилар кўп эди. Бироқ, улар ҳам кўнгилларида заррача иштибоҳга ўрин бермай, инқилоб ғояларига содиқ қолдилар. Айнан, мана шунда одамлар юпқа музларнинг устидан ўтиб Кронштадтдаги матрослар исёнини бостирдилар. Худди шулар паровозларнинг ўтхонасида ёндилар, аксилинқилобчиларнинг ўқиға учдилар. Айнан шулар қирқинчи йилларда тажовузкор ёвнинг мудҳиш ҳарбий машинасиға пешвоз чиқиб, зарбасиға кўкракларини тутдилар, мардонавор туриб бериб, уни янчиб ташладилар. Айнан шулар мамлакатнинг сиёсий раҳбариятиға ишониб, БАМда, КАМАЗдаги зарбдор қурилишларға, Афғонистонға бордилар. Одамзод учун доимо олға чорловчи ғоялар керак, акс ҳолда ҳаёт зерикарли ва тангу тор кўринади. Ўша, ўзлари ҳам унча тушунмайдиган ғоялар йўлида ҳаётлари ва тақдирларини ҳам қурбон этадилар. Виктораснинг отаси ҳам, ўзи ҳам ўша руҳда тарбия топғанди. Шунинг учун ҳам Викторас йигирма уч ёшида коммунистик партия сафиға кирғанди.

Саксон сакқизинчи йилда қисмларига келган генерални снайпер ўқидан тўсиб, ҳаётини сақлаб қолиб, қўлидан енгил жароҳат олғанди. Викторасни мукофотға тавсия қилишиб, ўша пайтда фронт орти ҳисобланган Душанбеға даволаниш учун жўнатишди.

Уни ёқтириб қолган Асанов яхшилаб тавсиянома ёзиб берди. Кейинроқ Викторас орденға тавсия этилган бўлса-да, юқоридаги аллақайси мансабдорлар катта лейтенантнинг хизматини орденға нолайиқ кўриб, медал билан тақдирлаганини билди. Сўнгра Болтиқ бўйи мамлакатларидаги воқеалар бошланди.

КГБнинг разведка тизимидагилар Болтиқбўйи фуқароларини ёқтиришмас ва уларға ишонишмасди. Латвиш ўқчилари инқилобни икки марта қутқарганиға қарамай КГБ таркибида ва унинг институтларида литваликлар деярли йўқ бўлиб, Мудофаа вазирлигининг ГРУсида битта-яримта учрарди. Капитан унвониға тавсия қилинган Моргунасға хизмат лавозимида кўтарилиш насиб қилмади. Кейинроқ унға ўша янги юлдузчани ҳам бермайдиган бўлишди. Бу пайтға келиб Литва ҳукуматининг айирмачилик сиёсати авжига чиққан, мустақиллик ҳаракатиға Литва коммунистлари етакчиси Бразаускас раҳнамолик қиларди.

Саксон тўққизинчи йилнинг апрелида Грузияда биринчи қон тўкилди. Навбат Литваға келгани аниқ бўлиб қолди. Байналмилалчилик ва коммунистик ғоялар руҳида тарбияланган катта лейтенант Викторас Моргунас Литванинг бир бутун мамлакатдан — ўзи ўсган яхлит ватандан нега ажраб чиқиши кераклигини тушунмас ва тушунгиси ҳам келмасди.

Шунда у ўзиникиларға — халқиға яқин бўлиш, оиласи, отаси, онаси, синглиси билан бирға яшаш ниятида ариза ёзди. Бошлиқлар худди унинг ариза бери-

шини кутиб тургандек, шубҳали даражадаги тезоблик билан илгимосини қондирди. Саксон тўққизинчи йилнинг охирида, ўзи хизмат сафарига жўнатилган Литва республикаси ҳарбий комиссарлигида унга капитан унвонини беришди. Ҳаёт маъносини буткул йўқота бошлаган эди.

Тўқсонинчи йилнинг январидаги навбатдаги хунрезлик Бокуда рўй берди, қон тўкилди. Юзлаб ўлдирилган ва танклар билан янчилган одамлар, халқ билан армия ўртасидаги қарама-қаршилик яна бир бор яхлит мамлакатдан ажраб чиқишнинг “литвача йўли” қанақа тугаши мумкинлигини кўрсатиб беради. Капитан Моргунасни бу пайтга келиб КГБнинг Литва бўлимига ишга олишди, ушбу маҳкамада ходимлар даҳшатли равишда етишмас, айримлар ўз ҳоҳиши билан ишдан кетаётган бўлса, баъзилар партия сафидан чиқа бошлаган эди. КГБ тизимида бунақа ҳолат сезилмаса-да, “Дзержинский ишининг шонли давомчилари” сафини тўлдириш тобора қийинлашиб борарди.

Икки ойдан сўнг ўтган сайловда миллатчилар ғолиб чиқишди. Уларнинг раҳнамоси — собиқ мусиқачи, литваликларнинг кибр-ҳавосидан усталик билан фойдаланган бир кимса, ҳаммани кўрқитиш пайида тамакидондан тўсатдан сапчиб чиққан шайтонваччани эслатиб, ошкоралик қутисининг қопқоғи очилиши билан пайдо бўлиб қолди. Бу пайтга келиб Горбачев обрўсини йўқотиб, улкан мамлакатни ҳали кўрилмаган фожиалар гирдобига тобора кучлироқ тортиб бораётганди.

Моргунас тамакидондан чиққан шайтонваччаларнинг фалсафасига қўшилмайди, Аксинка, Совет Иттифоқидан ажралиб чиқиш ўз халқи учун ҳалокат бўлади, деган фикрдаги кам сонли литваликлардан бири эди. Лекин, энди ҳеч нарсани тўхтатиб бўлмасди. Улар янгидан пайдо бўлган вайсақиларнинг қайси бири КГБ ёки ИИВнинг агенти эканлигини аъло даражада билган ҳолда, кечаю кундуз тиним билмай ишларди. Кейинчалик ўша махсус хизмат чақимчилари орасида Болтиқбўйи шайтонваччаларининг энг атоқли намоёндалари борлиги очилиб қолгач, ҳамма бирдан ҳушёр тортди. Тўсатдан аён бўлдики, халқ фронтларининг машҳур етакчилари — кейинчалик бош вазир ва ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаган шахслар, вақтида ўзлари қизгин ва аёвсиз қарши курашган маҳкама — КГБдан маош олиб турадиган хуфялар бўлган экан.

Бироқ, мамлакатда аҳвол назоратдан чиқиб борарди. Ниҳоят, тўқсон биринчи йилнинг январида Литвада ҳам қон тўкилди.

Тўкилган қонлардан ларзага тушган минглаб литваликлар коммунистик партиянинг аъзолик ҳужжатларини улоқтириб, совет паспортларини ёқдилар, бу билан улкан империянинг куни битаётганини намоён этдилар. Шу тарзда Литванинг қўлдан кетгани маълум бўлди. Уни энди ҳеч қанақа танклар ёрдамида қайтариб бўлмади. Моргунас ўша кунларда ҳам партия дафтарчасидан воз кечмади. Болалиқдан қонига сингдирилган тарбиянинг, эътиқод ва ғояларнинг таъсиридан чиқиб кета олмади. Кейин эса тўқсон биринчи йилнинг август воқеалари рўй берди.

Минглаб кишилар, шу жумладан Виктор Моргунас ҳам ўн тўққизинчи август куни эрталабки янгиликларни эшитиб, ниҳоят, қатағонлар, вақтинчалик чекинишлар ҳисобига бўлса-да, советлар мамлакатининг қайта тиклаш, салтанатни қутқариб қолиш мумкинлигига ишондилар. Ярузелскийнинг Польшани ҳалокатдан сақлаб қолгани ҳақида хотиралар ҳали унутилмаганди. Аммо, ғоялар ва мақсадлар ҳам эскирар экан. Шунча йиллар давомида эркин фикрни эзиб-янчиб, барча фуқаролардан ўзининг қонун-қоидаларига сўзсиз итоат этишни талаб қилиб келган, истеъдодли ва ақлли одамларни сиёсатдан четга суриб, амалшарастлар ва лўттибозларнинг амал поғоналаридан ўсишига имкон яратган тузумнинг даври ўтган экан. Ирсий жиҳатдан авлод-аждодининг кимлигини бил-

майдиган, ота-онаси нотайин кимсаларни ўзига раҳнамо қилиб танлаган жамият таназулга юз тутди. Чунки, бу лўттибозлар орасидан тузумнинг тақдири қил устида турган пайтда уни сақлаб қолишга қодир Ярузельский ҳам, Пиночет ҳам чиқмади. Кутилмаганда бошланган фожиа охирига келиб комедияга айланиб кетди. Ойинаижаҳонда намоиш этилаётган оққушлар рақсининг ораллиғида бутун дунё, бутун мамлакат вице-президентнинг қалтираётган қўлларини кўриб, қудратли салтанатнинг пойдевори бўлмиш тузумнинг ҳалоқат ёқасига келиб қолганини тушунди.

Горбачев Форосдан миллий қаҳрамон қиёфасида қайтди, аммо унинг ҳам куни саноқли қолганди. Ўзининг президентнинг ҳалоскори ва эришилган ғалабанинг раҳнамоси санаган Ельцин унинг бурнини қоғозга ишқади. Доимий рақибининг зуғуми остида Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг фаолияти СССР ҳудудида тақиқланганини эълон қилди. Бир неча кундан сўнг Литва, Латвия, Эстониянинг мустақиллиги тан олинди.

Моргунас масхарабозлар базмида раҳнамолик қиладиган айём етиб келганидан қувонган тамакидондан чиққан шайтонваччалар бостириб кирганида ҳали КГБ тизимида ишлаётган эди. У етакчи партия атоқли намоёндаларининг шахсий жилдлари қандай йўқ қилинганини, янги раҳнамоларнинг гуноҳу савоблари битилган ҳужжатларнинг қай тарзда ёқилгани, бор-йўқ гуноҳи Болтиқ денгизидан Тинч океанга қадар чўзилган мамлакатга ҳалоллик ва садоқат билан хизмат қилишдан иборат бўлган зобитларнинг қай тарзда қувғин қилинганини ўз кўзи билан кўрди.

Унинг қалби бу эврилишларни қабул қила олмади. Дастлабки икки ойда рўй бераётган воқеаларни ақлига сиғдирилмасдан, гарангсиб юрди. Алағ-чалағ тушга ўхшаган вазият эзар, шайтонваччаларнинг оммавий васвасаси асабига тегар, бутун халқни ўз ноғорасига ўйна-таётган мусиқачининг ғалабаси кўнглига кўркүв солар, ҳафсаласини пир қиларди.

Тез орада Моргунасни ҳеч ерга ишга олмасликлари аён бўлиб қолди. Унинг қатағон ва таъқиблар билан шуҳрат қозонган машғум маҳқамага мансублиги уни ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Ўттиз ёшида ўз Литвасида – ўз юртида ҳеч кимга кераксиз кимсага айланди.

Бу пайтга келиб дунё бўйича донг таратган Паневежисдаги театр ўзининг илгариги нуфузидан айрилди, режиссёр вафот этгандан сўнг кўшлаб актёрлар сахнани тарк этди, шу тарзда бу Моргунас учун азиз бўлган маскан анча замонлар олдинги Литва Республикасидаги мавқеига тушиб, оддий томошхонага айланти-қолди.

Яна икки ойдан сўнг Моргунасни босқинчи, русларнинг малайи, қўли афғон халқининг қонига ботган жаллод, деб атай бошлашди. Ўз мамлакатига ҳалоллик ва садоқат билан хизмат қилган, унинг равнақиға хизмат қиладиган гоғлар ғалабаси йўлида жонини аямаган йигит, ўша улкан мамлакатнинг юздан бир қисмини эгаллаган, ўзининг жонажон халқи яшаётган ҳудудида бирданига сотқинга, ёлланма жангчиға айланди қолди.

Бундан унинг қалби эзилар, аччиқ аламлардан ўртанарди. Ҳеч ким унинг гапини эшитишни ва ҳолиға тушишини ҳам истмасди. Ота-онаси унинг аҳволини кўриб, кўшни мамлакатга чиқиб кетишни маслаҳат беришди. Бироқ, у ўз ҳаётини гўзал Вильнюссиз, қадимий Каунассиз, қадрдон Паневежиссиз тасаввур ҳам қила олмасди. Бу унинг Ватани эди, уни ташлаб қайларгадир кетишни хаёлиға ҳам келтирмасди.

Орадан бироз фурсат ўтгач, унинг жасадини ўзи учун азиз бўлган Паневежис тупроғиға дафн этдилар. У улкан мамлакатнинг вайрон бўлганини қабул қила олмасдан, тамакидондан чиққан шайтончалар билан келиша олмасдан,

довдираган ва алданган кўйи ҳаётдан кўз юмди.

Сўнги кунларида у дўстларини эслади, уларга Литвадан кўнгироқ қилди. Сўнги суҳбати генерал Акбар Асанов билан бўлганди. У собиқ командирга дардини дастурхон қилмади, аксинча, ҳаёти аста-секин изга тушаётганини билдирганди. Эрталаб эса Вильнюсдаги якка ўзи яшаётган хонадонда ўзини отди ҳатто, уйланишга ҳам улгурмади. Бир ҳисобдан, бу ҳам яхшиликкадир. Ажабки, ҳатто, севган қизи ҳам йўқ эди. Афғонистонда бутун ҳаёти ҳали олдинда турган каби туюлганди. У охири дақиқада ўз БМПсини мужоҳидларнинг ўқ ёмғири остидан қандай қутқарганини эслади. Стол устида унинг “Мени кечир, онажон, ортиқ чидай олмайман. Паневежисга бувимнинг ёнига кўминглар”, деган бир неча сўздан иборат хатини топишди

## VII

Машковнинг фожиали ва бемаъни ўлими тўртгаласининг ҳам юрагини эзиб юборди. Тоғдан бир оғиз ҳам гаплашмасдан тушиб келиб, ярим тунда кичикроқ дарё бўйига етишгач, Асанов ҳордиқ чиқаришга ижозат берди. Бу оқшом уч офицерга дам бериб, ўзи навбатчилик қилишга жазм этди. Падерина билан Чон Дин эртага Зебакка қилинадиган сафар олдидан куч тўплашлари лозим бўлса, бутун гуруҳни чўққига тортиб чиқарган Семенов оёғида аранг турарди. Бундан ташқари, ҳали қўналгани тиклаш, нарёқда қолган юк ва зобитларни олиб келгани боришлари керак.

У тун бўйи оғир хотираларнинг юки остида эзилганича юриб чиқди. Генерал бу операциянинг зарур эканини тушунарди. Ташқи разведка қўмондонлиги ва унинг бевосита раҳбарлари бу операцияни режалаштирар экан, Кречетовга берилган топшириқ, унинг Афғонистонда муқим қолишига эришиш билан боғлиқ эканлигидан келиб чиққанди. Буни исботлаш учун Асановнинг гуруҳи танланган бўлиб, қўлга тушган офицернинг ғоят муҳим шахслигини тасдиқлаш учун, улар ҳалок бўлишлари шарт эди. Ҳали мақсадга эришмасдан туриб, икки зобитдан айрилган Асанов бу “саёҳат” пайтидаги сўнги қурбонлар бўлиб чиқмаслигидан кўрқарди.

Унинг бошлиқ ва унвони баланд офицер сифатидаги вазифаси аниқ, аввал Кречетовнинг маҳкам ўрнашиб олишига замин яратиш, кейин гуруҳнинг барча аъзоларини соғ-саломат олиб қайтишдан иборат. Аммо, иккинчи вазифани, фақат, биринчи вазифа тўлиқ адо этилгандан кейингина бажариш мумкин.

Кречетовни асирга олган Нурулланнинг тўдаси унинг муҳим шахс эканига ишонч ҳосил қилиши ва бу гап қулоқма-қулоқ тарқалиб кетиши лозим. Шундагина у билан Америка ва Покистон разведкаси қизиқади. Кречетовни озод қилиш учун қилинган шиддатли ҳаракатгина, унинг унча-мунча одам эмаслигига далил бўла олади ва Ғарбдаги махсус хизмат идораларининг эътиборини тортади.

Генерал бу мураккаб ўйиндан кўзланган мақсадни очиқ-ойдин биларди. Кречетовни шундайлигича америкаликларга топширишдан бир натижа чиқмасди. Уни бекордан-бекорга уларнинг қўлига ташлаб кетиш ҳам мумкин эмас. Аксинча, уларнинг ўзи Кречетовга қизиқиш билдириши, яъни Нурулланнинг тўдаси қўлига тушган зобитни қутқариш учун уриниш бўлгани ҳақида эшитишлари ва, ниҳоят, Кречетовнинг разведка идорасига мансуб эканлигини айнан ўзлари аниқлаганликларига ишонишлари керак. Асановнинг гуруҳи айнан мана шу нарсани исботлаш учун борарди. Ушбу мақсад йўлида икки киши қурбон берилди. Операциянинг муваффақияти учун эса бутун гуруҳнинг жони гаровга қўйилган.

Ҳозир қуруқ ерга чўзилиб ухлаётган кишилар ҳам, тоғда қолиб кетган зобитлар ҳам ўз олдиларида нечоғлик оғир ва охири нима билан тугаши номаъ-

лум бўлган тақдир кутаётганини билмасди. Кречетовни озод қилишга уриниш ва айна пайтда озод қила олмаслик олий даражадаги мураккаб математик тенглама бўлиб, у, фақатгина, Кречетовнинг тасодифан асир тушиб қолганини исботлаш орқали ечиларди.

Бунинг учун эса гуруҳи ёппасига ҳалок бўлиши дозим. Генерал ўзларининг нари-бери тикланган лагерини айланиб, бу теореманинг ечими шунча қурбон беришга арзийдими, йўқми, шу ҳақда ўйларди. Ташқи разведка агентини хорижий разведка тизимига жойлаштириш ниҳоятда қимматга тушмаяптими?

Тонг отарда у учала ҳамроҳини ҳам уйғотди. Падерина билан Чон Дин юк халталарини очиб, шаҳар “сайр”ига бориш учун қайта кийинишди. Илгари паранжига ўралган Падеринанинг турмуш ўртоғи ролига Тошмуҳамедов мўлжалланганди. У баланд бўйли, маҳаллий шароитни, тил ва урф-одатларни яхши билгани боис, гуруҳчага бемалол бошчилик қила оларди. Аммо, қўниш пайтида рўй берган аянчли ҳодиса туфайли режани буткул ўзгартиришга тўғри келди.

Падерина билан паст бўйли Чон Дин қишлоққа жўнади. Бунинг устига Чон Дин маҳаллий шароитни ҳам унча яхши билмасди. Бироқ, унинг корейс ва хитойликка ўхшаган ташқи қиёфаси, мушуксимон оҳиста қадам босишининг айрим афзал томонлари бор эдики, ҳеч ким уни асло рус жосуси, деб ўйламасди. Падерина паранжиси остига махсус тасмага осилган иккита тўшпончани яширганди. Чон Дин бирорта қурол олмади, дала шароитида унинг қўллари ҳар қандай жанговор қуролнинг ўрнини босарди.

Улар шай бўлишгач, Асанов оқ йўл тилаб, алоқачи хусусида эслатди ва ортларидан узоқ қараб қолди. Гарчи, Чон Дин орқасидан келаётган аёлга нисбатан анча пачоқроқ кўринса-да, Шарқда аёл билан эркакнинг бўйи унча аҳамиятга эга эмасди.

Тўқсонинчи йилларнинг бошида олти минг киши яшайдиган Зебакка тожик қочқинлари, мурасасиз муҳолифат вакиллари оқиб кела бошлагач, ҳикоя қилинаётган воқеа юз берган пайтга келиб, саккиз минг кишилик шаҳарга айланганди. Бу ерда хитойликлар, корейслар, қирғизлар, пуштунлар кам эмас, аммо, шаҳар аҳолисининг етмиш фоиздан кўпроғи тожиклардан иборат бўлиб, улар орасида Совет Иттифоқининг собиқ фуқаролари кўплаб учрарди. Руҳий жиҳатдан ҳаммасини ҳам рисоладагидек инсон, деб аташ қийин, ораларида лўттибозлар ва шунчаки босқинчилар топиларди. Ҳар қандай ҳаракат қарши ҳаракатни туғдиргани каби, Раҳмонов тарафдорларининг фуқаролар уруши пайтидаги ғалабасидан кейин Тожикистондан СССР чегарасининг нариги тарафига муҳожирларнинг катта тўдаси ўтиб кетганди.

Ҳатто, уруш пайтида ҳам Зебак шимолдаги қудратли қўшнига яқинлиги, тоғ доvonларидан ошиб ўтишнинг оғирлиги ва марказдан узоқлиги туфайли жанговор ҳаракатлардан четда қолганди. Совет Иттифоқи қулагандан сўнг Зебак тожик муҳолифатига мансуб исломий кучларнинг марказига, бир-бири билан рақобатлашган контрабандачи тўдаларнинг юкларини ўтказадиган, яъни нашафурушларнинг ўзаро учрашадиган масканига айланди. Шаҳарда улар сўнгги ахборотлардан хабардор бўлишар, кўтарасига савдо қиладиганларга қурол ва гиёҳванд моддаларни сотишарди.

Бир пайтлар осойишта ҳаёт кечирган шаҳар аҳлига босқинчилар ва муҳолифат гуруҳлари билан қўшничилик малол келса—да, норозилик билдиришнинг маъноси йўқ, ҳатто хавфли эди. Шунинг учун Зебакда шаҳар ҳокимияти номигагина бор бўлиб, аслида шаҳарга ўз назоратларини ўрнатган Нурулла, Абуқодир ва Алимурот тўдалари эгалик қиларди. Алимурот бир пайт афғон халқ армиясининг батальон командири бўлиб хизмат қилган, саксон олтинчи йилда муҳолифат тарафига ўтган бўлиб, генерал Дўстимнинг ҳарбий тузилмаларини



қўллаб-қувватларди.

Зебак Бадахшон вилоятининг энг шимолида жойлашганди. Вилоятнинг пойтахти, маъмурий ва сиёсий маркази Файзобод юз километр нарида эди. Доимий урушлар, бир-бирига ганим бўлган турли тўдалар ўртасидаги муҳорабалар, ҳар хил босқинчи гуруҳлар орасида бўлиб турадиган тўқнашувлар туфайли Файзободга умуман бориб бўлмасди. Тошлар ва қорлар тўсиб қоладиган машаққатли тоғ йўллари бу ҳисобга кирмасди. Зебакнинг ўзи ҳар тарафдан пурвиқор ва қорли чўққилар билан ўралган ва денгиз сатҳидан беш минг метрдан ҳам баландроқда жойлашганди. Файзобод билан орасидаги юз чақирим, Кобулгача бўлган тўрт юз чақирим йўл Зебакни ўзининг алоҳида қонун-қоидалари билан яшайдиган, ҳеч ким билан алоқа қилмайдиган, гўёки бошқа бир сайёрада жойлашган фалати шаҳарга айлантирганди.

Айни пайтда Зебак Покистон чегарасидан қирқ чақирим, ЦРУ резиденти ва Покистон ҳарбий разведкаси вакили жойлашган Покистоннинг кичикроқ Читрал шаҳридан шунча узоқликда жойлашгани учун ҳам, Асановнинг гуруҳи тайёрлаган ўзига хос “спектакл”ни шу ерда намоиш этиш мўлжалланганди.

Бир неча минг киши яшайдиган шаҳарга сездирмасдан кириш осон эмасди. Шунинг учун Падерина билан Чон Дин Зебакка бомдод номозидан кейин, аҳоли эчкиларини тоққа ҳайдаётган пайтда киришга жазм этишди. Шаҳар секин жонлана бошлади — одамлар савдо-сотикқа, қурилишга, устачилик қилишга ошиқарди. Ҳовлилардаги тандирлардан тутун кўтарилар, айрим эркаклар эса тоғ этагидаги кичик даласи томон шошарди.

Зебакда барча шарқ шаҳарларига хос катта бозор йўқ эди. Унинг ўрнига унча катта бўлмаган кўчада маҳаллий савдогарларнинг ва бошқа вилоятлардан келган тужжорларнинг бир неча дўкончалари ўрнашганди.

Агар вақти-вақти билан қонли тўқнашувлар чиқарадиган Нурулла ва Алимуротнинг тўдалари, Абуқодирнинг жангарилари бўлмаганда, Зебак аҳли биз ҳикоя қилаётган воқеа содир бўлишидан олдин қандай осойишта яшаган, яъни минг йиллардан бери боболари қандай умргузаронлик қилган бўлса, ўшандай ҳаёт кечирган бўларди. Аммо уруш Зебакнинг сокин ҳаётига ҳам ўз ҳукмини ўтказганди. Кўчаларда аҳён-аҳёнда маст-аласт кишилар кўришиб қолар, илгари бунақа гуноҳнинг кўчасидан ўтмаган тоғлик учун бу ҳолат ғайритабиий туюларди. Гоҳо, у ер-бу ерда ўқ овозлари, кутурган жангариларнинг мастона қийқириқлари эшитилиб қоларди. Уруш шаҳарнинг анъанавий ҳаётини издан чиқариб қолмасдан, шаҳарликларни довдиратиб, илгари кўрилмаган бахтсизлик ва гуноҳларга гирифтор этганди.

Шаҳарга кирган икки киши дарҳол одамларнинг диққатини тортди. Улар уйлардан бирининг ёнида ёлғиз ўтирган қариянинг яқинида тўхташди. Оғир тоғ шароитида кун кечириш учун бутун оила барабар меҳнат қилишга мажбурлиги боис, бекорчиликдан кўчани кузатиб ўтирадиган киши куч-қувватдан қолган, бедармон қариягина бўлиши мумкин эди. Уларнинг қаршисида ўшалардан бири ўтирарди.

— Ассалому алайкум, — форс тилида саломлашди Чон Дин, — Оллоҳ хонадонингизга бахт-саодат ато этсин.

— Ваалайкум ассалом, — деди қария, — кимни излаяпсан, нотаниш киши, сенга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Биз олисдан келаямиз, — сўз бошлади Чон Дин, — жуда оғир ва узоқ йўлни босиб келдик. Илоҳо, оллоҳ ўзининг ва отасининг раҳмини есин, Али Раҳмоннинг дўконини излаяпмиз.

— Бу унча узоқмас, — кўрсатди чол, — ёнимизда, деса ҳам бўлади. Учта уйдан ўтиб, ўнгга бурилишлар-да, тўғрига юринлар. Ҳамма дўконлар ўша ерда

жойлашган.

– Раҳмат сенга, мурувватли зот.

– Аммо, Али Раҳмон йўқ бўлса керак, – қўшимча қилди тўсатдан чол, – икки кундан бери кўринмаяпти.

– Бориб кўрайлик-чи, – кулди Чон Дин ва Падеринага қараб қўйди. У маъқуллаб, бош силкиди.

Улар чол кўрсатган йўлдан бориб, қудуқ ёнида сув ичишди ва яна нари кетишди. Айрим уйларнинг олдида уловсиз аравалар турар, афтидан, ҳамма отларни тоғ сўқмоқларидан ўтиш учун босқинчилар ёки ҳукумат қўшинлари олиб қўйганга ўхшарди. Гарчи, шаҳар аҳли Кобулдаги расмий ҳукуматнинг ғаламисона сиёсатини муҳокама қилишга уринмаса-да, кимнинг кимлигига ҳам қизиқмаса-да, барибир жабр чекарди.

Али Раҳмоннинг уйига томонда аравалар камроқ учрар, афтидан ишнинг кўзини биладиган аҳли савдо от ва араваларини чақирилмаган меҳмонлар, сурбет талончилар кўзидан узоқроққа яширишни афзал кўришганди. Зебакнинг савдо растасида йигирма-ўттиз дўкон ва новвойхона жойлашган бўлиб, илгарилари бу ерда бақир-чақирлар, баланд овоздаги баҳслар эшитилиб турган бўлса, бир неча йиллардан бери сукунат ҳукмрон бўлиб, уни аҳён-аҳёнда тасодифий харидорлар-гина бузарди.

Али Раҳмоннинг уйи кўчанинг охирига жойлашган бўлиб, сал наридан жарлик бошланар ва пастда кичик дарё жўшиб оқарди. Дўкон очиқ бўлса-да, хонадондаги шубҳали жимжитлик Чон Динга дарҳол ёқмади. У Падеринани ишора билан тўхтатди ва аста илтимос қилди:

– Биринчи бўлиб мен бораман. Керак бўлса, кейин кирарсиз. Урушда ҳамма нарсани сониялар ҳал қилади. Тўғри йўл тутиш – муваффақият гарови.

Падерина маъқуллаб, бош ирғади. У биринчи бўлиб, мулоқотга киришиш эркакнинг бурчи эканини биларди. Бу маҳаллий удумга ҳам тўғри келар, қолаверса, дўконда учраб қолиши эҳтимол бўлган мужоҳидларда ҳам шубҳа уйғотмасди.

Чон Дин бошини сал эгиб, дўкон ичкарасига кирди. Пенхтахта ортида шу ерликларнинг анъанавий эгни-бошда кенг-мўл чолвор устидан туширилган қўйлак, қўй терисидан тикилган оғир нимча кийган йигирма ёшлардаги йигит турарди.

– Хайрли кун, – саломлашди Чон Дин, – Менга Али Раҳмон керак эди.

– Хайрли кун, – жавоб берди йигит, – аммо, уни топа олмайсиз, Кобулга кетган.

– Менинг хиралик қилаётганим учун кечирасан, – деди Чон Дин Шарқнинг узундан-узоқ ва тагдор ибораларни ишлатиш таомилига риюя қилиб, – мабодо, айтиб бера олмайсанми, бу қачон рўй берди?

– Икки ой бурун, – тушунтирди йигит, – бир ойдан сўнг қайтади.

“Нега алдаяпти? – ўйлади Чон Дин, – бу манзилни ўзларига айтишганига атиги бир неча кун бўлди. Наҳотки, бу алоқачи билан сира боғланишмаган бўлса? Тушунарсиз. Текшириб кўришга тўғри келади,” – сўнг сўради:

– Мени кечирасан-у, аммо айт-чи, шарафли шаҳар Деҳлидан бирор хабар кутмаясанми?

Йигит донг қотди, сўнг қизарди ва атрофига қараб олди.

– Кир, – у бошқа эшикни кўрсатди ва қўшни хонага меҳмонни биринчи бўлиб ўтказди.

– Нима дединг? – сўради йигит тутилиб.

– Деҳли шаҳридан бирор хабар кутаётганинг йўқми? – қайтарди Чон Дин ва тўсатдан ортида кимдир турганини сездди. Кескин қайрилиб, ўзига йўналтирилган милтиқ милини кўрди.

## VIII

**Хотира. Катта лейтенант Вячеслав Черкасов**

У Акбар Асанов билан уруш оловларини бирга кечган офицерлар орасидаги энг чапдасти, энг қайтмаси, энг жасури бўлиб, агар ҳарбий разведка зобитига нисбатан шу атамани қўллаш жоиз бўлса, ғирт тентаги эди. Худди, сеҳрлаб қўйилгандек ҳаракат қиларди. Унинг жон аямас шиддатидан, беадад руҳий қудратидан ажал ҳам чўчиб турарди. Ўқлар икки марта кийимини тешиб ўтган, бироқ танасига заррача ҳам дахл қилмаганди. Десантчилар билан энг оғир жойларга борган, тоғларга чиққан, якка-ёлғиз ҳолда қишлоқларни оралаган. Худди мужоҳидларнинг раҳнаمولари билан суҳбат қилиб, маълумотларни улардан олгандек, келтирган хабарлари ҳамини аниқ ва тезкор бўларди.

У Афғонистонга саксон олтинчи йилнинг ёзида келди. Бу пайтда урушнинг чўзилажаги маълум бўлиб қолганди. Барча чоралар кўрилганига қарамасдан, олдинги йилларда туб ўзгаришга эришишнинг иложи бўлмади. Жанубда – афғон-покистон чегарасида яшайдиган кўчманчи қабилалар, ўзларнинг азалий кўчиб юришларига монъелик қиладиган даҳрий ҳокимиятни тан олишдан бош тортарди. Қўшни Эрондан қурол ва пул билан таъминланиб, Ғарбдан келаётган ашаддий мутаассиблар тўдалари тоғда ўз қонун-қоидаларини жорий эта бошлади. Шу тарзда Афғонистоннинг деярли барча қўшнилари урушга қўшилиб кетди. Ислому Эрони урушнинг дастлабки кунлариданоқ ислом инқилоби байроғи остида жангга кирган диний гуруҳларга ҳар томонлама амалий ёрдам бера бошлади. Ироқ билан давом этаётган тинка қуритар урушга қарамай, Эрон ҳукумати қўшни мамлакатдаги диндош биродарларига мадад беришга имкон топганди. Аммо, шимолдаги қудратли қўшнинг раҳнамолиги тегмаслик учун, анча эҳтиёткорлик билан иш тутишга тўғри келарди.

Америкапарастлик кайфиятида бўлган Покистон эса, ўзининг муносабатини ҳеч қачон яширмасди. Ғарб мамлакатларидан минглаб йўриқчиларнинг, катта миқдордаги қурол-яроғ, Дори-дармонлар, озиқ-овқат, техника воситаларининг узлуксиз қарвони мужоҳидларни қўллаб-қувватлаш учун жўнатилаётгани сир тутилмасди. Бу ёрдам Америкадан, Исроилдан, Франция ва Англиядан, Хитой ва Германиядан оқиб келарди. Покистон мансабдорларининг пўлат сандиқлари Ғарбнинг инсонпарварлик ёрдами сифатида келган маҳсулотларни сотишдан тушган пулларга тўлди. Аямасдан берилаётган янги қуроллар ва шохона садақалар ҳисобига афғон мужоҳидлари раҳнамолирининг ҳисоб-рақамларида ўн миллионлаб долларлар қолаётганди. Совет Иттифоқининг бу ҳудудда фаоллашуви ўзларининг узоққа мўлжалланган манфаатларига халал беришини билган Хитой разведкаси шимол томонда ўз ҳаракати кучайтирди. Ва ниҳоят, совет раҳбариятининг қутқуси билан Покистон-Ҳиндистон чегарасида узоқ йиллардан бери вазиятни таранглаштириб, Покистон ҳукуматида кучли босим ўтказиб турган Ҳиндистон ҳам можарога тортилди. Шу тариқа сиртдан кичик бир ҳудудда юз бераётгандек кўринган жанжалга Ироқдан тортиб, Хитойгача аралашиб кетди, саксонинчи йилларда рўй берадиган воқеаларни олдиндан башорат қилган Президент Картернинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Збигнев Бжежинский таъбири билан айтганда, нотинчлик ёйи барпо этилди.

Совет Иттифоқининг ўзида ҳам янги давр бошланди. Мамлакатнинг сиёсий лафзига “ошкоралик”, “демократия”, “плюрализм” деган атамалар кириб келди. Афғонистонда эса ҳамон уруш давом этарди. Саксон бешинчи-олтинчи йилларга келиб, бу уруш совет қўшинлари гарнизонларга, хорижликларга сотилган ўз даҳрийларига қарши партизанлар ҳаракати тусини олди. Айрим вилоят-

ларда ҳудудлар норасмий тарзда бўлиб олина бошланди, йирик шаҳар ва шаҳарчаларни расмий ҳукумат вакилари ва совет кўшинларининг ҳарбий қисмлари назорат қилса, қишлоқ ва овуллар афғон муҳолифатининг тасарруфида қолиб кетганди.

Бу пайтга келиб муҳолифат орасида мамлакатни инқироздан чиқариш юзасидан ўз дастурига эга бўлган кўшлаб кишиларни атрофига уюштиришга қодир бўлган ҳақиқий раҳнаомлар пайдо бўлди. Асанов, гоҳида, уларнинг айримлари билан учрашар экан, мужоҳидлар орасидан савияси юксак, қалбида қудратли маданий ва маънавий салоҳият жўш урган шахслар етишиб чиққанини пайқади. Кейинчалик у фильмлар ва китобларда совет аскарлари қарши кураш олиб борган ашаддий мутаассиблар, деярли одамхўрлар тимсолини кўриб ажабланди. Бунинг ҳаммаси аслида ҳақиқатдан йироқ эди. Мужоҳидлар орасида тузалмас ақидапарастлар ҳам, шунчаки тентаклар ҳам бўлганлиги рост, улар билан бир қаторда яна бир тоифа – Шарқнинг энг мўътабар мадрасаи олияларида таҳсил кўрганлар ҳам, Франция, Англия, АҚШдаги дунёнинг нуфузли илм даргоҳларида таълим олган афғон аслзода оилаларининг фарзандлари ҳам, йирик муҳандислар ва ишбилармонлар ҳам бор эди. Бироқ, бундай кишилар афғон муҳолифатининг ниҳоятда оз қисмини ташкил этарди. Муҳолифатнинг тўқсон фоизи ноиложликдан қурол тутган аламзада қабилалар вакиллари ва деҳқонлардан иборат эди. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги ўз уйларига, ўз дала-ларига, ўз қишлоқларига ҳеч қачон қайта олмайдилар. Жанг қилиш ва одам ўлдириш уларнинг асосий касбига айланади. Афғонистонлик ёлланма жангчилар кейинчалик Совет Иттифоқининг собиқ республикаларига ўтиб, уруш ва хунрезликларда қатнашадилар, гўёки шу тарзда ўзлари ўн йиллар давомида чеккан алам, изтироб ва нафрат учун қасос оладилар. Бўронни кўзгатган киши, тўфондан ҳалок бўлади..

Ўн йиллик курашнинг меваси шу бўлдики, тинч афғон деҳқонлари устамон ёлланма жангариларга, шартнома асосида одам ўлдирадиган қотилларга айландилар. Аммо, уруш, фақатгина, афғон деҳқонларининг турмуш тарзини алғов-далғов қилиб ташламади, балки бир умрга мажруҳ бўлиб қолдилар, урушни бошидан кечирганлар, гарчи, жисмоний жиҳатдан соғлом бўлса-да, маънавий жиҳатдан бутунлай бошқа одамларга айландилар. Зеро, бировни ўлдирган инсон, ўзининг ҳам қалб бутунлигидан айрилади, кўнгли дарз кетади. Аслида қонни кўриб титроққа тушмаган кимса бўлмайди. Аслида тирик нишонга ўқ уза туриб, роҳатланиш мумкин эмас. Агар шундай ўзгариш рўй берган бўлса, шахснинг маънавий-руҳий олами ҳалокатга учрайди – у энди совуққон ва худбин махлуққа, ўзгалар дардига лоқайдлик билан қарайдиган ёвуз ҳайвонга айланади.

Урушнинг барча даҳшатларига, унинг инсонийликни поймол қилувчи таъсирига қарши туриш, маънавий соғломликни сақлаб қолиш учун жуда катта руҳий қудрат қувватига эга бўлмоқ даркор.

Асанов Черкасовнинг жасурлиги таваккалчиликка, совуққонлиги шафқатсизликка, бошқаларнинг ғам-қайғусига бепарволик эса одатига айланиб бораётганини ажабланиб кузатарди. Афғон халқ армиясининг икки батальони мужоҳидлар томонига ўтмоқчи эканини эшитган заҳоти, Черкасов иккиланиб ўтирмасдан, бўлажак қочқинларни буткул қириб ташлаш учун қирувчи самолёт ва вертолётларни чақирди.

Полкнинг одамлари билан тўла машина ва техникалар аниқ нишонга олинган бомбардимонга гирифторман этилди. Самолётларининг тўсатдан пайдо бўлиб қолганидан эсанкираб ва қўрқиб қолган жангчилар қаршилик кўрсатиш, диққатини жамлаб, пана жойга яшириниш ҳақида ўйлашга ҳам улгурмади. Яқин масофа-

дан узилган ўқларга учиб, бомбалар зарбидан янчилиб кетди. Бу полкни яксон қилганлар орасида бўлажак Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва қудратли мамлакатнинг бўлажак вице-президенти полковник Руцкой ҳам бор эди. Айни пайтда у ҳам, унинг сафдошлари ҳам бу топпириқнинг замирида ғайритабiiйлик кўрмади, зеро, уруш қон ва шафқатсизликка ўргатганди. Ўша пайтда йўлга чиққан бир ярим минг кишидан атиги ўттиз киши омон чиқди, уларни ҳам кейинчалик афғон хавфсизлик хизмати ходимлари бирма-бир тутиб олди.

Асанов, нафақат норози бўлган, балки, жазавага минганди. Расмий афғон ҳукуматининг мафқуравий йўлини қабул қилмаган одамларнинг устига қирувчи самолётларни йўллаш, унинг назарида ҳаддан ташқари шафқатсизлик эди. У ўша батальонлар сафида бўлганларнинг кўпчилиги келгусида ўзларига қарши мужоҳидлар тарафидан жанг қилишини ҳам тушунарди. Лекин, унинг фикрича, ушбу сабаб ҳам полкни бомбардимон қилишни оқлай олмасди. Ҳалок бўлганлар орасида аросатда қолганлар, йўлини йўқотганлар, ўзгаларнинг йўриғига тушиб қолганлар бўлиши мумкин эди. Унинг фикрича, полкни қуршаб олиб, уларнинг норасмий етакчилари билан гаплашиб кўриш керак эди. Кучли қуролли ҳимояга ва оғир техникага эга бўлмаган полкни янчиб ташлаш ҳеч нарса эмасди. Бироқ, Черкасов унинг фикрига қўшилмади. Бу улар ўртасида кечган биринчи йирик тўқнашув эди. Черкасов қочқинлар билан нега музокара олиб бориш зарурлигини тушунмасди. Улар аксилинқилобий муҳолифат билан қўшилиш учун чегара сари бориш билан ўзларини ихтиёри тарзда қонундан ташқари вазиятга қўйган, деб ҳисобларди Черкасов. Асанов эса бу одамлар тимсолида воқеликни ҳамма вақт ҳам тўғри баҳолашга, ўз аъмолининг ғоявий моҳиятини англашга қурби етмайдиган оми, кўпчилиги чаласавод собиқ деҳқон йигитларни кўрарди.

Лекин, ўша кезде Черкасов унинг нуқтаи назарини қабул қилмади. Асанов, гарчи, итоатидагилардан мустақил фикрга эга бўлишни талаб қилса-да, Черкасовнинг қайсарлиги иззат-нафсига қаттиқ текканди. Бу унинг ҳаётидаги биринчи тасодиф эди. ГРУ разведкачилари орасида, шахсий иқтидори ва ижодий салоҳияти билан ўзини кўрсатганлари кўп бўлиб, ақлсиз ижрочилар ва қаҳри қаттиқ ёлланма қотиллар деярли учрамасди.

Катта лейтенант кейин ҳам ўзининг дадиллиги, жасурлиги, топқирлиги, фидойилиги билан унинг энг яхши зобитларидан бири бўлиб қолаверди. Аммо, унинг сийратида суратига ёт бўлган нималарнидир илғаган Асановнинг Черкасовга нисбатан илгариги меҳри сўнганди.

Саксон сакқизинчи йилнинг қишида Асановни Москвага чақириб олишди. Ўн ойдан сўнг қайтиб келганида, Черкасовни ГРУ зобитлари сафида кўрмади. Уни қайта тайёргарликдан ўтиш учун Киевга жўнатишган экан.

Кейинчалик Асанов ресторанда рўй берган жанжал туфайли Черкасовнинг ГРУ зобитлари таркибидан чиқарилганини ва ҳарбий хизматни умуман тарк этганини билди. Ордан анча йиллар ўтгач, тасодифан ўша можаронинг тафсилотини ҳам эшитди.

Саксон тўққизинчи йилининг май ойида бутун мамлакат аҳли Москвада ўтаётган СССР халқ депутатлари съезди мажлисларини кузатиб, нотикларнинг чиқишларини ҳаяжон билан муҳокама қиларди. Бу чинакам ошкораликка эришиш йўлидаги биринчи тажриба бўлгани боис, кўплар бу ғайриодатий томошанинг бирор тафсилотини кўздан қочирмаслик учун, мовий экран қошидан кун бўйи жилмасди. Мажлислардан бирида академик Сахаров Афғонистонга қўшин киритилиши фожиали хато бўлганини айтиб қолди. Бу фикрни қабул қилса бўларди, аммо, довдираб, фикрини тўғри ифодалай олмаган академик Афғонистонда мамлакат сиёсий раҳбариятининг азму қарорини бажарган Совет Армияси шаънига ҳақоратомуз ибораларни кўллаганда, залда шовқин кўпди. Жанжал бошланди.

Сахаровнинг сўзидан қаттиқ ҳақоратланган бир неча нотиклар унинг фикрини рад этиб, Совет Армиясининг аскар ва зобитлари қаҳрамонона жанг қилганини исботлашга тушдилар. Сахаров яна сўз сўраб, ҳеч қачон армия вакиллари ва жангчиларини ҳақорат қилишни ўйламаганини айтмоқчи бўлганди, оғиз очишга ҳам қўймадилар. Залдагилар унинг бирор гапини эшитишни ҳам ҳоҳламади.

Шу куни кечкурун Черкасов ўртоқлари билан ресторанда овқатланиб ўтиришарди. Хусусий капитализмнинг илк кўриниши бўлган кооперативларнинг илк мевалари ўлароқ, мамлакатда бой ва ўта бой кишилар пайдо бўла бошлаганди. Қўшни столга ўтирган, ўзларини ҳаётнинг хўжайинлари, деб ҳис этган, “ўта бойлар”нинг иккинчи тоифасига мансуб кирувчи кишилар, кайфлари ошиб, бири ҳарбий либосда бўлган икки жанговор зобитни масҳара қила бошлади. Тўғри, фуқаро кийимидаги Черкасовга индашмаган. Уни йўқлаб келган зобит дўсти — афғонда бир қўлини йўқотган собиқ десантчи эса маст-аласт беш йигитнинг ҳарбий ўтмиши устидан кулишларини жимгина туриб эшитади. Кейин эса ўрнидан туради...

Черкасов аралашмай туrolмасди. Ўша зобит билан ўзларини ранжитган беш кишини шунақа калтаклашадик, учтаси касалхонага тушиб қолади. Натижада Черкасов ГРУ зобитлари шахсий таркибидан учиб кетади. Воқеанинг тафсилотини аниқлаш ва катта лейтенантнинг хатти-ҳаркатининг асл сабабларини суриштиришни ҳеч ким ҳоҳламайди. Кейинчалик Асановга айтишларича, бир қўлли зобит — собиқ десантчи ва снайпер бора-бора мамлакатдаги энг таниқли жаллодга айланган ва абгор қилинган ҳаёти учун шу тарзда ўч олган. Черкасов қамоқ жазосидан бир амаллаб қутулиб қолгач, ярим йил ишсиз юриб, Қозонга қайтади ва аллақандай хусусий ширкатга ишга жойлашади.

Шу орада мамлакатни “демократизациялаш”нинг ҳал қилувчи босқичи бошланади ва жинойтчилик мисли кўрилмаган даражада авж олади. Беноён ҳудуд бўйлаб ҳисобга олинмаган минглаб қурооллар қўлма-қўл ўтиб юрар, маҳаллий аҳолини қўрқувга соладиган жинойтчи тўдалар кўпайиб борар, молиявий соҳада товламачилик авжига миниб, бунинг уддасидан чиққанлар миллионерларга айланарди. Ниҳоят, мамлакат вайрон бўлгач, жинойтчилик тўфони ҳамма тарафга ёйилди. Грузия ва Осетия, Грузия ва Абхазия, Молдавия ва Приднестровья ўртасида қуроолли тўқнашувлар бошланди. Озарбойжон ва Арманистон бир-бирига қарши танклар, самолётлар ва артиллерияни ишга солиб, кенг қўламли урушга киришди. Тожикистондаги фожиали фуқаролар тўқнашувларида юз мингдан кўп киши қурбон берилди. Россиянинг ўзида Шимолий Кавказ ҳудуди аланга ичида қолди, Осетия ва Ингушетия орасидаги зиддият кучайиб борар, Россия қонунларини тан олмайётган ва тобора жинойт тўдалар масканига айланаётган Чечен Республикасида террорчилар бир неча ой давомида аёллар ва болалар ўтирган автобусларни гаровга олиб, ўз кучларини намойиш этдилар. Москва-нинг ўзида, Санкт-Петербургда ва бошқа йирик шаҳарларда буюртма асосида одам ўлдириш одатий ҳолга айланди. Уюшган жинойтчилар тўдалари ўртасидаги қуроолли тўқнашувлар ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди, одамлар қоронғи тушиши билан кўчага чиқишдан чўчиб қолдилар. Бу пайтда Қозонда ўзига хос вазият вужудга келди — болалар ўртасидаги жинойтчилик шу даражада авж олдики, оммавий жинойтчиликдан бир неча баравар ошиб тушди. Ҳақиқий босқинчи тўдаларга бўлинган, кўпинча ашаддий жинойтчилар, малакали талончилар ва “қонундаги ўғрилар” бошчилик қилаётган ўсмирлар бутун шаҳарни даҳшатга соларди.

Бу ҳолат билан кураш кутилган натижани бермасди. Шаҳарга ички ишлар идораларининг қўшимча кучлари ташланди, режали ва режасиз тинтувлар, “ушла-ушла”лар, кўрғазмали суд жараёнлари ўтказилди, аммо бу тадбирлар

самара бермас, жинойтчилик авж олганди. Бу пайтга келиб касбий жиҳатдан пухта тайёрланган ва қўлидан жуда кўп нарсалар келадиган ҳарбий разведканинг катта лейтенанти шаҳардаги зўравонлик билан қўрқитиш ва товламачилик билан шуғулланадиган энг эпчил ҳамда шафқатсиз тўдалардан бирининг раҳнамосига айланади.

У тез орада бойиб кетади — “мерседес” машинаси, соҳибжамол жазман, шаҳар марказида беш хонали уй, шаҳар ташқарисида дала ҳовлига эга бўлади. Аммо, унинг нигоҳида... гоҳо нимадир эсига тушгандек, беадад гусса, этни жунжиктирадиган аламзадалик чақнаб кетар, буни кўрганлар йўлида унга иккинчи бор дуч келмасликка ҳаракат қилиб, қочиб қоларди.

Черкасов майга ружу қўйди. У жуда кўп миқдорда ича олар, оғир маст бўлар, бу чоғда спиртли ичимлик дардини енгиллаштириш ўрнига, озми-кўпми дуруст ҳар қандай одамни ҳам ҳеч қанақа жинойтдан тоймайдиган ёвуз махлуққа айлантирарди.

Маълумки, ҳар қандай мастлик турли кўнгилсиз оқибатларга дучор қилади.

Унинг биринчи босқичи “хушчақчақлик” бахш этади, ҳаддан ташқари кўп ичган кишига атрофидаги воқеалар кулгили туюлади, уни ҳамма нарса хурсанд қилади, ўткинчларнинг жиғига тегишга ва иложи борича ўзининг кўнглини ёзишга ҳаракат қилади.

Иккинчи ҳолатда — алкогольнинг катта миқдори мияга уриб, асабни ишдан чиқаради, ақлни пароканда қилади, инсон одатий ҳаёт фаолиятдан чекиниб, оғир, ҳатто, ўлим уйқусига кетади. Бу пайтда спиртли ичимлик бошига болға билан ургандек таъсир қилади.

Ниҳоят, учинчи ҳолат ҳаммасидан даҳшатли бўлиб, инсон ўз ақл-идрокини ирода қилолмайдиган ваҳший ҳайвонга айланади. Ўша чоғда армон, аламзадалик, турмушдан норозилик, дилдаги оғриқ ададсиз қабул қилинган ичимлик таъсирида бир неча баробар кучайиб, инсон руҳиятига таъсир қилади, уни ўз аламу андуҳларидан қутурган ваҳший ҳайвонга айлантиради.

Черкасов, одатда, кўпроқ учинчи ҳолатга тушар, бундай пайтда унинг яқин ёрдамчилари ҳам, соҳибжамол жазмани ҳам олдига боришдан қўрқарди. Мастликнинг қаҳри билан у йўлида дуч келган ҳар қандай одамни ўлдириб қўйиши мумкинлигини ҳамма яхши биларди.

Бир куни кечкурун шундай бўлади ҳам. Ёрдамчилари йирик мўйна дўконидан тортиб олинган катта миқдордаги пулни олиб келиб, “тушум”ни ювмоқчи бўлишади ва то тонггача ичишади. Кейин одатдагидек, йўқ жойдан чиққан мурасиз, жазавали баҳс авж олади. Қаҳрга минган Черкасов иккита яқин йигитини ўлдирибгина қолмай, бурдалаб ташлайди. Тўғри, бу жинойт очилмай қолади. Эрталаб йигитларнинг мурдасини Черкасовнинг “югурдак”лари олиб кетиб, бўлиб ўтган воқанинг изини ёпишга улгуради. Бироқ, бу ҳақдаги миш-мишлар шаҳарга тарқаб кетади.

Орадан икки ой ўтгач Черкасов жазмани билан овқатланадиган ресторанлардан бирида ўлдирилади. Ёлланган жаллод, қаршилиқ кўрсатишга заррача имкон қолдирмай, чаккасига ўқ узади. Қозондаги кўплаб каллакесарлар, ҳатто ўз тўдаси аъзолари ҳам уни гапга кирмайдиган кимса ҳисобларди. Фақат, қабристонда тўсатдан катта лейтенант Черкасовнинг собиқ ҳарбий разведка зобити эканини, “Қизил юлдуз” ордени ва афғон урушидаги жасорати учун медал била тақдирланганини эслаб қолишади.

Черкасовнинг дафн маросимига, на фақат, Қозондан, балки кўшни шаҳарлардан ҳам кўплаб “мўътабар жинойтчилар” келади, ҳатто Москвадан ҳам “меҳмонлар” ташриф буюришади. Уни нотайин турмуши, омадсиз шахсий ҳаёти устидан кулгандек олий табақага ярашадиган улуғвор тантана билан кўмишади.

Ҳатто, ёстиқчаларга қадалган жанговор нишонларини ҳам кўтариб ўтишади. Сўнги йўлга узатганлар орасида Черкасовнинг жанговор дўстлари, Афғондаги сафдошларидан бирортаси йўқ эди. Жанговор дўстлик анъаналарига хиёнат қилган бу кимса, ўзиникиларга бегона, бегоналар учун қадрдонга айланганди. Шу тарзда уни Қозондаги аслзодалар қабристонига – собиқ партия арбоблари ва ҳозирги тузумнинг атоқли намоёндалари ёнига кўмишди.

Жазмани эса бутун мулкани тезгина пуллаб, шаҳардан ғойиб бўлди. Айримлар уни пойтахтга кетган, дейишди. Аммо, мархумнинг меросига даъвогар зот ҳам чиқмади. У етимхонада ўсган, қариндошлари ҳам, яқинлари ҳам йўқ эди. Балки, болалар уйдаги кўча жанглирида чиниққани учун шу даражада дадил ва жасур бўлгандир, ўзи жонини аяш нелигини билмагандир.

Асанов унинг ўлими ҳақидаги хабарни тасодифан эшитди. Черкасовнинг дафн маросимида ўзининг кимлигини ҳеч ким билмаслигини истаган яна бир собиқ зобит ҳам қатнашади. У машҳур жаллод бўлса-да, бироқ улфатини унутмаганди. Бу ўша – Черкасов билан Киев ресторанида бирга жанжал кўтарган уруш фахрийси эди. У Черкасовнинг сўнги ўтинчи – ўлими ҳақида генерал Асановга хабар бериш хусусидаги илтимосидан бохабар эди.

Ота-онасиз ўсган Черкасов бир умр Афғонистонда гуруҳларига бошчилик қилган қаттиққўл тожик зобитига муҳаббат ва ҳурматини асраб келган, у ўзининг бевақт ўлимини олдиан сезгандек, аҳён- аҳёнда юз берадиган учрашувлардан бирида ошнасидан шу ҳақда илтимос қилганди. У ёруғ оламда ҳеч кими йўқлиги туфайли, агар Асановдек инсон мени эсласа, қора ер қаърида ётишим осон кечади, деган ҳаққоний қарорга келган, дўстига ҳам ҳам шундай деганди.

Дўсти бу ўтинчи адо этиб, генерални топди ва ҳаммасини айтиб берди. Улар Славик Черкасовнинг омадсиз ҳаёти, уни келгуси азоб-уқубатлардан халос қилган саодатли ўлим, “қозонлик етимнинг” чекига тушган беадад ғурбатлар учун жимгина ичишди.

## IX

Барча қоидаларга хилоф равишда, Асанов ва Семенов қўналгада навбатчи қолдирмасдан, асбоб-анжомларнинг бир қисмини яшириб, бир қимини кўмиб бошқа зобитларнинг изидан кетишди. Салт юриш енгил кўчганидан, тезда улар йўлнинг ҳар бир бўлагидан у ёқ-бу ёққа бир неча бор қисқа-қисқа юриш қилганларига қарамасдан, йўлнинг анча қисмини босиб қўйган Раҳимовнинг гуруҳига етиб олишди. Раҳимов, Елагин ва Борзунов майор Машковнинг ўлими ҳақидаги хабардан қайғуга чўмдилар. Айниқса, ҳалок бўлган зобитлар билан яқиндан дўстлашишга улгурган Борзуновнинг алами зиёда эди. Эртаси куни кечқурун улар қўналгаларига қайтиб келишди. Ўзлари йўқ пайтда бу ерда, фақат, кушларгина меҳмон бўлганини, уларнинг қолдирган изларидан дарҳол пайқашди. Бу ерда тасодифий меҳмонлар ва якка-ёлғиз йўлчилар кам учрар – бир киши асло кун кўролмасди.

Аммо, Падерина ва Чон Диндан бирор дарак йўқ эди. Асановнинг тахминига кўра, Зебакка кетган икки зобит аллақачон қайтиши керак бўлса-да, ҳамон кўринишмасди. Тўғри, улар лагердан чиққандан сўнг икки кун ўтгандан сўнг, эртасига тонгда охириг муддат бўлади, деб келишиб олишганди.

Операция режасига кўра, олинган маълумотлар билан алоқачи берган хабарлар таққослангач, улар Нуруланинг тўдаси жойлашган томонга йўл олишлари, Ишканим худудидаги вазиятни ўрганиб, полковник Кречетовни озод қилишга уринишлари керак эди.

Айни пайтда ҳамкорликдаги ҳаракат режасига кўра, Асанов гуруҳининг фа-



оллик кўрсатиб, ҳарбий разведкачи жанговор шароитда ишга соладиган хуфёна ва анънавий усулларни ишга солиши мумкинлиги ҳам назарда тутилганди.

Фақат Асановгина ўзларининг барча хатги-ҳаракати, шунчаки, куролли намойишдан бошқа нарса эмаслигини биларди. Фақат унинг биринчи ўрибосари бошлиқ ҳалок бўлган тақдирда очилиши лозим бўлган кичик хат жилдига эга эди. Хат шунақа вазият туғилса, қанақа ҳаракат қилиш кераклиги хусусида йўриқномадан иборат бўлиб, агар бирор хатар туғилса дарҳол йўқ қилиниши лозим эди. Сафар пайтида иккала зобит ҳам ўша хат жилдини эсга олмасликка уринарди. Тўғри, кейинчалик Раҳимовнинг ўша номада биттагина ибора – “Ҳаммасини ташлаб, қандай қилиб бўлса-да, чегарани ёриб ўтинлар”, деб ёзилганини билиб ажабланганди. Операциянинг махфийлиги шу даражада эдики, моҳияти, ҳатто ҳарбий разведка подполковнигидан ҳам сир тутилиб, қўлига сўргичланган хатжилд берилганди, холос. Асановгина барча тафсилотдан бохабар, утина мустақил қарор қилишга ҳақли эди.

Зебакка кетган зобитлар қайтишини кутиб тоқати тоқ бўлган Асанов эртасига эрталаб Раҳимов ва Семеновга тайёргарлик кўришни буюрди. Семенов тил билмаганликдан, худди бутун умрини Регистон чўлларига ўтказган маҳаллий пуштунларга ўхшаб кетадиган, аъло даражада тайёргарикка эга бўлган Раҳимовнинг гунг ҳамроҳи ролини ўйнаши керак эди. Ёқут миллатига мансуб Семенов аслида кўринишидан мамлакатнинг ғарбий ҳудудларида яшайдиган қирғиз ва туркманлардан кўп фарқ қилмасди.

Асанов биринчи жуфтликнинг орқасидан иккинчи жуфтликни жўнатиш қанақа хатарли эканини билар, лекин бошқа чораси қолмаганди. Икки офицердан айрилган гуруҳ, қўйилган вазифани беш киши билан бажара олмас, Падерин билан Чон Диннинг қайтишини кутишга мажбур эди. Кутишга эса фурсат қолмаганди. Хатарнинг моҳияти шунда эдики, кичик шаҳарчага биринчи жуфтликнинг орқасидан иккинчи жуфтликнинг кириб боришиёқ шубҳа уйғотарди. Лекин, ҳозирги ҳолатда бу таваккалчиликнинг ўзини оқлайдиган томони шунда эдики, улар кўпчиликнинг эътиборини иложи борича кўпроқ тортиши лозим бўлиб, аслида вазифанинг асосий мазмуни ҳам шунда эди.

Маҳаллий урф-одатни яхши биладиган Раҳимов қўй сўядиган катта пичоқни олиб олди. Зарурат туғилганда, у совуқ курул ўрнини ҳам босарди. Семеновнинг чопони тагида тўшпонча яширилганди. Раҳимовнинг ўзи тўшпончасини белига тақиб олди. Қосимон камзули устидан боғланган кенг белбоғи уни сал семирроқ кўрсатса-да, бир неча тўшпончани бемалол яшириб турарди.

Иккинчи жуфтликни жўнатаркан, Асанов бу сўнгги имкониятлари эканини тушунарди. Ушбу кичик воҳа сари элтадиган йўллари ўта мураккаб, Нурулланнинг қўналғасига борадиган йўллари ҳаддан ташқари машаққатли бўлиб чиқди.

Иккинчи жуфтлик йўлга отланар экан, Асанов безовталиқдан ўзини қўйгани жой топмасди. У одамларининг жонини хатарга қўйишни, уларни йўқотишни ёқтирмас, энг оғир вазиятда ҳам зобитларининг ҳаётини таҳдид остига қўймасди. Бу ерда бўлса, биринчи жуфтликда аёл кишини жўнатишга мажбур бўлди. Шунинг учун ҳам одатдагидан қаттиқроқ хавотирга тушаётганди. Уруш – ифлос нарса ва ғирт эркалар иши. Жангда аёлларга мутлақо ўрин йўқ. Мана шу фикрнинг ўзиданоқ юраги баттар ғапланарди. Оддий мужоҳидлар ўртасида шафқатли, мағлубга мурувват кўрсатадиган, асирларга нисбатан раҳмдиллик билан муносабатда бўладиганлари учраб турарди. Босқинчилар эса бунақа туйғулардан аллақачон маҳрум бўлганди. Тожикистондан қувилгандан сўнг қаҳр-ғазабга тўлган ва сарсон-саргардонликда яшаётган Абуқодир тўдасидаги мутассибларнинг қондасида асирларни тирик қолдириш йўқ бўлиб, узоқ вақт қийнаб, таҳқирлагандан сўнг, бошини кесишарди.

Раҳимов ва Семенов биринчи жуфтликнинг қайтишига умид боғлаб, озроқ лагерда тутилиб қолишди, улар Зебакка келганда тоғларнинг қўл етмас чўққиларини ва тоғликларнинг уйларини ёритган қуёш анча баланд кўтарилиб қолганди. Шаҳарда осойишталик ҳукм суларди. Улар узоқ йўл босиб келган йўлчилар таомилига кўра, дарҳол маҳаллий чойхонага йўл олишди.

Чойхонада икки-учта қариядан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Қизил соқолли, малла чойхоначи чой келтирди-да, дарҳол ғойиб бўлди. Бу ерга кирган киши ҳоҳлаган пул бирлигида ҳақ тўларди. Хитой юани, Америка доллари, Россия, ҳатто, тожик рубли, Покистоннинг рупияси, Эроннинг тумани ҳам ўтаверарди. Аммо, қадрсизланиб, ҳеч ерда қабул қилинмайдиган маҳаллий афғонийга ҳеч ким ишонмас ва ҳеч қаерда қабул ҳам қилинмасди.

Раҳимов мамлакатнинг ғарбий тарафидан келган меҳмон сифатида чой ҳақини Эрон туманида тўлади. Пулни олгандан сўнг чойхоначи сал юмшаб, савол сўради:

– Қаёқдан келаяпсан?

– Узоқдан, Машҳадни зиёрат қилдик, энди чегарадан ўтиб, Покистондаги оиламизни топмоқчимиз. Улар беш йил олдин, уруш пайти қочиб ўтиб кетишганди.

Қизил соқоллининг юзлари ёришди.

– Демак, сизлар энди ҳақиқий машҳадий экансиз-да, — деди у тантанавор оҳангда, — сизларни хонадонимда кўрганимдан беҳад хурсандман.

Раҳимов хато қилмаганди. Соқолини аямасдан қизил хина билан бўяган малла хазарийлик ислом динидаги шиалар маҳзабининг ашаддий муҳиби эди. Шу боисдан Машҳад зиёратини ҳақиқий мусулмонгина адо этадиган муқаддас аъмол сифатида қабул қилди.

Маълумки, шиа маҳзабига мансуб мусулмонлар асосан Эрон ва Озарбойжонда яшашиди. Уларни Афғонистонда, Ироқ ва Тожикистонда ҳам учратиш мумкин. Ислому аҳлининг асосий қисми сунний мазҳабига мансуб бўлиб, улар орасида шиалардек хурофотга берилгани нисбатан кам учрайди. Аини пайтда бир диндаги турли оқимлар, қоидага кўра, одамларни бир-бирга гижгижламайди, баҳсли масалаларнинг ечимини жанг майдонида ҳал этишга даъват этмайди. Эрон ва Ироқ ўртасида юз берган уруш пайтида ироқлик арабларнинг ярмидан кўпроғи мусулмон шиалардан иборат бўлганига қарамасдан, суннийлар билан бир сафда ўз мазҳабдошлари — эронлик шиаларга қарши жанг қилишларига монъелик қилган эмас.

Аммо, шиалар орасида шунақа бир тоифа — “қизил бошлар” ва “қизилсоқоллар” оқими ҳам борки, улар суннийларнинг ақидаларини очикдан-очик қабул қилмайдилар, Аксинча, уларни диндан чекинган, зўравонлар деб билади. Раҳимов ва Семенов Зебакдаги чойхонада айнан шунақа мутаассиб шиалар вакилига дуч келишганди.

– Биз жуда узоқ, жуда ҳам олис йўлни босиб келдик, — деди Раҳимов. Ҳеч нарса тушунмаган Семенов индамасдан унинг ҳаракати ва қарашларини синчиклаб кузатарди.

– Нега сенинг муҳтарам машҳадий дўстинг гапирмайди? — сўради чойхоначи боши билан Семёновни кўрсатиб.

– У соқов, — тезгина жавоб берди Раҳимов, — ўн йил олдин “шўровий”ларнинг ваҳшийлигини кўрганда, Оллоҳ тилидан айирган.

– Минг лаънатлар бўлсин, ўша худосизларга, — деди чойхоначи нафрат билан, — юртимиздаги югурдақларига ҳам минг лаънат.

– Сизнинг шахрингизда ҳам шунақалар бормиди? — сўради Раҳимов эҳтиёткорлик билан.

— Бор эди, — “қизилсоқол” хўмрайди, — энди эса йўқ. Худо умрингни узоқ қилгур Абуқодирнинг одамлари келгач, сотқинлар ва ўзларини у ёқдан-бу ёққа ташлаб юрганлар қочиб кетишди. Қолганларининг бир кечада боши олинди.

— Диндан қайтганларнинг жазосини ана шундай қилиб бериш керак, — деди Раҳимов қизишиб, — шундагина тоғларимиз ва еримизни улардан тозалаб оламиз.

Ҳамсуҳбати эриб кетди.

— Менинг меҳмоним бўл, — деди у, — менинг уйим — сенинг уйинг. Қолиб, дамингни ол. Болаларим Машҳаддан Зебаккача бўлган олис йўлни босиб ўтган чин мусулмонни кўришсин.

— Ташаккур сенга, саховатли зот. Шаҳринг тинчми ўзи?

— Ҳозир тинч. Шаҳар атрофида иккита катта тўда бор. Бири Худонинг қаҳрига учрагур Нурулланики, яна бири менга унча ёқмайдиган Алимуротники. Улар отларимизни, эчкиларимизни олиб кетишади, егулигимизни тортиб олишади, ҳатто шаҳарда отишма ҳам қилиб қолишади гоҳида. Улар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Худога ҳам ишонишмайди, виждонлари ҳам йўқ. Билганлари фақат пул.

— Менинг умуман ҳеч вақом йўқ, — деди шоша-пиша кулиб туриб Раҳимов, — шунинг учун бечораҳол зиёратчиларни тўхтатиб ўтиришмаса керак.

— Ма, пулингни қайтиб ол, — чойхоначи туманни қайтиб узатди, — бу ерда менинг меҳмонимсан.

— Раҳмат сенга, мурувват соҳиби. Аммо, биз қола олмаемиз. Йўлимиз ҳали узоқ ва ҳолдан тойдирадиган йўл. Олдимизда ҳали қанча янги йўллар кутаяпти, — деди Раҳимов анъавий иборани қўллаб

— Унда тушлик қилиб кет, — манзират қилди “қизил соқол”.

Раҳимов бош ирғаб, ноилож розилик берди. Семенов бирор сония ҳам бўшашмасдан, гапирувчиларнинг сўз оҳангига кулоқ тутиб турарди.

Тўкин-сочин дастурхон атрофидаги тушлик чоғи чойхоначи Машҳад шаҳри, унинг кўчалари, масжидлари ҳақида эринмай суриштирди, Машҳадда икки бор бўлган Раҳимов ҳам ҳаммаси ҳақида батафсил сўзлаб, ҳамсуҳбатида ўзининг билими ва бохабарлиги хусусида тўлиқ таассурот ҳосил қилди.

Айни пайтда у шаҳарда Падерина ва Чон Дии ҳақида бирор дарак топмаганидан хавотирда эди. Ниҳоят, бу ҳақда у чойхоначидан сўради.

— Менга қара, Худо ёрлақан, саховатли инсон, бу ерда қандаҳорлик эрхотинга кўзинг тушмадими? Зиёрат чоғида улар билан бирга эдик, кейин биздан олдинроқ йўлга тушиб, Карачи томонга кетишганди.

— Йўқ, — деди “қизил соқол” кўзларини ҳайратдан каттга очиб, — улар ҳақида ҳеч эшитмаганман. Агар ҳоҳласанг, болаларимдан бирини карвонсаройга жўнатаман, билсин-чи, у ерга яна бирорта машҳадлик қўниб ўтмаганмикин.

Бунақа жойларда карвонсаройлар ҳам меҳмонхона, ҳам ресторан, ҳам барча хизмат турларини кўрсатадиган шаҳобчаларнинг ўрнини босарди.

— Ҳожати йўқ, — деди Раҳимов шошилиб, — сени кўп қийнамайлик. Меҳмондўстлигинг, сахийлигинг ва берган таоминг учун ташаккур. Оллоҳ таоло хонадонингга бахт ва фаровонлик ато этсин.

— Мен ҳам сенга ва оилангга бахт-саодат тилайман. Уйингга ҳам, — қўлини кўксига қўйди “қизил соқол”, — йўлларинг равон бўлсин, оёқларинг толмасин, ақлинг ҳамиша тийрак бўлсин. — Улар бир-бирларига анчагача баландпарвоз, жимжимадор шарқона такаллумларни ишлатиб, такалуф кўрсатдилар, ниҳоят Раҳимов хайр-маъзурни охирига етказмасдан, Семеновга ишора қилгач, иккаласи савдо растаси тарафга ўтишди.

Эҳтиёткорона сўраб-суриштирувлар асносида Али Раҳмоннинг дўкони жой-

лашган кўчани тахминан билиб олдилар.

Тушки офтоб, гарчи чўл ва даштлардагидек оташ сочмаса-да, яхшигина қиздирарди. Раҳимов ичига туя жуни солинган камзулида терга чўмаётганини сезиб турарди.

Савдо растаси бўм-бўш, фақат пашшаларгина сўйилган қўй гўшти устида гужгон ўйнарди. Унинг ёнида турган мудроқ қассоб нотаниш кимсалар томонга қараб ҳам қўймади. Беэтиборлик ва меҳмондўстлик бу мамлакатдаги тоғликларга хос хусусиятлардан бири эди. Агар йўловчи бирор ёрдам сўраса, ҳар қандай хонадон эгаси ўзи минг бўлакка бўлиниб кетса-да, албатта, меҳмоннинг қўнглини олиш пайида бўларди. Агар меҳмон бирор сабаб билан гаплашишни ёки ўзи ҳақида гапиришни истамаса, тоғлик сира тихирлик қилмас, буни эркака хос оғир-вазминликка зид деб билар ва меҳмоннинг галатироқ феъли-хуйига бепарқ ва бепарво муносабатда бўларди. Раҳимов жуда яқинига боргандан сўнггина, у қайрилиб қаради.

–Ассалому алайкум, – салом берди Раҳимов.

–Ваалайкум ассалом, – босиқлик билан алик олди қассоб, –сенга нима керак?

– Мен бир эркак билан аёлни изляпман. Улар ҳам биз каби муқаддас Машҳад шахрига зиёратга боришган эди.

Бу сафар у хато қилди, қассоб суннийлардан экан. Аччиғи чиқса-да, сир бермай сўради:

– Қанақа эркак-аёл яна? Мен уларни кўрганим йўқ. Кимни сўраётганингни ҳам билмайман. Бор, йўлингдан қолма.

– Ташаккур сенга. Доимо омад ёр бўлсин.

– Сенга ҳам оқ йўл, қадаминг енгил бўлсин.

Раҳимов кулди, бунақа баландпарвоз шарқона ибораларни ишлатиш оддий таомил ҳисобланарди. Масалан, турклар хайралашаётган чоғда айтган ибора, сўзма-сўз шундай таржима қилинади” Сафаринг хайрли бўлсин. Кулиб юр, кулиб юр”. Унинг маъноси “шод бўлиб юр, қувониб юр”, яъни йўлингда фақат шодумонлик ҳамроҳ бўлсин, деганидир.

Али Раҳмоннинг дўконида эшик ва деразалар ёпиқ эди. Раҳимов атрофга қаради. Осойишталик. У эҳтиёкорлик билан эшикни тикиллатди. Ҳамон жимлик. Семенов атрофга аланглади. Раҳимов эшикни қаттиқроқ қоқди, аммо бирор садо чиқмади. У киришга жазм этиб, аста итарганди, эшик очилиб кетди. Атрофга бир қараб олиб, ичкарига кирди. Хона анча қоронғи бўлиб, айрим маҳсулотлар – чой, шиша идишлардаги анор шарбати, гурунч, крупа, тарик солинган халтачалар тоқчаларда терилиб турарди. У атрофга кўз ташлаб, яна битта эшик борлигини кўрди.

Теграсига яна бир қур назар солди-да, тўшпончасини чиқариб, ичкарига қадам босди. Семенов унинг ичкарига кирганини кўргач, мабодо чекинишга тўғри келиб қолса, подполковникни муҳофаза этиш учун эшик ёнига келди.

Раҳимовга дўкон ичидаги ёқимсиз сукунат шубҳали туюлди. У бошқа хонага кирган заҳоти бир неча катта қоплар ва қанд қутиларига кўзи тушди. Бу Али Раҳмоннинг ўзига хос омборхонаси эди. Лекин, хўжайиннинг ўзи ҳам, ёрдамчилари ҳам ҳеч қайда кўринмасди, дўкон эса очиқ турарди. Бу Раҳимоновни қаттиқ хавотирга солди. У энди чиқиб кетмоқчи бўлаётганди, бирдан қоп тагида чиқиб турган кимнингдир қўлини кўриб қолди.

У чошиб бориб қопларни тортди. Биринчиси, иккинчиси, учинчисини суриб, ерда ўлиб ётган одамнинг жасадини кўрди.

Хотира. Капитан Игор Рудницкий

Саксон тўртинчи йилнинг ёзида нисбатан кучайган ва яхши қуролланган мужоҳидлар тўдалари мамлакатларига бостириб кирган даҳрий “шўровий”лар ва Қобулда ҳокимиятни эгаллаб ўтирган, ўзларидан чиққан сотқинларга қарши кенг кўламли уруш бошлашга қарор қилдилар. Кўплаб қабилалар замонавий отиш қуролларига эга бўлгач, худосизларга қарши қуролли курашиш мақсадида чегарадан бу томонга ўтдилар. Бунга жавобан Афғонистон ҳукумати оммавий ҳарбий сафарбарлик эълон қилиб, бусиз ҳам икки тарафга бўлинган афғон жамоатчилигини янада парокандаликка гирифтор этди. Покистон томондан шарқий-жанубий ҳудуд бўйлаб афғон мужоҳидларининг намойишкорона озодлик ҳаракати бошланди. Тўғри, қабилалар ҳаракати ғоят ажабланарли эди: ўзига тегишли ҳудудни озод қилган, аниқроғи – бирор ўқ отмасдан уни эгаллаган қабилалар кейинги жанговор ҳаракатларга қўшилмас, аслида ҳам ўша қабиланинг мулки бўлган ҳудудини назорат қилиш билан чекланарди.

Ғарб мамлакатлари пойтахтларидагилар қабилалар бирлашмаларига таянишдан самара йўқлигини тушуниб, даҳшатга тушишди. Бу ерда ҳали ҳам авлод-аждодлардан қолган кўҳна муносабатлар деярли бузилмасдан сақланиб қолганди.

Аммо Афғонистоннинг ғарбида худосизларга қарши ислом бирлиги шиори остида уюшган тўдалар ҳарбий жиҳатдан анча сафарбар ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишнинг ҳавосини олганди. Американинг Лэнглидаги мутахассислари бу ҳаракатларнинг фаолиятни яхшироқ мувофиқлаштириш учун юраклари аламдан зирқираб, эронпараст мутаассиблар ва уларнинг етакчилари билан алоқа ўрнатишга мажбур бўлдилар. Бу пайтга келиб сайлов кампаниясида демократларга қарши кураш олиб бораётган президент Рейган ўзининг “ёвузлик салтанати”га қарши курашга бор кучини сарфлашга тайёр эканини яна бир бор эълон қилди. Умуман олганда, биринчи президентлик муддатида Рейген совет раҳбарлари билан ҳеч қанақа расмий муносабат ўрнатмади. Бунга, фақатгина ғоявий келишмовчилик эмас, жисмоний омиллар, яъни ўша даврдаги КПСС Марказий Комитетининг кексайган раҳбарларининг ўлимтик ҳолатга тушиб, бирин-кетин ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам халақит берганди. Уч йил давомида мамлакат учта етакчисидан айрилди. Саксон иккинчи йилнинг ноябрида бутунлай кучдан қолган ва раҳбарликни ўз ҳолига ташлаб қўйган Леонид Брежнев биринчи бўлиб ўлиб берди. Ҳисоб-китобга анча пухта бўлган Андропов ҳукумат жиловини бир неча ўн йиллар қўлида тутиб турадигандек туюлганди. Бироқ касаллик улкан салтанат раҳнамоларини ўз ҳуружига олди. Ажал Сиёсий бюрога ин қуриб олгандек эди. Брежнев сафдошларининг ярмига яқинини қирмагунча кетишни ҳоҳламасди.

Андропов бори-йўғи олти ой ростмана ишлади, холос. Ундан ортиғига дармони етмади, касалхонада ётиб, ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган мамлакатни ва унинг сталлитетларини бошқаришга ҳаракат қилди. Аммо, саксон тўртинчи йилнинг мартада сўнгги мадори ҳам тугаб битди ва навбатдаги етакчилик мункайиб қолган, беҳол, ҳатто ўзининг сайланиши муносабати билан миннатдорчилик билдиришга ҳам қурби келмаган Констатин Черненкога теги. Ўша кезде кўплаб Ғарб телекомпаниялари, газета ва журналлари Горбачевни кўрсатиб, мамлакатнинг навбатдаги раҳбари ёш сиёсатдон бўлажagini башорат қилдилар. Етмиш ёшли қариялар билан ёнма-ён қўйганда КПСС Марказқўмининг эллик уч ёшли котиби ажабланарли даражада навқирон кўринарди.

Шунақа бўлишини узоқ кутишга тўғри келмади, орадан атиги бир йил ўтди. Черненко ўлган куни, ҳолдан тойган қарияларни мамлакат раҳнамолигига сайлаш тажрибасига барҳам бериш пайти келгани очиқ аён бўлиб қолганди. Агар қўйиб беришса, кўп йиллик Сиёсий бюро аъзоси Москва шахрининг партиявий

раҳбари Гришин тож-тахтни жон-жон, деб эгаллаган бўларди-ю, орага совет тузумининг оқсоқоли Андрей Громико қатъият билан аралашгани панд берди. У мамлакат раҳбарларининг кетма-кет ўлаётгани жаҳонда ёмон таассурот қолдирибгина қолмасдан, социалистик лагернинг нуфузини ерга уриб юбораётганини, КПСС Марказий Қўмитасининг Пленумида муқобил номзодсиз “яқдиллик” билан сайлаш тажрибасининг обрўсизланиб қолганини яхши тушунарди. Громико қатъият билан Горбачевни ҳимоя қилишга тутинди. Гарчи, Горбачаев билан Громико ўртасида махфий битим бўлган-бўлмаганини ҳеч ким билмаса-да, кейинчалик иккала арбоб ҳам ўзаро келишиб олганликлари ҳақидаги “миш-миш”ларни инкор қилган бўлса-да, очиқ-аён кўриниб турган айрим далиллар баъзи бир мулоҳазаларга ундайди.

Айнан Громико Сиёсий бюрода бу ўринга Горбачевдан бошқа муносиб номзодни кўрмаётганини айтади ва КПСС МКнинг пленумида ҳам шу таклиф билан чиқади. Кейин эса ўзи дарҳол СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимини эгаллайди. Сўнгги йилларда қарор топган анъанага кўра партиянинг Бош котибини айна пайтда Олий Совет Президуми раислигига сайлаш тамойилини бузиб, бу лавозимни Горбачев Громикога беради ва ўзининг бутун кучкуватини партия ишига сарфламоқчи эканини билдиради. Бунинг замирида нима бор эди — сиёсий ўйинми, айёрликми ёки нозик режам?

Сиёсий бюро мажлиси шунақа ҳисоб-китоб билан ўтказиладики, Гришиннинг номзодини қизғин қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган энг обрўли аъзолардан бири, СССРдаги энг йирик коммунистик партия ташкилотининг раҳбари — украин коммунистларининг етакчиси Щербицкий қатнаша олмайди. Гришиннинг ашаддий тарафдори бўлган Романовга ҳам Громико сўз бермайди. Сиёсий бюродаги “андроповчилар” Горбачев бундан буён сиёсатини ўзларининг фикрига таянган ҳолда амалга оширади, деган хаёлда эдилар.

Ўша йиғилиш “брежневчилар”нинг ўз кишисини яна бир бор биринчи раҳбарлик курсисига ўтқизиш йўлидаги сўнгги уриниши бўлди. Тихонов, Кунаев, Романов, Гришин, Соломенцовлар ўзларини Громиконинг қўллаб-қувватлашига умид боғлашганди, аммо у қутилмаганда Горбачев томонга оғиб кетади. Ўз навбатида Горбачевни Андроповнинг собиқ тарафдорлари — КГБ генераллари Алиев ва Чебриков, “андропов гуруҳи” билан узвий алоқада бўлган, Кубадаги собиқ элчи Воротников ва, ниҳоят, КПСС МКнинг ёш котиби Николай Рижков қувватлаб чиқди. Сиёсий бюро “фахрийлари” қаршилик кўрсатиш беҳудалигини англаб, Горбачевнинг номзодини маъқуллашга мажбур бўлдилар.

Уларнинг ҳеч бири танлаган шахсларининг ўзлари учун қанақа “совға” тайёрлаётганини билишмас, билганда ҳам ишонишмаган бўларди. Горбачев эса ҳаммасини бирма-бир сотди — аввалига фахрийларнинг баҳридан ўтди, кейин, ўзининг фикрича, ҳаддан ташқари мустақил фикрлайдиган иттифоқдошларини, кейинчалик номзодини қизғин қўллаб-қувватлаган дўстларини тинчитди. Бу одамнинг сийратида ўзини абадий ёлғизлик ва сотқинликка маҳкум этадиган нимадир бор эди.

Ўз қўли билан дўстлари ва маслақдошларини йўқотган, керак бўлса сотган бу кимса, шасхан ўзи мансаб поғонасига кўтарган кишилар ҳам ундан юз ўгиргач, яққаланиб қолди. Бу ҳол унинг аъмоли ва фаолиятининг қонуний яқуни эди. Унинг тақдири — ўзини амал пиллапояларидан юксалтирган Коммунистик партиянинг тақиқланишига индамасдан розилик берган, эътиқодидан воз кечган, аслида ҳам шахсий тамойилларига эга бўлмаган ва охирида эса сифинган маъбудларини оёқости қилган сиёсатчи ва инсоннинг шахсий фожиаси эди.

Аммо, саксон бешинчи йилнинг март ойида Горбачев Бош котиб этиб сайланадиган КПСС МКнинг апрел пленумигача ҳали бир йил бор эди. Ўша кезде

Асанов ва Рудницкийнинг Афғонистон гарбидаги Кўҳисанг шаҳарчасига боришларига тўғри келди. Бу шаҳар Эрон чегарасининг шундоқ ёнида жойлашган бўлиб, муҳим ҳарбий аҳамиятга эга — нуфузига кўра Афғонистоннинг иккинчи маркази саналган Ҳирот билан дунё шиаларининг муқаддас қадамжоси бўлмиш Машҳадни боғловчи асосий йўл шу ердан ўтарди. Маккаи мукаррамани зиёрат қилган киши ҳожи ҳисобланса, Карбалони зиёрат қилган кимса карбалои, Машҳадга борган зот эса машҳадий аталарди. Бундан ташқари, Кўҳисанг яқинидан кема қатнови йўлга қўйилган Герируд дарёси оқиб ўтар, Эрон ва Афғонистон ўртасидаги ўзига хос чегара хизматини ҳам ўтарди.

Шунинг учун ҳам совет қўмондонлиги катта аҳамият берадиган бу чегара шаҳрига афғон муҳолифатининг барча кучлари бирлашиб, қақшатқич зарба беришга тайёргарлик кўраётган чоғда, ҳарбий разведка зобитлари Акбар Асанов ва Игор Рудницкий хизмат сафарига жўнатилди. Капитан — машҳур Рудницкийлар сулоласининг вакили эди. Отаси — генерал майор Петр Васильевич Рудницкий Бош Штаб зобити, акаси — полковник Александр Петрович Рудницкий Германиядаги Ғарбий қўшинлар гуруҳида полк қўмондони эди.

Кейинчалик кўпгина журналистлар Афғонистондаги жангларда таниқли сиёсатчиларнинг, генералларнинг, партия арбоблари ва дипломатларининг фарзандларидан бирортаси қатнашмаганига урғу берадилар. Бу ҳам ҳақиқатдан йироқ гап. Албатта, оддий аскарлар орасида генерал ва дипломатларнинг болалари кам бўлгани тўғри, аммо бу уларнинг ҳарбий хизматдан бош тортгани ёки афғон урушида қатнашишни ўзлари учун номуносиб иш, деб билганлигидан эмас. Шунчаки, бу тоифадаги йигитларнинг ҳаёт фаолиятларини бошлаш учун қулай имкониятга, ота-онасининг кучли мададига эга бўлгани боис, мамлакатдаги нуфузи ва сара олий ўқув юртларига киришган ва ҳарбий чақирикдан қутулиб қолишганди. Кейинчалик талабаларни ҳам армия сафига олишга қарор қилинган, (ўрни келганда бу қарорнинг аҳмоқона ва зарарли эканини ҳам айтиш мумкин) олий ўқув юртларига кирувчилар сони анча камайди. Чунки, талабалик ҳужжатининг армиядан қутқариб қолишга кучи етмасди.

Мансабдорлар ва генераллар оиласидан чиққан зобитларга келганда, уларнинг кўпчилиги ҳарбий ва зобитлик бурчини чуқур ҳис этарди. Айримларни истисно қилганда, деярли ҳеч ким Афғонистонга боришдан бош тортган, ёш офицерлардан бирортаси юксак лавозимдаги ота-онасининг орқасига яширинишга уринган эмас. Саксонинчи йилларда турғунлик даври илдиз отганига қарамасдан, ҳали ҳарбийликнинг обрўси баланд эди. Капитан Рудницкий Асанов гуруҳида бошқа зобитлар билан баббаравар, бирор имтиёз даъво этмасдан хизмат қиларди.

Шаҳарга келганларининг иккинчи куни мужоҳидларнинг катта тўдалари чегарани ёриб ўтиб, шаҳарнинг жанубидаги кичикроқ Тирпул қишлоғи томон ҳаракатланаётгани ҳақида хабар келди.

Кўҳисангдан Тирпулга халқ армияси жангчиларининг икки батальони ва совет қўмондонлиги буйруғи билан шу томонга ташланган десантчилар ротаси жўнаб кетди. Кўҳисангда алоқа тармоғини муҳофаза қилаётган бир неча ўн кишидан иборат халқ армияси жангчилар ва совет аскарларининг кичик бўлини маси қолганди. Шунда шимол томондан дарёни кечиб ўтган яна бир тўданинг шаҳар томонга келаётгани ҳақида хабар олинди.

Шаҳар комендант — лаблари титраб турувчи, рангпар афғон йигити Асановга иложи борича тезроқ шаҳардан чиқиб кетишлари зарурлигини уқтирарди. Шўрлик афғон шаҳарда “шўровийлар” бўлмаса, мужоҳидлар ҳозирги тузумга хизмат қилган бир неча кишини жазолаш билан чекланиб, йўлдан тойганларнинг аёллар ва болаларга тегинишмайди, деб умид қиларди.

Аммо, Асанов кетишни хаёлига ҳам келтирмасди. Чунки шаҳарга яқин ат-рофдаги қишлоқлардан Афғонистон Халқ демократик партияси фаолларининг оиласи, яъни уч юздан кўпроқ киши кўчириб келтирилганини биларди. Агар улар ҳимоясиз қолдирилса, шаҳарда даҳшатли қирғин рўй бериши турган гап эди.

Шаҳарда зобитлардан, фақат икки киши — Рудницкий билан ўзи, сержант бошчилигидаги яхши тайёргарлик кўрмаган ёш жангчиларнинг кичик бўлимаси, милтиқ отишни аранг эплайдиган халқ армиясининг ўттиз нафар жангчиси қолганди. Шимол томондан эса мужоҳидларнинг бир ярим минг кишилиқ тўдаси бостириб келарди. Вазият зудлик билан бир қарорга келишни тақозо этарди. Ихтиёрларида атиги бир соат вақт қолганди. Бир-бир ярим соатдан сўнг мужоҳидлар шаҳарга киришади. Уларнинг бахтига шаҳарда иккита оғир пулемёт ва бир неча ўнлаб гранатомётлар қолган ва омборда ётарди. Асанов қирқ дақиқа давомида афғон аскарларига нима қилиш кераклигини тушунтирди, яна ўн дақиқани совет аскарларига топшириқ беришга сарфлади, беш дақиқа вақти Рудницкий билан гаплашишга кетди.

Игор ҳақиқий ҳарбий эди. Асановнинг режасини аллақачон тушунган, илож-сизликдан таввақкалига иш тутилаётганини, аммо пишиқ-пухта ҳаракат қилинса, муваффақиятга эришиш мумкинлигини ҳам биларди.

Асановнинг режаси эса жўнгина эди. Мужоҳидлар шимолдан — дарё тарафдан келаётганди. У шаҳарга кириш жойдаги тепалиқ устига иккита пулемётни ўрнатди. Ҳар бирининг ёнига пулемётчига мадад бериш ва орқадан бўладиган ҳужумни қайтариш учун тўрттадан аскар қўйилди. Афғон халқ армияси аскарлари эса яқинлашиб келаётган мужоҳидларни айланиб ўтиб, ўнг томондан уларнинг сафига зарба беришлари ва дарё томонга қисиб боришлари керак эди. Жойнинг тузилиши афғон аскарларига душман жангчиларига жуда яқин бориб, тепадан ҳужум қилишга имкон берарди. Шу мақсадда у аскрларга гранатомётларни бўлиб бериб, ҳужумни қандай амалга ошириш лозимлигини батафсил тушунтирди. Улар билан бирга жанговор тажрибаси ва маҳоратига умид боғлаб, сержантни ҳам жўнатди.

Кейин шахсан ўзи биринчи пулемёт ёнига келди. Иккинчисини Рудницкий эгаллаганди. Улар шаҳардан чиқиб кетишга, ўзларини қутқаришга бемалол угурарди. Умуман олганда, пулемёт отиш, муҳолифат тўдаларини ўққа тутиш мутлақо ҳарбий разведка зобитининг иши эмасди. Бироқ Асанов аёллар ва болаларни ташлаб кета олмади. Бу унинг зобитлик шаъни ва номуси хусусидаги тушунчаларига зид эди. Энди ғанимнинг ҳужумини кутишигина қолганди.

Улар ҳужум бошлаганларнинг қийқириғини беш юзта сара отларнинг туёғи ерни ларзага солмасдан олдинроқ эшитишди. Мужоҳидлар шаҳарнинг эгасиз эканини билиб, диндан қайтганлардан қасос олиш иштиёқида хуш-хандонлик билан бостириб келарди. Шу лаҳзада пулемётлар тилга кирди.

Ҳужумчиларнинг олдинги сафи аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Оғир пулемётлар тўғридан-тўғри отлар ва одамлар тўдасини ўққа тутарди. Ҳар бир ўқ ўз нишонини топаётганди. Мужоҳидлар тактикани ўзгартириш кераклигини, акс ҳолда икки пулемёт ҳаммаларини бир ёқли қилиши мумкинлигини фаҳмлаганча, беш дақиқа вақт ўтди. Улар отларни қолдириб, пулемётчиларга чор тарафдан томондан ҳужум қилиш мақсадида тепалиқни айланиб ўтмоқчи бўлишди.

Аммо, оғир пулемётлар, фақатгина тўғрига эмас, айланасига ўқ узишга мослашгани душманларни кўрқув ва саросимага солиб қўйди. Бунинг устига ҳимояда турган автоматчилар ҳеч кимни яқинлаш-тирмасдан, пулемётчиларнинг бемалол бурилиб, ордан келаётган жангариларни ҳам ўққа тутишларига имкон яратиб берарди.

Ярим соатлик жанг давомида мужоҳидлар ўлганлар ва ярадорлар билан қўшиб



ҳисоблаганда юздан ортиқ кишисидан ажралди. Шундагина улар ҳужумдан бутунлай воз кечиб, бир неча миномётни ўрнатиб, ўша тепаликларни жадал ўққа тута бошлади. Аммо, энди кеч бўлганди. Улар тўдаси бирданига бир неча гранатомётчиларнинг зарбасига тутилди. Кейин ҳамжиҳатлик билан ёғдирилган ўқлар шиддатидан душманлар қўрқувга тушди. Гранаталар ҳар тарафда узлуксиз портларди. Айниқса, отлар тўдасига тушган гранаталар омад келтирди, чўчиб кетган отлар ўзини ҳар томонга отиб, алғов-далғовни баттар кучайтирди. Фанимларнинг таҳликага тушганидан илҳомланган халқ армияси аскарлари, рақиблар тўдаси сон борасида ўзларидан анча устун эканига қарамай, ҳужумга ўта бошлагач, сержант ўзининг кичик гуруҳини базўр тўхтатиб қолди.

Умумий ҳисобга кўра, Кўҳисангда мужоҳидлар икки юздан ортиқ одамидан айрилди, гарчи, орқасидан ҳеч ким қувмаса-да, тирик қолганлари қочишга тушди. Душманлар чекинаётган пайтда иккинчи пулемётнинг жимиб қолганидан хавотирланган Асанов иккинчи тепаликка кўтарилиб, тўшпадан-тўғри тушган душман миначидан Игорнинг ҳалок бўлганини ва тилка-тилка бўлиб ётганини кўргач, алаmidан дод, деб юборай деди.

Уч соатдан сўнг шаҳарга совет қўшинларининг моторлаштирилган қисмлари етиб келди. Агар капитаннинг ҳалок бўлганини ҳисобга олмаганда, Асанов ва унинг одамлари ҳақиқатан ҳам ажойиб ғалабага эришганди. Беш юзта қуролланган мужоҳидларнинг жанговор тўдаси яксон қилинди. Лекин, бу томондан ҳам беш киши ўлган ва ўн етти жангчи яраланганди. Айниқса, ўлганлар орасида капитан Игор Рудницкийнинг борлиги ғалабанинг таъмини заҳар-заққумга айлантирганди.

Шаҳар майдонида йиғилган аҳоли одамлар ҳалок бўлган зобитнинг жасадини БМПга қандай ортишаётганини жимгина кузатиб туришарди. Кўшгина аёллар марҳум аслида ўзларини мужоҳидларнинг қирғини ва хўрлашидан сақлаб қолганини ҳам яхши англаб турарди. Бироқ, Шарқнинг ўзига хос анъана ва одатларига кўра, жасаднинг ёнига бирор киши яқинлашмади.

Биров бир оғиз сўз ҳам айтмади — ҳалок бўлган “шўровий”ни сукут сақлаб кузатишди. Капитан Игор Рудницкийнинг жасади ватанига — Москвага жўнатилди. Қоидага биноан, мина зарбидан бурдаланган тана онаси ва бошқа яқинларининг кўзи тушмасин учун ёпиқ тобутга солинганди.

Кейинчалик Афғонистонга Игорнинг отаси келди. Асановни қидириб топгач, ўғлининг сўнгги жанги ҳақида гапириб беришни сўради. Акбар қандай бўлса шундайлигича, ҳеч нарсани яширмасдан сўзлади.

Сўлғин юзлари шишинқирган генерал унинг гапини индамай эшитди. Унинг ғам-ғусса чўккан кўзларида Асанов, барибир фахр учқунлари ялтираганини илғади. Авлод-аждоди ҳарбий ўтган оилаларда ўзининг бурчини шараф билан ўтаб, ватан учун ҳалок бўлиш ўзига хос ифтихор саналарди. Отанинг оғир ва ададсиз ғамини ўғлининг ҳақиқий зобит, чинакам қарҳрамон сифатида ҳалок бўлганини на озроқ енгиллаштириши мумкин эди, холос.

Икки ойдан сўнг майор Асанов ва марҳум капитан Рудницкийга Совет Иттифоқи Қарҳрамони унвони бериш тўғрисидаги Фармон эълон қилинди. Орадан кўп йиллар ўтгач, ҳеч қачон уруш кўрмаган вайсақиларнинг Афғонистонда ҳалок бўлган йигитларни босқинчи ва зўравон, деб атаганларини эшитганда, Асанов генерал Рудницкийнинг ўглидан жудолик азоби аралаш гурур чақнаган кўзларини эсларди. Яна шуни ҳам билладикки, ўзининг ҳарбий бурчини шараф билан адо этиш жинояткорона тавакалчиликка шериклик, зобитнинг жанг майдонида ҳалок бўлиши нўноқ қўмондонлик тарафидан амалга оширилган босқинчилик сиёсатининг бемаъни оқибати, деб ҳисоблашга бу ёруғ оламда ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Унинг назарида Афғонистонни уруш гирдобига торт-

Чингиз Абдуллаев \_\_\_\_\_ Борса келмасдан қайтганлар

ган сабабларнинг қандай шарҳланишидан қатъи назар, ушбу заминда жон берганларнинг ҳаммаси асл қаҳрамонлар эди. То абад.





*Давоми бор*

*Русчадан  
Бахтиёр РИЗО  
таржимаси*



---

## Янги нашрлар

АБДУЛЛА ОРИПОВ. **“Менга хуш хабар айт”**. Шеърлар. Адади 5000. “Маънавият” нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Юртимиздаги ҳар бир қалам аҳли ўз сози, ўз овози ила Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйларига муносиб тўхфа билан кириб келмоқдалар. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ҳам ушбу азиз ва улуг байрамга атаб “Менга хуш хабар айт” янги шеърый тўпламини ўқувчиларга тўёна қилди.

Китобда шоир аввало, она юртни тараннум этади, халқимизнинг меҳр-муҳаббатини куйлайди. Қолаверса, ҳаёт ва мангулик, инсон тақдири, иймон, диёнат, эзгулик каби умрбоқий мавзуларни қаламга олади.

Тўплам муаллифнинг янги шеърларидан иборат. Шунингдек, Дантенинг таржимони сифатида шоирнинг Италияга қилган ижодий сафари жараёнида кўнгил дафтарига тўкилган шеърлари ҳам китобга киритилган.

НОДИР НОРМАТОВ. **“Рўзи Чориевнинг сўнги васияти”**. Роман-эссе. Адади 2000. “Санъат” нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Таниқли рассом Рўзи Чориев: “Санъатни севиш, унда из қолдириш учун аввало бутун коинотни ва албатта, одамларни яхши кўриш керак. Чунки ҳар қандай санъат бутун олам билан чамбарчас боғлиқ”, деган эди. Ёзувчи Нодир Норматов рассом Рўзи Чориевни яқиндан билганлиги сабабли ҳам унга атаб роман-эссе яратди.

Ушбу роман-эсседа муаллиф машҳур рассомнинг болалиги, машаққатли ҳаёт йўли тўғрисида кенг тасаввур беради. Асарда Рўзи Чориевнинг санъат оламига кириб келиши, бу сирли-сеҳрли дунёга бир умр мафтун бўлиб яшагани ва ички оламидаги сеҳрларни ўзи яратган расмларга кўчириш жараёни кенг тасвирланади. Муаллиф тасвирий санъат тарихи ва назариясига оид тадқиқотларни, рассом яшаган давр матбуоти материаллари ҳамда рассомнинг архивини синчиклаб ўрганган. Халқ рассоми Рўзи Чориевнинг ҳаёт йўли орқали ўқувчиларни тасвирий санъатнинг ўзига хос сирли олами билан яқиндан таништиради.

Китобдан рассом архивидан олинган фотосуратлар, Р.Чориевнинг элликка яқин рангли иллюстрациялари, унинг турли санъаткорлар, ёзувчилар, шоирлар, мухлислари билан тушган суратлари ҳам жой олган.

АБДУЛЛА ШЕР. **“Ёмғирлар оралаб”**. Шеърлар, балладалар, таржималар. Адади 2000. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Таниқли шоир Абдулла Шернинг мазкур тўплами янги шеърлар, балладалар, таржималардан ташкил топган. Китобни ўқир экансиз, шоирнинг ёшлик йилларида ёзган, лекин машқ дафтарида сақланиб, энди қайта жило берилган шеърлари билан ҳам ошно бўласиз. Улардаги ёшлик нафаси, қувноқ руҳ, ҳарорат уфуриб турган мисралар кўнглингизга хушнудлик олиб киради.

Китоб “Ёмғирлар оралаб”, “Бағишловлар”, “Муҳаббатнинг ранглари”, “Ёқилган дафтарлардан”, “Учқунлар”, “Лорелейнинг қўшиғи” туркумларидан иборат.

Шунингдек, ундан улуг олмон шоири Хайнрих Хайне лирикасидан қилинган таржималар ҳам ўрин олган. Китобдаги оташин ҳарорат, жозибали шеърӣй образлар, янгича оҳанглар, таржималардаги юксак маҳорат китобхонга эстетик завқ бағишлайди.

**НАРИМОН ҲОТАМОВ. “Даврага шеър улашинг”.** Адади 3000. “MERIYUS” нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Бадиий адабиётни яхши билиш, шеърӣятни англаш ва севиш, кўп шеър ёзиш ҳамда уни ўрнида тингловчига етказа билишнинг ўзи катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга. Каттами-кичикми, бир даврани бошқараётган киши ўз нутқини шу тантанага мос шеър ёки шеърӣй парчалар билан безаса, тингловчиларга завқ-шавқ бахш этади, нутқи жозибали, таъсирли бўлади.

Таниқли ношир Наримон Ҳотамовнинг “Даврага шеър улашинг” (табрик ва тилак назми) китобида тўпланган шеърлардан тўй ва юбилейларда, турли учрашув кечаларида, Наврўз, 8-Март, Мустақиллик, Янги йил байрамларида, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кунни, умуман, барча касбий байрамларни нишонлаш тантаналарида фойдаланиш мумкин. Унда, жумладан она-Ватанга ва аёлга эҳтиром, одамийлик, дўстлик, камтарлик, фарзанд ҳақида ажойиб шеърлар бор.

Китоб ўн уч фаслдан иборат. Шунингдек, тўйхатлар, китобда зикр этилган шоирлар ҳақида қисқача маълумотлар ҳам берилган.

**АНВАР ОБИДЖОН. “Мешполвон”.** Адади 3000. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Кейинги йилларда республикамиз нашриётларида болаларга мўлжаллаб чоп этилаётган китоблар сони тобора ортиб бориши қувонарли ҳол. Айниқса, “Болалар кутубхонаси” туркумида нашр этилган қизиқарли асарлар мухлисларга ҳар жиҳатдан маъқул бўлмоқда.

Халқ шоири Анвар Обиджоннинг машҳур “Мешполвон” дoston-қиссаси лотин алифбосида нашр этилди. Халқ бахшилари анъаналарига таяниб битилган бу асарга Мешполвон ва унинг бир-биридан қувноқ, ҳозиржавоб аскарлари иштирокидаги ҳангомаларга бой, айни чоғда, ўқувчини ўйлантирадиган фалсафий фикрлар сингдирилган. “Мешполвон” дoston-қиссаси китобхонларни яна бир бор ўзига ром этиши турган гап. Китоб ёш китобхонлар дидига мос қувноқ расмлар билан безатилган.

**НАИМ ҲОЙИБОВ. “Донишманд”.** Адади 1000. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Мазкур китоб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган. Унда аллома файласуфнинг ижтимоий-сиёсий, илмий педагогик фаолиятига доир маълумотлар берилган. Китоб муаллифи Иброҳим Мўминовнинг кучли фалсафий мушоҳадаси, улкан истеъдоди орқали Марқазий Осиё файласуфлари ичида биринчилардан бўлиб, Гегел диалектикасининг мазмун-моҳиятини объектив ва чуқур очиб бера олганлигини эътироф этган.

Китобда олимнинг яна бир шоҳ асари “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” ҳам кенг таҳлил қилинган. Муаллиф бу асарга тўхталар экан, буюк файласуф Мирзо Бедилнинг қарашларига алоҳида меҳр, эътибор билан ёндашганини қайд этиш керак. Устоз Иброҳим Мўминов Бедил фалсафасини, айниқса, борлиқ, билиш назарияси, инсон ҳақидаги чуқур фикр-мулоҳазаларни, шунингдек, қатор фалсафий тушунчаларини зўр маҳорат билан тадқиқ этгани китобда ишончли далиллар асосида чуқур очиб берилади.

ЎТАМИШ ҲОЖИ ИБН МУҲАММАД ДҮСТИЙ. “Ўтамиш Ҳожи тарихи”. Рисола. Адади 1000. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Хоразм тарихнавислик мактаби ҳақида сўз юритилганда, кўпроқ Абдулғози, Мунис, Огаҳий ва Баёний каби улуг муаррихлар номи зикр қилинади. Улардан илгарироқ, яъни XVI асрда “Ўтамиш Ҳожи тарихи” номли ажойиб тарихий-бадий асар яратган Ўтамиш Ҳожининг номи ва асари эса кўпчиликка яхши маълум эмас. Бунинг сабаби мазкур асарнинг ғоят кам нусхаларда сақланиб қолганидир. Ушбу китоб ўрта асрлар ўзбек адабиёти ва тарихнавислигининг дурдона асарларидан биридир.

Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дүстийнинг “Ўтамиш Ҳожи тарихи” асари XVI асрда Хоразмда туркий тилда битилган. Асарда Жўжихон авлодларидан бўлган Дашти Қипчоқ хонлари – Сойинхон (Асли номи Ботухон), Беркахон, Ўзбекхон ва бошқа ҳукмдорлар тарихи содда, раvon ва қизиқарли тарзда баён этилган. Мазкур китоб муҳим тарихий манба бўлиш билан бирга, ўша даврдаги ўзбек адабий ва халқ тилини ўрганишда ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Асарнинг тили ва услуби халқона бўлиб, ўзбек халқ дostonлари руҳида битилгани сезилиб туради.

Китобни таниқли шарқшунос олим, ёзувчи Фулом Каримов нашрга тайёрлаган.

МИРПҶЛАТ МИРЗО. «**Сурур**». **Мақолалар, эсселар, шеърлар**. Адади 500. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Таниқли шоир, таржимон ва адиб Мирпўлат Мирзонинг ушбу китоби мустақиллигимизнинг машаққатли ва сурурли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ижтимоий-маърифий мақолалардан ташкил топган. Улар мамлакатимизда кечаётган шуқуҳли юксалишлар ва адабий-бадий жараёнларга уйғоқ қалбли зиёлининг фаол муносабатини ўзида акс эттирган.

Ватан озодлиги, инсоннинг маънавий дунёси ҳақидаги мақолалар, номдор ижодкорларнинг ибратли тақдирлари акс этган хотира ва суҳбатлар, она юрт ва хориж қиёси қаламга олинган сафар таассуротлари ҳамда шеърлар ижодкор истеъдодининг ранг-баранг қирраларини мужассам қилган.

АСРОР МҶМИН. «**Ёлғиз сенга юкундим, юртим!**». Адади 1500. «Turon-Iqbol» нашриёти. Тошкент. 2009 йил.

«Ҳар бир инсон ўзи ўсиб-улғайган мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак». Ушбу китоб дунёдаги энг қадимий ва муқаддас қўлёзмалардан бири ҳисобланган «Авесто» китобидан олинган шу ҳикмат асосида ёзилган энг гўзал мамлакат – Ўзбекистонга бўлган меҳр туйғулари йўғрилган мақола билан бошланади. Шунингдек, китобдан XX аср машҳур шоирлари – Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Роберт Рождественскийларнинг сара шеърлари ва уларга битилган шарҳлар «Алпомиш» қаҳрамонлик достонимиздаги ҳаяжонли кураш лаҳзаси, спортнинг Ватан шуҳратини дунёга тараннум этишдаги мўъжизавий куч-қудрати, Урганчда туғилган таниқли эстрада хонандаси Анна Герман ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги адабий-публицистик мақолалар ҳам ўрин олган.

